

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР
ИНСТИТУТ ИСТОРИИ И АРХЕОЛОГИИ

Х. Т. ТУРСУНОВ

ОБРАЗОВАНИЕ
УЗБЕКСКОЙ СОВЕТСКОЙ
СОЦИАЛИСТИЧЕСКОЙ
РЕСПУБЛИКИ

ИЗДАТЕЛЬСТВО АКАДЕМИИ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

ТАШКЕНТ - 1958

Ҳ. Т. ТУРСУНОВ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ
СОЦИАЛИСТИК
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
БАРПО ЭТИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси

— 0 —

312

Ўзбекистон Республикаси

Тел. 08-68-55

10245

Ҳ. Т. Турсуновнинг марксизм-ленинизм классикларининг асарлари ва кўп сонли архив материаллари асосида ёзилган бу китоби Ўзбекистон ССРнинг барпо этилиши тарихи бўйича илмий умумлаштириш ва хулосалардан иборатдир. Ўзбекистон ССР барпо этилишининг тарихий шароити ва Ўрта Осиё республикаларини миллий чегаралашнинг аҳамияти курсатилган.

Китоб тарихчи мутахассисларга, шунингдек кенг китобхонлар оммаси, олий ўқув юрти студентлари, мактаб ўқувчилари ва ўқатувчилари ҳамда бошқалар учун мўлжалланган.

Қ И Р И Ш

Ўзбек ерларининг ягона Совет социалистик давлатга бирлаштирилиши муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлиб, Коммунистик партия миллий сиёсати ғалабасининг ёрқин намунасидир.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижасида Коммунистик партия раҳбарлиги остида ва улуғ рус халқининг оғаларча ҳар томонлама ёрдами туфайли, Ўзбек халқи ижтимоий ва колониал қуллик занжиридан озод бўлди ва ўзининг Совет миллий давлат тузумини ривожлантириб, социализм қуришга эришди ва эндиликда муваффақият билан коммунизм қураётир.

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг улуғ оиласига бирлашган миллий Совет республикалари, шу жумладан Ўзбекистон ССРнинг барно этилиши тарихини ўрганиш совет тарихшунослиги фанининг муҳим масалаларидан биридир. Бу нарса совет ижтимоий ва давлат тузумининг яратилиши ва мустақамланишининг тарихий йўлини ҳар томонлама ёритишга, совет ватанпарварлигини тарбиялашга ва мамлакатимиз халқлари дўстлигини мустақамлашга ёрдам беради.

Шунинг билан бирга, совет миллий давлат қурилиши тажрибаларини умумлаштириш муҳим халқаро аҳамиятга эгадир. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати миллий сиёсатининг ютуғи муваффақият билан янги ҳаёт қураётган қардош халқ демократияси мамлакатларининг ва капиталистик, мустамлака ҳамда қарам мамлакатларнинг демократик эркинлик, мустақиллик ва социализм учун қурашаётган халқларининг миллий масалани ҳал қилишида намунадир.

Чет эллардаги миллионларча кишилар совет республикалари яратилиши ва ривожланишининг тарихий йўлини, Коммунистик партия миллий сиёсатининг амалга оширилишини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Тарихшуносларимиз олдида турган муҳим масалалардан бири тарихни сохталаштирувчи буржуа олимларини бутунлай фолш этиб, Шарқдаги совет республикаларининг яратилиш ва

ривожланиш тарихининг ҳақиқий йўлини кўрсатиб беришдан иборатдир.

Ўрта Осиёни миллий чегаралашга тайёрлаш ва уни ўтказиш даврида буржуа тарихчилари ва юристлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг миллий сиёсатини қораламоқчи бўлдилар, улар миллий чегаралашни «большевикча айёрлик», Ўрта Осиё халқларини сунъий равишда парчалаб ташлаш деб эълон қилдилар.

Ҳозирда ҳам баъзи реакцион «олимлар» ва ёзувчилар Ўрта Осиё совет республикаларининг миллий-давлат тарзида чегараланиши тўғрисида, уларнинг иқтисодий ва сиёсий мавқеи ҳақида турли-туман уйдирмалар тўқимоқдалар. О. Кароу деган шахснинг 1954¹ йилда Лондонда қайта нашр этилган анча катта ҳажмли асари бундай сохталаштиришга мисол бўла олади. Бу асарда Ўрта Осиё совет республикаларининг ташкил бўлиш тарихи ва ҳозирги экономикаси, уларнинг сиёсий мавқеи бузиб кўрсатилган.

А. Беннигсеннинг « „The Islami revien“² номли инглиз журналида босилган «Совет Иттифоқининг мусулмон халқлари ва Советлар» деган мақолалар серияси тўхматдан иборат муҳокама ва хулосалар билан тўлиб-тошган. Мақола автори ҳақиқий тарихни нотўғри акс эттириб ва Совет ҳокимияти йилларида Ўрта Осиё халқларининг ўз маънавий ва моддий кучларини, миллий давлат тузумини ривожлантиришда буюк ютуқларга эришганини инкор қилиб, Коммунистик партиянинг миллий сиёсатини қоралайди ва гўё СССРда «мустамлакачилик» ҳукм сурмоқда, деган бўҳтонларни тарқатмоқчи бўлади.

Буржуазия малайларининг бундай чиқишлари бежиз эмас. Ўрта Осиёда миллий чегаралашнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва совет давлат тузумининг ривожланиши чет эллардаги реакцион кучларни ҳаддан ташқари ғазаблантирмоқда. Импералистик доиралар ва уларнинг малайлари Ўрта Осиёда ўз агрессив планларининг бутунлай муваффақиятсизликка учраганини яшириш, Совет Шарқининг эзилган мустамлака халқларга кўрсатаётган самарали таъсирини кучсизлантириш учун қабих бўҳтон ва ёлгон-яшиқлардан фойдаланмоқдалар.

Аммо чет эллардаги прогрессив кишилар Совет Иттифоқида миллий республикаларнинг яратилиши ва ривожланиши тарихига зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. Уларнинг кўплари СССР га келиб, янги, коммунистик жамият қураётган мамлакатимиз халқлари катта ютуқларни қўлга киритганини ўз кўзлари билан кўрмоқдалар.

* * *

Ўзбекистон ССРнинг барпо этилиш тарихи ўз актуаллигига қарамай, совет тарих адабиётида ҳалигача етарли даражада ёритилмасдан келмоқда. Биз ўрганишга киришаётган темада фақат бир неча кичик китоб ва мақолаларгина мавжуддир.

И. Ходоровнинг 1925 йилда³ нашр этилган «Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши» номли мақоласида миллий-давлат чегараланишининг умумий йўли қисқача баён этилган. Унда Ўзбекистон ССРнинг барпо этилишига доир бир қанча материаллар бор. Мақола автори янги республикалар ва областларнинг халқ хўжалиги қиёфасининг характеристикасига алоҳида аҳамият беради. Лекин мақола обзор характерига эга, унда зарурий хулоса ва умумлаштиришлар йўқ. Мақолада Ўрта Осиё миллий давлат бўлиб чегараланишининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари тўғрисида фикр юритилмаган, янги миллий республикаларнинг чегараларини белгилаш принциплари ҳақидаги масалалар тўлиқ ёритилган эмас.

К. Е. Житов ва В. Я. Непомниннинг 1939 йилда ёзилган «Колониал кулликдан социализмга» деган китобида Ўзбекистон ССР барпо этилишининг умумий тарихий очерки баён этилган ва республиканинг 15 йилда эришган муваффақиятлари ёритилган. Китобга Ўрта Осиёни миллий чегаралаш ва Ўзбекистон ССРнинг барпо этилишига доир баъзи ҳужжатлар илова тарзида киритилган.

В. Я. Непомнин 1939 йилда «Миллий чегаралаш Ўрта Осиё халқларининг миллий консолидация этапи сифатида» деган темада кандидатлик диссертациясини ёқлаган эди. Бу асар ҳозир қўлёзма ҳолидадир. В. Я. Непомнин Ўзбекистон ССРнинг барпо этилиши ҳақида бир қанча илмий-оммабоп мақолалар нашр этди⁴

И. К. Додоновнинг республика 25 йиллигига бағишланган ва ЎзССР Фанлар академиясининг юбилей тўпламига киритилган мақоласида Ўзбекистон ССР барпо этилишининг тарихий шарт-шароитлари ёритилган⁵.

Юридик адабиётларда ўзбек давлат тузумининг барпо этилиши, С. Ражабов асарларида⁶, И. И. Қрилцов⁷, И. Д. Левин⁸, Б. И. Манелис⁹ ва бошқаларнинг мақолаларида ёритилган.

* * *

Ўзбекистон ССРнинг барпо этилиши тарихини баён этишга киришар эканмиз, ўзбек халқи совет давлат тузумининг яратилиши Улуғ Октябрь социалистик революцияси натижаси эка-

нини қайд қилиб ўтамыз. 1917 йил октябрь ойидан то 1924 йилгача ўтган давр ичида ўзбек халқининг ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг ҳаётида йирик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар бўлиб ўтди. 1924 йилга келиб Туркистон, Бухоро ва Хоразм халқлари Коммунистик партия раҳбарлигида ўзларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий томондан ривожланишида, совет миллий давлат тузумини яратишда ҳамда уни мустақамлашда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Буларнинг ҳаммаси, Ўрта Осиёнинг бошқа қардош республикалари каби, Ўзбекистон ССРнинг барпо этилиши учун реал шароит яратиб берди. Социалистик революциянинг ғалабаси, Туркистон, Бухоро ва Хоразм совет республикаларининг ташкил топиши ва уларнинг ривожланиши Ўрта Осиё миллий-давлат чегаралашни ўтказиш ва Ўзбекистон ССР барпо этилиши учун муҳим тарихий шарт-шароит бўлди.

1924 йилда миллий-давлат чегаралаш ўтказилиши ва Ўзбекистон ССРнинг барпо этилиши, Ўрта Осиёнинг бошқа қардош республикаларидаги каби, Ўзбекистонда ҳам Октябрь революцияси ва совет социалистик тузумининг янада ривожланишининг муҳим босқичларидан бири ҳисобланди.

Авторнинг тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун ёзган ва 1951 йилда КПСС Марказий Комитети қошидаги Ижтимоий фанлар академиясида ёқланган диссертацияси ушбу асарга асос қилиб олинди. Автор қўлёзмани нашрга тайёрлаш процессида оппонентлар ва рецензентларнинг танқидий мулоҳазаларини ҳисобга олиб, унинг кам-кустини тузатди, янги материаллар билан тўлатди ва зарур умумлаштиришлар қилди. Автор бу асарни ёзишда тилга олинган масалалар бўйича марксизм-ленинизм классиклари асарларида ишлаб чиқилган назарий фикрларга ва Коммунистик партия ҳамда совет ҳукумати қарорларига асосланди. Автор В. И. Лениннинг бой назарий меросидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилди, чунки мамлакатимизнинг бошқа халқлари каби, ўзбек халқининг совет давлат тузумини яратиш ва уларни СССРда жинслаштириш В. И. Ленин номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Асарда Марксизм-ленинизм институтининг Марказий архивидаги (Москва) ва унинг Ўзбекистон филиалидаги (Тошкент), Октябрь революцияси ва СССР ҳамда ЎзССР социалистик қурилиш Марказий давлат архивларидаги архив материалларидан фойдаланилди. Бу материаллар орасида биз ўрганаётган масалаларга оид қимматли ҳужжатлар бор.

Марксизм-ленинизм институтининг Марказий архивидаги автор кўздан кечирган 122 (ВЦИК ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Турккомиссияси) фондида Ўрта Осиёда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва уни мустақамланишини харак-

терловчи муҳим материаллар бор (Туркистонда совет автономиясининг тузилишини ва мустақамланишини, Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларининг барпо этилиши). Уша архивнинг 62 (ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси) фондида 1922—1924 йиллар ичида Ўрта Осиё республикаларининг ривожланиш процессини кўрсатувчи ҳужжатлар, Ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралашни тайёрловчи ва уни ўтказувчи раҳбар партия ташкилотларининг муҳим қарор ва ҳужжатларининг деярлик ҳаммаси бор:

ЎзКП Марказий Комитети Партархиви (ИМЛнинг Ўзбекистон филиали)даги 14, 57, 58, 60, 361 фондлар муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Уларда Туркистон, Бухоро ва Хоразм Коммунистик партияларининг фаолияти, ҳамда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг яратилиш тарихи баён этилган. Шунингдек, биз Ўрта Осиё республикалари совет органларининг ишлари ҳақидаги, биз ўрганаётган даврдаги Ўрта Осиё республикалари экономикаси ва маданиятининг аҳволи ҳақидаги материаллардан ҳам фойдаландик. Бу материаллар (Москвада) Октябрь революцияси ва СССР социалистик қурилиши Марказий давлат архиви (ЦГАОР ва СС)да 1386, 1316 ва бошқа фондлар) ҳамда ЦГАОР ва СС ЎзССРда (9, 17, 25, 36, 47, 48, 49, 71, 78, 86, 88, 873 ва бошқа фондлар) сақланмоқда.

Ниҳоят, автор бу асарини ўз ўтмишдошларининг тажрибалари билан бойитиш мақсадида, Совет тарихшунослари, юристлари ва бу даврни ўрганувчи бошқа текширувчиларнинг матбуотда эълон қилинган асарларидаги қимматли ва фойдали томонларини ҳисобга олишга ҳаракат қилди.

Бу китоб теманинг ҳамма масалаларини тўлиқ ва ҳартомонлама ёритиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эмас. Совет тарихшунослари коллективи иштирокидагина бундай ишни амалга ошириш мумкин. Автор бу китобнинг мазмунини ҳақидаги мулоҳаза ва истакларини маълум қилган китобхонларга ўз миннатдорлигини билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР БАРПО ЭТИЛИШИНING ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

1. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНING ФАЛАБАСИ, ТУРКИСТОН АССРNING БАРПО ЭТИЛИШИ ВА УNING МУСТАҲКАМЛАНИШИ

Мустамлака даврида Ўрта Осиё Россия империяси составига бевосита кирган Туркистон генерал-губернаторлигига ва сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан чор Россиясига бутунлай қарам бўлган Бухоро ва Хева хонлиқларига бўлинган эди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши Ўрта Осиё халқлари ҳаётини ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан анча олға силжитди.

Рус капитализми, бошқа чекка ўлкалар каби, ўрта Осиёни ҳам дунё товар муомаласига тортди, эски патриархал биқиклик қолдиғи каби маҳаллий хусусиятни йўқ қилди¹⁰. Чор ҳукуматининг Туркистон ишлабчиқариш кучларининг ривожланишини тўхтатиб қўйишга уринишига қарамасдан, бу ерда саноатнинг баъзи тармоқлари ривожлана бошлади.

1913 йилда Туркистонда 706 та фабрика- завод саноат корхонаси бўлиб, уларда 20925 ишчи ишлар эди¹¹. Шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон территориясида 17959 ишчиси бўлган 425 та саноат корхонаси бор эди. Туркистон ишчиларининг 15 минги маҳаллий миллат кишилари эди¹², бу, маҳаллий миллатлар ичида пролетариатнинг пайдо бўлишини кўрсатади. Гарчи Туркистонга нисбатан анча суст бўлса-да, Бухоро ва Хевада ҳам саноат ривожлана борди.

1881 йилда Закаспий (кейинчалик Ўрта Осиё) темир йўли қурила бошлади. Оренбург — Тошкент темир йўли (1906 йилда), сўнгра Фарғона ва Бухоро темир йўлларининг қуриб битказилиши Ўрта Осиёга рус капиталининг кириб келишини янада кучайтирди.

Капитализм ўлканинг қишлоқ хўжалигига ҳам аста-секин кириб кела бошлади. Пахтачиликнинг ривожланиши тифайли унинг кириб келиши янада кучайди. Қишлоқларда деҳқонларсинфий табақалана бошлади, натижада қишлоқ пролетарлари пайдо бўлди.

Аммо ўлка ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишда умуман орқада қолган эди. Маълумки, Ўрта Осиё ривожла-

нишнинг капиталистик босқичини босиб ўтган эмас ва бу ерда Октябрь революциясига қадар феодал муносабатлар сақланиб қолди. Бухоро ва Хева хонликлари ижтимоий-иқтисодий муносабатларда Туркистондан ҳам қолоқ эди.

Аҳолининг кўнчилик қисми меҳнаткаш деҳқонлардан, шунингдек ишчи ва ҳунармадлардан иборат эди, ҳаддан ташқари камбағаллик ва ҳуқуқсизлик ҳукм сурар эди.

Чоризм миллий чекка ўлкаларда, шу жумладан Ўрта Осиёда ҳам патриархал-феодал зулми атайлаб сунъий равишда сақлашга, бу районларнинг ишлаб чиқариш кучлари ривожланишини қасддан пасайтиришга уринган эди. Ерни нимкорлик асосда ижарага бериш (чорикорлик, ишлаб бериш ва бошқалар) ва судхўрлик асорати кўпчилик деҳқонлар оммасига оғир юк бўлиб тушар эди.

Туркистон ўлкаси, Бухоро ва Хева хонлиklarининг меҳнаткаш оммаси элементар сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум эди. Чоризм Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқининг ҳам сиёсий ва маданий томондан ривожланиши ҳамда давлат тузумини барпо қилиши учун тўсқинлик қилар эди.

«Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақида низом» (1886 йил) ўлканинг ҳарбий ва маъмурий жиҳатдан биргаликда бошқариш принципига асосланган эди. Мустамлака Туркистон тепасида подшонинг ноиб — генерал-губернатор турар эди. У, ўлканинг бош бошлиғи, шунинг билан бирга, Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони ҳам эди. Туркистон областларида бошқармалар ҳарбий губернаторлар, уездларда эса уезд бошлиқлари қўлида бўлиб, улар уезд ҳарбий қисмларига ҳам қўмондонлик қилар эдилар.

Чор ҳукумати ўлкадаги аҳолининг бой табақага мансуб кишиларидан ўз синфий таянчи сифатида фойдаланиб, Туркистонни ички бошқарма деб аталган «сайланма» волость бошқармалари, оқсоқолликларга, шариат қозиларига ва бошқалар илтифатига топшириб қўйган эди. Бу маҳаллий идоралардаги кишилар йирик ер эгалари, руҳонийлар ва маҳаллий буржуазия вакилларидан иборат эди. Мустамлака маъмуриятининг ёрдамчиси ҳисобланган бу доиралар майда хўжалик ишлари билан, аҳолидан солиқ ва ўлпон йиғиш ҳамда бошқа ишлар билан шуғулланган. Улар сиёсий характердаги ҳуқуқлардан маҳрум эдилар.

Ҳам чор мустамлака маъмуриятига бўйсунган, ҳам хонҳокимиятига қарам бўлган Бухоро ва Хева хонлиklarининг аҳолиси жуда оғир зулм остида қолган эди. Хонлар, амирлар, ҳокимлар, беклар ва дунёвий ҳамда руҳоний феодалларнинг ўзбошимчалиги ва жабри ҳаддан ташқари кучайиб кетган эди.

Чор ҳукуматининг, шунингдек Бухоро ва Хева хонликлари ҳокимиятининг, «бўлиб ол ва даврон сур» деган принципига

асосланган миллий сиёсати халқлар орасида миллий низо чиқаришга қаратилган эди.

Революцияга қадар Ўрта Осиё халқларининг маданий савияси жуда паст эди. Туркистон, Бухоро ва Хева аҳолисининг деярли ҳаммаси саводсиз бўлиб, реакцион мусулмон руҳонийлари томонидан тарқатилган, хурофот ҳамда диний таассубларнинг асоратида эдилар.

Шундай қилиб, мустамлака даврида Ўрта Осиё чор Россиясининг иқтисодий, сиёсий ва маданий томондан қолоқ чекка ўлкаларидан бири эди.

Оғир социал ва миллий зулм Ўрта Осиёнинг кўпчилик халқ оммаси ўртасида кучли норозилик туғдирди. Улар чоризмга ва хонларга, помещиклар ва капиталистларга қарши қайта-қайта кўзғолон кўтардилар.

Уша даврда миллий буржуазиянинг идеологлари бўлган жадидлар аҳолининг онгини миллатчилик руҳи билан заҳарламоқчи бўлдилар; миллий демократик интеллигенциянинг илғор вакиллари эса, халқларнинг ҳақиқий манфаатини ҳимоя қилиш, Россия билан яқинлашиш позициясида турдилар.

Ўрта Осиё прогрессив интеллигенциясининг кўзга кўринган вакиллари: Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Завқий, Ҳамза, Айний ва бошқалар, бир томондан, Ўрта Осиё халқлари маданий меросининг самарали таъсири туфайли ва, иккинчи томондан, илғор рус маданияти таъсири туфайли камолга етдилар.

В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек, ҳар бир миллатда иккита миллат бор. Великорус миллатининг ҳукмрон доиралари, романовлар ва пуришкевичлар, гучковлар ва струвеларнинг шериклари улғур рус халқининг вакиллари бўла олмас эдилар. Чоризмга қарши фидокорлик билан курашган ва кўпмиллатли Россиядаги рус ҳамда бошқа халқларнинг зўрлик, зулм ва эксплуатациянинг ҳамма турига қарши революцион ҳаракатларида бошчилик қилган илғор рус кишиларигина великорус миллатининг вакиллари ҳисобланадилар. Революцион Россиянинг бевосита таъсири остида мамлакатнинг эзилган ҳамма халқлари сиёсий томондан уйғона бошладилар.

Шундай қилиб, бошқа миллий чекка ўлкаларнинг меҳнаткашлари каби, Ўрта Осиё меҳнаткашларининг ҳам синфий ва миллий-озодлик кураши борган сари рус пролетарларининг бутун мамлакатни ижтимоий ва миллий зулмдан озод қилиш учун олиб борган кураши билан қўшилиб кета бошлади.

Ўлка халқ оммасининг бутун кураши шуни кўрсатадики, улар большевиклар партияси раҳбарлик қилаётган рус ишчилар синфи ёрдами билангина ҳақиқий эркинликка ва мустақилликка эриша олар эканлар. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишининг прогрессив моҳиятини биз мана шуларда кўра-миз.

Урта Осиё халқларининг озодлик учун олиб борган курашларида 1917 йил февраль ойида бўлиб ўтган иккинчи рус буржуа-демократик революциясининг ғалабаси муҳим босқич бўлди. Россиянинг ишчи синфи ва унинг гегемонлиги остида мамлакатнинг камбағал аҳолиси социалистик революция сари катта қадам ташлади.

Февраль буржуа революцияси социалистик революцияга бориш йўлининг биринчи этапи эди. В. И. Ленин «Бу биринчи этап бизнинг революциямизнинг сўнгги этапи бўлмаслигини»¹³ доҳиёна олдиндан кўрди. У, бу революция социалистик революцияга муқаррар олиб боришини таъкидлади.

Февраль революцияси натижасида мамлакатнинг меҳнаткашлари маълум сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритдилар. Ҳамма жойда Советлар — халқ ҳокимиятининг ҳақиқий органлари тузилди. Туркистонда Февраль революцияси ғалабаси туфайли, чоризмнинг ўлкадаги ҳокимияти — Туркистон генерал-губернаторлиги тугатилди. Бу ерда ҳам Советлар тузила бошлади.

Россия ишчилар синфи ва деҳқонларининг қаҳрамонона кураши туфайли Февраль революцияси бўлиб ўтди. Лекин чет эл капитали, асосан инглиз-француз капитали ва халққа қарши бўлган ички элементлар — меньшевиклар ва эсерлар ёрдамида мамлакатда буржуазия ҳокимиятини ўз қўлига олди.

Ҳокимият тепасига чиқиб олган буржуа Муваққат ҳукумат революциянинг бирор асосий масаласини ҳал этишни истамади ва ҳал эта олмасди ҳам.

Муваққат буржуа ҳукумати ва унинг Туркистон комитети мустамлакачилик сиёсатини юргазиб, Урта Осиёни бошқаришда илгариги мустамлака системасини сақлаб қолиш учун ҳаракат қилди. Олдинги чор ҳарбий губернаторлари ва уезд бошлиқлари ўрнига илгари чор амалдори бўлиб хизмат қилган кишилардан область ва уезд комиссарлари тайинланди. Турккомитет ўлканинг халқлари «ёввойи» ва ўз тақдирларини ўзлари белгилашга «ожиз» деб ҳисоблаб, Туркистонни автономия қилиш ҳақида ўйламадилар ҳам. Россиянинг Муваққат буржуа ҳукумати Бухоро ва Хева хонликларини ўз протекторати остида сақлаб қолди.

Меньшевиклар, эсерлар ва маҳаллий буржуазия миллатчилари Муваққат ҳукуматга бўйин этиш керак деб аҳоли ўртасида ташвиқот юргиздилар, улар революцион курашдан бош тортишга чақирдилар. Буржуа-миллатчилар группаси бўлган «Шўрои исломия» (унинг асосини жадидлар ташкил этган эди) ва феодал-клерикал элементлардан иборат бўлган «Уламо» Туркистон меҳнаткашларини рус ишчилар синфи билан бирлашишига тўсқинлик қилди, миллий низо оловини ёқди.

Буржуа ва феодал-клерикал элементлар етилиб келаётган революциядан қаттиқ чўчидилар. Улар Муваққат буржуа ҳу-

ҳукумати ва у ўтказаетган реакцион сиёсатни қўллаб-қувватладилар. «Умум Туркистон мусулмонлар қурултойи» чиқарган қарорлардан бирида йирик ер эгалари, руҳонийлар ва миллий буржуазия вакиллари Муваққат ҳукумати табрикладилар ва унинг сиёсатига бутунлай қўшилганликларини изҳор қилдилар¹⁴.

Тошкентда бўлиб ўтган «уламочилар» қурултойи ҳам Муваққат ҳукуматга ишонч билдирди ва «Шўрои исломия» билан биргаликда бу ҳукуматга ёрдам беришга қарор қилди¹⁵.

Туркистондаги ва Россиянинг бошқа шарқий чекка ўлкаларидаги реакцион буржуа доиралари большевиклар томонидан бир неча марта фoш этилган «маданий-миллий автономия» деган реакцион дабдаласи чиққан эски шиорни кўтариб чиқдилар.

1917 йил июль ойида Қозон шаҳрида бўлиб ўтган Россия мусулмон руҳонийларининг бирлашган съездида Россиянинг ҳамма турк-татарларини тезда маданий-миллий автономияга бирлаштириш тўғрисида бир қарорга келинди¹⁶. Бу съездга Туркистон миллатчиларининг вакиллари ҳам қатнашган эди. Реакцион элементлар бундай қилиш билан Шарқдаги миллий чекка ўлкаларнинг меҳнаткашларини революцион пролетариатдан ва мамлакатнинг ҳамма меҳнаткашларидан яққалаб қўйишга ҳамда Россия халқлари ўртасида ғайри-табiiй равишда ихтилоф чиқаришга ҳаракат қилдилар.

Буржуа миллатчилари ва феодал-клерикал гуруппалар ўртасида Туркия ва бошқа чет давлатларни назарда тутиб иш кўрувчи сепаратив тенденция кучайди. Улар Туркистонни революцион Россиядан ажратиш мақсадида, ўз реакцион манфаатларини кўзлаб, аҳолининг революцион ҳаракатини бостирмоқчи бўлдилар.

Панисломистлар ва пантуркистлар қайси синфга ва бошқаларга мансублигидан қатъий назар, «умумтурк», «умуммусулмон» ҳаракатига қўшилишга чақирдилар. Улар ислом шиори остида «ҳамма мусулмонлар» манфаатининг бирлиги ҳақида ривоятни тарқатиб, миллий районлардаги синфий қарама-қаршиликларни қоронғилатишга, маҳаллий миллат меҳнаткашларининг революцион курашини кучсизлантириш, уларни рус ишчилари ва деҳқонларига қарши ўчакиштириш ва шунинг билан бирга, чекка ўлкалардаги халқлар устидан реакцион кучларнинг ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилдилар. Шу мақсадда панисломистлар ва пантуркистлар «гўё Россиянинг ҳамма мусулмонларини турли гуруппаларга бўлмасдан, уларни бир миллат деб ҳисоблаш керак» деган тарғиботни олиб бордилар¹⁷.

Шундай қилиб, жамиятнинг эски кучлари, Россия ва миллий чекка ўлкаларнинг реакцион синфлари ва гуруппалари ре-

революциянинг ривожланишига жон-жаҳдлари билан қаршилиқ кўрсатдилар. Улар турли миллат меҳнаткашларининг рус ишчилар синфи билан борган сари мустақамланиб бораётган иттифоқига путур етказиш учун бутун қучлари билан ҳаракат қилдилар, улар бу иттифоқда ўз ҳалокатларини кўрдилар.

Россияда ягона революцион марксистик партия — Россия Коммунистик (большевиклар) партияси эски жамиятнинг ёшини яшаб бўлган кучларига қарши ишчилар синфининг курашига, социалистик революциянинг ғалабаси учун, мамлакатнинг ҳамма халқларини социал ва миллий зулмдан озод қилиш учун олиб борилган курашига раҳбарлик қила олади. Коммунистик партия империалистик гурушни дарҳол тўхтатиш, корхона устидан ва маҳсулотларни тарқатиш устидан ишчи контроллигини ўрнатиш, ерларни национализация қилиш ва уни деҳқонларга бериш, ҳар қандай миллий зулмни йўқотишни талаб қилиб чиқди. Коммунистик партия бутун ҳокимият ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар қўлига ўтиши учун олиб борилган курашда «Бутун ҳокимият Советларга!» деган шиорни майдонга ташлади.

Коммунистик партия ўзининг дастлабки пайдо бўлишидан оқ миллий масаланинг равшан ва аниқ программасини ишлаб чиқди. Бу программа буржуа миллатчиларига қарши курашда, пролетар интернационализми учун курашда кучли қурол бўлди.

Коммунистик партиянинг доҳийси ва ососчиси В. И. Ленин миллий масала бўйича марксистик назарияни ҳар томонлама асослади ва ижодий ривожлантирди. Ленин империализм даврида халқларнинг олиб борган озодлик курашининг янги шароитига асосланиб, миллий масалани мустамлака ва қарам мамлакатларни империалистик зулмдан озод қилиш ҳақидаги муҳим масала билан бирлаштирди. Шундай қилиб, миллий масала маълум бир давлатнинг ички масаласидан умумий, дунё миқёсидаги масалага айланди.

В. И. Ленин миллий масалага пролетар революцияси ва пролетар диктатураси ҳақидаги умумий масаланинг бир қисми сифатида қаради. У, капитализм даврида миллий зулмни йўқ қилиш мумкин эмаслигини қайта-қайта таъкидлади. Миллий масалани ҳал этишда буржуазия бутунлай шарманда бўлганини тарих тажрибаси кўрсатди. Буржуазия ҳокимиятини ағдариш, пролетар диктатурасини ўрнатиш ва социализм ғалабасигина миллатларни тўлиқ тенг ҳуқуқли қила олади, миллий масалани ўзил-кесил ҳал эта олади.

В. И. Ленин аннексия ва колониализмнинг барча турига, ҳар қандай миллий зулмга қатъий қарши чиқди. У, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ишида ҳамма халқларнинг ҳақиқий тенглиги ва мустақиллигининг улуг ҳимоячиси эди. Ленин

миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш ҳуқуқи ҳақидаги шиорни миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқлари ҳақидаги жуда аниқ шиор билан алмаштирди. Шунинг билан бирга у кўп миллатли давлат ичида қолиш истагини билдирган миллатлар учун область, яъни территориал автономия бериш зарур деб ҳисоблади.

В. И. Ленин Қоммунистик партиянинг миллий масала бўйича назариясини асослаб, таъкидлаган эдики, «Бундан чиқадиган маъно шуки, марксистлар программасида «миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш», тарихий-иқтисодий жиҳатдан қараганда, миллатларнинг сиёсий тақдирини ўзи белгилашидан бошқа маънода, мустақил давлат тузишдан, миллий давлат тузишдан бошқа маънода бўлиши мумкин эмас».¹⁸

В. И. Ленин миллатларнинг эркин ажралиб чиқиш ҳуқуқини ҳимоя қилиб, бу масалани маълум шароитда бу ёки у миллатнинг ажраб чиқишининг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масала билан аралаштириб юбориш кечириб бўлмас ҳол эканини кўрсатди. У, бу масалани ҳар бир айрим ҳолда конкрет тарихий шароит асосида умумижтимоий ривожланиш мақсадлари, ишчилар синфининг социализм учун кураш мақсадлари нуқтаи назаридан ҳал қилишни таъкидлади. Бунда Ленин маълум миллатларнинг эксплуататор синфлари кўпинча ишчилар кучини бўлиб юбориш ва уларни алдаш мақсадида миллатчилик шиорларини кўтариб чиқишини улар — ўз миллати меҳнаткашлари учун зарар келтириб ҳукмрон помешчиклар ва буржуа миллати билан чиқишиб кетишларини қайд қилиб ўтди.

«Биз, — деган эди Ленин, — мумкин қадар янада катта бир давлат бўлишини, мумкин қадар янада мустаҳкам иттифоқ бўлишини, великорусслар билан қўшни бўлиб яшовчи миллатларнинг мумкин қадар кўпроқ бўлишини хоҳлаймиз; биз демократия ва социализм манфаатларини, пролетариат курашига турли миллатларнинг мумкин қадар кўпроқ меҳнаткашларнинг жалб қилиш манфаатларини кўзда тутиб, шундай бўлишини исботлаймиз. Биз бўлинишини эмас, балки революцион-пролетар бирлигини, қўшилишини истади»¹⁹.

Ленин ҳамма миллат ишчиларининг, тўлиқ ва сўзсиз бирлигини, шу жумладан, ташкилий жиҳатдан бирлигини амалга оширишни ҳимоя қилди, акс ҳолда буржуазия устидан ғалаба қилиб бўлмас эди. Россиянинг конкрет тарихий шароитида рус пролетарлари билан яқин иттифоқда бўлгандагина ҳамма миллий чекка ўлкалардаги меҳнат-

кашлар сиёсий ва иқтисодий эркинлик олиши мумкин эди ва ҳақиқатан ҳам эркинлик олди.

Лениннинг миллий масала тўғрисидаги назарий қондаси Коммунистик партиянинг программасида ва партия съездлари ҳамда конференцияларининг қарорларида тўлиқ акс этдирилди.

Жумладан, 1917 йилда РСДРП (большевиклар)нинг VII (апрель) конференциясида миллий масала бўйича қабул қилинган қарорда партия Россия составига кирган ҳамма халқларнинг эркин ажралиб чиқиши ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқига эга эканини яна бир марта таъкидлаб ўтди²⁰.

Шунинг билан бирга, партия кўпчилик миллатларнинг ягона Россия составида қолиш хоҳишини олдиндан кўриб, бирдан-бир тўғри йўл — миллатларга кенг область автономияси ҳуқуқини бериш йўлини танлади. Бу — халқларни революцион Россия теварагига ихтиёрий бирлаштиришнинг мақсадга мувофиқ шакларидан бири эди.

Конференция маданий-миллий автономияни хаёлий ва реакцион, миллатчиликнинг нозиклашган хили деб ҳисоблаб, унга кескин зарба берди.

Энг илғор марксча-ленинча назария билан қуролланган Коммунистик партия миллий чекка ўлкаларнинг меҳнаткашларини Россиянинг революцион ишчилар синфи билан жипслаштира олди ва пролетар революциясини миллий-озодлик ҳаракатлари билан амалда қўша олди. Большевиклар раҳбарлиги остида мазлум миллатларнинг меҳнаткашлари империализмдан алоқани узмай туриб ва «ўз» миллий буржуазиясини ағдармай туриб, ҳокимият халқ қўлига ўтмай туриб, озодликка чиқиш ва миллий зулмни йўқотиш мумкин эмаслигини борган сари аниқ-ойдин тушуна бошладилар. Улар идора этишнинг эски мустамлака системасини тугатишни талаб қилиб, ишчи ва солдат депутатлари Советларига мурожаат қилдилар. Жиззах шаҳри аҳолисининг делегатлари ишчи ва солдат депутатлари Совети номига юборган ўз аризаларидан бирида эски чор маъмурияти янги сайланадиган ўринга ўтириб олганлигини ёзадилар. «Солдат ва ишчи граждандар!,— деб ёзган эдилар улар,— Сизга қийналган, азоб чеккан ҳалқ — Жиззах шаҳарининг мусулмонлари мурожаат қиладилар ва улар ўзларининг адолатли талабларини ҳимоя қилишни қўллаб-қувватлашингизни сиздан, Россиянинг ботир ўғилларидан сўраб, бизни юбордилар. Албатта, биз шунга аминмизки, тутқинликларга, ҳуқуқсизликларга, жафокашларга ўз хоҳиши билан эркинлик эълон қилган халқ..., ҳаммани ўз би-

родари деб билган рус халқи ўз қатъий ва нуфузли сўзидан қайтмайди»²¹.

Миллий чекка ўлкалар халқларининг умидлари бутунлай амалга ошди. Рус ишчилар синфи Коммунистик партия раҳбарлиги остида буржуазия устига революцион юриш қилиб, капитализмга қарши қатъий ҳужум қилишда миллий чекка ўлкаларнинг халқларини ўз орқасидан эргаштириб борди.

Фронтнинг орқа томонидаги ишларни бажариш учун 1916 йилда чор ҳуқумати томонидан сафарбар этилган маҳаллий миллат ишчилари ва деҳқонлари жойларда революцион ҳаракатларни кенг ёйишда катта роль ўйнадилар. Улар революцион рус ишчиларидан сиёсий кураш тажрибаларини ўрганиб олдилар. Улар 1917 йилда Туркистонга қайтиб келгач, ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва бошқа миллат меҳнаткашларининг сиёсий томондан ўғонишида катта таъсир кўрсатдилар. Уларнинг актив иштироки натижасида Тошкентда, Андижонда, Скобелев (ҳозирги Фарғона шаҳри)да ва бошқа шаҳарларда тузилган мусулмон ишчилари Советлари ва мусулмон меҳнаткашлари Иттифоқлари меҳнаткаш халқнинг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш учун курашдилар. Буржуа миллатчилари ва панисломистлар бу ташкилотларга суқилиб кирдилар ва раҳбарликни ўз қўлларига олиш учун ҳаракат қилдилар, улар баъзан бунга эришдилар ҳам. Аммо революциянинг ривожланиб боришида маҳаллий меҳнаткашлар большевиклар ёрдамида буржуа-миллатчи элементларни бу Советлар ва Иттифоқлардаги раҳбарлик лавозимидан олиб ташладилар.

Мусулмон ишчи депутатлари Советлари ва мусулмон меҳнаткашлари Союзлари ишчи ва солдат депутатлари Советлари билан биродарларча алоқада бўлдилар ва улар орасида большевикларнинг таъсири борган сари кучая борди.

Большевиклар касаба союзларига уюшган ишчилар ва хизматчилар ўртасида катта ишлар олиб бордилар. Натижада касаба союзлари большевиклар партиясининг Совет ҳокимияти учун олиб борган курашида борган сари таянчига айлана борди. Тошкент бинокорлари союзлари бундай касаба союзларнинг энг йирикларидан бири эди, унга мингдан ортиқ ўзбек ишчиси аъзо бўлиб кирган эди. Бу союзнинг ташкилотчиларидан бири Султонхўжа Қосимхўжаевнинг ҳикоя қилишича, 1917 йилнинг ёзида Туркистонда 16 га яқин турли союзлар — озиқ-овқат саноати ишчилари,

трамвай ишчилари, пойафзалчилар, кўнчилар, кулолчилар ва бошқа ҳунарманд ишчи ва хизматчиларининг союзлари ташкил қилинди, уларнинг 10 мингдан ортиқ аъзоси бор эди.

Революцион ҳаракатларнинг ўсиши 1917 йил 12 сентябрда Тошкент меҳнаткашларининг чиқишига олиб келди. Бу чиқиш тарихга «сентябрь воқеалари» номи остида кирди.

Бу воқеалар арафасида большевиклардан А. Першин, Ф. Колесов ва бошқалар ўлка демократик ташкилотларининг Тошкентда ўтказилган кенгайтирилган мажлисида Ревком тузиш ва бутун ҳокимиятни тўлиғича Советларга беришни талаб қилиб чиқди. Эсер-меньшевистик блоklar бу талабни рад қилганларида, большевиклар мажлисни ташлаб чиқдилар. Большевиклар Тошкент Совети Ижроия Комитетининг кўп ишчи ва солдат қатнашган мажлисида ҳокимиятни Советлар қўлига берилиши ҳақидаги қарорни яна кўтариб чиқдилар. Муросачиларнинг қаршилик кўрсатишларига қарамай, Ижроия Комитет Ревком тузиш ҳақидаги ва бутун ҳокимият Советлар қўлига ўтиши ҳақидаги большевикча қарорни қабул қилди²².

Тошкент Совети Ижроия Комитетининг бу қарори бутун шаҳарга яшин тезлигида тарқалди. Революцион ишчилар ва солдатлар бу хабарни зўр шодлик билан кутиб олдилар.

12 сентябрда 6 мингдан ортиқ ишчи ва солдат шаҳар митингига (Александров паркига) тўпландилар. Митингга маҳаллий миллатларнинг кўп меҳнаткашлари ҳам қатнашдилар.

Митингда бутун ҳокимиятни ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари тезда қўлга олиши зарурлиги ҳақида большевиклар қарори қабул қилинди. Лекин митингда сайланган Ревком составининг кўлчилиги эсер ва меньшевик бўлиб чиқди²³.

Меньшевиклар ва эсерлар Ревком ва Совет Ижроия Комитетининг контрреволюцион кучларни тор-мор қилиш ва Советлар позициясини мустаҳкамлаш учун зарур тадбирлар кўришига тўсқинлик қилдилар.

Сентябрь воқеалари буржуа Муваққат ҳукуматини чўчитиб юборди. У ишчиларнинг чиқишларини бостириш учун Тошкентга махсус жазо отрядини юборди. Бу ҳол Туркистон ишчилари ва революцион солдатлари орасида норозилик туғдирди, улар большевиклар раҳбарлигида умумий иш ташлаш эълон қилдилар.

Гарчи сентябрь воқеалари Туркистонда Советлар ҳокимиятини ўрнатмаган бўлсада, аммо у бу ерда революцион

ҳаракатларнинг кутарилишида катта роль ўйнади. 1917 йил октябрь ойида бу ҳаракат айниқса кучайиб кетди.

1917 йил 25 октябрь (7 ноябрь)да Коммунистик партия раҳбарлигида Россия ишчилар синфи камбағал деҳқонлар билан биргалиқда Улуғ Октябрь социалистик революциясини нишонлади ва пролетар диктатурасини ўрнатди.

Иккинчи Бутун Россия Советлар съезди бутун ҳокимият Советлар қўлига ўтгани ҳақидаги тарихий қарорни қабул қилди. Съезд Совет ҳукумати — Халқ Комиссарлар Советини тузди. Унга ишчи ва деҳқонларнинг дунёда биринчи социалистик давлатини қурган В. И. Ленин раҳбарлик қилди. Революция давомида эски давлат аппарати тугатилди ва унинг ўрнига янги совет давлат бошқариш аппарати барпо этилди.

Социалистик революциянинг ғалабасини эълон қилар экан, В. И. Ленин: «Эндиликда Россия тарихида янги давр бошланмоқда, ва бу учинчи рус революцияси ўзининг сўнгги якунида социализмнинг ғалабасига олиб бориши керак²⁴» эканини олдиндан таъкидлаб кўрсатди.

Октябрь революцияси бутун кишилик тарихида янги пролетар революцияси даврини, социализм даврини бошлаб берди.

Октябрь ўзгариши кишилик тарихига зўр таъсир кўрсатди. Советларнинг Октябрда туғилган социалистик республикаси «халқаро социализм ва ҳамма меҳнаткашлар учун намуна» машъали бўлиб қолди²⁵.

В. И. Ленин Россия революцияси таъсирида Шарқ халқларининг сиёсий уйғонишларини характерлаб кўрсатган эдики, «... хозирги революцияда Шарқнинг уйғониш давридан кейин Шарқдаги барча халқларнинг бутун дунёнинг тақдирини ҳал қилишда қатнашиш даври бошланмоқда. Шарқ халқлари амалий иш кўриш учун ва бутун инсониятнинг тақдири ҳақидаги масалани ҳар бир халқнинг ҳал қилиши учун уйғонмоқда»²⁶.

Октябрь революциясининг дастлабки кунларидан бошлаб Совет ҳокимияти Коммунистик партиянинг миллий программасини оғишмай ва изчиллик билан амалга ошириб келди.

1917 йил 15 (2) ноябрда халқларнинг ихтиёрий ва тенг ҳуқуқли иттифоқини тузиш мақсадида Совет Россияси Халқ Комиссарлар Совети томонидан «Россия халқларининг ҳуқуқлари декларацияси» қабул қилинди. Декларацияда Совет ҳокимияти миллий сиёсатининг асосий принциплари: Россия халқларининг тенглиги ва суверенлиги, Россия халқларининг ўз тақдирини ўзи эркин равишда белгилашдан тортиб ажра-

либ чиқишгача ва мустақил давлат тузишгача бўлган ҳуқуқи, ҳамма ҳар турли миллий ва миллий-диний имтиёз ҳамда чеклашларни бекор қилиш, Россия территориясида яшовчи кам сонли миллатлар ва этнографик группаларнинг эркин ривожланишини эълон қилди.

Совет ҳукумати «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаат қабул қилди. Бу мурожаатда айтилишича «...эндиликда сизнинг диний эътиқодингиз ва урф-одатингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз эркин ва даҳлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий ҳаётингизни бемалол ва тўққинликсиз қура беринг. Сиз бундай ҳуқуққа эгасиз. Билингки, Россиянинг ҳамма халқларининг ҳуқуқлари каби сизнинг ҳуқуқингиз ҳам революциянинг бутун кучи ва унинг органлари — Ишчи, Солдат ва Деҳқон Депутатлари Советлари томонидан мудофаа қилинади...»²⁷.

Бу тарихий ҳужжатлар мамлакатимиз халқларининг, шу жумладан Ўрта Осиё халқларининг истиқболида зўр аҳамиятга эга бўлди.

Илгари эзилган халқлар тарихда биринчи марта эркин ҳаёт куриш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий давлат тузумини яратиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Россия ишчилар синфининг қаҳрамонона курашидан ва унинг раҳбарлигидан илҳомланган Туркистон меҳнаткашлари ўлкада совет ҳокимияти ўрнатиш учун курашга отландилар.

Октябрь революцияси арафасида, бутун мамлакатдаги каби, Туркистонда ҳам большевиклар партияси меҳнаткашлар оммасини социалистик революция учун курашга сафарбар қилишда катта муваффақиятларга эришди. Революцион кризис ўса борди. Советлар большевиклаша бошлади.

Ўлканинг саноат корхоналарида ва темир йўлларида ишловчи ишчилар бутун ҳокимиятнинг Советлар қўлига топширишни қатъий талаб қила бошладилар. Ташсам пойафзал фабрикаси ва Гольдберг заводининг²⁸ касаба союз аъзолари ўз қарорларида Муваққат ҳукуматга ишончсизлик билдирдилар ва бутун ҳокимиятни Советлар қўлига топширишни талаб қилдилар. Ишчилар: «Биз ўзимизни муқаддас эркинлигимизни, солдат, ишчи ва деҳқон депутатлари Советларига сайланганларни ҳимоя қилиш учун доимо тайёرمىз», — дедилар²⁹.

Емелянов ва Сорокин заводининг ишчилари, Тошкент трамвайи, Самарқанд босмаҳонаси ишчилари, темир йўлчилар ва бошқалар бутун ҳокимият Советлар қўлига топширилишини ва контрреволюцион Муваққат ҳукуматнинг ҳамма министрларини демократия душманлари сифатида судга берилишини талаб қилиб чиқдилар³⁰.

Самарқанд область конференциясидан Умумроссия Советлар съезди делегатига нақазда демократик ташкилотларнинг вакиллари «ҳокимиятни пролетарлар ва камбағал деҳқонлар, яъни солдат, ишчи ва деҳқон депутатлари Советларига тезда топшириш»ни асосий талаблардан бири сифатида қўйдилар³¹.

18 октябрда қасаба Союз ва гарнизон вакилларининг иштирокидаги Тошкент Советининг кенгайтирилган мажлиси асосий қўпчилик овоз (89 овозга қарши 4 овоз ва 6 бетараф) билан бутун ҳокимият Советларга топширилиши кераклиги ҳақидаги большевиклар қарорини қабул қилди. Туркистон большевиклари партия Марказий Комитети кўрсатмаларига амал қилиб, қуроли қўзғолонга тайёрландилар³².

Бутун мамлакатдаги каби, Туркистонда ҳам омма орасида большевиклар кўпая бошлади. Революцион ҳаракатларнинг ривожлана боришида Туркистон меҳнаткашлар оммаси билан Россия ишчилар синфи ўртасидаги иттифоқ мустаҳкамланди, бу ҳол ўлкада социалистик революциянинг ғалабасини таъминлади.

Муваққат буржуа ҳукумати Россиянинг Марказида ҳам, Туркистонда ҳам революцион ташкилотларни тор-мор қилишга ва ўз ҳарбий диктатурасини ўрнатишга ҳаракат қилди. Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал Қоровиченко 18 октябрдан 19 октябрга ўтар кечаси Тошкент гарнизонининг революцион кайфиятдаги ҳарбий қисмларини қуролсизлантириш бўйича ўз операциясини бошлади. У 27 октябрдан 28 октябрга ўтар кечаси ўз юнкерлари ва казаклари ёрдамида ишчи ва солдат депутатлари Совети, полк, рота ва команда комитетларининг қўшма мажлиси ўтказилаётган овозлик уйи биносини ўраб олди³³.

Аммо большевиклар томонидан йўл-йўриқ олиб турган Тошкент ишчилари Туркистон Комитети ва унинг ҳарбий қўмондонлигининг контрреволюцион провокацияларидан қўрқмадилар. Тошкент меҳнаткашларининг қуроли отрядлари тузилди, улар большевиклар раҳбарлигида 28 октябрда контрреволюцион кучларга қарши актив кураш бошлаб юбордилар.

Большевиклардан А. Першин, Н. Шумилов ва бошқалар қуроли қўзғолонни тайёрлашда ва уни ўтказишда муҳим роль ўйнадилар. Рус большевиклари томонидан тарбияланган революционерлардан Султонхўжа Қосимхўжаев, Очил Бобожонов, М. Мирходиев ва бошқалар қўзғолонда актив иштирок этдилар. Тошкент темир йўли ва саноат корхоналарининг ишчилари қўзғолончиларнинг олдинги сафида бордилар. Революцион солдатлар ва Тошкентнинг эски шаҳар меҳнаткашлари улар билан бирга бўлдилар.

Тўрт кунлик пиддатли жанглардан кейин, 1917 йил 1 (14) ноябрда Тошкентда бутун ҳокимият Советлар қўлига ўтди.

Ишчи, солдат ва Тошкент меҳнаткашларининг қўзғолони бошқа шаҳар ва қишлоқлардаги халқ оммасини курашга илҳомлантирди. 1917 йил ноябрдан — 1918 йил бошларигача ўтган давр ичида Туркистоннинг ҳамма шаҳар ва областларида Совет ҳокимияти ўрнатилди.

1917 йил 15 ноябрда Тошкентда Туркистон ўлкаси Советлари съезди очилди. Съездда Туркистонда ўрнатиладиган ҳокимиятнинг характери ҳақидаги масала юзасидан большевиклар билан эсер-меньшевик блок ўртасида жиддий кураш борди.

Эсерлар ва меньшевиклар состави ва программаси Совет ҳокимияти принципларини ҳақиқатан ҳам инкор этадиган коалицион ҳукумат тузиш учун ҳаракат қилдилар. Большевиклар эса, Россия марказидаги Совет ҳокимиятининг тузилиш принципларига жуда мос келадиган ўлка ҳокимияти тузишни талаб қилдилар. Съезд большевиклар томонидан овозга қўйилган «ўлка ҳокимияти тузиш ҳақида»ги декларацияни жуда кўпчилик овоз билан қабул қилди, яъни Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари ўлка Совети Совет ҳокимиятининг ўлка олий органи деб эълон қилинди³⁴.

Съезд жойларда бутун ҳокимиятни солдат, ишчи ва деҳқон депутатлари Советлари қўлига топшириш ҳақида қарор қабул қилди. Съезд томонидан сайланган Туркистон Халқ Комиссарлари Совети аҳолига қилган ўз мурожаатида «у марказий ҳокимиятнинг ҳамма директиваларини сўзсиз амалга ошириши»ни айтди³⁵. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети РСФСР Халқ Комиссарлари Совети номига юборган ўз телеграммасида, у марказий Совет ҳукумати директиваларини амалга оширишни ўзининг вазифаси қилиб қўйганини маълум қилди³⁶.

Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш бўйича, эски буржуа аппаратини тугатиш ва унинг ўрнига Совет давлатининг янги аппаратини барпо этиш бўйича муҳим тадбирлар ўтказди. Собиқ чор ва Муваққат ҳукуматларнинг ҳамма органлари тугатилди ва улар ўрнига Совет ҳокимияти органлари тузилди. Тугатилган эски суд органлари — округ ва ҳарбий судлар ҳамда суд палаталари ўрнига демократик сайловлар асосида ташкил этилган янги революцион суд пайдо бўлди. Тарқатилган эски армия ўрнига рус ишчиларидан ва маҳаллий миллатларнинг меҳнаткашларидан иборат Қизил Гвардия тузилди. 1918 йил январь ойида Революцион трибунал тузилган эди. Совет органлари душманлар томонидан уюштирилган саботаж ва

контрреволюцион исёнларга қарши қатъий кураш ишини қизитиб юбордилар.

Ўлкада нашр этилиб келган буржуа ва меньшевик-эсер газеталари ёпиб қўйилди.

Туркистон Халқ Комиссарлари Совети Совет халқ хўжалигини ташкил этиш бўйича биринчи революцион тадбирларни қўллади. Совет ҳукуматининг ер тўғрисидаги декрети амалга оширила бошланди. Туркистон Халқ Комиссарлари Совети декретига мувофиқ, бутун пахта запаслари мусодара қилинди, чор империясининг ер мулклари, банклар, пахта тозалаш, ёғ ишлаш, нефть корхоналари, кўмир шахталари ва бошқалар национализация қилинди.

Национализация қилинган саноатни бошқариш учун халқ хўжалигининг Туркистон Ўлка Совети ташкил этилди.

Бу ҳамма тадбирлар Туркистонда Совет ҳокимиятини мустақамлади.

Туркистонда Октябрь революцияси ғалабасининг ташкилотчиси бўлган Коммунистик партия миллий чекка ўлкаларнинг миллионларча меҳнаткаш оммасини Россия ишчилар синфи теварагига бирлаштирди, уларни Советлар ҳокимияти учун актив кураш олиб боришга отлантирди. Октябрь революцияси ғалабаси туфайли бошқа миллий чекка ўлкалардаги каби, Туркистон меҳнаткашлар оммасининг Россия ишчилар синфи ва деҳқонлари билан бўлган иттифоқи мустақамланди.

Туркистонда ва Россиянинг бошқа чекка ўлкаларида Совет ҳокимиятининг ғалаба қилиши совет ташкилотларининг идеяси қулай ва қолоқ миллий чекка ўлкаларнинг меҳнаткашлар оммасига яқин эканидан далолат берарди ҳамда «...деҳқон Советлари, эксплуатация қилинувчиларнинг Советлари фақат капиталистик мамлакатлар учунгина эмас, балки капитализмдан илгариги муносабатларга эга бўлган мамлакатлар учун ҳам ярайдиган восита...» бўлган³⁷ Совет Туркистони Шарқда, бутун Осиёда советлар ҳаракатини биринчи бўлиб бошлаб юборди.

Туркистонда Совет ҳокимиятини барпо этиш ва уни мустақамлаш иши контрреволюцион кучларга қарши олиб борилган шиддатли кураш шароитида ўтди.

Бутун Россия меҳнаткашлари каби, Туркистон меҳнаткашлар оммаси ҳам рус халқининг актив ёрдамида ички ва ташқи душманларга қарши қаҳрамонона кураш олиб бордилар.

Маълумки, Россияда Совет ҳокимияти ўрнатилишининг дастлабки давридаёқ, Англия, Франция, Америка Қўшма Штатлари, Япония, шунингдек Германия империалистлари ички контрреволюцион кучларга таяниб, Совет Россиясига қарши актив курашни кучайтириб юбордилар. Улар Совет республи-

каси атрофини контрреволюцион чекка «ҳукуматларидан» иборат ҳалққа билан ўраш, уни озиқ-овқат, ёқилғи ва хомашё базаларидан маҳрум қилиш, ва шу йўл билан Советлар республикасини тор-мор қилиш учун уриниб кўрдилар.

1917 йил ноябрь ойида атаман Дутовнинг оқғардиячи бандалари Оренбургни босиб олдилар ва Урал ҳамда Тошкент томонга қараб юриш бошладилар. Совет Туркистони Марказий Россиядан кесиб қўйилди.

Туркистоннинг контрреволюцион кучлари Дутов билан қўшилиш учун шошилдилар. Буржуа-миллатчи ва феодал-клерикал группалар контрреволюцион исёнлар уюштирдилар, Туркистонда Совет ҳокимиятини ағдариш учун бутун кучлари билан ҳаракат қилдилар. Бунда улар ўзларининг хоинона ҳатти-ҳаракатларини, халқ оммасини алдаш ва асоратга солиш йўлидаги ўз уринишларини кўпинча «мухторият» шиори остига яширдилар. Улар миллатларнинг тенг ҳуқуқлиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш шиоридан ишчилар ва деҳқонлар тепасида буржуазия ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва империалистик давлатларга бугуналай қарам бўлган «ўз» миллий давлатларини тузиш мақсадида, Ўрта Осиёни Совет Россиясидан зўрлик билан тортиб олиш йўлида фойдаланмоқчи бўлдилар. «Кўқон мухторияти» шундай уринишлардан бири эди.

1917 йил ноябрь ойида Кўқонда ўтказилган IV мусулмонлар қурултойига йиғилган буржуа, феодал-клерикал элементлари эсерлар, меньшевиклар ва бошқа контрреволюционерлар билан бирликда Туркистон буржуа «автоном давлати» «Кўқон мухторияти»ни туздилар. Жаидлар ва тор-мор этилган «Шўрои исломия», шунингдек «уламолар» деган реакцион группаларнинг қолдиқлари Кўқон буржуа автономиясида муҳим роль ўйнадилар.

Кўқон буржуа автономияси Дутов, эсерлар, миллатчи «Украина Радаси» ҳамда Туркистондаги англиз-америка ва герман-турк шпионлик ташкилотлари билан алоқа боғладилар.

Аммо Дутов ҳам, буржуа автономчилари ҳам, бошқа реакцион элементлар ҳам халқ оммасини ўз кетидан эргаштира олмади. Коммунистик партиянинг ижтимоий ва миллий зулмининг ҳамма турини тугатиш учун олиб борган қатъий ва изчил кураши миллий чекка ўлка халқларини душманларга қарши курашга отлантирди.

Большевиклар буржуа автономчиларининг контрреволюцион ҳаракатининг моҳиятини Туркистон меҳнаткашларига тушунтирдилар ва халқ оммасини Совет ҳокимиятини мудофаа қилиш учун уюштирдилар.

Кўқон шаҳри меҳнаткашларининг буржуа автономчила-

рига қарши курашини уюштиришда партия Марказий Комитетининг вакили — ишчи ва солдат депутатлари Қўқон Советининг раиси С. Е. Бабушкин раҳбарлигидаги большевиклар гуруҳиси муҳим роль ўйнади. Халқ оммаси ўз душманларининг реакцион мақсадларини ва интилишларини сезиб, уларга қарши фидокорона кураш олиб боришга отландилар. Қўқон шахрининг ўзбек ишчи ва меҳнаткашлари умумий мажлисининг қатнашчилари ҳамма автономчи авантюристларни лаънатлашларини ва фақат «Россия ишчи-деҳқон социалистик республикасини» тан олишларини ёздилар³⁸.

Маҳаллий миллатларнинг меҳнаткашлари ўзларининг бошқа бир хатларида ўз ишчи рус оғаларидан буржуа автономчиларини тор-мор этишда ёрдам беришни сўрадилар.³⁹

Совет Туркистонининг халқ оммаси Коммунистик партия раҳбарлигида Октябрь ғалабаларини сақлаб қолдилар.

1918 йил охирларида Совет Россиясининг қуроли кучлари Туркистон қизилгвардиячилари қисмлари билан биргаликда Дутов бандаларини тор-мор қилдилар. Биринчи «Оренбург тикини» тугатилди, ва Туркистон билан Совет Россияси ўртасидаги алоқа тикланди. Қўқон мухторияти ҳам тез орада тугатилди.

Буржуа автономчиларининг қолдиқлари Фарғона водиси бўйлаб ва Ўрта Осиёнинг бошқа районларига тарқалиб кетди. Улар чет эл империалистлари томонидан қўллаб-қувватланиб, босмачиликни ташкил қилишда актив қатнашдилар. Улка меҳнаткашлари Совет Россияси ёрдамида босмачиларга қарши шиддатли кураш олиб бордилар.

Коммунистик партия буржуа автономиясига қарама-қарши ўлароқ, моҳияти билан халқчил, меҳнаткаш халқ манфаатларини кўзлаган совет автономияси барпо этиш учун курашдилар. Коммунистик партия Октябрь революциясининг ривожлана боришида, Россиянинг конкрет тарихий шароитига асосланиб, ихтиёрий мустаҳкам иттифоқи ва ҳамкорлигини, эркин халқлар бирлашмасини — Совет федерацияси усулини ишлаб чиқдилар.

Октябрь революцияси ғалабаси туфайли барпо этилган биринчи Совет республикаси 1918 йилда Россия Совет федератив Социалистик Республикаси сифатида ташкил топди. РСФСРнинг барпо этилиши мамлакатимиз халқларининг, шу жумладан Ўрта Осиё халқлари совет миллий давлат тузумининг ривожланишида ва мустаҳкамланишида зўр тарихий воқеа бўлди.

Совет ҳокимиятининг синфий социалистик моҳиятининг ўзи, халқларни ихтиёрлик ва уларнинг тенглиги принциплари асосида ягона кўп миллатли Совет давлатига бирлашишлари учун реал мустаҳкам асос яратиб берди.

В. И. Ленин Совет давлатининг буюк бирлаштира олувчилик кучини ва қудратини характерлаб, шундай деган эди: «Шунинг учун ҳам бизнинг иттифоқимиз, бизнинг янги давлатимиз империалистлар учун керак бўлган сунъий давлат ташкилоти ҳолида ёлғончилик билан ва зўрлик билан бирлашган зўровонлик ҳокимиятидан кучлидир... Мен қатъий ишонаманки, озод миллатларнинг турли-туман айрим федерациялари революцион Россия атрофида тобора кўпроқ уюша боради. Бу федерация, ёлғончиликсиз ва зўрликсиз, баътомом ихтиёрий суратда ўса боради ва бу федерация енгилмайди»⁴⁰.

Турмуш В. И. Ленин сўзларининг тўғрилигини тўлиқ тасдиқлади. Революциянинг биринчи йилларида Россия федерацияси билан бир қаторда вужудга келган Украина, Беларуссия, Латвия, Эстония ва бошқа совет республикалари РСФСР билан дўстона алоқа ўрнатди. Гражданлар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси даврида бу ёш совет республикалари ҳарбий-сиёсий иттифоқ туздилар. Шу туфайли улар ички ва ташқи контрреволюцияни тор-мор қила олдилар, Октябрь революциясининг ғалабасини сақлаб қолдилар, Совет социалистик тузумни мустаҳкамлай олдилар ва шундай қилиб, Совет республикалари халқларининг, шу жумладан Туркистон халқларининг эркинлиги ва мустақиллигини таъминладилар.

Ўз миллий сиёсатига содиқ бўлган Коммунистик партия Туркистон халқ оммасининг Совет автономияси тузиш учун қилган ҳаракатини қизгин маъқуллади.

Коммунистик партия миллий чекка ўлкалардаги меҳнаткашларни социалистик қурилишларга жалб этишда совет автономиясининг аҳамиятига етарли баҳо бера олмаган кишиларга қарши кескин кураш олиб борди ва тезликда Совет автономиясини тузиш вазифасини қўйди.

Партия Марказий Комитети раҳбарлигида Туркистоннинг маҳаллий партия ва совет ташкилотлари томонидан, айниқса миллий масалада йўл қўйилган хатоликлар тузатилди.

Партияга қарши элементлар ва «сўл» эсерлар Советларнинг III Ўлка съездида Туркистонда Совет автономиясини барпо этиш ҳақидаги масалани ҳал этилишига турли йўллар билан тўсқинлик қилдилар. Баъзан маҳаллий раҳбар партия ходимлари улуғ давлатчилик-шовинистик кайфиятдан қутила олмаган эдилар ва улар Туркистонда миллий масалани ҳал қилишда қўпол хатоларга йўл қўйдилар.

Советларнинг 1918 йил январь ойида бўлиб ўтган IV Ўлка съездида Туркистонни автономлаштириш ҳақидаги масала устида кескин кураш бошланиб кетди. Интернациона-

рига қарши курашини уюштиришда партия Марказий Комитетининг вакили — ишчи ва солдат депутатлари Қўқон Советининг раиси С. Е. Бабушкин раҳбарлигидаги большевиклар группаси муҳим роль ўйнади. Халқ оммаси ўз душманларининг реакцион мақсадларини ва интилишларини сезиб, уларга қарши фидокорона кураш олиб боришга отландилар. Қўқон шаҳрининг ўзбек ишчи ва меҳнаткашлари умумий мажлисининг қатнашчилари ҳамма автономчи авантюристларни лаънатлашларини ва фақат «Россия ишчи-деҳқон социалистик республикасини» тан олишларини ёздилар³⁸.

Маҳаллий миллатларнинг меҳнаткашлари ўзларининг бошқа бир хатларида ўз ишчи рус оғаларидан буржуа автономчиларини тор-мор этишда ёрдам беришни сўрадилар.³⁹

Совет Туркистонининг халқ оммаси Коммунистик партия раҳбарлигида Октябрь ғалабаларини сақлаб қолдилар.

1918 йил охирларида Совет Россиясининг қуроли кучлари Туркистон қизилгвардиячилари қисмлари билан биргаликда Дутов бандаларини тор-мор қилдилар. Биринчи «Оренбург тикини» тугатилди, ва Туркистон билан Совет Россияси ўртасидаги алоқа тикланди. Қўқон мухторияти ҳам тез орада тугатилди.

Буржуа автономчиларининг қолдиқлари Фарғона водиси бўйлаб ва Ўрта Осиёнинг бошқа районларига тарқалиб кетди. Улар чет эл империалистлари томонидан қўллаб-қувватланиб, босмачиликни ташкил қилишда актив қатнашдилар. Ўлка меҳнаткашлари Совет Россияси ёрдамида босмачиларга қарши шиддатли кураш олиб бордилар.

Коммунистик партия буржуа автономиясига қарама-қарши ўлароқ, моҳияти билан халқчил, меҳнаткаш халқ манфаатларини кўзлаган совет автономияси барпо этиш учун курашдилар. Коммунистик партия Октябрь революциясининг ривожлана боришида, Россиянинг конкрет тарихий шaroитига асосланиб, ихтиёрий мустақкам иттифоқи ва ҳамкорлигини, эркин халқлар бирлашмасини — Совет федерациясини усулини ишлаб чиқдилар.

Октябрь революцияси ғалабаси туфайли барпо этилган биринчи Совет республикаси 1918 йилда Россия Совет федератив Социалистик Республикаси сифатида ташкил топди. РСФСРнинг барпо этилиши мамлакатимиз халқларининг, шу жумладан Ўрта Осиё халқлари совет миллий давлат тузумининг ривожланишида ва мустақкамланишида зўр тарихий воқеа бўлди.

Совет ҳокимиятининг синфий социалистик моҳиятининг ўзи, халқларни ихтиёрлик ва уларнинг тенглиги принциплари асосида ягона кўп миллатли Совет давлатига бирлашишлари учун реал мустақкам асос яратиб берди.

В. И. Ленин Совет давлатининг буюк бирлаштира олувчилик кучини ва қудратини характерлаб, шундай деган эди: «Шунинг учун ҳам бизнинг иттифоқимиз, бизнинг янги давлатимиз империалистлар учун керак бўлган сунъий давлат ташкилоти ҳолида ёлғончилик билан ва зўрлик билан бирлашган зўровонлик ҳокимиятидан кучлидир.. Мен қатъий ишонаманки, озод миллатларнинг турли-туман айрим федерациялари революцион Россия атрофида тобора кўпроқ уюша боради. Бу федерация, ёлғончиликсиз ва зўрликсиз, баътомом ихтиёрний суратда ўса боради ва бу федерация енгилмайди»⁴⁰.

Турмуш В. И. Ленин сўзларининг тўғрилигини тўлиқ тасдиқлади. Революциянинг биринчи йилларида Россия федерацияси билан бир қаторда вужудга келган Украина, Белоруссия, Латвия, Эстония ва бошқа совет республикалари РСФСР билан дўстона алоқа ўрнатди. Гражданлар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси даврида бу ёш совет республикалари ҳарбий-сиёсий иттифоқ туздилар. Шу туфайли улар ички ва ташқи контрреволюцияни тор-мор қила олдилар, Октябрь революциясининг ғалабасини сақлаб қолдилар, Совет социалистик тузумни мустақкамлай олдилар ва шундай қилиб, Совет республикалари халқларининг, шу жумладан Туркистон халқларининг эркинлиги ва мустақиллигини таъминладилар.

Ўз миллий сиёсатига содиқ бўлган Коммунистик партия Туркистон халқ оммасининг Совет автономияси тузиш учун қилган ҳаракатини қизгин маъқуллади.

Коммунистик партия миллий чекка ўлкалардаги меҳнаткашларни социалистик қурилишларга жалб этишда совет автономиясининг аҳамиятига етарли баҳо бера олмаган кишиларга қарши кескин кураш олиб борди ва тезликда Совет автономиясини тузиш вазифасини қўйди.

Партия Марказий Комитети раҳбарлигида Туркистоннинг маҳаллий партия ва совет ташкилотлари томонидан, айниқса миллий масалада йўл қўйилган хатоликлар тузатилди.

Партияга қарши элементлар ва «сўл» эсерлар Советларнинг III Ўлка съездида Туркистонда Совет автономиясини барпо этиш ҳақидаги масалани ҳал этилишига турли йўллар билан тўсқинлик қилдилар. Баъзан маҳаллий раҳбар партия ходимлари улуғ давлатчилик-шовинистик кайфиятдан қутила олмаган эдилар ва улар Туркистонда миллий масалани ҳал қилишда қўпол хатоларга йўл қўйдилар.

Советларнинг 1918 йил январь ойида бўлиб ўтган IV Ўлка съездида Туркистонни автономлаштириш ҳақидаги масала устида кескин кураш бошланиб кетди. Интернациона-

лист меньшевиклар деб аталган группа Туркистонда «земство ва шаҳарнинг ўз-ўзини идора қилиш» органлари тузишни таклиф қилиб чиқдилар, гўё «ўлкани автономлаштиришда оралиқ босқич бўлиб хизмат қилар» эмиш. «Интернационалчилар» проектининг⁴¹ асосий моҳияти буржуа автономиясини яратишдан иборат эди. Шундай қилиб, меньшевиклар группаси фақат совет автономиясигагина эмас, балки Туркистондаги Совет ҳокимиятига умуман қарши эди. Шунинг учун у Советлар ўрнига буржуа типдаги земство ва шаҳар бошқармасини барпо қилишга уриниб кўрди.

«Сўл» эсерлар ҳам Совет автономияси тузишга қарши чиқдилар.

Большевиклар фракциясининг аъзоси Полтарацкий ва бошқалар съездда сўзга чиқиб, «интернационалчилар» ва «сўл» эсерларни кескин танқид қилдилар ҳамда Қўқон миллатчи автономиясига қарама-қарши ўлароқ, Совет автономиясини эълон қилиш ҳақидаги талабни ёқлаб чиқдилар. Большевиклар томонидан таклиф этилган ва съездда қабул қилинган қарорларда кўрсатилишича, контрреволюцион элементлар «Қўқон мухторияти» байроғи остида Октябрь революцияси ғалабаларини халқдан тортиб олиш учун уринганлар»⁴² деб ёзилган эди.

Аmmo съездда большевиклар фракцияси номидан сўзга чиққан троцкийчи Тоболин Туркистонни автономия қилиш вақти пишиб етилмаган, деган фикрни айтди. У, автономия барпо этишнинг дастлабки шarti сифатида рус совет қўшинларини Туркистондан олиб чиқиб кетилишини таклиф этди⁴³. Бу, очиқдан-очиқ зарарли йўл эди⁴⁴. Рус совет қўшинларини Туркистондан олиб чиқиб кетиш Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашга уринган ички ва ташқи душманлар тегиримига сув қуйиш деган гап эди.

«Интернационалистлар», «ўнг» эсерлар ва тоболинчилар IV Ўлка съездида Туркистон Совет автономияси ҳақидаги масалани охиригача ҳал этилишига тўсқинлик қилдилар.

Коммунистик партия ва совет ҳукумати Туркистон партия ва совет органларини яхшилаш ва мустақамлаш ҳақида, Туркистон Совет автономиясини ўрнатиш ва уни мустақамлаш ҳақида катта ғамхўрлик қилдилар. Партия Марказий Комитети улуг давлатчи шовинист-троцкийчиларни қоралади, ўлка маҳаллий партия ташкилотларининг хатоларини кўрсатиб берди ва Туркистон Совет автономиясини эълон қилиш ҳамда ўлканинг кенг меҳнаткашлар оmmasини совет қурилишига актив жалб этиш заруригини таъкидлади.

Туркистон коммунистлари РКП (б) Марказий Комитети раҳбарлиги остида буржуа автономчи миллатчиларнинг ва улуг давлатчи шовинистларнинг қаршилигини енгиб, РСФСР

составида Туркистонда ҳақиқий совет автономиясини барпо этишни таъминладилар.

В. И. Лениннинг кўрсатмаларига мувофиқ, РСФСР миллатлари Халқ Комиссарлиги Туркистон совет автономиясини барпо этиш ҳақидаги низомни ишлаб чиқди.

1918 йил март ойида ўлкада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва Туркистон АССРни вужудга келтириш ишида партия ва совет ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш учун Совет ҳукуматининг фавқулодда Комиссари ва РКП (б) Марказий Комитетининг вакили П. А. Кобозев Тошкентга келди.

1918 йил апрель ойида Туркистон республикаси ишчи, солдат, крестьян ва мусулмон-деҳқон депутатлари Советларнинг V Ўлка съезди очилди. РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг В. И. Ленин ва И. В. Сталин томонидан имзоланган, Советларнинг V Туркистон съездига юборган табриқномасида шундай дейилган эди: «Ўртоқлар, Совнарком сизнинг ўлкангизнинг совет негизидаги автономиясини қувватлайди, бунга амин бўлингиз. Биз сизнинг бошлаган ишларингизни табриқлаймиз ва бутун ўлка бўйлаб Советларни жорий қилишингизга, мавжуд Советлар билан ҳамжиҳат бўлиб иш кўришингизга қаттиқ ишонамиз...»⁴⁵.

Советларнинг V Туркистон съезди РСФСР составида Туркистон Совет автономияси ташкил этилганини тантанали суратда маълум қилди. Туркистонни автономия қилиш ҳақида съезд томонидан қабул этилган Низомда қуйидагилар таъкидланган эди:

«1. Туркистон ўлкаси территорияси Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси деб эълон қилинади.

Туркистон республикаси составига Хева ва Бухородан ташқари, географик чегаралари билан бутун Туркистон мамлакатаги киради»⁴⁶.

2. Туркистон Совет Федератив республикаси автономия сифатида идора этилиб, Россия Совет Федерацияси марказий ҳукуматини тан олади ва ўз фаолиятини у билан мослаштиради...»⁴⁷.

Низомда ишчи, солдат, крестьян ва мусулмон-деҳқон депутатлари Советлари Съезди Туркистон республикасининг қонун чиқарувчи олий органи ҳисобланади деб белгиланди. Низомда доимий қонун чиқарувчи олий орган — Марказий Ижроия Комитетни сайлаш ва ижрочилик функцияси ҳамда ўлкани бошқаришни съезд томонидан сайланган Халқ Комиссарлари Советига юклаш кўзда тутилди.

Советлар ва уларнинг Ижроия Комитетлари жойларда ҳокимият ҳисобланиши Низомда кўрсатилди»⁴⁸.

Юқорида таъриф этилган Низом билан РСФСР составида Туркистон совет автономияси тузилганлиги қонуний равишда ҳал этилган эди.

1918 йилда яна бир муҳим воқеа рўй берди. Июнь ойида большевистик ташкилотларнинг I Улка съезди очилди. Бу съезд Совет Туркистонининг бутун территориясидаги большевистик партия ташкилотларни РКП(б) нинг ажралмас қисми бўлган ягона Туркистон Коммунистик партиясига бирлаштирди. Съезд Улкада совет қурилиши масаласига алоҳида аҳамият берди.

Съезд томонидан қабул этилган қарорда маҳаллий миллатларнинг меҳнаткашларини давлатни бошқариш ишига кенг жалб этиш, партия агитациясини кучайтириш, ҳамма эвласть, уезд ва маҳаллий Советлар қошида миллий ишлар бўйича комиссарликлар барпо этиш, съезд материалларини она тилида нашр этиш зарурлиги ва бошқалар қайд этилди⁴⁹.

Туркистоннинг ҳамма миллат меҳнаткашларини совет қурилишига жалб этиш иши шу даврдан бошлаб кенг қулоч ёза бошлади.

Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг 1918 йил 14 июлдаги қарори билан Урта Осиё халқларининг миллий тиллари, шу жумладан ўзбек тили ҳам, рус тили билан бир қаторда, давлат тили деб эълон қилинди⁵⁰.

Тошкентда ўлка халқлари янги совет маданиятининг муҳим манбаларидан бири ҳисобланган Туркистон халқ университети очилди⁵¹.

Республикадаги ҳамма миллатларнинг илғор меҳнаткашлари Коммунистик партияга аъзо бўлиб кира бошладилар.

1918 йил 6 июлдан бошлаб «Иштирокиюн» (Коммунист) газетаси ўзбек тилида чиқа бошлади, эвласть газеталарини ҳам нашр этиш иши йўлга кўйилди.

1918 йил октябрь ойида бўлиб ўтган Советларнинг VI Фавқулодда ўлка съезди Туркистон АССРнинг биринчи Конституциясини кўриб чиқди ва уни тасдиқлади.

Туркистон АССР Конституциясига Советларнинг III Бутуниттифоқ съездида қабул қилинган «Меҳнаткашлар ва эксплуатация қилинувчи халқлар ҳуқуқи декларацияси» ва 1918 йил 10 июлда Советларнинг V Бутунроссия съездида қабул қилинган РСФСР Конституцияси асос қилиб олинган эди⁵².

Туркистон меҳнаткашлари Советларнинг VI съездида қатнашган ўз делегатлари орқали Туркистон РСФСР составидаги автоном республика ҳисобланишини тантанали тасдиқладилар ва халқнинг бу истаги кўрсатиб ўтилган Конституциянинг 6-боб, I параграфида ўз аксини топди.

Конституция Октябр революцияси ва Совет ҳокимияти

томонидан Туркистонда қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлади⁵³.

Туркистон Советлар съезди Туркистон АССР да олий ҳокимият ҳисобланди, Туркистон Марказий Ижория Комитети (Турк ЦИК) эса, республиканинг қонун чиқарувчи ва контроллик қилувчи олий органи ҳисобланди.

Конституция республикада Туркистон АССР Комиссарлари Совети шаклида ҳукумат тузишни қонунлаштирди⁵⁴.

Туркистон АССР нинг асосий қонуни РСФСР Конституциясига жуда мос бўлиб, шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашларига ҳокимиятнинг юқори органи — Советларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини берар эди.

Ўтмишда эзилган ва сиёсий томондан ҳуқуқсиз бўлган ўлка меҳнаткашлари Октябрь революцияси ғалабасидан ва совет автономияси ўрнатилгандан кейин ўз тақдирларига ўзлари тўлиқ ҳўжайин бўлиб қолдилар, Россия Федерациясининг бошқа меҳнаткашлари билан бир қаторда сиёсий ҳуқуққа эга бўлдилар.

Шунинг билан бирга, эксплуататор элементлар беистисно сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилдилар⁵⁵.

Туркистон АССР Конституциясининг энг муҳим хусусияти унинг интернационал характерда бўлишидир. Конституция давлатни идора этишда ҳамма миллат меҳнаткашлари тенг ҳуқуққа эга эканини эълон қилди.

РСФСР составида Туркистон Автоном Совет Социалистик республикасининг барпо этилиши халқларнинг эркинлигини ва мустақиллигини таъминлашда, ўлкадаги ҳамма миллатларнинг совет давлат тузумининг барпо этилишида ва ривожланишида муҳим фактор бўлди, социализм қурилиши йўлида Туркистон халқлари моддий ва маънавий кучларининг чинакам гуллашини таъминлади.

Ўша вақтларда Туркистон АССР бутун Фарғона водиси территориясини, Самарқанд ва Тошкент областлари ҳамда Қирғизистон ССРнинг ҳозирги территориясини, шунингдек Туркманистон, Қорақалпоғистон, Жанубий ва Жануби-Шарқий Қозоғистоннинг катта қисмини эгаллаган эди.

Маълумки, территориял (область) автономияда бир ёки бир нечта миллат шу ердаги аҳолининг кўпчилигини ташкил этиши мумкин. Туркистон АССР кўпмиллатли автоном республика эди. Аҳолисининг умумий сонидан, яъни 5250 мингдан ортиқ кишидан⁵⁶ 41,4 процентни ўзбеклар, 19,3 процентни қозоқлар, 10,8 процентни қирғизлар, 7,7 процентни тожиклар 4,7 процентни туркманлар, 1,4 процентни қорақалпоқлар ташкил этар эди⁵⁷.

1924 йилгача, яъни Ўрта Осиё республикаларини миллий чегаралашгача яшаб келган кўпмиллатли Туркистон совет

автономияси ўлкада давлат қурилишининг ўша даврдаги тарихий шароитга мос бўлган ягона тўғри ва мақсадга мувофиқ шакли эди.

Ўтмишдаги иқтисодий, сиёсий ва маданий қолоқлик, ва бунинг оқибати сифатида, Ўрта Осиё халқларининг миллат бўлиб шаклланиш процессининг анча секин бориши, бир қанча районларда эски хонлик тузумида ва чоризмдан мерос бўлиб қолган қолдиқ сифатида ўзаро миллий муносабатларнинг кескинлиги ва бошқа сабаблар Октябрь революциясидан кейиноқ Туркистонда миллий чегаралаш ўтказишга имкон бермади.

Ўрта Осиёда миллий чегаралаш ўтказиш учун Октябрь революцияси ғалабасини мустақкамлаш, ўлкада Совет ҳокимиятини мустақкамлаш, тузи контрреволюцияни ва чет эл ҳарбий интервенциясини тор-мор қилиш зарур эди. Бу даврда Бухоро ва Хева хонликларининг меҳнаткашлар оммаси Советлар ҳокимиятини ўрнатиш учун хонлик ҳокимиятига қарши революцион кураш олиб боришни давом эттирмоқда эдилар. Тарихий шароит Бухоро ва Хева (Хоразм) меҳнаткашларининг 1920 йилда, яъни Туркистонга нисбатан бирмунча кечроқ революция қилишга имкон берди. Ўрта Осиёда миллий чегаралашни совет тузуми фақат Туркистондагина эмас, шунинг билан бирга Бухоро ва Хоразмда ҳам ғалаба қилганидан ва мустақкамланганидан кейингина амалга ошириш жуда ҳам мақсадга мувофиқ эди.

Миллий чегаралашни муваффақиятли ўтказиш учун меҳнаткашлар оммасини давлат қурилишида кенг қатнаштириш, Ўрта Осиё халқларининг экономикасини ва маданиятини ривожлантириш лозим эди.

Мана шунинг учун РКП(б) Марказий Комитети ва шахсан В. И. Ленин кўпмиллатли Туркистон совет автономияси ўлка халқлари давлат тузумининг навбатдаги босқичи — Ўрта Осиёда Совет миллий республикалари барпо этилишига ўтишининг зарурий шаклидир деб тўғри ҳал этдилар.

Бошқа совет автоном республикалари каби, Туркистон АССР нинг ҳам дунёда биринчи кўпмиллатли Совет давлатига — Россия Федерациясига ихтиёрий кириши ўлка халқларининг тарихий ривожланишида ва уларнинг миллий давлатининг барпо этилишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Туркистон меҳнаткашлари Россия Совет Федерациясининг бевосита қўллаб-қувватлаши ва ёрдамсиз революция ғалабаларини сақлаб қола олмас ва империалистик давлатларнинг асоратига тушиш ҳавфидан ўзини ҳимоя эта олмас эди.

Туркистон АССР чет эл ҳарбий интервенцияси ва гражданданлар уруши йилларида оғир синовларни бошидан кечирди.

1918 йил 3 июлда Оренбург Дутов бандаси томонидан иккинчи марта босиб олинди. Туркистон билан Марказий Россия ўртасидаги темир йўл алоқаси кесиб қўйилди. Етти-сувда оқ казаклар бебошлик қилар эди.

1918 йил июль ойида инглиз интервентларидан йўл-йўриқ олган меньшевиклар ва эсерлар маҳаллий буржуа миллатчилари, рус оқ гвардиячилари ва кулаклар ёрдамида исён кўтардилар ва Ашхободда, Красноводскда, Қизиларводда ва Закаспий областининг бошқа шаҳарларида Совет ҳокимиятини ағдардилар. Закаспий fronti вужудга келди.

Халқаро империализмнинг содиқ малайи бўлган Бухоро ва Хева хонликларининг реакцион бошлиқлари ҳам Совет Туркистонига ҳужум қилиш учун тайёрлик кўра бошлади. Ўрта Осиё кўп сонли фронт ҳалқаси билан ўраб олинди.

Чет эл интервентларининг бевосита қутиртириши ва ёрдамида Туркистонда контрреволюцион босмачилик ҳаракати ташкил этилди.

Босмачилик Октябрь революцияси томонидан ағдариб ташланган эксплуататор синфларнинг Совет ҳокимиятига қарши қуролли чиқиш шаклларида бири эди. Реакцион синфларнинг манфаатини кўзлаб, ёш Совет ҳокимиятини бўғиш ва эски тартибларни тиклаш учун уриниб кўрган босмачилар панисломизм байроғи ниқобига кирдилар. Мулкдор синфларнинг вакиллари — помещиклар, бойлар ва руҳонийлар, шунингдек рус оқгвардиячилари босмачиларнинг асосий кучлари эди.

Руҳонийлар Совет ҳокимияти тўғрисида бўҳтон гаплар тарқатдилар, аҳолини Советларга қарши «муқаддас» урушга («ғазавот»га) чақирдилар.

Босмачиларнинг бошлиқлари қишлоқлардан иккиланувчи ўрта ҳол деҳқоннинг баъзи қисмини алдаш ва пўписа билан ўз орқасидан эргаштиришга мажбур қилдилар. Аммо босмачилик меҳнаткашлар оммасига беҳад азоб-уқубат келтирган сари, аҳолининг босмачиларга қарши ғазоби шунча ортди⁵⁸.

Босмачи шайкалари инглизлардан қурол, ўқ-дорилар олдилар. Босмачилар орасида Англия, Туркия ва бошқа давлатларнинг агентлари кўп эди. Инглиз империалистлари Қашқар орқали турли авантюристлар — Эргаш қўрбоши, Мадаминбек ва бошқаларни қўллаб-қўлтиқладилар, улар орқали босмачиликни кучайтирдилар⁵⁹.

Тошкент шаҳрида инглиз-америка чет эл разведкасининг ҳимоясида махфий «Туркистон ҳарбий ташкилоти» тузилди, шунингдек бошқа шаҳарларда ҳам бу ташкилотнинг бўлимлари бор эди. Ушбу ташкилотга оқгвардиячилар, эсерлар, меньшевиклар ва миллатчи элементлар уюшдилар. Интервентлар ва революционерлар Тошкентда ва Туркистон рес-

публикасининг бошқа муҳим пунктларида исён кўтаришга, Дутов билан қўшилишга ва кейинроқ Совет Россиясига умумий ҳужумга ўтишга уриниб кўрдилар.

1919 йил 18 январдан 19 январга ўтар кечаси Туркистон АССР нинг пойтахтидан чет эл разведкасининг актив иштирокида «сўл» эсерлар, меньшевиклар, буржуа миллатчилари ва оқгвардиячилар томонидан исён кўтарилди. Унга Туркистон республикасининг ҳарбий комиссари, яширин халқ душмани Осипов раҳбарлик қилди. Контрреволюционерлар ўн тўрт Туркистон комиссари — кўзга кўринган совет-партия арбоблари В. Войтинцев, А. Першин, Н. Шумилов, В. Финкельштейн ва бошқаларни ваҳшийларча ўлдирдилар. Аммо большевиклар раҳбарлик қилган Тошкент ишчилари, меҳнаткашлар оммаси ва Қизил Армия аскарларининг фидокорона қаҳрамонлик кураши натижасида ички контрреволюция ва чет эл ҳарбий интервенциясининг қабиҳ планлари барбод қилинди ва исён бостирилди.

Аммо душманлар янги провакацияга тайёрландилар. Улуғ давлатчилик шовинистлари партия ичида очиқдан-очиқ ихтилоф чиқариш ва Туркистонда Совет ҳокимиятини аслда тугатиш йўлига кирдилар. Мустахлакчи элементларнинг қолдиқлари, айниқса Еттисувдаги ва ўлканинг бошқа жойларидаги кўчириб келтирилган кулаклар улуғ давлатчилик шовинистлари томонидан ҳимоя қилиниб ва қўллаб-қувватланиб, маҳаллий аҳолининг ҳуқуқларини поймол қилдилар. Улар Совет ҳокимиятининг Туркистонда ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида кўрган тадбирларини барбод қилишга турли йўллар билан уриниб кўрдилар.

РКП(б) Марказий Комитети Туркистон партия ташкилотларига мустахлакчилик қолдиқларига, улуғ давлатчилик шовинизмига қарши кескин курашиш ҳақида, маҳаллий миллатлар меҳнаткашларини социалистик давлат қурилишига кенг жалб этиш ҳақида аниқ кўрсатма берди.

1919 йил 12 июлда РКП(б) Марказий Комитети Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва Туркистон компартияси Улка комитети адресига радиограмма юборди. Унда РКП(б) Марказий Комитети партия VIII съезди қарорларига асосланиб, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида маҳаллий миллатларнинг меҳнаткашларини уларнинг коммунистик партияга мансублигидан қатъий назар, совет давлат бошқаришига кенг жалб этиш зарурлигини кўрсатди. РКП(б) Марказий Комитети директиваларини амалга ошириш тўғрисида, маҳаллий миллатларнинг меҳнаткашлари Советларда актив иштирок эта бошладилар.

Успенский ва бошқаларнинг шовинистик группаси партия

директиваларининг бажарилишига тўсқинлик қилишга ури-
ниб кўрдилар. Аммо бу группа фoш этилди.

1919 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Туркистон Компартиясининг IV съезди ва республика Советлар VIII съезди РКП(б) МКнинг кўрсатмаларини қизғин маъқулладилар ва рус меҳнаткашлари билан бир қаторда маҳаллий миллатларнинг меҳнаткашлар оммасини Совет қурилишига янада кенгроқ жалб этиш ҳақида амалий тадбирлар белгиладилар. Шовинистик элементлар мағлубиятга учрадилар.

Советларнинг VIII съездига қатнашган 252 делегатдан 105 таси маҳаллий миллатларнинг вакиллари эди⁶⁰.

Советларнинг VIII Ўлка съездида кўп муҳим масалалар тўғри ҳал этилган бўлса ҳам, айрим хатоларга йўл қўйилди.

Масалан, Советларнинг VIII съезди Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Советини тугатиш ва унинг ўрнига учта мустақил Совет: Халқ хўжалиги Совети, Маданият ва Маориф Совети ҳамда Мудофаа Совети тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Шундай қилиб, бутун қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият Туркистон Марказий Ижроия Комитети функциясига киритилди.

Туркистонда партия қурилиши ишида ҳам хатоларга йўл қўйилган эди. Масалан, 1919 йил март-апрель ойларидаёқ Туркистон Компартияси Ўлка комитети қошида ёрдамчи орган сифатида Мусулмон бюроси (Мусбюро) ташкил этилди. У маҳаллий миллатларнинг меҳнаткашлари ўртасида сиёсий ишларни олиб бориши, ташкилотларда партияга ёрдам бериши ва маҳаллий коммунистларни большевикча руҳда тарбиялаши лозим эди. Мусбюро дастлабки пайтларда бу йўлда анча иш қилди. Аммо кейинчалик Мусбюро раҳбарлигида сепаратистик, фракцион тенденциялар устун бўлиб қолди ва у ўзини Туркистон Компартияси Ўлка комитетига қарши қўя бошлади.

Кейинчалик Мусбюро раҳбарлигида турган Рискулов ва бошқалар миллатчи оғмачиликка йўл қўйдилар.

1919 йил октябрь ойига келиб (Туркомиссия Тошкентга келиши арафасида) Туркистонда учта ўлка комитети: РКП(б) Ўлка Комитети, Ўлка Мусулмон бюроси (Мусбюро) ва чет эл коммунистларининг Ўлка Комитети бор эди. Буларнинг ҳаммаси бир-бирига бутунлай бўйсунмас эди. Мусбюро ўзини Туркистон Коммунистлар Партиясига қарши қўя бошлади ва РКП(б) Комитети қарорларига кўпинча тескари бўлган қарорларни ўз ҳолича қабул қила бошлади⁶¹.

Бу даврда Туркистон билан Марказий Россия ўртасида бевосита алоқанинг вақтинча узилганидан фойдаланган миллий буржуазия ва унинг идеологлари — миллатчи элементлар

яна актив ҳаракатга кўчдилар. Улар республикадаги ҳамма раҳбарлик органларини сиёсий қиёфаси ва иш тажрибасидан қатъий назар, мусулмонларга топширилишини таклиф этдилар. Шунингдек, «туб аҳолини синфларга бўлиш, бир синфни иккинчи бир синф томонидан эксплуатация қилиш ва эзиш факти ҳозирги даврда ҳеч қандай муҳим аҳамиятга эга эмас»⁶² деган зарарли тезисни олға сурдилар. Улар «мусулмон армияси» деб аталган махсус армия тузишни ва «Қизил Армиянинг мусулмон бўлмаган қисмларини» Туркистондан олиб чиқиб кетишни талаб қилдилар, мактабларни миллий руҳда қайта тузишни ва бошқаларни таклиф қилдилар.

Бунга ўлкадаги жуда катта экономик вайронликни ҳам қўшиш керак, у ички контрреволюция ва чет эл ҳарбий интервенциясининг оқибати эди.

Шундай қилиб, Марказий Россия билан темир йўл алоқаси вақтинча тўхтаб қолган даврда Туркистоннинг ҳарбий, сиёсий ва экономик аҳволи зўр хавф остида қолган эди.

Коммунистик партия совет халқининг ички душманларга қарши қаҳрамонона курашининг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлди.

Совет мамлакати халқлари билан бирликда Туркистон меҳнаткашлари ҳам ўз социалистик Ватанини ҳимоя қилиш учун отланди. Тошкентда, Самарқандда, Қўқонда, Андижонда ва бошқа шаҳарларда Қизил Гвардия отрядлари ва кўнгилли халқ милицияси тузилди. Қишлоқ ва овулларнинг меҳнаткаш оммаси — деҳқонлар ва кўчманчилар ишчилар бошчилигида контрреволюцияга қарши курашдилар.

Энг муҳим ва ажойиб факт шуки, Туркистон меҳнаткашлари оммаси ўлка душман фронтлари ҳалқаси билан бутунлай ўралган бўлишига қарамай, бу даҳшатли хавфдан чўчимадилар, ўз эрклари ва мустақилликларини сақлаб қолдилар. Бу ҳол Туркистон меҳнаткашлар оммасининг Совет ҳокимиятини севиши ва унга содиқлигига ёрқин мисол бўла олади.

Аммо Туркистон республикаси меҳнаткашлари Совет Россиясининг ёрдамсиз фақат ўз кучлари билан чет эл интервентларини ва ички контрреволюцияни тор-мор қила олмаган бўлардилар. Туркистонда контрреволюцион кучларни ва чет эл ҳарбий интервенциясини тор-мор қилиш Россияда бўлган граждандлар урушининг асосий фронтларидаги Қизил Армиянинг ҳарбий юришлари билан узвий боғлиқ эди. Интервентларнинг асосий кучларига қарши қаҳрамонона кураш олиб бориш билан Қизил Армия Туркистонга катта ёрдам берди.

Туркистонни интервентлардан ва босмачилардан озод қилишда Қизил Армиянинг Шарқий Фронтда Колчакка қар-

ши олиб борган муваффақиятли кураши муҳим роль ўйнади. Совет қўшинларининг қаҳрамонлиги ва ботирлиги туфайли Қолчак тор-мор этилди, Оренбург озод қилинди ва Туркистонга йўл яна очилди. Бу фронтда бўлган уруш давомида М. В. Фрунзе раҳбарлик қилган Туркистон fronti ажратилди.

VII Бутун Россия съездининг Қизил Армия ва Қизил флотга қилган мурожаатида шундай дейилган эди: «Ишчи-деҳқон полклари... Туркистон йўлини душманлардан тозаладилар ва Совет ҳокимиятнинг озодлик курашига Осиёнинг мазлум ҳамда асоратга солинган халқларининг қўшилишида улуғ давр очдилар»⁶³.

В. И. Ленин бошчилигидаги совет ҳукумати Совет Туркистонига ҳамма вақт аҳамият берди ва унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатди. Туркистон Совет Россиясидан қурол-яроғ, ўқ-дори, ғалла ва бошқа керакли нарсаларни олиб турди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Туркистоннинг совет ва партия ташкилотларига амалий ёрдам бериш мақсадида 1919 йил октябрь ойида Туркистонга Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Совети комиссияси (Турккомиссия)ни юборди. Турккомиссия составида В. И. Лениннинг содиқ сафдошлари ва шогирдлари, партия ва Совет давлатининг атоқли арбоблари В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе, Я. Э. Рудзутак ва бошқалар бор эди.

В. И. Ленин Турккомиссиянинг фаолиятига юксак баҳо бериб, Туркистон коммунистларига хат орқали мурожаат қилди. Туркистон халқлари билан тўғри муносабат ўрнатиш Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун гигант, жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга эканини, бутун Осиё учун ва дунёнинг ҳамма мустамлакалари учун, минг-миллионлаб кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлишини таъкидлади.

«Мен сизлардан,— деб ёзган эди Ленин,— бу масалага айниқса эътибор беришингизни,— Туркистон халқлари билан намуна кўрсатиб, амалий иш билан ўртоқларча муносабат ўрнатишга бутун кучингизни сарф қилишингизни,— бошида Британия империализми турган жаҳон империализмга қарши астойдил курашиш учун великорус империализмининг изларини йўқотишни чин кўнгилдан истаганлигимизни уларга иш билан исбот қилишингизни — бизнинг Туркистон комиссиямизга катта ишонч билан қарашингизни ва унинг директиваларига, яъни худди шу руҳда унга Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети томонидан берилган директиваларга қаттиқ риоя қилишингизни сизлардан жуда илтимос қиламан»⁶⁴.

Тошкент шаҳар партия конференцияси В. И. Ленинга ёзган жавоб хатида унинг кўрсатмалари Туркистон партия ташкилотлари ишларида асос бўлишлигига меҳнаткашлар доҳисини ишонтирдилар.

«Биз, Тошкент шаҳари коммунистлари, — деб ёзилган эди хатда, — Сизга ўз ишимиз билан тантанали ваъда бериб айтамызки, қайси миллат бўлишидан қатъий назар, ҳамма ёзилган ва эксплуатация қилинаётган кишилар Туркистон ишчилар синфи учун баробар қимматлидир». Тошкент коммунистлари РКП (б) МК қўйган тарихий вазифаларини бажаришда Турккомиссияни бутунлай қўллаб-қувватлашларини айтдилар⁶⁵. V ўлка партия конференцияси делегатлари ҳам В. И. Лениннинг Туркистон коммунистларига ёзган хати ва Турккомиссиянинг фаолияти билан бутунлай ҳамфикр эканликларини айтдилар.

В. В. Куйбишев Туркистоннинг сиёсий аҳволини қайд қилиб, Туркистон республика шаклда эмас, балки амалда, «бутун Россия Федерацияси билан жипс алоқададир, ғалаба Туркистон меҳнаткашлар оммасининг рус пролетарлари билан бўлган алоқасининг ҳар томонлама мустақамланишига боғлиқдир»⁶⁶ деган эди.

Турккомиссия ўзига юкланган тарихий вазифаларни муваффақиятли равишда бажарди. Бутунроссия Марказий Ижроия Қомитети ва РСФСР Халқ Қомиссарлари Совети Турккомиссияси Туркистонда Совет ҳокимиятини, маҳаллий партия ташкилотларини мустақамлашда, ленинча миллий сиёсатни амалга оширишда, бу ерда йўл қўйилган хатоларни тuzатишда жуда муҳим роль ўйнади.

Туркистоннинг партия ва совет ташкилотлари Турккомиссиянинг ёрдамида чет эл интервентларига ва босмачиларга қарши курашни, халқ хўжалигини тиклаш, партия ва совет органларини мустақамлаш, республикада совет автономиясини мустақамлаш ишларини қизитиб юбордилар.

Маҳаллий миллатларнинг меҳнаткашларини Қизил Армия сафига кенг жалб этиш, ўзини мудоффа қилувчи кўнгилли отрядлар сонини кўпайтиришга, айниқса аҳамият берилди.

Ягона Қизил Армия ичида махсус миллий қисмлар тузилган эди. 1919 йилга келиб, Туркистонда Қизил Армиянинг 20 га яқин миллий қўшин қисмлари тузилган эди, улар босмачи шайқаларига қарши актив кураш олиб бордилар⁶⁷.

1920 йил ёзида маҳаллий миллатларнинг меҳнаткашларини Қизил Армия сафига ялпи чақириб иши бошланди.

Туркистон фронтининг қўмондони М. В. Фрунзенинг 1920 йил 7 майда маҳаллий миллатларнинг меҳнаткашларидан 30 минг кишини Қизил Армия сафига олиш ҳақида чиқарган

буйруғини ўлка меҳнаткашлари зўр шодлик билан кутиб олдилар.

Совет ҳокимиятининг қуролли қўшинлари сафига маҳаллий миллатларнинг меҳнаткашлари ичидан 31 мингдан ортиқ киши қўшилди.

РСФСР Миллатлар Халқ Комиссарлигининг ҳисоботида қайд қилинишича, «Совет ҳокимиятининг тадбирлари шунга олиб келдики, фақат ҳарбий қисмларгина эмас, шунингдек босмачилик анархияси томонидан жабрланган маҳаллий аҳоли ўз ташаббуси билан махсус милиция отрядлари ва бошқалар тузиб, босмачиларга қарши шиддатли курашга ўтди»⁶⁸.

Шундай қилиб, босмачиларга ва чет эл интервентларига қарши шиддатли кураш авж олди, ва бу курашда Туркистоннинг ҳамма миллат меҳнаткашлари кенг қатнаша бошладилар.

Наманган уезди, Чуст районида Йўлдош Бойматов бошчилигидаги, Андижон уездида Абдулазиз Ҳусанбоев ва Г. Бильдин, Марғилонда Йўлдош Охунбобоев ва Сотиболди Икромов, Фарғона ва Олтиариқда Сайдахмад Араббоев, Абдурахмон Мадёров, К. Умурзоқов ва Муротов, Қўқонда Абдурахмон Султонов, Б. Бахтиёров, Тошмуҳаммад Ўрозбоев, Исроил Охунов, А. Пармонов, Расулжон Мадаминов, Зокир Убайдуллаев (Завқий), Бегмат Нурматов, Нетьмат Қосимов бошчилигидаги, Чимёнда Н. Ефимов ва бошқалар бошчилигидаги кўнгилли отрядлар босмачилар учун даҳшат эдилар⁶⁹.

Қизил Армиянинг Туркистон меҳнаткашлари билан биргаликда олиб борган қаҳрамонона кураши натижасида 1920 йилнинг бошларида Закаспийда инглиз интервентлари тормор этилиб, апрель ойида Еттисувдаги оқ казакларнинг чиқишлари бостирилди. Бу даврда Фарғона водисига ва бошқа жойлардаги босмачиларнинг асосий кучларига қақшатғич зарба берилган эди.

Аммо Урта Осиёдаги босмачилик ва чет эл интервенцияси бутунлай тугатилмаган эди. Меҳнаткаш халқ ва Қизил Армия йирик босмачи бандаларининг қолдиқларига қарши шиддатли кураш олиб боришдан ташқари, чет эл давлатлари томонидан қутиртирилган Бухоро амирлиги ва Хева хонлигининг ҳарбий хавфини ҳам бартараф қилиши керак эди.

Гражданлар уруши даврида Туркистонда партия ва совет органлари янада мустаҳкамланди.

Туркистон партия ташкилотлари ва Турккомиссия Туркистон Компартияси «Турк халқлари компартияси» номида қайтадан тузишга қатъий қарши чиқдилар, Туркистон Коммунистик партиясининг чинакам интернационализм асосида янада мустаҳкомланиши учун курашдилар.

РКП (б) Марказий Комитети Туркистонда ташкилий-партиявий қурилиш масалаларини қўнг билан ўрганиб, ўлкадаги ҳамма партия ташкилотларини Россия Коммунистик партияси Область Комитети ҳуқуқига эга бўлган Марказий Комитети (Ўлка Комитети ўрнига) бошчилигидаги ягона Туркистон Коммунистик партиясига бирлаштириш зарурлиги ҳақида мукамал кўрсатма берди⁷⁰.

Бу қарорга мувофиқ, шунингдек Туркистон Компартияси Ўлка Комитети составидан бир қанча аъзоларнинг кетиши туфайли, Ўлка Комитети ўрнига Туркистон Компартиясининг янги Муваққат Марказий Комитети тузилди⁷¹. Туркистон Коммунистик Партияси Муваққат Комитети составида республика Коммунистик партиясининг кўзга кўринган арбоблари — Устабоев, Бобожонов, Султонхўжа Қосимхўжаев ва бошқалар бор эди.

Туркистоннинг ёш партия ташкилотларига ёрдам бериш, раҳбарликни амалга ошириш мақсадида бевосита РКП (б) Марказий Комитети Турккомиссия аъзолори ичидан кейинчалик РКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси (Средазбюроси) га айлантирилган РКП(б) Тукистон бюросини (Туркбюро) тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Туркбюро Турккомиссия билан бирлида Туркистон коммунистлари сифини янада мустаҳкамлаш ва марксистик руҳда тарбиялаш бўйича катта ишлар қилди.

Партия қурилишини тартибга солиш билан бирга Туркистонда Совет ҳокимияти органларини, Совет автономиясини мустаҳкамлаш бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилди.

Туркистон совет автономияси ҳақидаги масала деярлик 1920 йил давомида яна янги кучли кураш ва тортишув билан ўтди. 1920 йил январь ойида Рисқулов бошчилик қилган «Муслмон бюроси» Туркистон АССР ни «Турк Совет республикаси» деб қайта тузиш проектини олға сурди⁷². Бу проектда «Турк Совет республикаси составига янги турк республикалари қабул қилиниши мумкинлиги» кўзда тутилган эди. Шундай қилиб бу проект авторлари советлар номи остида ўзларининг миллатчилик проектарини амалга оширишга уриниб кўрдилар. Улар ўлкани миллий чегаралашга қарши чиқдилар⁷³ ва ҳатто тарихий фактларни бузиб кўрсатиб, ўзбек, кирғиз, қозоқ, татар ва бошқа миллатларнинг яшашини ва ривожланишини инкор этдилар. Улар бу халқларни ягона «турк» номи остига сунъий «бирлаштириш» учун ҳаракат қилдилар.

Рисқуловнинг миллатчилик оғмачилиги ҳарактерига эга бўлган проекти синфий душман элементларининг тегирмонига шубҳасиз, сув қуяр эди. Туркистон Компартияси Ўлка комитети томонидан қабул қилинган «Туркистон Совет республи-

қасини автономия қилиш тезислари»да қайд қилинишича, буржуа-миллатчи элементлар «автономия», «ўз тақдирини ўзи белгилаш» шиори остида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва Туркистон халқлари орасида миллий низо оловини ёқишдек ошқора тенденцияда турдилар. Бу ҳол совет тузумининг бутун асосларини емириш хавфини туғдирар эди⁷⁴.

Туркистон партия ташкилотлари Турккомиссия ёрдамида буржуа-миллатчиларга қарши кучли кураш олиб бориб, республикада Совет ҳокимиятини сақлаб қолди ва уни мустаҳкамлади. Туркистон партия ташкилотлари рисқуловчиларнинг нотўғри проектига қарши чиқди.

1920 йил 23 ва 24 февраль кунлари Турккомиссиянинг комиссия аъзолари Элиаби, Куйбишев, Фрунзе, Рудзутак, Бокин, Голошекинлар иштирокида Туркистонни автономия қилиш ҳақидаги масала махсус муҳокама қилинди.⁷⁵ М. В. Фрунзе бу мажлисда сўзга чиқиб, миллатчилик программасининг моҳиятини атрофлича очиб ташлади. У Туркистонда қандайдир «ягона турк миллати» яшамайди, балки манфаатларини совет автономияси ҳисобга олган бирқанча миллатлар яшашини айтди. Турккомиссия кўпчилик овоз билан (Фрунзе, Куйбишев, Рудзутак, Бокин) Туркистонни РСФСР нинг территориал автономияси деб тан олади⁷⁶. Шундай қилиб, Турккомиссия Туркистон АССР ни ўлканинг ҳамма миллатлари манфаатларига мос бўлган областларга бўлинган ҳолда сақлаш керак деган фикрни айтди.

РКП (б) Марказий Комитети Туркистон партия ташкилотлари ва Турккомиссиянинг Туркистонни совет автономиясига айлантириш масаласи ҳақидаги таклифини бутунлай маъқуллади.

РКП (б) Марказий Комитети томонидан қабул қилинган «Туркистон автономияси ҳақида Низом»да кўрсатилишича, Туркистон миллий гуруҳларига, иқтисодий ва маиший укладига қараб областларга бўлинган ҳолда унда яшовчи асосий халқларнинг автоном республикасидир ва у «РСФСР нинг Туркистон Автоном Республикаси» деб аталди⁷⁷.

В. И. Ленин Туркистон АССР масаласи бўйича Турккомиссиянинг проектини кутн билан ўрганиб, 1920 йил 13 июлда проект ҳақида ўзининг қимматли фикрини айтди ва мусулмон руҳонийларга, панисломизмга ва уларнинг ҳимоячиси бўлган буржуа-миллатчилик ҳаракатига қарши кураш усулларини топиш зарурлигини кўрсатди. В. И. Ленин Рисқуловнинг «Турк республикаси» барпо этиш ҳақидаги проектини рад этди ва Туркистон коммунистларининг тутган йўлини маъқуллади⁷⁸.

Шундай қилиб, Коммунистлар партияси ва шахсан В. И. Ленин раҳбарлигида Туркистон партия ташкилотлари буржуа

миллатчиларига қарши шиддатли курашда Туркистон совет автономиясини сақлаб қолдилар ва уни мустақкамладилар.

Гражданлар уруши давом этар эди. Бу даврга келиб Совет Туркистонига империалистик давлатлар томонидан қутуртирилган Бухоро амирлиги томонидан ҳарбий ҳужум бошланиш хавфи туғилди.

Бунинг устига Туркистоннинг баъзи раҳбар ходимлари ўша даврдаги қийинчиликларни ҳисобга олмай, Туркистонда тезда миллий чегаралаш ўтказиш ҳақидаги нотўғри таклифлари билан чиқдилар.

Турккомиссия 1920 йилда Туркистоннинг экономик ва сиёсий аҳволини чуқур ўрганиб, Туркистонда миллий чегаралаш ўтказишни тўхтатиб туриш зарур деган қарорга келди.

В. В. Қуйбишев 1920 йил 18 июлда Туркистон Марказий Ижория Комитети президиуми, Ўлка партия комитети ва Турккомиссия коммунистлари фракциясининг қўшма мажлисида сўзга чиқиб, Туркистонни айрим республикаларга тезда бўлиш ҳақидаги проектнинг бевақтлигини қоралади ва бу тadbирни 1920 йил шароитида амалга ошириш иқтисодий ва сиёсий томондан мушкуллик туғдириши мумкинлигини таъкидлади⁷⁹.

Турккомиссия 1920 йил 5 июлда Советлар Бутунроссия Марказий Комитети ва РКП(б) Марказий Комитети номига В. В. Қуйбишев ва М. В. Фрунзе қўл қўйиб юборган ўз телеграммасида бу даврда Туркистонда содир бўлган фавқулоддаги ҳолатни ҳисобга олиб, Ўлкани бир қанча айрим республикаларга тезда ажратиш Туркистондаги бутун ишларни чиппакка чиқаришини ва бу иш миллатчи элементларга қўл келишини, сиёсий аҳвол Туркистон республикасини вақтинча бир бутун ҳолда сақлаш зарурлигини талаб этишни таъкидлади⁸⁰.

В. И. Ленин яқин йиллар ичида Туркистонда миллий-давлат чегараланиши ўтказиш мумкинлигини олдиндан кўрди ва шу туфайли қуйидаги кўрсатмани берди:

«1. Туркистонни Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркменистонга бўлган ҳолда карта (этнографик ва бошқа карта) тузиш топширилсин.

2. Бу уч қисмнинг қўшилиш ёки ажралиш шароити батафсил аниқлансин»⁸¹.

Бу шуни кўрсатиб турибдики, В. И. Ленин Туркистонни бир нечта миллий республикаларга бўлиш йўли билан ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканини жуда яхши билар эди. Уларнинг умумий белгилари унинг томонидан ўша вақтлардаёқ аниқланган эди. В. И. Ленин Туркистон партия ташкилотларига ўлкада миллий чегаралаш ўтказишга шошилмаслик, балки материалларни қўнт билан

тайёрлаш, ҳамма нарсани ўйлаб кўриш ва чегаралаш ўтказиш шароитини батафсил аниқлаб чиқишни кўрсатиб берди. В. И. Ленин кўрсатмалари Туркистон Коммунистик партиясининг иш программаси бўлди.

Туркистон Советлари Марказий Ижроия Комитетининг II Пленуми Туркистон Халқ Комиссарлари Советини тугатиш юзасидан қилган илгариги хатосини тузатди ва 1920 йилда қайтадан Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети тузилди⁸².

Туркистон миллатлари ишлари Халқ Комиссарлиги ва 5 та область комиссарликлари ташкил этилди. Республика Халқ Комиссарлигида ўзбек, туркман, қирғиз бўлимлари ва бошқа бўлимлар бор эди.

Давлат ва партия аппаратларини душман ва суқилиб кирган элементлардан тозалашда чоралар кўрилди. Собиқ полиция, жандармлар, чор соқчилари Туркистондан сургун қилинди. В. М. Фрунзе Туркистонда миллий сиёсат ва совет қурилиши соҳаларидаги ютуқларга баҳо бериб, шундай деган эди: «...Марказий Россия билан алоқа ўрнатилиши биланоқ Туркистонда Совет ҳокимияти сиёсати кескин бурилишга юз тутди Ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб революцион ҳокимиятга суқилиб кирган ҳамма муттаҳамлар, босқинчилар унинг сафидан ҳайдалди. Шаҳар ва қишлоқлардаги мусулмон аҳолининг кўпчилигини ҳокимиятга жалб этиш иши бошланаётир ва ҳамма миллатларнинг тўлиқ тенг ҳуқуқлиги ўрнатилаётир»⁸³.

Совет автономиясини ва Туркистон партия ташкилотларини мустаҳкамлашда РКП(б) Марказий Комитетининг 1920 йил 29 июнда чиқарган тарихий қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу қарорда Туркистонда партиянинг асосий вазифалари белгилаб берилган эди.

Европадан кўчиб келган аҳоли билан маҳаллий халқлар ўртасида бўлган ишончсизликни тугатиш зарур эди. Бу ишончсизлик самодержавиенинг эллик йилдан ортиқ давом этган мустахлак сиёсати туфайли вужудга келган эди.

Маҳаллий аҳолининг ижтимоий муносабатларида сақланиб қолган патриархал-феодал меросни тугатиш керак эди.

Кўчириб келтирилган кулаклар қўлидаги ерларни тортиб олиш зарур эди. Бу ерлар кулакларга чор ҳукуматининг собиқ кўчириб келтириш Бошқармаси томонидан бўлиб берилган ва туб аҳолидан ўзбошимчалик билан босиб олинган эди. Шунингдек, улар қўлидаги ортиқча ерларни олиш, ерсиз ва ери кам деҳқонларни ҳамда кўчманчиларни ер би-

лан таъминлаш, белгиланган нормага мувофиқ туб аҳол
ва кўчириб келтирилганларнинг ердан фойдаланиш норма
сини баробарлаш керак эди.

Ерларни умумлаштириш қонунини амалга ошириш йўли
да Туркистонда ер-сув муносабатларида феодал-патриар
хал қолдиқларни тугатиш бўйича катта ишларни бажариш
керак эди, чунки қишлоқ ва овулларда йирик помешчик ер
эгаллиги ҳали ҳам давом этар эди. Эксплуататор синфлар
Совет ҳокимияти қонунларини оёқ ости қилиб, ерларни со
тиб олишни ва сотишни сақлаш учун уринардилар.

РКП(б) Марказий Комитетининг қарори Туркистон Ком
партияси V съезди ва Советларнинг Бутун Туркистон IX съез
ди ишларининг программаси бўлди. 1920 йил сентябрь ойи
да бўлиб ўтган ҳар икки съезд ҳам РКП(б) Марказий Ко
митети ва Совет ҳукуматининг РСФСРнинг таркибий
қисми бўлган Туркистонда совет автономиясини мустақ
камлаш ҳаракатига бундай қўшилди.

Туркистон Компартиясининг V съезди РКП(б) VIII съез
дининг ишчилар синфи билан ўрта ҳол деҳқонлар ўртасида
мустақкам иттифоқ ўрнатиш ва бу иттифоқда пролетариат
нинг раҳбарлик ролини сақлаш ҳақидаги тарихий қарорнинг
кечиктирмай амалга ошириш тадбирларини белгилади.
«Кўшчи» союзини тузиш ҳақидаги қарор бу соҳадаги му
ҳим тадбирлардан бири бўлди.

«Кўшчи» союзи қишлоқ ва овуллардаги ҳамма миллат
ларнинг камбағал ва ўрта ҳол аҳолисининг ихтиёрий ра
вишда бирлашишидан ташкил топди. Бу союз маъмурий
функцияни бажармай, совет ва хўжалик қурилишига деҳ
қонлар ва кўчманчиларни жалб этиб, Совет ҳокимиятининг
қишлоқлардаги таянчи бўлиши керак эди.

Туркистон Коммунистик партиясининг V съезди респуб
лика Советлари IX съездига ер ислоҳоти, совет қурилиши
ва бошқа масалалар ҳақидаги конкрет директиваларни иш
лаб чиқди.

Туркистон Коммунистик партиясининг V съезди РКП(б)
Марказий Комитетининг кўрсатмаларига амал қи
либ, Туркистондаги ҳамма партия ташкилотларини РКП(б)
нинг область ташкилоти ҳуқуқида бўлган ягона Туркистон
Компартиясига бирлаштирди. Съезд Туркистон Компартия
си ичидаги миллатчи оғмачилар группаларнинг партияга қар
ши олиб борган ишларини чиб ташлади ва ҳамма
партия ташкилотларини буржуа миллатчилигига ва улур
давлатчилик шовинизмига қарши, оғмачи группаларга
қарши аёвсиз кураш олиб боришга чақирди.

РКП(б) Марказий Комитети «Известия ЦКРКП(б)»да эълон қилинган ўз ҳисоботида Туркистон Компартиясининг V съезди ишларига юксак баҳо берди. Бу съездда Туркистон Коммунистик Партияси Марказий Комитетига сайланган кишиларнинг кўпчилиги сўнги 2—3 йил ичида партия ва совет ташкилотларида ишлаган маҳаллий миллат ишчиларидан иборат эди⁸⁴.

Туркистон Коммунистик партияси V съездидан сўнг кўп вақт ўтмай, республика Советларининг IX съезди бўлиб ўтди. РКП(б) Марказий Комитети директиваларига амал қилиб, съезд Туркистонда энг муҳим масалалардан бири бўлган ер масаласини ҳар томонлама муҳокама қилди; ер ҳақида ленинча декретга ва РКП(б) кўрсатмаларига асосланиб, ер ҳақида декрет қабул қилди. IX съезд ерга бўлган хусусий мулкчиликни тугатилганини тасдиқлади, бутун ер фонди давлатга қарашли бўлиб, халқ мулки эканини эълон қилди. Съезд ерни ҳар бир жойнинг ўз табиий-маиший шароитига қараб белгиланадиган меҳнат нормаси бўйича бўлиб бериш тўғрисидаги қонунни ҳам қабул қилди. Меҳнат нормасидан ортиб қолган ерлар биринчи галда чорикорларга, мардикорларга ва ери кам деҳқонларга, шунингдек янгидан тузилаётган совхозларга, қишлоқ хўжалик артелларига берилиши кўзда тутилди. Еттисув областида қирғизларни илгари яшаган жойларига қайтариш ва уларга ер бўлиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди⁸⁵.

Советларнинг Бутун Туркистон IX съезди Туркистон АССРнинг янги Конституциясини муҳокама қилди ва қабул қилди. У 1918 йилда республика Советларининг VI съездида қабул қилинган биринчи Конституциядан анча фарқ қилар эди.

Маълумки, Туркистон АССРнинг биринчи Конституцияси ҳарбий шароит туфайли Туркистон билан Марказий Россия ўртасида темир йўл алоқаси вақтинча узилиб қолган даврда қабул қилинган эди. Бу шароит Туркистон АССРнинг биринчи Конституциясини тузишга таъсир қилган эди. Масалан, биринчи Конституцияда Туркистон АССР да чет эл ва ҳарбий ишлар, почта ва телеграф бўйича бўлган комиссарликлар тузилиши қонунлаштирилган эди; аслида эса, РСФСР Конституциясига мувофиқ, бундай комиссарликлар Россия Совет федерацияси миқёсида тузилиши ва автоном республикаларда бўлмаслиги керак эди.

РКП(б) Марказий Комитети Туркистон совет автономиясини ва унинг Россия Федерацияси билан алоқасини мустаҳкамлаш мақсадида Туркистон АССР Конституциясини

такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берди. Бу, Туркистон республикасининг яшаш ва ҳар томонлама ривожланиши учун муҳим шарт-шароит бўлди.

РКП(б) Марказий Комитети томонидан қабул қилинган «Туркистон автономияси ҳақида Низом»да РСФСРнинг бир қисми бўлган автономиянинг умумий асослари баён этилган эди. «Низом»да Туркистон Автоном Республикасининг ҳуқуқлари, шунингдек федератив ҳокимият ҳуқуқлари аниқ ифода этилган эди.

Юқорида айтилган Низом асосида 1920 йилда Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетининг «Туркистон республикаси ҳақида»ги қарори қабул қилинган эди. Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети бу қарорда Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасини РСФСРнинг автоном қисми ва у Сирдарё, Еттисув, Фарғона, Самарқанд, Закаспий⁸⁶ ва Амударё областларидан иборат эканини ва унга «РСФСРнинг Туркистон Социалистик республикаси» деган ном берилганини эълон қилди⁸⁷.

Шунингдек, РКП(б) Марказий Комитети томонидан «Марказ билан Туркистон ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақида» қарор қабул қилинди. РКП(б) Марказий Комитети Туркистонда Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети, Халқ Комиссарлари Совети ва РКП(б) Марказий Комитетининг доимий вакиллигини (Турккомиссияни) сақлашни зарур деб топди. Турккомиссияга федератив ҳокимиятнинг махсус ҳуқуқ доирасига кирган ишларни бевосита бошқариш; директивалар ва декретларни маҳаллий, иқтисодий ва ҳарбий шароитга мослаштирган ҳолда амалга оширилиши устидан назорат қилиш; шунингдек Туркистонда яшовчи миллатларнинг манфаатларини кўзда тутиб тўғри миллий сиёсат ўрнатишга ёрдам бериш вазифалари юклатилган эди⁸⁸.

РКП(б) Марказий Комитетининг қарорида федератив республиканинг ва Туркистон автоном республикасининг ҳуқуқ доиралари аниқ белгиланган эди. Жумладан, ташқи муносабат, ташқи савдо ва ҳарбий ишлар умумреспублика ҳокимиятининг махсус ҳуқуқ доирасига ўтказилган эди.

Республика учун белгиланадиган ва РСФСР Марказий Ижроия Комитети вакилиги томонидан тасдиқланадиган бюджет умумфедератив бюджетга кириши керак эди. Туркистон халқ хўжалиги Совети ва озиқ-овқат органлари ВСНХ (Бутун Россия халқ хўжалиги Совети) ва РСФСР Наркомпроди (озиқ-овқат халқ Комиссарлиги) томонидан белгиланган план доирасида ишлаши кўзда тутилди.

Қарор Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг ҳуқуқ доирасини ва республикада миллий сиёсатни амалга оширишда бу органлар олдида турувчи вазифаларни белгилади⁸⁹.

Советларнинг IX Бутунтуркистон съезди Марказий Россия билан алоқани мустаҳкамлашни қатъий баён қилди, Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Конституциясига РСФСР Конституцияси ва РКП(б) Марказий Комитети кўрсатмаларига бутунлай мос бўлган ўзгаришлар киритди.

ТАССРнинг янги Конституцияси республиканинг қўлга киритган барча ютуқларини мустаҳкамлади. Бу Конституция ўзгараётган шароитнинг ҳисобга олган ҳолда ёзилган ва РСФСРнинг автоном қисми бўлган республиканинг аҳволини ўзида акс этдирган эди.

Съезд Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг янги составини сайлади. Сайланганларнинг учдан икки қисми областлардан, маҳаллий миллатларнинг вакилларидан иборат эди⁹⁰.

Турккомиссия материалларида кўрсатилишича, IX съезд ўз ишларини муваффақиятли тамомлади. Делегатлар съезд ишларидан гоёта мамнун бўлганлар ва ўз жойларига димоғлари чоғ ҳолда ва қунт билан ишлаш иштиёқида жўнаб кетганлар»⁹¹.

Шундай қилиб, 1920 йил давомида Туркистонда Совет қурилиши соҳасида бу ердаги совет автономиясини мустаҳкамловчи зўр ютуқлар қўлга киритилган эди. Бу ютуқлар халқ ҳужалигини тиклаш, ер масаласини ҳал этиш ва республика халқларининг маданий савиясини ошириш тадбирлари билан боғлиқ эди.

1920—1921 йилларда Туркистонда ўтказилган биринчи ер ислоҳоти қишлоқ ва овуллардаги меҳнаткаш аҳолининг аҳволини яхшилашда йирик қадамлардан бири бўлди. Ислоҳот чоризм вақтида кўчириб келтирилган қулақлар, айниқса кўп бўлган Еттисув областида ва қисман Сирдарё, Фарғона ва Закаспий областларида ўтказилган эди.

Ислоҳот ўтказилиши туфайли Туркистон АССРнинг давлат ер фондига 232831 десятина ер қўшилди; бу ерни 12826 ерсиз ва кам ерли деҳқонга бўлиб берилди⁹².

Ер ислоҳати Туркистоннинг меҳнаткаш деҳқонларининг Россия ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлари билан бўлган иттифоқини мустаҳкамлади, республикада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш имконини берди. У меҳнаткаш омманинг моддий аҳволини яхшилади, уларнинг сиёсий активлигини оширди.

Совет давлати босмачилар ҳужумларидан зарар кўрган деҳқон хўжаликларига катта ёрдам берди. Деҳқонлар қишлоқ хўжалик кредити, уруғлик ва иш қуроллари билан таъмин этилди.

1920 йилда республикада пахтакор деҳқонларнинг биринчи 50 та кооперативи ишлади⁹³. 1919 йилда 70 минг десятина майдонга чигит экилган бўлса, 1920 йилда 109 минг десятина⁹⁴ майдонга чигит экилди. Пахтачиликни ривожлантириш учун пахтачилик комитети тузилди. Пахтакор деҳқонларнинг биринчи съезди қақирилди. У пахтачиликни ривожлантириш бўйича амалий тадбирларни белгилади. Съезд делегатлари ҳамма пахтакорларга қарата мурожаат қабул қилди. Турккомиссиянинг баҳоси бўйича, «бу съезд пахтакорларни уюштиришда, шубҳасиз, муҳим роль ўйнади»⁹⁵.

Бу, республика қишлоқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бўйича қилинадиган ишларнинг бошланиши эди.

Ўз она тилида ўқитадиган мактаблари, адабиёти ва матбуоти бўлмаган, миллий чекка ўлка халқларининг маданиятини ўстирмаган Совет автономиясини хаёлга ҳам келтириб бўлмайди. Шунинг учун Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Туркистон халқларининг ва бошқа қардош республикалар халқларининг янги социалистик маданиятини яратиш, уни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистонда миллий кадрлар жуда ҳам кам эди. Революциядан олдин тарбияланган маҳаллий интеллигенциянинг қўпчилиги буржуазия ва феодал-клерикал табақа ичидан чиққан эди. Коммунистик партия миллий интеллигенциядан совет кадрлари тайёрлаш ишини тезлатиш вазифасини қўйди.

Ўз она тилида умумий маълумот берувчи мактаблар ва профессионал-техник характердаги курсларнинг кенг тармоғини ташкил этиш ва ривожлантиришга қарор қилинди.

Октябрь революциясини шодлик билан кутиб олган интеллигенциянинг илғор қисми янги совет мактабларини барпо қилишда актив ёрдам берди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Т. Н. Қориниёзий ва миллий интеллигенциянинг бошқа кўзга кўринган вакиллари бошланғич ўзбек мактабларининг биринчи ташкилотчилари эдилар.

Туркистон Маориф Халқ Комиссарлиги маълумотига қараганда, 1921 йилга келиб республикада 2720 та I босқич мактаб очилган бўлиб, уларнинг 1320 тасида маҳаллий миллатларнинг болалари ўқир эди⁹⁶. 34 та II босқич мактаб очилиб, уларда 4762 ўқувчи ўқир эди⁹⁷.

Ўқитувчилар тайёрлашни тезлатиш мақсадида махсус педагогик курслар очилган эди. 1918—1921 йиллар давомида

Туркистонда бундай курсларда маҳаллий миллатлардан 3661 ўқитувчи тайёрланди, шу жумладан, уларнинг 1188 таси ўзбеклар эди⁹⁸.

Кейинчалик ўқитувчи кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртларининг стационар тармоқлари — техникум типидagi 7 та ўқитувчилар институти ва ўзбек, қирғиз, туркман тилларида ва бошқа миллий тилларда ўқитиладиган 2 та педагогика билим юрти очилган эди⁹⁹.

Катта ёшдаги кишиларнинг саводсизлигини тугатиш ишларининг бошланиши маданий қурилишнинг муҳим натижаси бўлди, чунки саводсизликни тугатмай туриб, маҳаллий миллатларнинг меҳнат кашларини мамлакатнинг сиёсий ҳаётига жалб қилиб бўлмас эди.

1921 йилда катталар учун: ўзбек тилида — 139 минг, қирғиз тилида — 87 минг, туркман тилида — 42 минг нусха ва бошқа тилларда алифбе китоблари нашр этилди¹⁰⁰. Туркистон республикаси Марказий Статистика Бошқармасининг маълумотига қараганда, 1922 йил охирларига келиб, фақат Сирдарё области бўйича саводли ўзбекларнинг сони 39146 кишига етган эди¹⁰¹.

Профессионал-техника билим юртларини, айниқса маҳаллий миллатларнинг ёшлари ўқийдиган профессионал-техника билим юртларини ривожлантиришга муҳим аҳамият берилган эди.

Туркистонда 20 дан ортиқ махсус профессионал-техника курслари, шунингдек республика халқ хўжалигининг турли соҳалари учун кадрлар тайёрловчи профессионал мактаблар ва техникумлар очилган эди.

Ўтмишда Туркистон ўлкасида битта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди. Фақат совет тузуми олий ўқув юртларининг таъсис этилишини ва ривожланишини, Ўрта Осиёнинг фан ва маданиятининг гуллаб-яшнашини таъминлади.

1918 йил апрель ойида Туркистон халқ университети очилган бўлса, 1919 йилда махсус олий мактаб — Туркистон шарқ институти очилди¹⁰².

1920 йилда Совет ҳукуматининг В. И. Ленин имзолаган декретига мувофиқ Туркистон Давлат университетининг таъсис этилиши республиканинг ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Университетни ташкил этишда йирик рус олимлари актив қатнашдилар. Университет янги совет интеллигенцияси кадрларини тайёрлашда жуда муҳим роль ўйнади. РСФСР миллатлар Халқ Комиссарлиги докладида қайд қилинишича, 1922 йилда университетнинг қишлоқ хўжалик, физика-математика,

социал-иқтисод, педагогика ва бошқа факультетларида 2300 дан ортиқ студент илм олган. Университет қисқа муддат давомида республика халқ хўжалиги учун юзлаб мутахассислар тайёрлади. Ишчилар ва меҳнаткашларнинг университетга киришини енгиллаштириш мақсадида тайёрлов ишчи-ёшлар факультетлари очилган эди.

Туркистоннинг ҳамма жойида маданий-оқартув ишлари ривожлана борди. 50 та клуб, 48 та кутубхона очилган эди¹⁰⁴. Туркистон халқлари тилида, шу жумладан ўзбек тилида китоблар нашр этиш йўлга қўйилди.

1920 йилда республикада ўзбек тилида «Қизил Байроқ», қирғиз тилида «Оқ Жўл», туркман тилида «Турманистон», рус тилида «Известия ТуркЦИК» газеталари ва бошқа тилларда ҳам газеталар нашр қилинди¹⁰⁵.

Ҳамза, Айний, Завқий ва бошқалар янги ўзбек совет адабиётининг реалистик асосчилари бўлдилар. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясини шодлик билан кутиб олдилар ва совет тузумини актив ҳимоя қилишга чақирдилар.

Туркистон АССР нинг социал-иқтисодий ва сиёсий томондан ривожланиши ҳамда у ердаги халқлар маданиятининг юксалиши ўрта Осиё социалистик миллатларининг, шу жумладан ўзбек социалистик миллатининг шаклланишига зўр таъсир кўрсатди.

1918 йил апрель ойида Туркистонда эълон қилинган совет автономияси 1921 йил бошларида янада мустақамланди.

Туркистон совет автономиясининг барпо этилиши ва унинг мустақамланиши ВЦИКнинг 1921 йил 11 апрелда Туркистон Совет Социалистик Республикаси ҳақидаги декретида ўзининг қатъий қонуний ифодасини топди.¹⁰⁶

Тарихий тажрибалар Туркистон совет автономиясининг ғалабаси ўлка халқларининг совет миллий давлат тузумини яратишда муҳим босқич, шунинг билан бирга ўрта Осиё миллий давлат чегаралашни ўтказишга тайёрланишда зарурий этап бўлганини тасдиқлади.

Бухоро ва Хева хонликларида халқ революциясининг ғалабаси ва Бухоро ҳамда Хоразм Совет Халқ Республикаларининг барпо этилиши ўрта Осиё халқларининг совет миллий давлат тузумини янада ривожлантиришда, шунингдек миллий чегаралаш ўтказиш учун тарихий шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

2. БУХОРО ВА ХОРАЗМ СОВЕТ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАЛАРИНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида мамлакатнинг бошқа миллий чекка ўлкаларидаги

жаби, Бухоро ва Хевада ҳам рус чоризмининг мустамлака режими тугатилди.

Ўз миллий сиёсатига содиқ бўлган совет ҳукумати Бухоро ва Хева хонликларининг мустақиллигини ва суверенитетини таниди. Бухородаги рус сиёсий агентлиги, Амударё бўлими бошлиғи бошқармаси ва мустамлака системасининг бошқа аппаратлари тугатилди. Булар чоризм ва Муваққат буржуа ҳукумати даврида Бухоро ва Хева хонликларида иш олиб борган эди. Собиқ чор армияси кўшинлари бу мамлакатлар территориясидан чиқариб юборилди.

Совет ҳукумати Бухоро ва Хева хонликлари билан нормал дипломатик алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилди. Аммо Бухоро ва Хева хонликларининг ҳукмронлари Совет давлатининг тинчликсевар таклифини рад қилдилар. Бухоро ва Хева хонликлари билан Россия ўртасидаги традицион савдо-иқтисодий алоқалар уларнинг айби билан узилиб қолди. Бу ҳол хонликлардаги халқ оммасини жуда оғир аҳволга солиб қўйди. Меҳнаткашлар елкасига оғир юк бўлиб тушган солиқлар ва мажбуриятлар йилдан-йилга кўпайиб борди. Бухоро ва Хева хонликларининг ҳаддан ташқари оғир зулмга дучор қилинган меҳнаткашлари ўз умидларини совет Россиясига қаратдилар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва Совет мамлакатида, шу жумладан Туркистонда ҳам Коммунистик партиянинг миллий сиёсатда қилган тантанаси Бухоро амирлиги ва Хева хонлигидаги халқ оммасига революцион руҳда кучли таъсир қилди.

Бу чекка ўлкаларнинг халқлари ишчилар синфи ва Россиянинг ҳамма меҳнаткашларининг кураши мисолида Совет ҳокимиятининг ғалабасигина халқ оммасига ҳақиқий эркинлик ва бахт келтиришига кундан-кунга кўпроқ ишонч ҳосил қилдилар.

Бу чекка ўлкаларнинг меҳнаткаш оммаси Совет идеяси билан борган сари кўпроқ қизиқа бошладилар. Бухоро ва Хевада янги, революцион Россияга интилиш кучайди, революцион ҳаракат ўсди. Турккомиссиянинг Бухорода революцион ҳаракатнинг кўтарилишига алоқадор бўлган ҳисоботларидан бирида (1919 йил декабрь—1920 йил июнь) «омманинг норозилиги ва революцион ғалаёнлар борган сайин кучаймоқда. Биз яқин вақтлар ичида Бухорода муҳим воқеалар содир бўлишини кўришимиз эҳтимол»¹⁰⁷, деб таъкидланади.

Бухоро амири ва Хева хони халқ оммасининг революцион курашини бутун кучлари билан бостиришга уриниб кўрди. Бухоро ва Хевада реакция ва террорчилик ҳукм сурди. Хонлар ва беклар авж олаётган революцион-озодлик ҳаракатини қонга ботирмоқчи бўлдилар. Хон жаллодлари халқнинг юзлаб

энг яхши кишиларини ўлдирдилар. Шаҳар ва қишлоқлар дорлар билан тўлди. Фақат эски Бухоронинг ўзида 1920 йил революцияси арафасида 3600 киши қатл қилиниган эди¹⁰⁸.

Бухоро амири ўзининг панисломистик мақсадини амалга ошириш учун Туркистонни ҳам қўшган ҳолда «мусулмон давлати» тузишни хаёл қилар эди. У Совет ҳукуматининг тинчлатув яшашга қаратилган бир қанча таклифларини рад этиб, империалистик давлатларнинг раҳбарлигида Совет мамлакатига ҳужум қилиш учун шошилишга тайёргарлик кўрди. Хева хони ҳам Советларга қарши позицияда турди.

Бухоро ва Хева, бир томондан, генерал Маллесон ва расмий иш билан келган бошқа кишилар орқали инглиз қўмондонлиги ва шпийон гуруҳлари билан, иккинчи томондан, Дутов ва Колчакнинг рус контрреволюцион кучлари ҳамда Туркистондаги босмачи тўдаларининг бошлиқлари билан яқин алоқада бўлди¹⁰⁹.

Закаспий ва бошқа фронтларда совет қўшинлари томонидан тор-мор этилган оқғвардиячилар, эсерлар, меньшевиклар ва бошқа контрреволюцион элементлар Хева ва Бухорода ўзларига бошпана топдилар. Улар Совет Туркистонига қарши янги интервенция тайёрлашда бевосита қатнашдилар¹¹⁰.

Бухоро ва Хева хонлиги Англиянинг Совет ҳокимиятига қарши агрессиясини амалга оширишда восита бўлиб қолдилар.

Англия Бригания протекторати остида Бухоро амири бошчилигидаги Туркистон монархиясини барпо этиш планини тузди¹¹⁰. Амалда гап Урта Осиёни Британия империяси мустамлакасига айлантириш тўғрисида борар эди. Империалистлар Россияга жанубдан ҳужум қилиш учун Туркистондан муҳим стратегик плацдарм сифатида фойдаланишга уриниб кўрдилар.

Инглизлар шу мақсадни кўзлаб, Бухоро амирлиги ва Хева хонлигини зўр бериб қурулантирдилар.

Машҳаддаги инглиз қўмондонлиги Бухоро хонлиги ҳукуматини Бухорога «ёрдам» беришга ишонтирди ва тезда «Совет Россиясига қарши кураш бошлашга» даъват этади. ¹¹². Бухорога ҳарбий тайёргарлик кўриш учун инглиз инструкторлари юборилган эди.

Туркистон АССРнинг Бухородаги мухтор вакилининг Туркистон Советларининг VII съездида (1919 йил) қилган докладыда уқтириб ўтилишича, Бухорода советларга қарши кампанияга Англиянинг кўп сонли шпийонлари¹¹³, шунингдек Германия ва бошқа давлатларнинг агентлари актив қатнашганлар¹¹⁴. Бухоро хонлигидаги амир ҳамма русларни Туркистондан ҳайдаб чиқариш ва бу ўлкани эгаллаш учун Совет ҳокимиятига қарши муқаддас уруш бошлашга чақирди¹¹⁵.

Бухоро хонлиги ўз қўшинларини ҳарбий операцияларга тайёрлади ва Совет мамлакатига қарши системали равишда иғво уюштирди (Самарқанд областининг айрим волостларини босиб олиш, чегара постларига ҳужум қилиш, қизил аскарларни ўлдириш ва бошқалар)¹¹⁶.

1919 йилнинг охирларида Бухоро амири 50 минг кишилик армия тўплади ва уларни Совет Туркистони чегараси яқинига келтириб қўйди¹¹⁷.

В. В. Куйбишев Бухоро хонлигининг сиёсий аҳволини анализ қилиб, 1920 йил август ойида шундай деган эди: «Ҳозирги вақтда Англия томонидан гиж-гижлатилаётган Бухоро қуролланмоқда ва халқаро империалистларнинг ҳимоясига таяниб, Россияга зарба бериш учун тайёрланмоқда. Бухоро билан тўқнашининг олдини олиш учун Совет ҳокимияти бутун чораларни кўрмоқда. Совет ҳукумати ҳар қандай миллатнинг мустақиллигига суиқасд қилмаслигини тинчликсеварлик билан маълум қилади, лекин Бухоро ва Эрон ҳукуматлари инглиз империалистларининг таъсири остига тушиб қолдилар¹¹⁸.

Хевада ҳам худди шундай аҳвол эди. 1918 йилдан бошлаб босмачилар тўдасининг бошлиғи, Англия малайи Жўнаидхон Хева хонлигида ҳақиқий ҳоким бўлиб олди¹¹⁹. Инглиз яроғ-аслаҳаси ва ўқ-дориси билан таъминланган Жўнаидхон Хева устига юриш қилди, Хева ҳокими Исфандиёрхонни ўлдирди. Жўнаидхоннинг қўли остидаги киши ўлдирилган Исфандиёрхоннинг укаси Саид Абдулла Тўраҳон тахтга ўтқазилди.

Жўнаидхон Хевада кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган талончилик билан шуғулланди ва революционерларга, озошлик учун курашувчиларга қарши кучли террор олиб борди¹²⁰. У туркман, ўзбек ва қорақалпоқлар ўртасида турли сунъий йўллар билан миллий низо оловини ёқди.

1918 йил ноябрь ойида Жўнаидхон Амударё бўлимидаги рус қишлоғига ҳужум қилди. Амударё бўлимининг маъмурий маркази бўлган Петро-Александровск (ҳозирги Тўрткўл) шаҳари қамал қилинди, лекин шаҳар таслим бўлмади. Туркистон республикасининг Хевадаги коллегиял вакиллигининг ёзма докладыда курсатишича, Петро-Александровск шаҳарига руслар ҳимоясига қочиб келган маҳаллий миллатларнинг меҳнаткашлари — ўзбеклар, қорақалпоқлар, қозоқлар ва бошқалар рус граждандарнинг Жўнаидхонга қарши олиб борган курашига хайрихошлик билдирдилар; улар ўзларининг ёрдам беришларини таклиф этиб, ўша ондаёқ русларга қўшилдилар. Жўнаидхоннинг таланчи тўдалари умумий куч ёрдамида ҳайдаб юборилди ва улар оғир мағлубиятга учрадилар¹²¹.

Шунга қарамай Жўнаидхон яна тиниб-тинчимади. У 5 мингга яқин қуролли кишиларни тўплаб, совет қўшинларининг Чоржўй группасига қарши орқа томондан зарба бериш учун отлангирди¹²², аммо бу юриш ҳам муваффақиятли чиқмади.

Революция етилиб келар эди. Коммунистлар раҳбарлик қилган халқ оммаси хон тартибларига борган сари рўйроқ қарши чиқа бошладилар.

Шуни қайд қилиш керакки, буржуа реформистлари, хон режимига оппозицион кайфиятда бўлганлар, «ёш бухоролилар» ва «ёш хевалилар» группалари халқ оммасининг озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилишни даъво қилдилар.

1918 йилда майдонга келган Бухоро Компартияси ташкилий жиҳатдан 1919 йил декабрь ойида расмийлашди ва РКП(б) программасини қабул қилди¹²³. Турккомиссиянинг ҳисобот материалларида қайд қилинишича, камбағаллар Бухоро коммунистлар партияси теварагига уюшганлар, шунинг билан бир вақтда «қуйи ва ўрта руҳонийлар ҳамда оппозицион буржуазиянинг бир қисми» «ёш бухоролилар» ташкилотига тўланганлар¹²⁴.

Бухоро амирлигига қарши олиб борилган революцион кураш давомида Бухоро Коммунистик партияси билан «ёш бухоролилар» партияси ўртасида вақтинчалик иттифоқ тузилган эди¹²⁵. Бу шартномани тузишда «ёш бухоролилар» партияси Компартия платформасини бутунлай қўллаб-қувватлашга ва революциядан кейинроқ мустақил партия сифатида тугатилиб Бухоро Коммунистик партияси билан расмий бириктиришга сўз берди. Дастлаб шуни қайд этиб ўтиш лозимки, гарчи «ёш бухоролилар», шунингдек «ёш хевалилар»нинг баъзан оддий аъзолари революцион ҳаракатларда қатнашган ва Коммунистик партия программасини тан олган бўлсалар ҳам, бой табақадан чиққан кўпчилик «ёш бухоролилар» ва «ёш хевалилар» революция ишига хиёнат қилдилар, Бухоро ва Хоразмда совет социалистик қурилишга катта зарар келтирдилар.

Коммунистик партия Бухоро ва Хевадаги революцион ҳаракатларнинг раҳбар кучи бўлди. Бухоро коммунистлари революцион курашни кенг қизитиб юбордилар, бунда кўп коммунистлар қурбон бўлдилар. Масалан, 1920 йил июль ойида Бухоро ҳокимлари эски Бухорода Бухоро Коммунистик партияси бўлимининг бир қисмини қўлга туширдилар ва уларни ўлдирдилар¹²⁶. Коммунистлар Чоржўй районида, айниқса актив иш олиб бордилар. Коммунистлар бошчилигидаги туркман меҳнаткашлар оммаси революционерлар билан birlikда

Бухоро амирига қарши курашга тайёр эканликларини билдирдилар¹²⁷.

Хоразм Компартияси 1920 йил революцияси даврида Хева хонлигида майдонга чиқди, аммо Хоразмда айрим коммунистик группалар революциядан илгари ҳам бор эди.

Туркистон республикаси Революцион Ҳарбий Совети маълумотидан кўриниб турибдики, Хева халқларининг энг яхши раҳбарларидан бир қисмини хон ҳокимияти қатл қилган, бошқа қисм хонликда қолган ёки Туркистон АССР да сиёсий бошпана топган ва Хоразм халқларининг озодлиги учун курашни давом этдирган¹²⁸.

Бухоро ва Хева хонликларининг меҳнаткашлари хонларнинг қаттиқ жазолашига қарамай, коммунистлар раҳбарлигида хон ҳокимиятига қарши озодлик курашини қизитиб юбордилар.

Бухоро амири Совет ҳукуматига қарши курашиш учун кишиларни армияга сафарбар қилаётган вақтда Бухоро халқлари амир ва унинг ҳукуматига қарши норозилик юзасидан кўзғолонлар (масалан, Хатирчида) кўтардилар. Лекин бу кўзғолонлар раҳмеизлик билан бостирилди¹²⁹.

Бухоро ва Хева хонлиги меҳнаткашлари «ўз» ва чет эл эксплуататорлари ҳамда зolimларини фақат ўз кучлари билан енгаолмасликларини борган сайин яхши тушина бошладилар.

Бухоро ва Хева хонликларининг меҳнаткашлари оммаси ўзларини озод қилишда ягона тўғри йўлни — Советлар йўлини, эксплуататорларга қарши совет халқлари билан биргаликда курашиш йўлини танладилар.

Бухоро хонлиги меҳнаткашлари номидан ёзилиб, 1500 киши қўл қўйган ва матбуотда эълон қилинган хатлардан бирида Бухородаги зўравонлик режими даҳшатлари тасвирланган ва амирликнинг инглиз империалистлари раҳбарлиги остида Совет Россиясига қарши урушга шоялинич равишда тайёргарлик кўраётгани баён қилинган эди.

Меҳнаткашлар хатнинг давомида шундай деб ёзган эдилар: «...биз Россия пролетарлари ҳокимиятни ўз қўлларига олганини кўриб ҳаят хурсанд бўлдик. Агар халқимизни эзувчилар бизни асоратга солиш учун бир-бирлари билан оғиз-бурун ўпишган бўлсалар, биз жафо чекканлар ҳам истибодга қарши курашиш учун Россия пролетарлари теварагига бир аҳил оиладек жипслашишимиз керак...»

Хат Бухоро халқининг озодликка чиқишида унга оғаларча ёрдам беришни сўраб Россияга мурожаат қилиш билан тугалланган эди¹³⁰.

Бухоро ва Хева деҳқонлари, ишчи ва ҳунармандларининг

сабр косалари тўлиб-тошди. Улар рус ишчилар синфининг революцион ҳаракатидан илҳомланиб, қуролли қўзғолон кўтардилар.

В. И. Ленин Шарқ халқларининг тақдирига, айниқса диққат билан қаради. Россия ишчилар синфини Шарқнинг, шу жумладан Хоразмнинг эзилган халқларининг озодлик курашида уларга ёрдам беришга, ҳамма халқларнинг биродарларча иттифоқини мустаҳкамлашга чақирди. В. И. Ленин 1917 йилда РСДРП(б) нинг VI (апрель) Бутунроссия конференциясида миллий масала ҳақида сўзлаган ўз нутқида: «Биз Хева деҳқони Хева хони қўли остида яшашини бутунлай истамаймиз. Революциямининг ривожланиши билан биз эзилган оммага ўз таъсиримининг кўрсатамиз» деб таъкидлаган эди.¹³¹

1919 йил ноябрь ойида Хевада коммунистлар раҳбарлигида революция бошланди. Ўзбек, туркман, қорақалпоқ ва бошқа миллатларнинг меҳнаткашлар оммаси маҳаллий феодал-клерикал элементларнинг ва инглиз империалистларининг ҳомийлиги остида мансабга эга бўлган Жўнаидхонга қарши қўзғолон кўтардилар.

1919 йил 15 ноябрда «Иштирокиюн» газетаси кўп азобуқубат чеккан Хеванинг (Хоразм — Ҳ. Т.) меҳнаткаш халқи ўз эзувчиларига қарши қатъий кураш бошлагани ва ўзининг бу курашига Совет ҳокимиятининг ёрдам беришини сўраб мурожаат қилгани ҳақида маълумот беради. Бу илтимосга жавобан 1919 йил 22 декабрда Совет ҳукумати Тўрткўлга ва ҳозирги Қорақалпоғистоннинг ўнг қирғоғидаги бошқа пунктларда турган совет қўшинларига Хева хонлиги ерларига ўтиш ва қўзғолон кўтарган халққа ёрдам бериш ҳақида буйруқ берди¹³².

1920 йил февраль ойида Хоразмда революция ғалаба қилди ва хон ҳокимияти ағдариб ташланди. Мамлакатни идора қилишни халқ ўз қўлига олди. Хоразм Советларининг I қурултойини чақиришдан олдин республиканинг Революцион Муваққат Ҳукумати тузилди.

1920 йил 2 февралда Хева шаҳрида меҳнаткашларнинг Хоразм коммунистлари томонидан уюштирилган кўп минг кишилик митинги бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари Хоразм халқи истаганини ифодалаб, хон истибдодининг ағдарилганини ва халқ ҳокимияти ўрнатилганини бир оғиздан табриклардилар. Улар Хоразмни хонлар ва чет эл империалистлари зулмидан озод қилишда катта ёрдам кўрсатгани учун Қизил Армияга ўзларининг чуқур миннатдорчиликларини билдирдилар.

Хоразмнинг Революцион Муваққат Ҳукумати халқ истаганини адо этиб, халқ вакилларининг Бутунхоразм қурултойини чақиришга тайёрлик кўрди.

1920 йил апрель ойида халқ вакилларининг I Бутунхоразм қурултойи собиқ Хева хонлиги тугатилганини ва Хоразм Совет Халқ Республикаси тузилганини эълон қилди. Съезд Советларнинг Бутунхоразм Марказий Ижроия Комитетини сайлади ва Хоразм Совет Халқ Республикасининг ҳукумати — Халқ Нозирлари (министрлари) Советини тузди.

Халқ вакилларининг Умумхоразм қурултойи Хоразм Совет Халқ Республикасининг биринчи Конституциясини тасдиқлади.

Конституцияда Хева халқларининг хонлар ва империялистлар ҳокимиятидан қутилганлигини нишонлаш ва собиқ Хева хонлигидаги меҳнаткашларнинг қабих ўтмишдан — қуликдан бутунлай озод бўлиш ҳақидаги тилаklarини эътиборга олиб, эндиликда собиқ Хева хонлиги ўзининг қадимги тарихий машҳур Хоразм номини олади, деб айтилган эди¹³³.

Хоразм Совет Халқ Республикаси Конституцияси 1920 йил революциясининг тарихий ютуқларини ва Хоразмда Совет халқ ҳокимияти ғалабасини қонуний равишда расмийлаштирди. Хоразмда ҳам Советларнинг ленинча идеяси тантана қилди.

«Собиқ Хева хонлигининг озод бўлган халқлари, — дейилган эди Конституциянинг 5-параграфида, — ҳокимиятни ўз қўлларига олиб, марказда ва жойларда бутун ҳокимиятни меҳнаткашлар Советлари қўлига бериб, ҳозирдан эътиборан Хоразмни Хоразм Халқ Республикаси деб эълон қилади¹³⁴».

Бутунхоразм қурултойи ҳокимиятнинг энг юқори органи бўлди.

Хоразм Совет Халқ Республикаси Хоразм халқларига сўз, матбуот, мажлис ва митинглар эркинлигини, илм олиш ҳуқуқини таъмин этди.

Хонлар ва уларнинг йирик амалдорларининг революция даврида мусодара қилинган мол-мулклари, шунингдек фабрикалар, заводлар, пахта запаслари ва бошқа қимматбаҳо нарсалар халқ мулки деб эълон қилинди.

Конституция Хоразм Совет Халқ Республикасининг сайлов кунига 18 ёшга тўлган эркак ва аёл граждaнлари диний эътиқоди, миллати, ўтроқлиги ва бошқаларидан қатъий назар, сайлаш ва меҳнаткаш халқ вакиллари томонидан Советларга сайланиш ҳуқуқига эга эканлигини қонунлаштирди. Хоразмнинг ўтмишда элементар сиёсий ҳуқуқдан маҳрум бўлган меҳнаткашлари эндиликда ўз республикаларининг давлат бошқаришида актив қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Шунинг билан бирга контрреволюционерлар, эски тузум даврида ҳукм сурган хонлар, уларнинг қариндош-уруғлари, эски хон ва чор ҳукуматларининг йирик амалдорлари, йирик бойлар ва катта ер эгалари сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди¹³⁵.

РСФСР ҳукуматининг ХСХР (Хоразм Совет Халқ Республикаси)даги вакили Гопнер Хоразм Халқ Республикасининг носоциалистик характери ни таъкидлаб, I Конституцияга мувофиқ дастлабки пайтда ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонлар билан бир қаторда сайлов ҳуқуқидан савдогарлар ва руҳонийлар ҳам фойдаланганлигини кўрсатган эди¹³⁶. Шу билан бирга ХСХР Конституциясида Совет халқ ҳокимиятининг душманлари сифатида топилган руҳонийлар сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиши ҳам айтиб ўтилган эди¹³⁷.

ХСХР Конституцияси ҳамма миллатларнинг тенг ҳуқуқлигини эълон қилди ва бирор миллатга имтиёз ёки устунлик бериш, шунингдек айрим миллатларни эзиш ёки уларнинг тенг ҳуқуқлигини чеклаш республиканинг асосий қонунига хилофдир деб ҳисоблади¹³⁸.

1920 йилда Бухоро хонлиги халқлари ҳаётида ҳам муҳим тарихий воқеалар бўлиб ўтди. 1920 йилнинг баҳори ва ёзида Бухорода революцион ҳаракат кучайиб кетди. Революцион кризис етила бошлади.

1920 йил 16 августда Бухоро Компартиясининг IV съезди бўлиб ўтди, В. В. Куйбишев ва М. В. Фрунзе съезд ишларида иштирок этдилар. Бу даврга келиб Бухоро коммунистларининг сони 5 минг кишига етди. Съезд қуроли қўзғолон бошлаш вақти келиб етди, деб ҳисоблади.

Съезд томонидан қабул қилинган қарорда амирни тахтдан ағдариш, феодал тартибларини тугатиш ва Бухорода Халқ Совет республикасини ўрнатиш учун курашда коммунистлар раҳбарлигида ҳамма революцион кучларнинг ягона фронтини тузиш кўзда тутилган эди.

Съезд Бухоро меҳнаткашларига қилган ўз мурожаатида эксплуатация қилинган бутун оммани амирнинг самодержавиесига қарши озодлик байроғини кўтаришга, қўзғолон кўтарган революционерлар сафига ва уларни қўллаб-қўлтиқлаётган Қизил Армия қисмларига қўшилишга чақирди¹³⁹.

Уша вақтларда Бухоро Компартиясининг 43 та ташкилоти бор эди¹⁴⁰. У 500 кишидан иборат ўз марказий ҳарбий ташкилотини тузди¹⁴¹. Жойларда (масалан, Чоржўйда) ҳам қуроли отрядларнинг бўлимлари тузилди. Коммунистлар партияси ўзининг «Қутилиш» номли 1000 нусхали газетасини нашр этдирди, унда Бухородаги революция масалалари ёритилар эди.

Август охириларида Бухоро коммунистлари «Бухоро қисмларининг ўзларига юклатилган вазифани бажаришга бутунлай тайёр эканликларини ва аҳоли уларни қўллаб-қувватлашини» маълум қилдилар¹⁴². Бу даврда бир вақтнинг ўзида Бухоро хонлигининг учта районида — Чоржўй, Қармана ва Шаҳрисабзда Бухоро Компартияси раҳбарлигида амирликка қарши

қўзғолон кўтарилди. 29 августда Эски Чоржўй Бухоро революционерларининг кўнгилли отряди ва қўзғолон кўтарган аҳоли томонидан озод қилинди. 30 га яқин зодагон, шу жумладан Чоржўй беги ҳам асир олинди¹⁴³. Ҳокимият Муваққат революцион комитет ваколатидаги Советлар қўлига ўтди.

Бу, умумий қўзғолонга сигнал бўлди. Чоржўй Ревкоми тузилди. У халққа шундай мурожаат қилди: «...Бухоро халқи қўзғолон кўтарди, — дейилади мурожаатда, — у Чоржўй беклигида эски ҳокимиятни ағдарди ва у ерда Совет халқ ҳокимиятини ўрнатди. Революция бутун Бухорони қамраб олди. Революцион комитет Бухоро халқи ўзининг ҳамма душманларини енгиш ва адолатли ҳаёт қуриш учун қўлига қурол олди, деб маълум қилади». Мурожаатнинг давомида шундай дейилади: «Биродарлар! Эски тузум тарафдорларини йўқ қилингиз, Бухоро Қизил Армияси сафига қўшилингиз. Ҳамма жойда қўзғолон кўтарингиз. Зўравонларга ўлим! Золимларга ўлим!...¹⁴⁴.

Революция бошланишида Бутунбухоро революцион комитети ҳам тузилган эди. У революция бошлангани ҳақида хабар берди ва Бухоронинг ҳамма халқларини амирга ва унинг ҳукуматига қарши ҳарбий отланишга чақирди¹⁴⁵.

Революция энди бошланган вақтдаёқ Чоржўй революцион Комитети Бухоронинг қўзғолон кўтарган халқи номидан «қардош Россия Қизил Армиясидан халқ душманларининг қаршиликсини енгишда унга ёрдам беришини сўради¹⁴⁶.

Бухоро меҳнаткашларининг илтимосига жавобан, М. В. Фрунзе қўмондонлигидаги Совет Армияси қисмлари ёрдамга келди.

Совет Армияси қўллаб-қувватлаган халқнинг революцион қаҳрамонона кураши туфайли, 1 сентябрда Бухоронинг кўпчилик марказий районлари озод қилинди. Аҳоли ўз халоскорларини зўр шодлик билан кутиб олди.

Қизил Армия қисмларининг Бухоро революционерлари томонидан тузилган мусулмонларнинг биринчи шарқ полки билан биргаликдаги комбинация қилинган ҳужумидан кейин, 2 сентябрда амирлик пойтахти олинди ва хон ҳокимияти ағдарилди. М. В. Фрунзе Бухоронинг қўзғолон кўтарган халқи ва Қизил Армия қисмларининг биргаликда қилган ҳаракатлари туфайли Бухородаги революция ғалаба қилгани ҳақида В. И. Ленинга телеграмма юборди¹⁴⁷.

Бутун дунё меҳнаткашларининг доҳиси В. И. Ленин Советларнинг VIII Бутунроссия съезди минбаридан Бухоро Совет Республикасининг барпо этилганини табриклади¹⁴⁸. Бухородаги ҳамма ҳокимият Бутунбухоро Марказий революцион комитет қўлига ўтди. Бекликларда маҳаллий ревкомлар, қишлоқларда меҳнаткашларнинг қишлоқ комитетлари тузилди¹⁴⁹. Эски Чор-

жўй беклигининг ўзида революциянинг биринчи кунларида 23 та қишлоқ комитети тузилди¹⁵⁰.

Турккомиссиянинг Эски Чоржўй районидаги вакили ўртоқ Скориковнинг докладида уқтириб ўтилишича, янги Бухоронинг халқ ҳокимияти Бухоро Компартияси Марказий Комитетининг бевосита раҳбарлиги остида тузилган¹⁵¹.

Бухоро меҳнаткашларининг сиёсий активлиги кун сайин ошди. Кўп сонли митинглар бўлиб ўтди¹⁵². Турккомиссия материалларидан маълум бўлишича, қишлоқларнинг меҳнаткаш аҳолиси бел, ўроқ, таёқ кўтариб, Қизил Армия қисмлари билан биргаликда ҳужумга борганлар. Меҳнаткашлар бундан буён қурблари етмайдиган солиқлардан ва хон ҳамда бекларнинг мустабид режимидан қутилганлари учун хурсанд эдилар. Кўпчилик халқ оммаси революция тарафдори бўлиб, ўзининг янги ҳаётини тузиш истагини ифодалар эди¹⁵³. Илгари жаҳолат остида бўлган хотин-қизлар ҳам активлик кўрсата бошладилар, улар ўз истаклари ва шикоятлари билан янги ҳокимият олдига келдилар. Турккомиссия вакилининг докладида тасвирланган қизиқ воқеалардан бири мана шундай: Чоржўйда янги революцион ҳокимиятнинг шикоятлар бюросига ўзбек аёли келган. У «ўзининг золим эри зулмидан шикоят қилиш учун янги ҳокимият олдига келган; таржимон орқали ундан, революцион воқеалардан хабардормисиз деб сўралганда, у: «хабардор бўганим учун сизлардан ёрдам сўраб келдим» деб жавоб берган¹⁵⁴. Бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин.

Эски Чоржўй беклиги қишлоқлари меҳнаткашларининг вакиллари иштирокида 1920 йил 15 сентябрда очилган съезднинг муваффақиятли ўтиши омманинг сиёсий активлиги ўсганлигининг ёрқин мисолларидан биридир. Съездда доҳий ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг ташкилотчиси В. И. Ленин фахрий вакил қилиб сайланди. Съезд қарорида дунё пролетарлари олдида В. И. Лениннинг роли, ишчилар ва деҳқонлар манфаатлари йўлида унинг ҳормай-толмай қилган ишлари қайд қилиб ўтилди. Қарорнинг давомида В. И. Ленин «Бухоро революцияси тарихида муҳим роль ўйнади», деб кўрсатилди¹⁵⁵.

Эски Чоржўй қишлоқ меҳнаткашлари вакиллариининг съезди Марказий ва маҳаллий ревкомлар ҳамда қишлоқ комитетлари тузилганини бир оғиздан маъқуллади. Съезд резолюциясида эзувчиларнинг эски амир ҳокимияти йўқ қилингани таъкидланди. Меҳнаткашлар ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар.

«Ҳамма қабиҳ эскилик абадий тугатилди,—деб қайд этилди резолюциянинг давомида,—янги тузум яратиш учун эски тузумни йўқотиш даврида биз Марказда Ревком, жойларда эса қишлоқларнинг меҳнаткашлари ичидан сайланган қишлоқ комитетларидан иборат ҳақиқий ягона халқ ҳокимиятини тан

оламиз. Ревкомлар ва қишлоқ комитетлари ҳамма меҳнаткашларни ўз атрофига тўплайдиган ва амир аппарати қолдиқларини емириб ташлайдиган энг одил, қатъий ва ўткир ҳокимиятдир¹⁵⁶.

Съезд Бухоро Қизил Армияси тузилганини маъқуллади. Съезднинг ўзида биринчи кўнгиллилар Қизил Армия сафига ёзилдилар.

Съезд Бухоро ишчилари ва деҳқонлари интернационал жанговар қизил колонналарга, ўз Бухоро Қизил Армиясига бирлашиб ва кишилиқнинг порлоқ истиқболи учун фидокорона курашаётган рус ишчилари ҳамда деҳқонлари билан ўзаро алоқани мустаҳкамлаб, европалик ишчи ва деҳқонлар билан ўзларининг бирдамликларини офизда эмас, амалда ҳам кўр-стадилар, деб маълум қилди¹⁵⁷. Съезд Янги Бухоронинг Россия Федерацияси билан дўстлигини қатъий баён қилди, РСФСРнинг галабаси ва мустаҳкамланиши Бухоро республикасининг галабаси эканини таъкидлаб ўтди¹⁵⁸.

1920 йил 6 октябрда халқ вакилларининг I Бутунбухоро қурултойи бўлиб ўтди. Съезд ишларига 1850 делегат қатнашди¹⁵⁹. Қурултой хон ҳокимияти ағдарилганини тасдиқлади ва Бухоро Халқ Совет Республикаси ўрнатилганини тантанали равишда маълум қилди.

1921 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган II Бутунбухоро қурултойи Бухоро Халқ Совет Республикасининг биринчи Конституциясини тасдиқлади¹⁶⁰. Бу конституция Хоразм Совет Халқ Республикаси Конституцияси билан кўп жиҳатдан ўхшаш эди. Конституцияда «амир ҳокимияти ағдарилиши ва давлат бошқармаси бевосита халқнинг қўлига ўтиши муносабати билан собиқ Бухоро хонлиги Бухоро Совет Халқ Республикаси деб эълон қилинди» дейилган эди¹⁶¹.

Конституциянинг 4-моддасида Бухоро республикасининг бутун территориясида, маркази ва жойларида давлат ҳокимияти халқ депутатлари Советларига бирлашган вакиллари орқали Бухоро халқига тегишлидир дейилади.

Бухоро Совет Халқ Республикасида юқори давлат ҳокимияти халқ депутатларининг Бутунбухоро қурултойи ихтиёрида эди. Қурултойлар ўртасидаги даврда юқори ҳокимиятни Халқ депутатлари Советлари Бутунбухоро қурултойи Марказий Ижроия Комитети олиб борар эди. Республика ҳукумати—Халқ Нозирлари Совети БСХРни умумий бошқариш ишини олиб борар эди¹⁶².

Совет Бухороси асосий қонуни ҳам ҳамма миллат граждандарининг тенгҳуқуқлиги, сўз, матбуот, йиғилиш, митинглар эркинлигини сўзсиз эътироф қилди.

Меҳнаткаш деҳқонлар, ишчилар (гарчи гунча кўп бўлмаса ҳам, аммо аҳолининг энг революцион қисмидан иборат эди), батраklar ҳамда хунармандлар Бухоро ва Хева (Хоразм—Ҳ. Т.) революцияларининг асосий кучлари эди. Уларнинг Совет республикаси учун олиб борган курашида меҳнаткаш омма озодлик курашининг раҳбари—рус ишчилар синфи Хоразм ва Бухоро меҳнаткашларига холисона ёрдам берди.

Бухорода ва Хоразмда халқ совет революцияси бўлиб ўтди, дастлаб унда меҳнаткаш омманинг революцион-демократик диктатураси ғалаба қилди. Бу республикалар ўз ички ижтимоий тараққиёти натижасида кейинчалик революциянинг иккинчи этанига ўтиб, социалистик республикалар сифатида ривожландилар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Бухоро халқларининг тарихий тақдирида муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги БСХР Конституциясида қуйидагича ифода этилган: «Йигирманчи йилдаги Бухоро сентябрь революцияси ўн еттинчи йил Россия Октябрь революциясининг мантикий оқибати эди»¹⁶³.

Хоразм республикаси Конституциясида миллий чекка ўлкаларни социал ва миллий зулмдан озод қилган Россия пролетарларининг тарихий роли алоҳида уқтириб ўтилган эди. Конституцияда «Россия пролетарлари Хоразм меҳнаткашлари билан умумий қардошларча меҳнаткашлар иттифоқи тузган»ни ва Хоразм халқининг қисмати рус халқининг қисмати билан жипс боғланганини алоҳида қайд қилди. Конституцияда рус халқи ва бошқа эзилган халқларнинг биргаликда олиб борадиган кураши натижасидагина Хоразм халқи порлоқ келажак—социализмга ўтиши мумкинлиги кўрсатилган эди¹⁶⁴.

1920 йил революцияси туфайли Бухоро ва Хоразм меҳнаткашлари тарихда биринчи марта ўз совет давлат тузумларини яратдилар.

В. И. Ленин 1920 йил декабрь ойида, Бухоро, Озарбайжон ва Арманистон Совет республикаларининг барпо этилиши ва мустақамланишини табриклаб, таъкидлаган эдики, «...бу республикалар Совет ҳокимияти идеялари ва принципларининг ҳаммага тушунарли эканлигини, фақат саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлардагина эмас, фақат пролетариат сингари социал таянчи бўлган мамлакатлардагина эмас, балки шу билан бирга деҳқонлардан иборат асосга эга бўлган мамлакатларда ҳам тезлик билан амалга оширилиши мумкин эканлигини кўрсатадиган ва тасдиқлаб берадиган далилдир... Деҳқон Советлари идеяси ғолиб келди. Деҳқонлар қўлида ҳокимият таъмин қилинди; ер, ишлабчиқариш воситалари шу деҳқонлар қўлидадир. Сиёсатимизнинг амалий нагизалари деҳқон-совет республикаларининг Россия социалистик республи-

ликаси билан дўстона муносабатларини ҳозирдаёқ мустаҳкамлаб берди»¹⁶⁵.

Илгари Россия составига кирган Бухоро ва Хоразмда 1920 йил революциясининг бўлиб ўтиши Улуғ Октябрь социалистик революциясининг мантиқий оқибати эди, аммо бу мамлакатларнинг социал-иқтисодий ва сиёсий аҳволи сабабчи бўлган ўзига хос баъзи хусусиятлари ҳам бор эди.

Бухоро ва Хоразм типик аграр мамлакат эди. Уларнинг аҳолиси асосан деҳқонлардан иборат бўлган. Санъат пролетарлари деярли йўқ эди. Хонлар, беклар, руҳонийлар ва империалистлар томонидан асрлар бўйи эзилиб келган меҳнаткашлар сиёсий ва маданий томондан қолоқ эдилар.

Улуғ Октябрь революцияси Бухоро ва Хоразм халқ оmmasини ҳаракатга келтирди, улар ўз эолимларига қарши актив кураш олиб бордилар ва хонларни тахтдан ағдардилар. Аммо меҳнаткашларни давлатни ирода этишга, социалистик қурилишга қатнаштириш, уларнинг социалистик онгини ўстириш учун улар ўртасида кунт ва чидам билан ташкилий ва тарбиявий ишлар олиб борилиши керак эди.

«Бухородаги революцияга коммунистлар раҳбарлик қилди. Шунинг билан бирга,—деган эди В. В. Куйбишев,—революция натижасида бутунлай тушунарли бўлган объектив сабабларга кўра социалистик тузум деб атаб бўлмайдиган тузум ўрнатилди, чунки социалистик тузум ўрнатиш учун иқтисодий шароит ҳам, психологик шароит ҳам етилган эмас эди»¹⁶⁶.

«Яна шу ҳолни ҳам унутмаслик керакки,—деган эди В. В. Куйбишев,— Бухоро халқи асрлар давомида қўрқув ва руҳонийларга бўйсунув руҳида тарбияланди. Шунга кўра ғоявий асоратдан осон қутила олмасди»¹⁶⁷.

Бухоро ва Хева коммунистлари олдида Бухоро ва Хоразмни халқ совет республикасидан совет социалистик республикаси томон аста-секин, лекин оғинмай ривожлантиришдек кечиктириб бўлмайдиган вазифа турар эди. Ҳамма ерда ишчи ва деҳқон Советларини тузиш ва уларни мустаҳкамлаш, коммунистик ғоя тарғиботини кучайтириш, халқ оmmasини бой ва руҳонийларнинг реакцион таъсиридан қутқариш учун сиёсий-тарбиявий, маданий-оқартиш ишларини кучайтириш зарур эди; бу республикаларнинг социал-иқтисодий томондан ривожланишида маълум ютуқларни қўлга киритиш лозим эди.

Шунинг учун Бухоро ва Хоразмда совет халқ революцияси ривожланишининг биринчи этапида дастлаб Коммунистик партия раҳбарлигида революцион-демократик ўзгаришни амалга ошириш зарур бўлиб¹⁶⁸, бу революциянинг иккинчи этапида

эса, социалистик ўзгариш масаласи биринчи планда турар эди. Шу туфайли кейинчалик Бухоро ва Хоразм Халқ Совет республикаларини Совет социалистик республикаларига айлантириш ҳақидаги масала кун тартибига қўйилди. Биз бу ҳақда кейинроқ сўзлаб ўтамиз.

Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари ўзларининг келажак тарихий ривожланиши туфайли социалистик республикаларга айланди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси 180.000 кв км майдондан иборат эди. У ўша даврда Ўзбекистоннинг Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё областларининг ҳозирги территориясини, Тожикистон (Шарқий Бухоро)нинг жануби-ғарбий қисмини, Туркманистоннинг Чоржўй областини ўз ичига олган эди.

Бухоро республикаси аҳолисининг асосий касби деҳқончилик ва чорвачилик эди. Шаҳарда ҳунармандчилик ишлари кенг кулоч ёзган эди. Саноат корхоналаридан 25 та пахта тозалаш ва ёғ заводи ва кустар типдаги 10 та майда корхона бор эди.

Хоразм Совет Халқ Республикаси 62.237 кв км майдондан иборат эди.¹⁶⁹ Ўзбекистоннинг ҳозирги Хоразм области территорияси, Туркманистоннинг Хўжайли ва Тошовуз областлари ва Қорақалпоғистоннинг чап қирғоқ қисми унинг составига кирган эди.


Қишлоқ хўжалиги республиканинг асосий тармоғи эди. Қишлоқ аҳолиси 93,1 процент, шаҳар аҳолиси фақат 6,9 процентни ташкил этарди. ХСХРнинг Экономсовети маълумотига қараганда, Хоразмда тахминан 91.250 дан 137.000 гача хўжалик бўлиб, шулардан 85 проценти — оз ерли деҳқон хўжалиги ва 5 проценти катта ер эгалари хўжалиги эди¹⁷⁰.

Революцияга қадар Хоразмда 33 та кичик пахта тозалаш ва ёғ заводи 3 та кўн заводи ва бир нечта майда корхоналар бор эди¹⁷¹.

Бухоро ва Хоразм республикаларининг феодал муносабатдан ва асрий қолоқликдан социализмга ўтиши катта қийинчиликлар билан боғлиқ эди. Бухоро ва Хоразмда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш учун кадрлар, иқтисодий ресурс ва бошқалар керак эди. Бу республикаларнинг меҳнаткашлари ўз кучлари билан империалистик ҳужумдан ўзларини мудофаа қила олмас эдилар.

Хоразм ва Бухоро меҳнаткашларининг бахтига уларга Совет Россияси ёрдам берди. Шу туфайли Хоразм ва Бухоро халқлари социалистик қурилиш ишига жалб қилинди.

Совет Россияси янги барпо этилган Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларини биринчи бўлиб таниди ва улар-



1-расм. Ўрта Осиёнинг миллий-давлат чегаралари ўтказилишидан олдинги картаси.

нинг эркинлик ва мустақиллик учун олиб борган курашини қўллаб-қувватлади.

1920 йил сентябрь ойида Москвада РСФСР билан ХСХР (Хоразм Совет Халқ Республикаси) ўртасида иттифоқлик ҳақида шартнома тузилди. Иттифоқлик ҳақидаги шартномада РСФСР рус чоризми томонидан Хоразм устидан ўрнатилган собиқ ҳамма ҳуқуқлардан воз кечади, деб айтилган эди. РСФСР Хоразм республикасининг тўлиқ мустақиллигини сўзсиз таниди. Чор ва Муваққат буржуа ҳукуматлари билан собиқ Хева хони ўрталарида тузилган ҳамма шартнома ва битимлар бекор қилинди; Совет Россияси Россия ихтиёрида бўлиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси территориясида жойлашган ҳамма қўзғалмас мулкларни: ерлар, шаҳар участкалари, қурилишлар завод ва фабрикаларни Хоразм Совет ҳукуматига топширди.

Хар икки томон чет эл капиталининг тажовузига қарши биргаликда курашиш мажбуриятини олди ва шу мақсадда ўзаро ҳарбий-сиёсий шартнома тузди.

Иттифоқлик шартномасида Хоразм республикасининг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда РСФСР томонидан ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилган эди. РСФСР шартнома бўйича Хоразм Совет Халқ Республикасига бир йўла 500 миллион сўм миқдорда ёрдам пули берди.

РСФСР билан Хоразм Совет Халқ Республикаси ўртасида иттифоқлик шартномаси тузилиши билан бир вақтнинг ўзида иқтисодий ёрдам шартномаси ҳам тузилган эди¹⁷³. Бу шартноманинг асосида адолатли товар алмаштириш принципига мувофиқ ҳар икки республика ўртасида савдо алоқаларини ривожлантириш масаласи кўзда тутилган эди.

РСФСР билан Бухоро Халқ Совет Республикаси ўртасида ҳам дўстона иттифоқлик алоқаси ўрнатилди.

1920 йил 5 октябрда Бухоро ҳукумати РСФСР ҳукуматига декларация билан мурожаат қилди. Бу декларацияда Совет Бухороси Шарқ халқларини озод қилиш ишида олдинда бораётган рус халқи билан дўстона яшаш истагини билдирди ва Бухоро республикаси билан РСФСР ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилишини илтимос қилди¹⁷⁴.

Совет Россияси бу таклифни қабул этди ва Бухоро билан дипломатик алоқани биринчи бўлиб ўрнатди. РСФСР билан Хоразм республикаси ўртасида ҳам дипломатик алоқа ўрнатилди.

РСФСР ҳукумати ва РКП(б) Марказий Комитети иқтисодий, маданий, ҳарбий соҳаларда ва партия ҳамда совет қурилиши тажрибаларини ўргатиш ишида Бухоро Халқ

Совет Республикасига ва Хоразм Совет Халқ Республикаси-
га ҳар томонлама ёрдам бердилар.

1920 йил 11 сентябрда Совет ҳокимияти ва партиянинг
атоқли арбобларидан бири — В. В. Куйбишев Совет Бухоро-
росига бевосита ёрдам бериш ва у билан қардошларча ит-
тифоқлик ўрнатиш учун РСФСР ҳукуматининг мухтор ваки-
ли сифатида Бухорога борди. Бу ерда у 1920 йил сентябр-
дан ноябргача бўлди.

Бухоро халқи Совет Россияси вакили В. В. Куйбишевни
зўр шодлик билан кўтиб олди.

«7 ноябрда, Октябрь революциясининг уч йиллиги муно-
сабати билан Бухоро ҳукумати томонидан ўтказилиб 20.000
киши қатнашган митингда РСФСРнинг мухтор вакили ўр-
тоқ Куйбишев Бухоронинг мустақиллиги, Совет Республи-
каларининг вазибалари, чор Россиясининг Бухорога нисба-
тан фойдаланган ҳамма имтиёзларини бекор қилиш, само-
державие томонидан босиб олинган ҳамма ерларни фабрика-
лари, заводлари ва қўзғалмас мулклари билан биргалик-
да Бухорога қайтариб бериш ҳақидаги декларация билан
сўзга чиқди¹⁷⁵.

1920 йил 6 ноябрда РСФСРнинг мухтор вакили билан
Бухоро ҳукумати ўртасида муваққат ҳарбий-сиёсий битим¹⁷⁶
ва РСФСР билан Бухоро Халқ Совет Республикаси ўрта-
сида ўтмишда рус поселениялари деб аталган бутун терри-
торияни БХСРга топшириш ҳақида шартнома тузилди¹⁷⁷.

Октябрь революциясига қадар Когон (Янги Бухоро),
Карки Чоржўй, Термиз шаҳарлари Туркистон генерал-гу-
бернаторлигига бевосита қарам бўлиб, улар рус поселения-
лари деб аталар эди. Бу шаҳарларда пахта тозалаш, ёғ за-
водлари ва унча катта бўлмаган темир йўл мастерскойлари
бор эди.

Туркистонда Октябрь революцияси ғалаба қилгандан
кейин юқорида номлари кўрсатилган шаҳарларда ҳам Со-
вет ҳокимияти ўрнатилди. Бу ҳол Бухоро Халқ Совет Рес-
публикаси учун муҳим иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга
бўлди. Бу шаҳарларнинг ҳамма саноат корхоналари Бухоро-
рога берилди, БХСР экономикасини ривожлантиришга ёр-
дам берди. Уша даврда рус поселениялари Совет қурили-
шининг уч йиллик тажрибасига эга эди ва уларнинг БХСР
га қўшилиши Бухорода Совет давлат тузумини ривожлан-
тиришда муҳим роль ўйнади.

Россия Федерацияси ҳамма собиқ рус концессияларини
(темир йўл, ирригация ва бошқалар) ва чоризм даврида
Бухоро хонлигида қурилган корхоналарни Бухоро ҳукума-
тига топширди¹⁷⁸.

Ҳарбий-сиёсий битим ва рус поселенияларини Бухорога топшириш ҳақидаги шартноманинг ривожланиши асосида 1921 йил 4 мартда Москвада РСФСР билан БСХР ўртасида иттифоқлик шартномаси¹⁷⁹ ва иқтисодий битим тузилди¹⁸⁰.

Совет Россияси билан Бухоро ҳамда Хоразм республикалари ўртасида тузилган иттифоқлик шартномалари ва иқтисодий битимлар Хоразм ва Бухоронинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзининг иттифоқлик бурчига содиқ бўлган Совет Россияси уруш ва вайронлик туфайли содир бўлган оғир қийинчиликларга қарамай, Бухоро ва Хоразм республикаларига доимо ва ҳартомонлама ёрдам берди.

Революция томонидан ағдариб ташланган хон амалдорлари, феодаллар ва руҳонийлар кучли қаршилик кўрсатдилар ва қуролли ҳужум тайёрладилар. Революция даврида Шарқий Бухорога қочиб кетган амир Саид Олимхон ўз бандаларини тўплади ва Совет Бухоросига қарши курашни давом эттирди. Руҳонийларнинг бошлиқларидан бири Хўжа Эшон Совет ҳокимиятига қарши «ғазавот» эълон қилиб аҳолини жангга чақирди. У аҳоли ўртасида «агар сени большевиклар ўлдирса, шаҳид бўласан», деб ташвиқот олиб борди.—¹⁸¹ Хоразмда Жўнаидхон босмачи бандалари активлашди. Хева контрреволюционерлари ёш Хева Совет республикасига қарши фитна уюштирдилар. Улар ворис Саид Абдуллахон бошчилигида хон ҳокимиятини тикламоқчи бўлдилар¹⁸².

Бухоро ва Хеванинг меҳнаткашлар оммаси контрреволюционерларга қарши шиддатли курашда революция ғалабаларини ҳимоя қилдилар.

Бухоро республикаси қуролли кучлари Россия Федерациясининг Қизил Армияси ёрдамида Ғузор, Шаҳрисабз, Китоб ва бошқа районларни озод қилди¹⁸³. Бу ерларда Совет ҳокимияти ўрнатилди. Кейинги йилларда Совет Россияси босмачиликни бутунлай тор-мор қилиш ишида Бухоро халқига доимо ёрдам бериб турди.

Бухоро ва Хоразм республикалари билан Совет Россияси ўртасидаги иттифоқликнинг борган сари мустақамланиши янги халқ Совет республикаларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан қайта туғилишини таъминлади.

Мустақил Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларининг барпо этилиши ва бу республикалар билан Россия Федерацияси ўртасида ҳамкорлик ўрнатилиши миллий чегаралаш ўтказишда ва Ўрта Осиё Совет миллий республикаларини барпо қилишда муҳим шарт-шароитлардан бири бўлди.

Совет ҳокимиятини янада мустақамлаш, халқ хўжали-

тини тиклаш ва Ўрта Осиё халқлари маданиятини ривож-лантириш соҳасидаги муҳим масалаларни ҳал қилишда Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари кўп қийинчиликларни енгдилар.

1921—1924 йилларда Ўрта Осиё совет республикалари босиб ўтган Совет мамлакати халқ хўжалигини тиклашнинг умумий даври билан боғлиқ бўлган тарихий йўл Ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралаш ўтказишга қунт билан тайёрланишда ва уни 1924 йилда ўтказишда зарур шарт-шароитни ҳам яратиб берди.

3. 1921—1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН АССР, БУХОРО ВА ХОРАЗМ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАЛАРИНИНГ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Совет халқи граждaнлар урушини ғолибона тугаллаб, интервентлар ва ички контрреволюцияни тор-мор қилиб, Коммунистик партия ҳамда Совет ҳукумати раҳбарлиги остида гигант қурилиш ишларини кучайтириб юборди.

Мамлакат ичида шароит ҳаддан ташқари оғир бўлган даврда тинч хўжалик қурилишига ўтилди. Тўрт йиллик империалистик уруш ва уч йиллик граждaнлар уруши, шунингдек, чет эл ҳарбий интервенцияси Совет республикалари халқ хўжалигига ҳаддан ташқари оғир таъсир қилди. Туркистон АССР қишлоқ хўжалиги ва саноати оғир аҳволда эди. 1920 йилда экин майдонлари урушдан олдингига нисбатан ярмисигача, пахта майдонлари эса, 16,7 процентгача камайди. Туркистон саноатининг ялпи маҳсулоти урушдан олдинги даражасининг фақат 20 процентидан иборат эди. Хонлар ва феодалларнинг хўжайинлик қилганлиги туфайли Бухоро ва Хоразм экономикаси янада оғир аҳволда эди. Бутунлай издан чиққан қишлоқ хўжалигини тиклаш ва саноатни қайта қуриш зарур эди. Ўрта Осиёда босмачи бандитларнинг қолдиқларига қарши ҳарбий ҳаракатлар давом этар эди. 1921—1923 йилларда халқ хўжалигини тиклаш иши Совет армияси ва меҳнаткаш аҳолининг босмачиликка қарши тинмай кураш олиб бориши шароитида ўтди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакатнинг халқ хўжалигини тезроқ тиклаш учун қатъий тадбирлар белгиладилар. Бунда улар миллий чекка ўлкаларга, шу жумладан, Ўрта Осиё республикаларига алоҳида аҳамият бердилар.

Тинч хўжалик қурилиши Коммунистик партиянинг турли жойлардаги душманларга қарши шафқатсиз кураши билан бирга олиб борилди.

Троцкийчилар ва бошқа антиленинчи группалар 1920 йил охирларидаёқ партияга қарши ҳужумни кучайтирдилар ва партияни касаба союзлари ҳақида тортишувга қатнаштиришга мажбур қилдилар. Душманлар ишчилар синфини парчалаб юбориш ва Коммунистик партиянинг раҳбарлик ролини камситиш, капитализмни тиклаш мақсадида ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонлар ўртасидаги иттифоқликни бузишга ҳаракат қилган эдилар.

Аmmo В. И. Ленин раҳбарлик қилган партия унга қарши группалар — троцкийчилар, «ишчилар оппозицияси», «сўл коммунистлар», «демократик централистлар» ва бошқалар устидан қатъий ғалаба қилди.

1921 йил март ойида бўлиб ўтган РКП(б) X съезди Марказий Комитетнинг тутган йўлини маъқуллади, партияга қарши группаларни кескин қоралади ва партия бирлигини таъминлаш бўйича тадбирлар белгилади.

РКП(б) X съезди СССРда социализм қуришга қаратилган янги иқтисодий сиёсатга ўтиш ҳақида тарихий қарор қабул қилди.

Ўтмишда эзилган қолоқ халқларнинг социализмга ўтиши масаласи буюк назарий ва амалий аҳамиятга эга эди.

В. И. Ленин Коммунистик Интернационалнинг II конгрессида қилган докладыда, агар революцион ғолиб пролетариат қолоқ халқлар ўртасида мунтазам равишда тарғибот олиб борган тақдирда, Совет ҳукумати эса, ўз қўлида бўлган бутун воситалар билан ёрдам берса, қолоқ халқлар ривожланишининг капиталистик босқичини ўтишлари муқаррар деб ўйлаш нотўғри эканини исбот қилди. Ленин марксизмнинг «...қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузимига ва тараққиётнинг муайян босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин» деган машҳур тезисини биринчи бўлиб асослади¹⁸⁴.

Революциянинг дастлабки йилларидаёқ Коммунистик партия фаолиятининг амалий натижалари чор Россиясининг чекка ўлкаларида яшаб, ўтмишда жабр-зулм чеккан халқлар ҳаддан ташқари оғир шароитга қарамай, социалистик қурилишга бутунлай қўшилишлари мумкинлигини кўрсатди.

Партия X съезди миллий масалага алоҳида аҳамият берди. Партия тўғри миллий сиёсат ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги, ўтмишда эзилган миллатларнинг меҳнаткашлар оммаси ўртасидаги иттифоқни мустаҳкамлайди деб ҳисоблади.

Совет ҳокимияти мамлакатнинг барча халқларига тўлиқ ҳуқуқий тенглик берди. Энди ҳукмрон ва эзилувчи миллатлар йўқ эди. Аммо ҳали халқларнинг амалда иқтисодий ва маданий тенгсизлиги ўтмишдан мерос сифатида қолган эди.

X съезд ленинчи кўрсатмага амал қилиб, чоризм даврида эзилган халқларнинг иқтисодий ва маданий томондан асрий қолоқлигини тугатиш, бу халқларга амалий тенглик бериш масаласини қўйди.

Партия съезди улў давлатчилик шовинизмига ва маҳаллий миллатчиликка томон оғувчиларни кескин қоралади. Партияни ҳар икки оғмачиликка қарши муросасиз кураш олиб боришга, партия сафларидаги мустамлакачилик ва миллатчилик қолдиқларини тугатишга чақирди. Бу ишларни амалга оширмай туриб, чекка ўлкаларда маҳаллий ва рус пролетарларидан иборат аҳолини интернационализм асосида ўз сафида жиқслаштирувчи мустаҳкам, чинакам коммунистик ташкилотлар тузиш мумкин эмас эди.

РКП(б) X съездининг тарихий қарори совет республикаларидаги, шу жумладан, Ўрта Осиё республикаларидаги ҳамма партия ташкилотларининг жанговар программаси бўлди.

В. И. Ленин 1920 йилда ўзининг «Миллий ва мустамлака масалаларига оид тезисларнинг хомаки нухалари»да шуларни ёзган эди: «Биринчидан, совет республикалари мустаҳкам иттифоқ тузмаса, ҳарбий жиҳатдан беқийёс кучли бўлган бутун дунё империалистик давлатлари билан қуршалган бу совет республикаларининг яшашини ҳимоя қилиш мумкин эмаслигини; иккинчидан, совет республикаларининг жуда мустаҳкам иқтисодий иттифоқининг зарурлигини, бундай иттифоқ бўлмаса, империализм вайрон қилган ишлабчиқариш кучларини тиклаш ва меҳнаткашларнинг аҳволини яхшилаш мумкин эмаслигини; учинчидан, бутун миллат пролетариати томонидан умумий бир план билан тартибга солиб туриладиган бир бутун жаҳон ҳўжалигини вужудга келтириш тенденциясини капитализм давридаёқ янада ривожлантириш ва батамом тугаллаш мутлақо зарур бўлган бу тенденцияни назарда тутиб, федерацияни тўла бирликка ўтиш формаси деб эътироф қилиб, борган сари мустаҳкам федератив иттифоққа интилиш зарур»¹⁸⁵.

Партия X съезди ленинча кўрсатмаларга амал қилиб, ўзаро ишонч, ихтиёрий қўшилиш асосида мустақил социалистик совет республикалари давлат иттифоқини барпо этиш йўлига ўтди. Бу, мамлакатимиз социалистик миллат-

ларининг моддий ва маънавий кучларининг ҳар томонлама ривожланишини таъмин этувчи ягона тўғри йўл эди.

Совет ҳокимияти синфий хусусиятининг ўзи, унинг интернационал характери, Коммунистик партиянинг тўғри миллий сиёсати совет республикаларини бирлаштириш учун энг қулай замин тайёрлаб берди.

В. И. Ленин совет миллий республикаларининг қардошлик иттифоқини яратиш ва мустаҳкамлашнинг, ССР Иттифоқини барпо этилишининг ташаббусчиси ва илҳомчиси бўлди¹⁸⁶.

В. И. Ленин ҳамма миллатларнинг эҳтиёжини ҳимоя қилишга ва ҳисобга олишга, уларга нисбатан маъмуриятчилик йўлини тутмасликка чақирди.

Коммунистик партия В. И. Ленин кўрсатмалари асосида конкрет тадбирлар белгилади ва амалга оширди¹⁸⁷.

Мустақил совет республикаларининг истакларига мувофиқ ягона Совет давлати — Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи барпо этилди. Советларнинг биринчи Бутуниттифоқ съезди 1922 йил 30 декабрда тарихий декларация ва дастлаб составида РСФСР, УССР, БССР ва ЗСФСР бўлган СССРни барпо этиш ҳақида шартнома қабул қилди.

ССР Иттифоқининг барпо этилиши мамлакатимиз ҳамма халқлари томонидан зўр шодлик билан кутиб олинди. Бу эса Коммунистик партия миллий сиёсатининг тантанаси бўлди ва қардош республикаларнинг социалистик ривожланишининг кенг йўлини кўрсатиб берди.

РСФСР составидаги Туркистон АССР ўз тақдирини Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи тақдири билан боғлади, бу ҳол Туркистон АССР халқларининг озодлиги ва мустақиллигини империалистик хуружлардан сақлади ҳамда уларнинг иқтисоди ва маданиятининг тез суръатлар билан ривожланишига имкон берди.

Бухоро ва Хоразм Халқ Совет республикалари бўлсаларда, ҳали социалистик республика бўлмаганликлари туфайли Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бевосита қўшилмай қолдилар. Аммо улар СССР билан шартнома муносабатларида бўлиб, улуғ рус халқининг ёрдамида тез ривожландилар ва социалистик қурилиш йўлига ўта бошладилар.

Ўрта Осиёда, айниқса Хоразм ва Бухорода коммунистик ташиқлотлар ҳали ёш эди.

Бухоро ва Хоразм республикаларида Коммунистик партия зўр қийинчиликлар ичида ўсди. Бу компартиялар пайдо

Бўлган дастлабки йилларда унинг ичида ишчилар кам бўлиб, майда буржуа қатламидан чиққан кишилар кўп эди.

Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бухоро Компартияси IV (VIII) съездида доир тезисларида қайд қилинишича, 1920 йил революцияси бошланишида партияга ёт гуруҳлар кўплаб кирган эди¹⁸⁸.

Расмий маълумотларга қараганда 1923 йилдаги тозалашдан олдин Хоразм компартияси аъзоларининг 50 процентини савдогарлар, 10 процентини руҳонийлар вакили ва 40 процентинигина хизматчи, ишчи ва деҳқонлар ташкил этар эди¹⁸⁹.

Бундай шароитда Бухоро ва Хоразм компартияларининг ғоявий ва ташкилий томондан уюштириш қийин эди. Аммо Ўрта Осиё республикаларининг коммунистик партиялари, бошқа миллий чекка ўлкаларнинг коммунистик партиялари сингари Россия Коммунистик (большевиклар) партиясининг раҳбарлиги ва катта ёрдами туфайли, ўсди ва мустаҳкамланди.

Миллий республикалар ва областларнинг масъул ходимлари қатнашган партия X ва XII съездларида, РКП (б) Марказий Комитетининг IV кенгашида ҳамда партиянинг бир қанча қарорларида миллатчиликнинг моҳияти ва унинг хавфи таг-туғи билан очиб ташланди, улуғ давлатчилик шовинизмига қарши кураш олиб бориш билан бир қаторда, бу хавфга ҳам қарши аёвсиз кураш олиб бориш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Буржуазия миллатчилиги Ўрта Осиё коммунистик партияларига суқулиб кирди, у маҳаллий миллатчиликка ён босди. Уша даврда ўзбек шовинизми (Бухоро, Хоразм ва бошқа жойларда) шаклини олган миллатчилик бу республикаларда марксистик кадрлар тайёрлаш йўлида асосий ғоявий тўсиқ бўлди.

Троцкийчилар ва миллатчи-оғмачилар буржуа ҳокимиятини тиклашга ҳаракат қилиб, Ўрта Осиё республикаларидаги социалистик қурилишга халақит бермоқчи бўлдилар. Троцкийчи Сафаров партия X съездида доир ўзининг антиленинчи (Ленинга қарши) тезисларида қолоқ халқлар ривожланишининг социалистик йўли ҳақидаги ленинча таълимотни инкор этди, илгарилари эзилиб келган халқларнинг меҳнаткаш деҳқонлари билан рус пролетарлари ва деҳқонлари ўртасидаги иттифоқни инкор этди¹⁹⁰. Юқорида эслатиб ўтилган троцкийчиларнинг тезисларида партия томонидан аллақачон тугатилган «миллий-маданий автономия» деган миллатчилик шиори қайтадан тикланди.

Бухоро ва Хева Халқ Совет Республикаларининг, шунингдек Туркистон АССР ҳукумати ва партия органларига алдаш йўли билан суқилиб кирган душман гуруҳлар бу республикаларда социалистик қурилиш ишига турли йўллар билан тўсқинлик қилдилар.

Масалан, 1923 йил ярмидаги аҳволга кўра Бухоро республикасининг Халқ Нозирлари Совети кўпчилиги савдогарлардан ва муллалардан иборат эди. Гарчи ўша даврда Бухоро бутунлай деҳқонлар мамлакати бўлса ҳам Халқ Нозирлари Советида деҳқонларнинг битта ҳам вакили йўқ эди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси Госпланининг расмий маълумотига қараганда, 1922 йилда ташкил этилган БХСР Давлат банки ўзининг дастлабки йилида ўз кредитининг 70 процентдан ортигини хусусий кишиларга — бойларга, 23 процентини кўпчилиги савдогарлардан иборат комбинациялаштирилган ширкатларга, фақат 5 процентини кооперацияларга ва 1,85 процентини давлат корхоналарига берган эди¹⁹¹.

Хоразм Совет Халқ Республикасининг революциядан кейинги дастлабки ҳукумати ичида душман бой гуруҳлари ва Полвонийёз Юсунов бошчилигидаги собиқ «ёш хеваликлар» бор эди. Улар оғизда ўзларини коммунист деб атаб, амалда эса, буржуа-миллатчилик сиёсатини рўйи-рост олиб бориб, икки юзламачилик қилдилар.

Коммунистик партия раҳбарлик қилган халқ оммаси душманларни ҳукумат составидан қувдилар. Хоразм меҳнаткашларининг республика пойтахти Хевада 1921 йил 6 мартда коммунистлар раҳбарлигида ўтказган олти минг кишилик митинги душманларча иш олиб боргани учун Хоразм ҳукумати истефо беришини талаб қилди. Ҳукумат раҳбарлигини ўз қўлига олган бойлар группаси ҳокимиятдан четлатилди. Муваққат революцион комитет тузилди,¹⁹² у халқ вакиллари II қурултойи ХСХР ҳукуматининг янги составини тасдиқлагунча, яъни 1921 йил май ойигача ҳукумат органи сифатида иш олиб борди.

Ўрта Осиё республикаларининг коммунистик ташкилотлари, РКП (б) Марказий Комитети раҳбарлиги остида буржуа миллатчиларини ва бошқа душман гуруҳларини бирин-кетин фoш эта борди.

1922 йилда, РКП(б) Марказий Комитети Бухоро ва Хева Коммунистик партиялари Марказий Комитетларининг илтимосини қондириб, Бухоро Компартиясини, шунингдек Хоразм Компартиясини Россия Коммунистик (большевиклар) партияси составига қабул қилиш ҳақида қарор чиқарди.

РКП (б) Марказий Комитетининг 1922 йил 18 майдаги қарорига мувофиқ, Туркистон, Бухоро ва Хоразм Компартияларининг бирлигини таъминлаш ва уларнинг ишларини бошқариш учун РКП (б) МК Туркбюроси РКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросига айлантирилди¹⁹³.

Шундай қилиб, курашнинг бой тажрибасига эга бўлган, марксизм-ленинизм назарияси билан қуролланган Россия Коммунистик (большевиклар) партияси Ўрта Осиё Совет республикаларининг ёш коммунистик партияларини ўз таварагига жиқлаштирди.

РКП (б) Марказий Комитетининг вакили сифатида 1922 йилда келган Серго Оржоникидзе партия ва совет органларини мустақамлашда Ўрта Осиё республикаларига катта ёрдам берди. РКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё маҳаллий партия ташкилотларининг талабларини ҳисобга олиб, Ўрта Осиё республикалари партия ташкилотларини мустақамлаш ва уларга бевосита ёрдам бериш мақсадида, кўп иш тажрибаларига эга бўлган кекса большевикларни доимий ишлаш учун Ўрта Осиёга командировка қилди. Масалан, «РКП (б) МК Ахборотлари»да келтирилган унча тўлиқ бўлмаган маълумотга қараганда, 1920—1923 йиллар давомида Туркистонда ишлаш учун¹⁹⁴:

1920 йилнинг 8 ойи ичида 596 коммунист,

1921 йилнинг 10 ойи ичида 562 коммунист,

1922 йилнинг 9 ойи ичида 151 коммунист,

1923 йилнинг 5 ойи ичида 87 коммунист,

жами 1396 коммунист юборилган эди.

Туркистонда ишлаш учун юборилган коммунистлар орасида раҳбар ходимлардан ташқари, оддий ишчи ва хизматчилар ҳам кўп эди. Масалан, 1922 йил 15 августдан 15 ноябргача бўлган давр ичида командировка қилинган 46 коммунистнинг 26 таси масъул раҳбар ходим ва 20 таси оддий коммунист эди.

РКП (б) Марказий Комитети томонидан сафарбар қилинган раҳбар ходимлар ва оддий коммунистлар Ўрта Осиё Республикаларида амалий иш олиб бориб, миллий совет кадрлари тайёрлаш, маҳаллий партия ташкилотларини мустақамлаш ишига катта ёрдам бердилар.

Ўрта Осиё меҳнатқашлар оммаси Қизил Армия ёрдамида босмачиларни бутунлай тор-мор этиш учун қаҳрамонона кураш олиб борди.

Инглиз ва турк интервенциячи доиралар томонидан қўллаб-қувватланиб, Шарқий Бухорода тўпланган босмачи бандалари 1921 йилнинг охирида Совет ҳокимиятига қарши ҳужумга ўтди. Босмачи тўдалари реакцион гуруҳлар: муллалар, собиқ беклар, 1920 йил Бухоро революцияси туфайли ўз

вазифаларидан махрум этилган собиқ амалдорлар томонидан ташкил этилди¹⁹⁵. Инглиз малайи, Туркиянинг собиқ ҳарбий министри Анварпошшо босмачиларга бош бўлиб, у ҳамма русларни Туркистон, Хева ва Бухородан қувиб юбориш ҳамда Ўрта Осиё мусулмонлар давлатини барпо этиш планини тузган эди¹⁹⁶.

Анварпошшо Англия, Туркия ва бошқа мамлакатлардан қурол-яроғ, ўқ-дори ва турли ёрдамлар олиб турди. Бухоронинг Афғонистонга қочган собиқ амири босмачилар бошлиқларидан бири Имом Султонга шуларни ёзган эди: «... Инглиз ҳукумати билан бутунлай келишдик ва баҳоргача Шугнон, Чотрол ва Дарвоз орқали юборишга ваъда берилган қўшинлар, аэропланлар ҳамда батареялар билан ҳужум қилишга қарор бердик...»¹⁹⁷.

Бу даврга келиб Хоразмда Жўнаидхон босмачи тўдалари яна активлашди. Туркистон контрреволюционерлари ҳам жонланди. Бир қанча жойларда, айниқса Фарғона водисида босмачи тўдалари изғиб юрди. Улар инглиз малайи Анварпошшога қўшилиб биргаликда уруш қилишга уриниб кўрдилар¹⁹⁸. Ўрта Осиё республикалари яна катта хавф остида қолди.

РКП(б) Марказий Комитети ва РСФСР ҳукумати Ўрта Осиё совет республикаларини империалистик босқинчилар ва ички босмачилар ҳужумидан озод қилишда ҳар томонлама ёрдам бердилар.

1922 йил 18 майда РКП (б) Марказий Комитети «Туркистон — Бухоро ишлари ҳақида» қарор қабул қилди¹⁹⁹. Бу қарор Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишида, босмачиликни тугатиш ва босмачилик билан боғлиқ бўлган буржуа миллатчилари — империалистик давлатларнинг малайларини тор-мор этишда Ўрта Осиё республикалари партия ташкилотлари учун жанговар ҳаракат программаси бўлди.

РКП (б) Марказий Комитети босмачиликни тугатиш ва Анвар пошшо авантюрасини тор-мор этиш, Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида партия ва совет аппаратини тозалаш иши ўтказиш ҳақида йўл-йўриқлар кўрсатди.

1921—1923 йилларда партия сафларининг тозаланиши Туркистон, Бухоро ва Хоразм Компартияларининг мустаҳкамланишига ёрдам берди. Шунингдек, давлат аппаратида ҳам тозалаш ишлари ўтказилган эди, бунинг натижасида Совет ҳокимияти органлари анча мустаҳкамланди.

Бутун кучлар босмачиликни тор-мор этишга сафарбар килинди. Туркистонда маҳаллий Кизил Армия қисмларини кучайтириш билан бир қаторда, Бухоро ва Хоразмда кўнгилли милиция отрядлари меҳнаткашлар ҳисобига тезда кўпая борди ва босмачиларга қарши муваффақиятли кураш олиб борди²⁰⁰.

Совет Россияси, Бухоро ва Хоразмнинг бирлашган кучлари 1922 йилнинг кузида Анварпошшони тор-мор қилди. Анварпошшонинг ўрнини олган Салимпашшонинг ўз ўтмишдошининг ниятларини амалга ошириш учун қилган уриниши чипшакка чиқди²⁰¹.

Фарғона водисида ҳам босмачиларга қарши олиб борилган кураш муваффақиятли тугади. РКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг маҳаллий партия ва ҳарбий ташкилотларга берган сиёсий директиваларида (1923) қайд қилинишича «I. Фарғонада босмачилик муваффақиятли тугатилган; II Область аҳолиси босмачиларни жуда ёмон кўради...; III Фарғонада Совет ҳокимияти мустақкамланди, у халқ ичида чуқур илдиз отди ва энди унга ҳар қандай бандитизм хавfli эмас...»²⁰².

РКП(б) Марказий Комитетининг ҳисоботида қайд қилинишича 1923 йилнинг бошларида Ўрта Осиёда «... уюшган босмачилик ҳаракати тугатилган эди»²⁰³. Фақат айрим босмачи бандалари, хусусан Хоразмда Жўнаидхон тўдалари ва Шарқий Бухорода айрим босмачи отрядлари қолган эди. Жўнаидхоннинг босмачи тўдалари 1924 йилда, Шарқий Бухоро босмачилари 1925—1926 йилларда бутунлай тор-мор қилинади.

Босмачилар зулмидан озод бўлган Ўрта Осиё меҳнаткашлари оммаси ўз халоскорлари — Қизил Армия жангчиларини зўр хурсандчилик билан табрикладилар. Советлар III Бутунбухоро қурултойи босмачилар зулмидан озод бўлган Бухоро халқи номидан қахрамонлик ва фидокорлик кўрсатгани учун РСФСР Қизил Армиясига чуқур ташаккур изҳор этди.

Қурултой қайд қилиб ўтдики, «РСФСР Қизил Армияси қисмларининг ёрдами туфайли Хоразм Жўнаидхондан, Бухоро эса, инглиз империализмининг малайи ва озод Хоразм билан озод Бухорони мустамлакага айлантирмоқчи бўлган Анварпошшодан қутилди». Қурултой РСФСР билан жуда мустақкам алоқа ўрнатиш зарурлигини алоҳида кўрсатиб ўтди²⁰⁴.

Советларнинг IV Бутун Хоразм қурултойида ҳам (1923 йил октябрь ойи) Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг Хоразм халқига кўрсатган ҳар томонлама ёрдами қайд қилиб ўтилди. Қурултой резолюциясидаги рус жангчиларига бағишланган сатрларни ҳаяжонланмасдан ўқиб бўлмайди: «Рус жангчилари биз билан ёнма-ён туриб, босмачиларга қарши кураш олиб бордилар, бизга ҳар томонлама оғаларча, дўстона ёрдам бериб, ўз қонлари билан бизни душманлардан сақлаб қолдилар. Улар саҳро ва чўлларда ўз қонларини тукиб жанг қилдилар. Жангда ҳалок бўлган кўп Совет жангчилари Хоразм саҳроларига кўмилганлар»²⁰⁵.

1923 йилнинг охирлари ва 1924 йилнинг бошларида Ўрта

Осиё республикаларининг партия ва совет ташкилотлари. РКП (б) Марказий Комитети кўрсатмаларига амал қилиб, босмачи бандалари қолдиқларига қарши моҳирлик билан кураш олиб борди. Ихтиёрий равишда таслим бўлган босмачиларга раҳм-шафқат қилиш билан бирга қаршилик кўрсатаётган босмачи тўдаларни бутунлай тор-мор қилиш мақсадида уларга қарши ҳарбий ҳужум кучайтирилди²⁰⁶. Аҳолининг кўпчилиги босмачиларга қарши курашга жалб этилди. Аҳоли ўртасида сиёсий ишлар кучайтирилди. Босмачилар томонидан таланган аҳолига хўжалик ёрдами кўрсатиш йўлга қўйилди.

Босмачи бандаларини тор-мор қилиш ва Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишида Қизил Армиянинг ва Ўрта Осиё меҳнаткашлар оммасининг қўлга киритган ютуқларига партия ва ҳукуматнинг Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий аҳволини яхшилаш, босмачилар томонидан таланган аҳолига ҳар томонлама ёрдам бериш, ҳокимиятнинг маҳаллий органларини мустаҳкамлаш соҳасида кўрган тадбирлари катта ёрдам берди.

Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий томондан бирлаштирилиши Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида иқтисодий вайронликни тезда тугатишда, уларнинг халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришда энг муҳим тадбирлардан бири бўлди.

Бутун Ўрта Осиёда Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин турмушнинг ўзи Туркистон, Бухоро ва Хоразм халқларининг хўжаликни қайта тузиш ва биргаликда социалистик қурилиш учун, хўжалик кучларини бирлаштириш, Ўрта Осиё халқлари билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасида мустаҳкам дўстлик ўрнатиш учун қилган интилишлари йўлидаги тўсиқни бутунлай олиб ташлашини талаб этди.

РКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё меҳнаткашлари оммасининг истак-орзуларини ҳисобга олиб, Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий бирлаштирилишига раҳбарлик қилди. РКП (б) Марказий Комитети 1921 йил октябрь ойидаёқ Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини хўжалик томондан қайта тузишни, бу республикалар билан Совет Россиясининг хўжалик кучларини бирлаштириш кераклигини зарур деб топган эди. Партия Марказий Комитети бу республикалар ўртасида битим тузиш ва шунга яраша бирланган хўжалик органи тузиш мақсадида уларнинг коммунистик партияларига тайёрлик ишлари олиб боришни таклиф этди²⁰⁷.

1922 йил 13 февралда РКП (б) Марказий Комитети Бухоро, Туркистон ва Хоразм республикаларини иқтисодий бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди²⁰⁸. Бу қарор Ўрта Осиё республикаларини ривожлантиришга ва миллий чегара-

лаш ўтказиш учун шароит яратишда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Туркистон, Бухоро ва Хоразм вакиллари иштирокида 1923 йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган иқтисодий конференцияда бирлашган кучлар воситаси билан иқтисодий тадбирлар белгилаш ва ССР Иттифоқи умумиқтисодий сиёсати асосида ва унга тўлиқ амал қилган ҳолда Ўрта Осиёнинг учта республикаси халқ хўжалигини планлаштиришга қарор қилинган эди. Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши борпо қилинди. Бу кенгаш вазифасига «Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари халқ хўжалигини мустақкамлаш ва ривожлантириш, шунингдек Ўрта Осиё аҳамиятига эга бўлган иқтисодий масалаларни мувофиқлаштириш» юклатилган эди²⁰⁹.

Совет Иттифоқи ёрдамида Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий бирлаштирилиши натижасида янги ютуқлар қўлга киритилди. Совет Иттифоқининг тажрибаларидан ўрнак олган Бухоро ва Хоразм ўз халқ хўжалиklarини планлаштиришга биринчи марта киришди.

Иқтисодий бирлашиш ўтмишда Бухоро ва Хоразмнинг Туркистондан ҳамда бутун Совет Россиясидан иқтисодий томондан ажралганлигини тугатишга ёрдам берди. Ўрта Осиё совет республикалари ўртасида кун сайин кучайиб борган иқтисодий ва маданий алоқалар ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қорақалпоқлар ва ўлканинг бошқа халқларининг ҳам миллий ривожланишлари ва такомиллашувига ёрдам берди.

1921—1924 йиллар давомида янги иқтисодий сиёсат натижасида Совет Туркистонининг халқ хўжалигини тиклашда ва маданиятини ривожлантиришда зўр ютуқлар қўлга киритилди.

Совет ҳукумати Туркистон қишлоқ хўжалигини исхалтиришга оид амалий тадбирлар белгилади.

1920—1921 йиллардаги ер-сув ислохотидан кейин ерсиз, ери кам деҳқонларни ҳамда кўчманчиларни ер ва ўтлоқлар билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ер тақсимлаш ишлари олиб борилди. 1922 йилнинг ноябрига келиб, Туркистон республикасининг тўртта области бўйича (Туркменистон областидан ташқари) помешчиклар ерларини мусодара қилиш ва кулаклар қўлидаги ортиқча ерларни олиш йўли билан 659730 десятина ер қўлга киритилди. Бу ерларнинг 534 770 десятинаси маҳаллий деҳқонлар ва кўчманчиларга, 50522 десятинаси рус деҳқонларга, 34720 десятинаси коммуна ва артелларга бўлиб берилди. Шунингдек, 40017 десятинаси кўчманчиларнинг мол боқадиган яйлови сифатида алоҳида ажратилди²¹⁰.

1922 йилдан 1924 йилгача бир миллион десятинадан ортиқ-

роқ ер 40191 ерсиз ва ери кам хўжаликларга қўшимча ра-
вишда берилган эди²¹¹.

Бу маълумотлар Коммунистик партия ва Совет ҳукумати-
нинг республика меҳнаткаш деҳқонларининг эҳтиёжи ҳақида
тинмай ғамхўрлик қилишини, ер ҳақида ленинча декретни
оғишмай амалга оширишни кўрсатиб турипти.

Совет ҳукумати Туркистон қишлоқ хўжалигини тиклаш
ишлари билан шуғулланди, бунда у пахтачиликни ривож-
лантиришга ва сугоришга алоҳида аҳамият берди.

1918 йилдаёқ РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг
Туркистонда сугориш ишлари ҳақида Лениннинг имзо чек-
кан қарори эълон қилинган эди. 1920 йилнинг ноябрь ойида
Совет ҳукуматининг Туркистон ва Озарбойжон республика-
ларида пахтачиликни тиклаш тўғрисидаги В. И. Ленин қўл
қўйган қарор қабул қилинган эди. Бу тарихий қарорлар Урта
Осиёда пахтачиликни ривожлантириш учун кураш програтма-
си бўлди.

Туркистонда ирригация ишлари учун марказдан ажра-
тиладиган маблағ йилма-йил ошиб борди. РСФСР Миллат-
лар Ишлари Халқ Комиссарлигининг ҳисоботидан маълум
бўлишича, 1923 йилга қадар Туркистон ирригация қурилиши
учун Россия Федерациясидан 9 миллионча олтин сўм пул ол-
ган²¹². 1923—1924 хўжалик йилида Совет ҳукумати ирри-
гация учун 12917 минг сўм пул сарфлади. Ирригация тар-
моқлари тез тикланди ва кенгайди. 1922 йилда Туркистон
республикасида сугориладиган майдон 1180 минг десяти-
надан, 1923 йилга келиб 1900 минг десятинага етди²¹³.

Пахтакорлар давлатдан енгил шартлар билан кредит,
уруғлик ғалла, қишлоқ хўжалик инвентарлари олдилар.
Ҳукумат пахтачиликни ривожлантириш мақсадида деҳқон-
лар фойдасини кўзлаб, пахта нархини оширди ва шунинг
билан пахта учун аванс тариқасида бериладиган ғалланинг
нархини камайтирди. Бу тадбирлар меҳнаткаш деҳқонлар-
нинг моддий аҳволини яхшилади, ўз навбатида республи-
када пахтачиликнинг муваффақиятли тикланишига ёрдам
берди.

Қишлоқ хўжалик кооперациялари қишлоқ хўжалигини
тиклашда ва деҳқонлар аҳволини яхшилашда муҳим роль
ўйнади.

1922 йилда қишлоқ хўжалик артелида 45 минг деҳқон хў-
жалиги, 1923 йилда 100 минг деҳқон хўжалик, 1924 йилда
эса қишлоқ хўжалик кооперацияларининг 721 та қўйи таш-
килотига бирлашган 213 минг хўжалик бор эди. Шундай
қилиб, 1924 йилда деҳқон хўжалигининг 25 проценти коопе-
рацияларга бириктирилган эди²¹⁴. Қишлоқ хўжалик коопе-
ра-

циялари пахтачиликни ривожлантиришга амалий ёрдам берди. 1923—1924 йилда пахтакор деҳқон хўжаликларининг 92 проценти кооперациялар орқали кредит олди.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси пахтачиликни юксалтиришга ёрдам берди. 1922 йилда пахта майдони 50 минг десятина бўлса, 1924 йилда эса, у 280 минг десятинага ўсди, яъни беш мартадан ортиқ кўпайди.

Қишлоқ ва овуллар меҳнаткашлар оммасининг фидокона меҳнати ва уларнинг сиёсий активлиги ошиши туфайли, қишлоқ хўжалигини муваффақиятли тиклаш имконияти туғилди. Меҳнаткаш деҳқонларнинг ўз фаолиятини кун сайин кучайтириб борган энг оммавий ташкилоти «Қўшчи» союзи Комитетлари бундан гувоҳлик беради, Ўзбек халқининг содиқ фарзанди марҳум Йўлдош Охунбобоев «Қўшчи» союзининг энг йирик ташкилотчиларидан бири эди.

1921 йил декабрь ойида битун Туркистонда «Қўшчи» союзи аъзоларининг сони 98 минг киши бўлса, 1924 йилда уларнинг сони 217 минг кишига етди, яъни икки мартадан ортиқ кўпайди²¹⁵.

«Қўшчи» союзи,— деб таъкидланади РКП(б) Марказий Комитети қарорларидан бирида,—деҳқонлар ва кўчманчи камбағалларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам, ва уларни совет қурилишига жалб қилиш ишида ҳам ижобий роль ўйнади²¹⁶.

Босмачилар ва чет эл интервентлари ҳужумлари натижа-сида юз берган вайронликка қарамай, қишлоқ хўжалигини юксалтириш билан бирга саноатни тиклаш ишлари ҳам муваффақиятли равишда бошлаб юборилди. Туркистоннинг саноат маҳсулоти илгари 4989799 сўмни ташкил этган бўлса, 1923—1924 йилга келиб 7322585 сўмни ташкил қилди, яъни 46 процент кўпайди.

1921 йилда Фарғонада янги пиллакашлик фабрикаси қурилди. Худди шу йили йирик Хилково цемент заводини батамом қуриб битказишга киришилди. 1924 йилда 35 та тикланган ва кенгайтирилган пахта тозалаш заводи ишлаб турар эди. Тошкентда кичик механика мастерскойи ўрнига Ильич номидаги металл ишловчи завод бунёдга келтирилди²¹⁷.

1924 йилда 1600 ишчига эга бўлган «Қизил тонг» номли Тошкент тикувчилик фабрикаси ишга туширилди²¹⁸.

Совет Иттифоқи Бухоро халқ хўжалигини маблағ билан таъминлашни яхшилаш учун Бухоронинг илтимосига мувофиқ, Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги банкидан ташқари Бухорода СССР Давлат банки бўлимини очди. 1924 йилнинг

бошларида СССР ҳукумати кам қувват деҳқон хўжаликларига ёрдам бериш учун узоқ муддатда процентсиз тўлаш шарти билан Бухорога 1 миллион сўм қарз берди. Совет Россияси Бухорога меҳнаткаш деҳқонларни таъминлаш учун борган сари кўпроқ товарлар юбора бошлади: агар 1924 йилнинг март ойида Россиядан 495 минг сўмлик товар келтирилган бўлса, шу йилнинг сентябрь ойида эса, 1200 минг сўмлик товар келтирилди²⁶⁵. 1923/1924 хўжалик йили ичида ҳаммаси бўлиб Бухорога 7500 минг сўмлик товар келтирилган эди.

Халқ депутатлари IV Бутунбухоро қурултойи «РСФСР билан БХСР ўртасидаги иқтисодий битим Бухоро республикасининг иқтисодий аҳволини кўтаришга ёрдам берди. Бухоро деҳқонлари газлама, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ва машиналари билан мунтазам таъминлаб турилди ва таъминланиб турилмоқда, бунинг устига рус товарлари Бухоронинг энг узоқ жойларига арзон нархда етказилмоқда»²⁶⁶, деб қайд қилган эди.

Янги иқтисодий сиёсат бошларида СССРдаги каби БХСРда ҳам қишлоқ хўжалигини кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилган эди. Бу, Бухоро ва Хоразм каби деҳқон мамлакатлари учун айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Марказий Россиядан Туркистонга тўқимачилик фабрикаси, ёзув қоғози фабрикаси ва целлюлоза заводининг тўлиқ комплекти асбоб-ускуналари келтирилди.

Саноат корхоналари қуриш ва уларни ишга туширишда ҳамда миллий ишчи кадрларни тайёрлашда рус ишчилари ва инженер-техника ходимлари бевосита ёрдам бердилар.

Республика саноатининг тикланиши ва ривожланиши туфайли қасаба союзлари ҳам ўз ишларини жонлантирдилар. 1923 йилнинг охирида Туркистон қасаба союзларининг 65423 аъзоси бўлиб, шу жумладан 13217 киши маҳаллий миллатларнинг ишчилари эди²¹⁹. Қасаба союзлари ўз ўрталаридан Очил Бобожонов, Султонхўжа Қосимхўжаев каби ажойиб ташкилотчиларни ва жамоат арбобларини етиштирди.

Туркистон халқлари маданиятини ривожлантириш соҳасида ҳам муҳим ютуқлар қўлга киритилган эди.

Халқ маорифини, матбуотини, Ўрта Осиё халқлари адабиёти ва санъатини ривожлантириш, халқ хўжалигининг ҳамма тармоғи учун миллий кадрлар тайёрлаш бўйича йирик тадбирлар амалга оширилган эди.

1917 йилдан 1924 йилгача ўтган давр ичида, уруш туфайли содир бўлган қийинчиликларга қарамай, Туркистон АССР да ҳар йили янги ўқувчилар сони 10,7 минг кишидан иборат 129 та билим юрти очилар эди²²⁰. Бу даврга келиб республика

мактабларида маҳаллий миллатлар ўқитувчиларининг бутун бир плеядаси ишлар эди. Ўзбек совет мактабининг ташкилотчилари орасида республикада хизмат кўрсатган ўқитувчилардан Х. Юсупова, А. Шарафутдинов, Х. Аминов, М. Маҳмудов каби ажойиб педагоглар бор эди. Туркистон АССРда ўрта маълумот берадиган ўқитувчилар техникум типидagi 6 та маориф институти очилди, уларнинг 3 тасида (шу жумладан биттаси хотин қизлар институти) дарслар ўзбек тилида олиб борилар эди. Бу институтиларда 1500 студент билим олар эди. 7 та ўқитувчилар билим юрти, 11 та қишлоқ хўжалик билим юрти, музика мактаби, медицина ва расомлик техникумлари, 17 та техника ва бошқа билим юртилари очилди. Шундай қилиб, 1924 йилга келиб ҳар хил мутахассис кадрлар тайёрловчи профессионал билим юртиларининг сони 56 тага етди ва уларда 5890 ўқувчи билим олди²²¹.

Олий ўқув юртилари ҳам янада ривожланди. 1923 йилда Ўрта Осиё давлат университетида 3017 та студент билим олар эди. Университет қошида очилган ишчи факультетида маҳаллий миллатлардан иборат юзлаб кишилар олий ўқув юртиларига кириш учун тайёрлаб чиқарилар эди²²².

Юзлаб студент Туркистондан РСФСРнинг олий ўқув юртиларига командировка қилинди, уларнинг кўпчилиги маҳаллий миллатлардан эди. Хусусан, Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университети (КУТВ)нинг ўзида 62 та ўзбек талим олди²²³.

Ўрта Осиё коммунистик университетида (САКУ) ва Туркистон Бухоро ва Хоразм область совет-партия мактабларида совет аппарати учун махсус кадрлар тайёрланди. 1924 йилда Ўрта Осиё коммунистик университетида 434 студент билим оларди, булар орасида 119 ўзбек, 113 қирғиз, 34 туркман, 25 татар ва бошқа миллат вакиллари бор эди. Шундай қилиб РКП(б) XII съезди ва миллий республика областларининг масъул ходимлари иштирокида ўтказилган РКП(б) Марказий комитети IV кенгашининг маҳаллий миллатлардан кадрлар тайёрлашга оид қарорини бажаришда кўзга кўринarli муҳим натижаларга эришилди.

Ўрта Осиё халқларининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятининг бошқа соҳаларини ривожлантиришда ҳам ютуқларга эришилди.

Масалан, Туркистонда 74 та йирик кутубхона, клуб, 2 та музей очилган эди²²⁴. 1924 йилда 53 та республика ва маҳаллий газета, журналлари турли миллат тилларида нашр қилинар эди. Нашр этиладиган китобларнинг сони йилма-йил ортиб борди. 1923 йилда Туркистон АССР да Ўрта Осиёнинг турли миллатлар тилида 621 номли китоб 1179,4 минг нусхада

нашр қилинди. Қитоб, газета ва журналларнинг борган сайин кўплаб нашр этилиши, Урта Осиё халқларининг бошқа тиллари каби, ўзбек тилини ҳам янги интернационал терминлар, иборалар ҳисобига бойитди.

Туркистонда миллий совет адабиёти ва санъати ривожланди, Айний ва Ҳамза янги ажойиб асарлар ёзди. Ёш талантили ёзувчилардан бири Абдулла Қодирий (Жулқинбой) ўз асари билан тезда оммага танилди. Бу даврда Гафур Ғулум ва Ойбекнинг дастлабки шеърий асарлари босилиб чиқди. Ҳозир улар Ўзбекистоннинг пешқадам ёзувчиларидир. 1923 йилда ўзбек аёл ёзувчиси Ойдин, шоир Ғайратий ва бошқалар ўзларининг ижодий асарлари билан адабиёт майдонига кириб келдилар. Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкон, Эргаш Жуманбулбул, Ислом шоир каби халқ шоир ва бахшилари ўзбек совет фольклорининг ривожланишига асос солдилар.

Туркистон халқлари илғор рус санъатининг бой тажрибаларидан фойдаланиб, тарихда биринчи марта ўз миллий театри ва ҳозирги замон музикасини яратдилар. Миллий артист кучларига эга бўлган ўзбек драм²²⁵ ва музика театри ташкил қилинди. Ўзбек санъатининг ёш талантили арбоблари: М. Уйғур, Турсуной, А. Хидоятлов, С. Эшонтўраева, З. Ҳидоятлова, Ҳ. Носирова, О. Ҳалилов, Л. Назруллаев, С. Табибуллаев ва бошқалар етишиб чиқди.

Шундай қилиб, Коммунистик партия раҳбарлиги остида ва Марказий Россия ёрдамида 1921—1925 йилларда Туркистон экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда муҳим ютуқлар қўлга киритилди.

Урта Осиё республикалари социалистик экономикаси ва маданиятининг ривожланиши, Урта Осиё халқлари билан СССРнинг ҳамма халқлари ўртасида дўстликнинг янада мустаҳкамланиши ўзбек, туркман, тожик, қирғиз ва бошқа социалистик миллатларнинг шаклланишида катта ютуқлар қўлга киритилганлигидан далолат беради.

Урта Осиёни миллий чегаралаш арафаси меҳнаткашлар оммасининг сиёсий онги ва активлигининг янада ўсиши Коммунистик партия теварагига янада мустаҳкам жипслашишлари билан нишонланди.

Советларга сайлов натижалари ҳам бундан далолат беради. Сайловлар ишчилар билан деҳқонлар иттифоқининг янада мустаҳкамланганлигини, Совет қурилишида уларнинг кенг иштирок қилаётганликларини кўрсатди. Масалан, Туркистоннинг бешта областида (Сирдарё области ҳақида маълумот йўқ) Советлар съезларида ҳамма делегатларнинг 25,6 процентини — ишчилар, 45,4 процентини деҳқонлар ташкил этар эди. Уезд Советлари делегатларининг 69,4 проценти деҳқонлардан иборат эди²²⁶. Туркистон АССР бўйича уезд Советларига

сайланган 2340 кишининг 400 таси ишчи, 1625 таси деҳқон ва 323 таси хизматчилардан ташкил топган эди.

Шунинг билан бирга, сайловлар маҳаллий миллат меҳнаткашлари оммасини давлатни бошқариш ишига жалб этишда партия миллий сиёсатининг янги ютуқларидан далолат берар эди. Масалан, беш областдаги (Сирдарё областидан ташқари) Советлар съездида 555 делегат орасида Туркистоннинг ҳамма миллат вакилларидан бўлиб, 128 қozoқ, 98 ўзбек, 44 туркман, 35 қарақалпоқ, 18 қирғиз ва бошқалар бор эди²²⁷.

Туркистон Область Ижроия Комитетларининг сайланган 138 аъзоси ичида 40 ўзбек, 25 қozoқ ва қирғиз, 17 туркман, 26 рус, 9 тожик, 7 қарақалпоқ бор эди²²⁸.

1924 йил январда Туркистон Автоном Республикаси Советларининг XII съезди бўлиб ўтди. Съездда 356 делегат қатнашди. Делегатлар орасида 118 ўзбек, ²²⁹, 86 қирғиз ва қozoқ, 16 туркман ва бошқалар бор эди. Маҳаллий миллат вакилларида жами 226 киши (1922 йил июль ойида ўтказилган Советлар XI Ўлка съездида 167 киши эди) қатнашди.

Советлар XII Бутунтуркистон съезди мамнуният билан қайд қилдики, ўтган 1923 йил маданий ва хўжалик-ижодий ишлар соҳасида ҳам, босмачилик тугатилиши туфайли тинч муносабат ўрнатиш соҳасида ҳам бурилиш йили бўлди²³⁰. Съезд Иттифоқ ҳукуматининг кун сайин катта ёрдам бериши натижасида Совет Туркистони саноатни, қишлоқ хўжалигини ва маданиятни юксалтиришда катта ютуқларни қўлга киритганини кўрсатиб ўтди.

Советлар XII съезди совет қурилиши соҳасида ютуқлар қўлга киритилганини алоҳида қайд қилиб ўтди. Съезд делегатлари Советларнинг IX съезидан XII съезидигача ўтган давр ичида аппаратнинг мувофиқ ташкилий шакллари тузиш ва совет органларининг ишларини тартибга солиш бўйича муҳим ишлар қилинганини таъкидладилар. «Ҳозирги вақтда, — деб таъкидланади Советлар XII съезида қилинган докладда, — такомиллашган аппарат тузиш ишларини деярли бошдан-оёқ тугалланган деб ҳисоблаш мумкин»²³¹.

Область ва уезд аппаратлари ўзбек, туркман, тожик, қирғиз ва бошқа маҳаллий миллатлар кадрлари билан таъминланиб, улар ўз ишларини маҳаллий тилларда олиб бордилар.

Советлар XII съезди маълумотига қараганда, 1924 йилда республика совет ташкилотларида маҳаллий миллатлар хизларида —45 процентга, бир қанча уезд совет ташкилотларида матчиларининг сони —17 процентга, область совет ташкилот эса, 90 процентга етди²³².

Бу фактларнинг ҳаммаси республика халқларининг совет

миллий давлат тузумининг ҳар томонлама ривожланганидан далолат беради.

1924 йил май ойида Туркистон Коммунистик партиясининг VIII съезди бўлиб ўтди. Съездда 22 мингга яқин партия аъзоси ва кандидати томонидан юборилган ҳал қилувчи овозга эга бўлган 255 делегат, маслаҳат овозига эга бўлган 55 делегат қатнашди.

Бу даврга келиб Туркистон Коммунистик партияси сафида 5943 ўзбек, 835 тожик, 5436 қирғиз ва қозоқ, 111 туркман ва бошқа миллат кишилари бор эди²³³.

Туркистон Компартияси VIII съезди Туркистон ССРнинг еттиийллик ривожланишини яқунлади, республиканинг хўжалик ва маданий томондан юксалганини, ишчилар синфининг ўсганини қайд қилиб ўтди.

Съезд шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнаткашлар оммасининг сиёсий ва жамоат активлиги ошганини қайд этди. Шунинг билан бирга, съезд бой-маноп гуруҳлар, кулаклар, руҳонийларга қарши курашни кучайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтди ва коммунистларни душман синфлари ва группаларига қарши аёвсиз кураш олиб боришга чақирди.

Шундай қилиб, 1921—1924 йиллар давомида Совет Иттифоқининг бевосита ёрдами туфайли Туркистон АССРда экономика ва маданиятни ривожлантириш, партия ва совет органларини янада мустаҳкамлаш соҳасида катта ютуқларга эришилди.

Туркистонни социалистик ривожлантиришда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикаларини социалистик республикаларга айлантириш ишлари ҳам тезлаштирилди, бу ҳол Урта Осиёда миллий чегаралаш ўтказиш ишида муҳим асос бўлди.

Хоразм республикаси граждандлар урушини ғолибона тугаллаб, ўз халқ хўжалигини тиклашга кўчди. СССРнинг мамлакатда янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш бўйича тажрибаси Хоразм учун ҳам ўрناк бўлди.

1922 йилда Хоразм республикаси янги иқтисодий сиёсатга кўчди²³⁴.

1921 йил май ойида бўлиб ўтган халқ вакиллари II Бутунхоразм қурултойидаёқ вақф давлатдан ажратилган диний муассаса деб эълон қилинган эди, вақифга пул тўлаш-тўламаслик Хоразм граждандларининг шахсий ишлари деб эътироф этилган эди. Бошқача қилиб айтганда, диний муассасаларга ижара пули тўлаш ёки тўламаслик деҳқонларнинг ўз ихтиёрида эди. Қурултой ер соҳасида ердан ўз кучи билан фойдаланиш тартибини жорий қилди²³⁵.

Бу тадбирлар деҳқонларнинг аҳволини анча яхшилади.

1922—1923 йилларда Хоразмда собиқ хоннинг 14 минг танои ери мусодара қилинди ва ерсиз ҳамда ери кам деҳқонларга бўлиб берилди²³⁶. 1923 йилнинг охиригача, бир қанча ер тузиш ишлари амалга оширилгач камбағалларга 44 минг танои ер бўлиб берилган эди²³⁷. Деҳқонларни ўрнашиши учун уларга қарз берилди. Шу мақсадда янгидан ташкил этилган Деҳқонлар банкасига Хоразм пули билан 200 миллиард сўм пул ажратилди, бунда қарз процентсиз берилди.

Совет Иттифоқи қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни юксалтиришда Хоразм республикасига катта ёрдам берди. Республика пахтакорлари энгил шартлар билан пул кредити, уруғлик, қишлоқ хўжалик машиналари ва пахта тозалаш заводлари учун асбоб-ускуна, саноат товарлари олдилар²³⁸. 1923 йил июлидан 1924 йил февралигача ўтган вақт ичида РСФСР дан Хоразмга Россия федерацияси пули ҳисобида бир миллион сўмдан ортиқ саноат моллари юборилди²³⁹.

Совет Россиясининг ёрдами билан 1923 йилда Хоразмда эски каналларни тиклаш ва иккита янги канални қазिश бўйича 24 та йирик ирригация ишлари бажарилди²⁴⁰. Экин майдонлари кенгайди. 1922 йилда пахта майдони 8 минг десятина бўлса, 1923 йилга келиб, 44 минг десятинага етди²⁴¹.

Туркистондан ўртак олиб меҳнаткаш деҳқонлар ташкилоти — «Қўшчи» союзи тузилди. «Қўшчи» союзи Марказий Комитетининг докладидан маълум бўлишича, 1922 йилда «Қўшчи» союзининг 3 та район ва 31 та бошланғич ташкилотлари бор бўлиб, аъзоларининг сони 2600 эди, 1923 йилга келиб, «Қўшчи» союзининг аъзолари сони 10 минг кишига етди. Союз ҳокимиятни душман гуруҳлардан тозалашда, айниқса эски амалдорлар ва бойлардан сайланган оқсоқолларни алмаштиришда меҳнаткаш деҳқонларга ёрдам берди, камбағаллар манфаатини ҳимоя қилди, маданий-оқартув ва бошқа ишларни олиб борди²⁴².

Хоразм республикаси саноат соҳасида ҳам муҳим ютуқларни қўлга киритди. «Хоразм Совет Халқ Республикасининг 1923/24 йилдаги хўжалик плани»да қайд қилинишича, республика давлат саноати кўн, пахта тозалаш, гишт заводлари ва собиқ хонларнинг шахсий корхоналаридан иборат эди. 1924 йилда 6 та пахта тозалаш, 4 та кўн, бир нечта гишт заводлари Хева типо-литографияси, электростанцияси ва бошқа корхоналар тўлиқ тикланиб кенгайтирилди²⁴³.

РСФСРнинг Хоразмдаги мухтор вакили Голнер 1922

Йилдаёқ Хоразм республикасининг sanoat саҳасида эришган ютуқларини қайд этиб, илгари ишлаб турган фабрика sanoатини тиклаш ва уни янада ривожлантириш билан (бу ҳақда баъзи бир маълумотлар мавжуд) давлат ҳокимиятининг социал базаси буржуа синфларини чеклаш ҳисобига пролетар элементлари фойдасига сўзсиз кенгаймоқда. Буни қандай тезлик билан амалга ошишини олдиндан айтиб бериш қийин, лекин ҳар ҳолда Хоразм халқ республикаси бўлиб қола бермайди ва у социалистик тарзда ривожланади, деб ёзган эди²⁴⁴.

1923 йил ва 1924 йилнинг бошларида Хоразм республикасида Совет ҳокимиятининг пролетар базаси янада кенгайди. Оммавий ишчилар касаба союзлари (этикдўзлар, темирчилар, куллар, тикувчилар, тўқувчилар ва бошқа союзлар) ташкил этилди.

Хоразм меҳнаткашларининг касаба союзларига, «Қўшчи» союзига, комсомолга, уларнинг энг яхши вакилларининг компартиясига ёппасига кириши ишчилар ва деҳқонларнинг сиёсий активлиги ошганлигидан гувоҳлик берарди.

Революциядан бурун қолақ мамлакатлардан бири бўлган Хоразм, Совет ҳокимияти даврида ўз маданиятини юксалтиришда катта ютуқларни қўлга киритди. 1923 йилгача Хоразмда 29 та мактаб (шундан 18 таси ўзбек мактаби, 6 таси қорақалпоқ ва 5 таси туркман мактаби) очилган эди. Ўқитувчилар семинарияси ва халқ университети барпо этилган эди. Уларда 1362 киши таълим оларди.

Хоразм республикаси ҳукуматининг илтимосига мувофиқ РСФСРдан Хоразмга ўнлаб ўқитувчи, маданият, фан ва санъат ходимлари юборилди²⁴⁵. Улар маҳаллий миллатлардан кадрлар тайёрлашда катта ёрдам бердилар. Шунингдек, 3 та театр, 6 та клуб ва кутубхона, музей ташкил қилинди. «Инқилоб қуёши» газетаси ва «Қизил Хоразм» журнали нашр этилди.

Хоразмдаги совет-партия активи мактабида ўзбек, туркман қорақолпоқ ва бошқа миллатларидан иборат 100 дан ортиқ коммунист ўқир эди²⁴⁶.

Хоразм Совет Халқ Республикасининг ривожланиши Совет ҳокимиятини янада мустаҳкамлади.

Давлат аппаратини душман гуруҳлардан тозалаш ишлари бўйича муҳим ишлар амалга оширилди. Хоразм компартиясининг 1923 йил июль ойида бўлиб ўтган II съезди ХСХР совет қурилишида қўлга киритилган ютуқларни қайд қилиб, лекин давлат органларида Хоразмни қайта тикланишига тўсқинлик қилаётган жиноятчи гуруҳлар ҳали ҳам борлигини кўрсатиб ўтди. Съезд совет ходимларининг қайси синфга мансублигини ва уларнинг халқ манфаатларига содиқлигини ҳисобга олиб,

маҳаллий совет органлари составини планли равишда янгилашни белгилади.

Съезд Советлар IV қурултойида ёт эксплуататор гуруҳларнинг кириб қолишига йўл қўймаслик учун бутун кучларини сарф этишларини ҳамма партия органларига тавсия этди²⁴⁷.

Партия съездининг совет қурилиши ҳақидаги резолюциясида Хоразм меҳнаткашларининг Совет Иттифоқи билан қардошларча дўстлигининг янада мустаҳкамланганлиги кўрсатиб ўтилган эди. Съезд Хоразм Советлари Марказий Ижроия Комитети қошида 1921 йилда тузилган Туркман ишлари бўлими томонидан бажарилган муҳим ишларни таъкидлаб ўтди.

Съезд партиянинг янги Марказий Комитетига СССР Конституцияси принципларини асос қилиб олган ҳолда, Хоразмнинг янги Конституцияси проектини ишлаб чиқишни топширди. Съезд қарорида «Хоразм меҳнаткашлари эндиликда ўз ҳуқуқларини эксплуататор гуруҳларга бериб қўйишни истамайдилар», деб айтилган эди²⁴⁸.

Республиканинг турли халқлари ўртасида дўстлик мустаҳкамланди. Советларнинг Бутунхоразм қурултайи (1922 йил июль ойи «миллий низога эндиликда ҳечбир ўрин йўқ. Ҳамма халқлар тенг ҳуқуққа эга бўлгани каби, уларнинг вазифалари ҳам тенгдир» деб бечиз айтмаган эди²⁴⁹.

Жойлардаги совет ҳокимияти органларини душман гуруҳлардан янада тозаланиши, меҳнаткашлар оммасини давлат бошқармасига кенг жалб этиш Хоразм Халқ Совет Республикасини совет социалистик республикасига айлантириш ишини тезлаштирди.

1923 йил октябрь ойида Советлар IV Бутунхоразм қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда хал қилувчи овозга эга бўлган 234 делегат, маслаҳат овозига эга бўлган 70 делегат, қўшни совет республикаларидан ва Қизил Армия қисмларидан келган кўп меҳмонлар қатнашди.

Делегатларнинг кўпчилиги деҳқонлардан иборат бўлиб, улар 200 дан ортиқ кишидан иборат эди. Съездда Совет Хоразми ҳамма миллатларининг вакиллари: 148 ўзбек, 140 туркман, 20 қорақалпоқ, 13 рус ва бошқа миллат вакиллари қатнашди²⁵⁰.

IV Бутунхоразм қурултойи ўз қарорида 1923 йил революцион Хоразм тарихида бурулиш йили бўлганини кўрсатиб ўтди. Деҳқонлар оммаси солиқ зулмидан озод қилиниб, у буржуазия устига юкланди, қатъий ҳисобот жорий қилинди, бюджет режимига ўтилди²⁵¹.

Хоразмда совет социалистик маданият борган сайин ри-

вожланди, марксизм-ленинизмнинг улуг ишларига содиқ бўлган миллий кадрлар етишиб чиқди. Утмишда хонлар сунъий равишда миллий низо ўтINI ёққан, ўзбек-туркман душманлиги давом эттирилган бир мамлакатда Совет ҳокимиятининг уч йили ичида Коммунистик партия миллий сиёсатининг амалга оширилиши туфайли халқлар ўртасида миллатлараро тинчлик ва дўстлик ўрнатилди бошланди.

Бу йиллар ичида Хоразм меҳнаткашлар оммаси давлатни бошқариш ишларини ўз совет қўшнилари тажрибаларидан ўрганди, совет қурилишининг ҳамма соҳаларида кенг қатнаша бошлади.

Мамлакат революцион ривожланишининг янада юқори босқичига ўтиши, социалистик республикага ўтиши Хоразмдаги бу ютуқларнинг чўққиси бўлди.

IV Курултой Хоразм Коммунистик партияси II съезди кўрсатмаларига амал қилиб, тантанали вазиятда ва яқдиллик билан Хоразм Совет Халқ Республикасини Совет Социалистик республикасига айлантириш ҳақида қарор қабул қилди ва унинг янги Конституциясни тасдиқлади. Янги Конституция Хоразм ҳаётидаги бутун социал-иқтисодий ўзгаришларни ўзида акс эттирди ва мужассамлантирди.

Хоразм Совет Социалистик Республикасининг янги Конституцияси СССР Конституциясига асосланиб тузилган эди. У қўлга киритилган ютуқларни яқунлади ва қонунлаштирди, республика олдида турган асосий вазифаларни белгилаб берди.

«1. Хоразм ишчилар, қизил қўшинлар ва деҳқонлар депутатлари Советлари Республикасидир,— дейилади Конституцияда,— Марказда ҳам, жойларда ҳам бутун ҳокимият Советларникидир. Хоразм республикасининг бутун ҳокимияти меҳнаткаш халқларникидир. Бошқалар меҳнати ҳисобига яшайдиган гражданлар Советларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар.

2. Хоразм ҳукуматининг асосий вазифаларидан бири шуки, у кишини киши томонидан эзиш мумкин бўлмайдиган шароит яратиб беради»²⁵².

Қишлоқларда сайлаб қўйиладиган оқсоқоллар ўрнига, бутун ҳокимият янги Конституция тасдиқлангандан кейин биринчи марта сайлана бошлаган қишлоқ Советларига топширилди.

Хоразм Совет Социалистик Республикаси Конституцияси ҳамма гражданлар уруғ, қабила, ирқ ва иллатидан қатъий назар, тўлиқ тенг ҳуқуққа эга эканликларини тасдиқлади.

Хоразм Совет Социалистик Республикасининг янги Кон-

ституцияси Хоразмнинг собиқ Конституциясидан фарқ қилиб, ерга бўлган хусусий мулкчиликни бекор қилди ва бутун ерларни меҳнаткашлар фойдаланиши учун бепул топшириб умумхалқ мулки деб эълон қилди.

Собиқ хонлар ва йирик хон амалдорларининг мол-мулклари жамият бойлиги деб эълон қилинди.

Агар эски Конституцияда эксплуататор синфларга мансуб бўлган савдогарлар, руҳонийлар ва бошқа кишиларга сайлаш ҳуқуқи берилган бўлса, янги Конституцияда ҳамма эксплуататор гуруҳлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Меҳнаткашларнинг IV Бутунхоразм қурултойига делегат бўлиб қатнашган вакиллари ҳукумат баъзи аъзоларининг халққа қарши ҳаракатини фoш қилдилар. Хоразм Марказий Ижроия Комитетига «ҳукумат аъзолари фаолиятини мукамал текшириш ва айбдорларни судга бериш» топширилган эди²⁵³.

1923 йил охирлари 1924 йил бошларида ёш Хоразм республикасини ривожлантиришда ва Совет ҳокимиятини янада мустақкамлашда зўр ютуқлар қўлга киритилди. РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг 1924 йил 6 январда чиқарган қарориди «Хоразм аҳолиси Совет ҳокимиятига бутунлай ва тўлиқ хайрихоҳ ва Жўнаидхон бошчилигидаги босмачи тўдаларига нисбатан тескари муносабатда» деб кўрсатиб ўтилди²⁵⁴.

Марказий Комитет Ўрта Осиё Бюроси, халқ оммасининг жанговар кайфиятини ҳисобга олиб, «Хоразмдаги ҳарбий-сиёсий шароит босмачиликни (Жўнаидхонни) тугатиш учун қулайдир» деб топди. 1924 йилнинг баҳориди Жўнаидхонга қарши қатъий зарба бериш мўлжалланди²⁵⁵.

Хоразм ССРнинг экономика ва совет қурилиши соҳасида қўлга киритган ютуқлари, контрреволюцион руҳонийлар, буржуазия ва босмачи бандалари қолдиқларига қарши олиб борилган шиддатли ҳужум реакция гуруҳларни ҳаддан ташқари ғазаблантирди. Улар Хоразмда Совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш мақсадида, Жўнаидхон бошчилигида янги фитна уюштиришга шошилдилар²⁵⁶.

Хоразм Қомпартияси Марказий Комитети Ижроия Бюроси қарориди кўрсатиб ўтилишича, Жўнаидхон Фарғона ва Бухорода босмачиликнинг қатъий тугатилганини ва Хоразм ҳукумати маҳаллий босмачи бандаларини тугатиш учун тайёрлик кўраётганини билгани ҳолда, бу тайёрликка халақит бериш учун бутун кучини сафарбар этди²⁵⁷. Жўнаидхон Хоразмда Совет ҳокимиятини ағдариш ва ўзини хон деб эълон қилиш ҳаёли билан ўзини овутди²⁵⁸.

Душманлар ўз жирканч ниятларини амалга оширишда Хоразмдаги қийинчиликлардан, партия ва совет органлари

ишларида содир бўлган баъзи бир хатолардан фойдаландилар. Хоразм Компартияси Марказий Комитети Ижроия Бюроси қарорида қайд қилинишича, гарчи «Советлар IV қурултойи даврида Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитети тўғри сиёсий йўл тутган бўлса ҳам, белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун қўйи базаси етарли тайёргарликка эга эмас эди».²⁵⁹ Бунинг устига Жўнаидхоннинг сўнги авантюраси — январь контрреволюцион исёнигача Хоразм Қизил Армиясида демобилизация ўтказилган ва армиянинг доимий сони 500 кишигача камайтирилган эди.²⁶⁰

Жўнаид бандалари ўз қўлларидаги қишлоқларни ёндириб ва тинч аҳолини талаб ҳамда қириб, Хева томонига юрдилар. Хоразм республикасида хон ҳокимиятининг тиклашиш ҳавфи яна пайдо бўлди.

Аммо Хоразм меҳнаткашлари Совет ҳокимиятига содиқликларини яна бир марта кўрсатиб, ўз республикаларици сақлаб қолдилар. Исён бостирилди. Совет Туркистони жангчилари контрреволюцияни тор-мор қилишда Хоразм халқига ёрдам бердилар. 1924 йил апрель ойи бошларига келиб «Жўнаидхон бандаларига шундай кучли зарба берилдики, натижада улар ўзларини қайтиб ўнглаб ололмадилар»²⁶¹. Туркистон фронти Революцион Ҳарбий Совети 1924 йил баҳорида Хоразмда юз берган ҳарбий-сиёсий шароитда шундай баҳо берган эди.

1924 йил май ойида Хоразм Марказий Ижроия Комитети IV сессияси Хоразм республикаси составида Туркманистон автоном области ва Қирғизистон (Қозоғистон — Қ. Т.) — Қорақалпоғистон автоном области тузишга қарор берди.²⁶² Бу, Хоразм халқларининг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш йўлида олдинга қўйилган қадам ва Совет автономиясини тузиш бўйича СССР нинг бой тажрибасини Хоразм воқелиги шароитига татбиқ этиш эди.

Ўрта Осиёда миллий чегаралаш ўтказиш арафасида Хоразм аҳолисининг асосан миллий сосотавига мос бўлган қўйидаги маъмурий-сиёсий бўлақларга бўлинган эди.

1. Янги Урганч области ва ўзбек аҳолиси кўпчиликни ташкил этган алоҳида Хева райони.

2. Туркман аҳолиси кўпчиликни ташкил этган Туркман ёки Тошовуз автоном области.

3. Қорақалпоқ ва қозоқ аҳолиси кўпчиликни ташкил этган Қозоқ-Қорақалпоқ области.²⁶³

1921—1924 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикасининг иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз берди. СССР нинг мамлакатда янги иқтисодий

сиёсатни амалга оширишдаги тажрибаси Бухоро республикаси учун ўрнак бўлди. Бухоро Компартияси VII съезди резолюциясида кўрсатишича янги иқтисодий сиёсат йўлига ўтган қардош совет республикалари билан чамбар-час боғланган Бухоронинг кўрсатилган республикалар бу вақтга келиб тутган иқтисодий йўлга ўтиши табиий эди²⁶⁴.

Собиқ Бухоро амир ҳокимияти айби билан 1917—1920 йилларда узилиб қолган Россия — Бухоро иқтисодий алоқалари халқ революциясидан кейин янги адолатли, ҳар икки томон учун фойдали бўлган асосда қайта тикланди. 1924 йилга келиб Бухоро Халқ Совет Республикаси билан СССР ўртасидаги, шунингдек Ўрта Осиё республикалари ўртасидаги иқтисодий алоқа мустаҳкамланди.

Совет Иттифоқи Бухоро халқ хўжалигини маблағ билан таъминлашни яхшилаш учун, Бухоронинг илтимосига мувофиқ, Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги банкидан ташқари, Бухорода СССР Давлат банки бўлимини очди. 1924 йилнинг бошларида СССР ҳукумати камқувват деҳқон хўжаликларига ёрдам бериш учун узоқ муддатда процентсиз тўлаш шarti билан Бухорога 1 миллион сўм қарз берди. Совет Россияси Бухорога меҳнаткаш деҳқонларни таъминлаш учун борган сари кўпроқ товарлар юбора бошлади: агар 1924 йилнинг март ойида Россиядан 495 минг сўмлик товар келтирилган бўлса, шу йилнинг сентябрь ойида эса, 1200 минг сўмлик товар келтирилди²⁶⁵. 1923—1924 хўжалик йили ичида ҳаммаси бўлиб Бухорога 7500 минг сўмлик товар келтирилган эди.

Халқ депутатлари IV Бутунбухоро қурултойи «РСФСР билан БХСР ўртасидаги иқтисодий битим Бухоро республикасининг иқтисодий аҳволини кўтаришга ёрдам берди. Бухоро деҳқонлари газлама, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ва машиналари билан мунтазам таъминлаб турилди ва таъминланиб турилмоқда, бунинг устига рус товарлари Бухоронинг энг узоқ жойларига арзон нархда етказилмоқда²⁶⁶, деб қайд қилинган эди.

Янги иқтисодий сиёсат бошларида СССРдаги каби БХСРда ҳам қишлоқ хўжалигини юксалтиришга алоҳида аҳамият берилган эди. Бу, Бухоро ва Хоразм каби деҳқон мамлакатлари учун айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қўрилган тадбирлар натижасида 1923 йилда БХСРнинг экин майдонлари 8110 минг танобга етди, ёки 1913 йилдагига нисбатан 82,6 процентга кўпайди, шу жумладан сўғориладиган майдонлар 5486 минг танобни ёки 1913 йилдагига нисбатан 92,3 процентни ташкил этди²⁶⁷.

1922 йилда пахта майдонлари 100 минг таноб бўлса, 1923 йилда 136 минг танобга етди.

Ирригация ишларига кўп аҳамият берилди. 1923/1924 йилда ирригацияларни тиклашга икки миллион сўмга яқин пул сарфланган эди²⁶⁸.

Чорвачилик ҳам аста-секин ривожлана бошлади, 1923 йилда қорамоллар ва қўй-эчкилар сони 2570 минг бошга етди (урушдан олдинги миқдорнинг 53 проценти). Чорва моллари 1921 йилдагига нисбатан бир ярим миллион бошдан ортиқ кўпайди²⁶⁹.

1923 йилнинг кузидан деҳқонларга қарз берувчи қишлоқ хўжалик кооперациялари тузила бошланди. 1924 йилнинг июлига келиб Бухоро республикаси бўйича 9850 аъзоси бўлган 54 та қарз берувчи қишлоқ хўжалик кооперация ширкати бор эди²⁷⁰.

Бухоро республикаси ҳукумати деҳқонларга пул қарзи, уруғлиқ ва иш ҳайвонлари бериб турди. 1924 йилда деҳқонларга 100 минг пудга яқин ғалла тарқатилди. Деҳқонларни кредит билан яхшироқ таъминлаш мақсадида Бухоро ҳукумати қишлоқ хўжалик банки учун икки миллион сўм пул ажратди: ²⁷¹.

1924 йилда Бухоро республикасида деҳқонларни товарлар билан таъмин этадиган дастлабки 14 та кооператив очилди. Уз навбатида аҳоли ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кооперативларга зўр иштиёқ билан сотар эди²⁷².

1920 йил революциясининг дастлабки кунларида Совет Бухоросининг Революцион Комитети ер ҳақида Декрет чиқарди. Бунда хон хонадони аъзолари, беклар, қозилар ва ҳар хил судхўрлар ҳамда амлқадорлар қўлида бўлган ерлар умумхалқ бойлиги деб эълон қилинди. Бу ерлар республиканинг ерсиз ва камбағал деҳқонларга бўлиб бериладиган умумий ер фондига пулсиз топширилиши керак эди. Эски солиқлар бекор қилинди.²⁷³

Аммо Бухоро ҳукумати ва маҳаллий органлар ер масаласини амалий хал этишни кечиктириб юборди. Унинг хал этилишига босмачиларнинг контрреволюцион ҳаракатлари ҳам тўсқинлик қилди. 1923 йилнинг охирларидан бошлаб ер ва солиқ масалалари яхшиланади. Ер масалаларини тартибга солиш соҳасида бирқанча тадбирлар ўтказилди. Собиқ амир ерлари ўша жойларда ишлаб турган деҳқонларга бўлиб берилди. Бухоро ва Қармана вилоятлари бўйича собиқ амирнинг национализация қилинган. 7500 танобга яқин еридан 5 минг таноби деҳқонларга бўлиб берилган эди²⁷⁴.

Бухоро Халқ Совет Республикасининг Ер кодекси тасдиқланиб²⁷⁵, унда ердан фойдаланиш ва ер тузиш ишлари-

ни амалга ошириш тартиблари белгилаб берилган эди. Қонунга мувофиқ 30 танобдан ортиқ ердан фойдаланиш ёки ўшанча ерга эга бўлиш манъ қилинар эди. Бу эса катта ер эгалари ва кулақлар ҳуқуқини анча чеклар эди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси Ер кодекси РСФСР Ер кодексига қараганда анча фарқ қилар эди, чунки у Бухоро Халқ Совет республикасининг ўша даврдаги ривожланиш даражасига мослаб тузилган эди (БХСР ҳали социалистик республика эмас эди). Масалан, ерни сотиш ва сотиб олиш ишларига йўл қўйилган эди.

Бухоро республикасида деҳқонлар учун енгил шартли ушур (озиқ-овқат солиғи) жорий этилди, яъни ҳамма ерлардан олинадиган ҳосилнинг 10 проценти ҳисобида ягона давлат солиғи олина бошланди. Бунда бой табақалардан кўпроқ солиқ ундириш ҳисобига деҳқонлардан олинадиган солиқ камайтирилди²⁷⁶.

Бухоро ҳукумати вақф ерлардан фойдаланаётган деҳқонлардан олинадиган солиқни ҳосилнинг 10 процентигача камайтирди, бу йўл билан вақф ерларга ва давлат ерларига тўланадиган солиқ тенглаштирилди.

Бухоро Халқ Совет Республикасида қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва ер муносабатларини тартибга солиш ишлари камбағал деҳқонлар билан ўрта ҳол деҳқонларнинг уюшқоқлиги ўсаётган бир шароитда ўтди. Туркистондан ўрдак олиб Бухорода «Қўшчи» союзи ҳамма томонда ўз ишларини кенг ривожлантирди, унинг 20 минг деҳқондан иборат аъзоси бор эди. Коммунистик партия халқ совет республикаларида саноатни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берди.

РКП(б) Марказий Комитети қарорига мувофиқ, РСФСР ҳукумати 1922 йилда Бухоро республикасига тўқимачилик, қоғоз фабрикалари, кўн ва совунгарлик заводлари учун асбоб-ускуналарни бепул берди²⁷⁷.

Бу асбоб-ускуналарни ўрнатиш учун БХСР га Москвадан инженер-техник комиссия юборилди, у Бухорода янги саноат корхоналари барпо этишда актив қатнашди²⁷⁸.

Совет Россияси БХСРга Зарайскдаги «Қизил Шарқ» номли йигирув-тўқув фабрикасини ҳам берди. Бу даврда Бухорода мазкур фабрикани тезда ташиб келтириш учун етарли база йўқлиги туфайли, фабрика олдинги ўрнида ишлаб турса ҳам, у Бухоро республикаси ихтиёрида эди.²⁷⁹ Совет Россияси томонидан Бухоро Халқ Совет Республикасига берилган фабрикалар рус инженерлари ва ишчилари ёрдамида маҳаллий миллатлардан ишчилар тайёрлашда мактаб бўлди.

Эски заводлар тикланди ва кенгайтирилди. 1923 йилга келиб 11 та пахта тозалаш, ёғ ишлаш заводлари, кўн ва ичак-чаво заводлари тикланди. Электростанциялар ва механика мастерскойлари ишлаб турар эди ²⁸⁰.

Бухорога Москва ишчиларининг келиши Совет Россиясининг Бухоро республикаси билан дўстона, қардошлик алоқасининг ёрқин мисоли бўлди. Москва ишчилари БХСР меҳнаткашлари ҳаёти билан яқиндан танишиш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш ва ўзларининг бой революцион ҳамда амалий тажрибаларини ўртоқлашиш мақсадида келган эдилар ²⁸¹. Бухоро республикаси халқлари москвали дўстларини ўз акаларини кутгандек шодлик билан қарши олдилар.

Совет Бухороси рус халқи ёрдамида, Коммунистик партиянинг оғишмай қилган раҳбарлигида ўз саноат базасини яратиш ва ривожлантириш, маҳаллий миллатлардан иборат ишчилар сонини кўпайтириш соҳасида дастлабки муҳим ютуқларни қўлга киритди. Қасаба союзларига уюшган ишчилар сонининг ўсиб бориши ҳам бундан далолат беради. 1924 йилнинг ўрталарига келиб Бухорода 20480 аъзоси бўлган 9 та қасаба союзлари бор эди; аъзоларининг 17 мингги ишчилар (қурилиш ишчилари, транспорт ходимлари, матбуотчилар, тўқимачилар, озиқ-овқат саноати ишчилари ва бошқалар) эди ²⁸².

Саноат ва ишчилар синфининг ўсиши Бухоро Халқ Совет Республикасининг социалистик ривожланишида муҳим фактор бўлди.

Бухорода Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин дастлабки йилларда маданият ва маорифни юксалтириш бўйича муҳим тadbирлар амалга оширилди. 1921/1922 ўқув йилида БХСРда 39 та бошланғич ва ўрта мактаб, 3 та махсус хотин-қизлар мактаби, 12 та интернат, 4 та музыка мактаби биринчи марта очилди. 1922/1923 ўқув йилида мактабларда ва курсларда 5195 ўқувчи ўқир эди. Бухоро республикасидан Москва ва Тошкентга ўқиш учун кўпгина ёшлар юборилди. Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик Университети (КУТВ) нинг ўзидагина бухоролилардан 20 киши ўқир эди. Бухорода 14 та кутубхона, драмтеатр, кинотеатр ва музей очилди ²⁸³. Газеталар ва журналлар ўзбек, тожик ва рус тилларида нашр қилинди.

Бухоро халқлари собиқ маданий қолоқликдан аста-секин прогресс йўлига ўта бошладилар. Халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли соҳаларида маҳаллий миллий кадрлар ўсиб етишди ва мустақкамланди.

Коммунистик партия раҳбарлик қилган Бухоро республи-

каси меҳнаткашлар оммасининг сиёсий активлиги, синфий онги ўсди. Босмачилардан озод қилинган районларда Советлар тузила бошланди, Совет ҳокимияти органлари душман гуруҳларидан тозаланди.

Бухоро Компартияси III съезди Бухоро республикасида совет қурилиши тажрибасида йўл қўйилган бир қанча хато ва камчиликларни (бошқаришни ҳаддан ташқари марказлаштириш, Конституциясида кўрсатилмаган бўлимларни, маҳаллий ижрокомлар билан алоқада бўлмай ишлаган махсус вакил тармоқлари — маориф, молия юстиция тармоқлари ва бошқаларни тузиш) қайд қилиб ўтди. Съезд БХСР Конституциясининг ўзида сиёсий соҳада ҳам, иқтисодий соҳада ҳам совет қурилишини уюштириш принциплари «етарли ёритилмаган»ини ҳам кўрсатиб ўтди²⁸⁴.

1923 йил июль ойида Бухоро компартияси Марказий Комитети Пленуми Бухоронинг кенг меҳнаткаш оммасига яқин турган, халқ манфаатларини душман синфларнинг тажовуздан ҳимоя қилишга қодир чинакам совет аппарати тузиш мақсадида меҳнаткаш аҳоли фойдасини кўзлаб, БХСР Конституциясининг сайлов нормасига ўзгартиш киритишни тақлиф этди. Бу қарорга мувофиқ Бухоро Марказий Ижроия Комитети Фавқулодда сессияси 1923 йил 14 августда БХСР Конституциясига қаратилган ўзгартишлар ҳақида қарор қабул қилди²⁸⁵.

Конституциядаги ўзгартишлар асосан қуйидагилардан иборат эди:

а) собиқ амирнинг ҳамма амалдорлари, судхўрлар ва йирик савдо билан шуғулланган савдогарлар актив ёки пассив сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди²⁸⁶; бу билан бирга меҳнат қилмайдиган гуруҳларнинг ҳуқуқлари чегаралаб қўйилди;

б) шаҳар меҳнаткашлари, Бухоро Қизил Армияси ва милицияси учун сайлов нормалари кенгайтирилди; илгари Советлар республикаси қурултойига сайловларда 10000 кишидан бир делегат сайланган бўлса, энди шаҳар меҳнаткашлари 500 сайловчидан бир делегат сайлаш ҳуқуқига эга эдилар, Бухоро Қизил Армияси ва милицияси эса, 250 сайловчидан бир делегат сайлар эди;

в) ижроия комитетлари аъзоларининг сони ошди.

г) ҳамма нозирликларда (министрликларда) ва республиканинг бошқа муассасаларида коллегиял бошқармалар жорий этилди.

Бу ўзгаришлар ҳокимият органларини анча соғломлаштирди ва мустақамлади ҳамда бу органларга меҳнаткаш аҳолини кўпроқ жалб этди.

1923 йилда Советларнинг маҳаллий қурултойлари ва Советлар Бутунбухоро қурултойи бўлиб ўтди. Шарқий Бухо-

рода ўтказилган Советлар қурултойларида 16.000 дан ортиқ делегат қатнашди. Ғарбий Бухорода 20 дан ортиқ уезд қурултойи ва 6 вилоят қурултойи ўтказилган эди.

Собиқ амир амалдорлари ва бошқа душман гуруҳлар сайловлар процессида ўз кандидатларини ўтказишга уриниб кўрдилар, лекин меҳнаткаш аҳолининг кучли қаршиликка учрадилар. Шеробод ва Чоржўй вилоятларида амалдорлар ва бойлар группасининг ўз кишиларини Ижроия Комитетларга ўрнаштириш учун қилган ҳаракатлари аҳолининг ҳушёрлиги туфайли бутунлай барбод бўлди.

Советлар қурултойлари меҳнаткаш аҳолини совет қурилишига кенг жалб қилишга йўл очди.

Вилоятларнинг совет қурултойларида, шунингдек, Советлар IV Бутунбухоро қурултойида меҳнаткашлар оммаси ўз делегатлари орқали Бухоро республикаси ҳукуматининг ва маҳаллий органларнинг, хусусан уларнинг ер масаласини ҳал этишни чўзиб юбориб, давлат аппаратини душман гуруҳлардан тозалаш учун етарли кураш олиб бормаи қилган католари ва камчиликларини қаттиқ танқид қилдилар.

Қармана ва Шаҳрисабз Советлар қурултойларининг қарорига мувофиқ маҳаллий ижроия комитетларнинг собиқ раислари халққа қарши иш олиб борганликлари учун судга берилди.

Буларнинг ҳаммаси Бухоро меҳнаткашларининг сиёсий активлиги ва синфий онги ошганидан гувоҳлик берар эди. «Туркестанская Правда» газетаси бу ҳақда қуйидагиларни ёзган эди. «Бухорода Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин ўтган уч йил ва Коммунистик партиянинг олиб борган ишлари меҳнаткаш деҳқонлар онгида зўр бурилиш ясади. Улар ўз синфий манфаатларини тушуна бошладилар. Бу уч йил ичида меҳнаткаш деҳқонлар ўзларининг синфий онглари бўйича бир қанча йил олдинга кетди. Зўр кўтаринкилик руҳида ўтган сўнгги совет кампанияси (1923 йилдаги Советларга сайловлар — Ҳ. Т.) Бунинг ёрқин исботидир. Меҳнаткаш деҳқонлар туман ва вилоят ижроия комитетларига жуда кўпчилик бўлиб ўтдилар»²⁸⁷.

1923 йилнинг охирилари ва 1924 йилнинг бошларида Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихида муҳим воқеа юз берди. Мамлакатда халқ ҳўжалиги тикланди, совет аппарати мустаҳкамланди, маданият ўсди.

1923 йил октябрь ойида қақриилган Советлар IV Бутун Бухоро қурултойи сиёсий юксалиш шароитида ўтди. Қурултойга Бухоронинг ҳамма томонидан 389 делегат, шу жумладан Шарқий Бухоронинг босмачилардан озод қилинган районларидан 133 делегат қатнашди. БХСРнинг ҳамма ви-

лоятлари Республика қурултойига биринчи марта тўлиқ қатнаштирилди.

Илгарилари деҳқонлар ва ишчиларнинг вакиллари қурултойларда озчиликни ташкил этар эди. Хизматчилар ва зиёлилар кўпчиликни ташкил этарди. Кулак, савдогар ва руҳонийлар вакиллари ҳам кўп бўлар эди. Биз Советлар IV қурултойида бошқача манзарани кўрамыз: 389 делегатнинг 227 таси (ёки 77 проценти) деҳқонлардан, 26 делегат ишчилардан, 93 делегат хизматчи ва бошқалардан иборат эди²⁸⁸. Бухоро Компартияси Марказий Комитети буни кенг деҳқонлар оммасининг Совет қурилишида актив қатнашишини кўрсатувчи факт сифатида баҳолади²⁸⁹.

Советлар IV Бутунбухоро қурултойида қатнашган делегатлар ичида 237 ўзбек, 81 тожик, 22 туркман, 56 рус ва бошқа миллатларнинг вакиллари бор эди²⁹⁰.

Шундай қилиб, Бухоро Компартияси Марказий Комитети ҳисоботида қайд қилинишича, «Советлар IV қурултойига Бухорода яшаётган ҳамма миллатларнинг вакиллари қатнашди, илгари ўтган қурултойларда эса, бундай бўлмаган эди»²⁹¹.

Советлар IV қурултойи яқдиллик ва мамнуният билан қайд қилдики, халқ душманларининг иғволари ва интилишларига қарама-қарши ўлароқ Бухоро республикаси халқлари билан СССР халқлари ўртасида дўстлик мустаҳкамланди, ССР Иттифоқи ҳукумати босмачиларга қарши олиб борилган курашда, мамлакатнинг халқ хўжалигини тиклашда моддий томондан ёрдам берди, давлат дефицитини қоплаш учун маблағ бериш, Бухорога фабрикаларни топшириш ва бошқа йўллар билан Бухоронинг молиявий аҳволини яхшилади²⁹².

Қурултой БХСР нинг янги ҳукуматига улуғ Совет Иттифоқи билан бўлган алоқани қўллаб-қувватлаш ва уни янада мустаҳкамлаш нақазини тоширди.

Советлар IV қурултойи туркманлар масаласини муҳокама қилиб, уларнинг истак ва интилишларини эътиборга олиб туркманларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашини таъминлаш мақсадида, БХСР нинг туркманлар яшаб турган Чоржўй ва Қарки вилоятларидан иборат автоном Туркман областини барпо этишга қарор берди.

Тожиклар яшаётган Шарқий Бухорода ҳам бир қанча муҳим ўзгаришлар ўтказилди. Босмачиларга қарши кураш йилларида Шарқий Бухорода жуда оғир шароит рўй бергани туфайли, у ерда Бухоро ҳукуматининг «Муваққат Диктатор Комиссияси» ишлар эди, у кенг ҳарбий ва маъмурий ваколатга эга эди. Босмачилик тугатилгандан кейин Бухоро Марказий Ижроия Комитетининг қарорига мувофиқ «Му-

ваққат Диктатор Комиссияси»нинг ўрнига Шарқий Бухоро Советлари маҳаллий Ижроия Комитетлари тузилган эди. IV қурултой Бухоро республикасида тўғри ўзаро миллий муносабатлар ўриштириш ва совет автономияси барпо қилишда Совет Иттифоқи Бухоро республикасига ёрдам бергани мамнуният билан қайд қилиб ўтилган эди ²⁹³.

Съезд делегатлари Бухоро республикаси ҳукуматининг контрреволюцион ишлар олиб борган ва суиистеъмол қилган баъзи аъзоларини ва маҳаллий совет органлари ходимларини фош қилдилар. Делегатларнинг талабига мувофиқ IV қурултой турли жиноий ишлар қилган, босмачилар билан алоқа боғлаган, хазина ўғирлаган, пора олган ва ишни издан чиқарган баъзи нозирларни суд жавобгарлигига тортиш ҳақида қарор чиқарди ²⁹⁴.

Советларнинг IV Бутунбухоро қурултойи 1923 йил 14 августда Бухоро Марказий Ижроия Комитети сессияси томонидан қабул қилинган БХСР Конституциясига киритилган ўзгаришни тасдиқлади.

1924 йил январь ойида Бухоро Коммунистик партиясининг IV (VIII) съезди бўлиб ўтди. У Бухоро республикасини янада ривожлантириш программасини белгилаб берди. Бу даврда Бухоро Компартиясининг 1659 аъзоси бор эди, уларнинг кўпчилиги деҳқонлардан (732 киши), хизматчилардан (510 киши), ишчилардан (171 киши) ва бошқалардан иборат эди ²⁹⁵.

Бухоро Компартияси IV (VIII) съезди томонидан қабул қилинган резолюцияда шундай деб кўрсатилган эди: «... Шарқнинг революцион халқларининг тақдири ва, биринчи галда, Туркменистон ҳамда Бухоро халқларининг тақдири СССРнинг яшаши билан мустаҳкам боғлиқдир». Съезд ҳамма бошланғич ташкилотлардан Бухоро меҳнаткашларининг манфаатларини СССР ишчилар ва деҳқонлари манфаатлари билан мослигини Бухоро меҳнаткашларига кенг тушунтиришни ва Бухорони СССР дан ажратишга уринган буржуа миллатчиларга қарши қатъий кураш олиб боришни талаб қилди ²⁹⁶.

Партия қурилиши соҳасида БКП(б) съезди РКП(б) Марказий Комитетининг тутган йўлини бутунлай маъқуллади ва уни қўллаб-қувватлади, ҳамда партия ташкилотларини троцкийчилар ва ҳамма турдаги миллатчиларга қарши партия бирлиги учун қатъий кураш олиб боришга чақириб, партия ичидаги турли оғмачиларни қоралади.

Съезд Совет аппаратини яхшилаш ва уни мустаҳкамлаш ишида қўлга киритилган муҳим ютуқларни эътироф этиш билан бирга баъзи жойлардаги ижроия комитетлар-

нинг кенг меҳнаткаш оммадан ажралиб қолганини, Совет ҳокимиятининг бир қанча органларида душман гуруҳлари борлигини қайд қилди. Съезд бу камчиликлар ва хато-ларни тугатишни, совет органларини душманлар ва жиноятчи гуруҳлардан тозалашни давом этдириб, бу органларнинг ишларини жонлантиришни, совет органларини меҳнаткаш аҳоли орасидан чиққан софдил ва ишбиларманд кишилар ҳисобига янгилашни талаб қилди²⁹⁷.

1924 йилнинг ярмига келиб Совет аппарати анча мустақамланди. РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг 1924 йил 15 апрелда чиқарган қарорида «Бухоро республикасининг Совет аппарати ишончсиз ва нолайиқ гуруҳлардан тозалангандан кейин анча яхшиланди» деб қайд қилинган²⁹⁸.

1924 йилнинг ярмига келиб Бухоро республикаси сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг ҳамма соҳасида бурулиш ясалди. Халқ Совет Республикасидан социалистик республикага ўтиш ҳақидаги масала асосий масала бўлиб қолди. Советларга умумий сайловлар даврида ва 1924 йил август — сентябрь ойларида Советларнинг маҳаллий ва республика қурултойларини ўтказишда бу масала қатъий ҳал қилинди.

Республикала ижтимоий-иқтисодий шароитнинг ўзгаришига асосланиб, Бухоро Компартияси Марказий Комитетининг тақлифига мувофиқ, Бухоро Марказий Ижроия Комитети Советларга сайловлар ва Советлар қурултойларини чақир-ишга оид янги инструкцияни тасдиқлади. Инструкцияга мувофиқ ҳамма эксплуататорлар, яъни меҳнат қилмайдиган шахслар, хусусий савдогарлар, савдо ва коммерсия даллоллари, руҳонийлар, собиқ амирнинг қариндош-уруғлари, собиқ амир амалдорлари ва бошқалар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди²⁹⁹.

Инструкция шаҳарларнинг ишчи ташкилотларига, «Қўшчи» союзига, Қизил Армияга ўз депутатларининг сонини ошириш ҳуқуқини берди, улар Советлар республика қурилтойига 200 сайловчидан бир депутат юборар эдилар.

Советларга сайловлар ва Советларнинг қурултойларини ўтказиш Бухоро Республикаси меҳнаткашлар оmmasининг сиёсий активлиги ўсганлигининг ёрқин намоёиши бўлди. Сайловчилар ўз депутатларига: СССР нинг барча халқлари билан иттифоқлик ва дўстликни ҳар томонлама мустақамлаш, давлат ҳокимияти органларига душман гуруҳларини ўтказмаслик, халқ хўжалигини тез суръатлар билан тиклаш нақазини бердилар. Сайловчилар Совет ҳокимияти сиёсатини оғишмай амалга оширишни ўз вакилларига вазифа қилиб топширдилар³⁰⁰.

1924 йил 19 сентябрда Эски Бухорода Советлар Бутунбухо-

ро V қурултойи очилди. Унда ҳукуматнинг Бухоро Халқ Совет Республикасини Совет Социалистик Республикасига айлантириш ҳақидаги доклад, миллий чегаралаш ўтказиш ҳақидаги ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Қурултой Бухоро республикасининг Совет ҳокимияти йилларида ташқи душманлар ва ички контрреволюциянинг тормор қилиниши, Совет ҳокимияти органларининг мустақкамланиши, ҳамма миллатларнинг тенг ҳуқуқлилигининг тўлиқ ўрнатилиши, меҳнаткашларнинг давлатни бошқаришга кенг жалб этилиши, уларнинг хўжалик ва маданий ҳаётни юксалтиришда ташаббус кўрсатиши ва кооперацияларни ривожлантиришда қўлга киритилган ютуқларни қайд қилиб ўтди.

1920 — 1924 йилларда Бухоро республикасининг иқтисодий ривожланиши иқтисодий базисда социалистик ўзгаришларга олиб келди. Бу ҳол социалистик устқурманинг ҳам ривожланишига имкон берди. V қурултой БХСР нинг ривожланганини ва халқлар истагини эътиборга олиб, Бухоро Халқ Совет Республикасини Бухоро Совет Социалистик Республикасига айлантириш ҳақида тантанали вазиятда тарихий қарор қабул қилди.

Советлар Бутунбухоро V қурултойи қарорида «Бухоро Халқ Совет Республикаси Бухоро Совет Социалистик Республикаси» деб эълон қилинади. «Социалистик республика, — дейилган эди бу қарорда, — меҳнаткашлар ва эзилган пролетар оммаси ҳамда камбағал деҳқонлар — пролетариат диктатурасининг золимлар ва эксплуататорларга қарши қаратилган ташкилотидир». Қарорнинг давомида бу диктатуранинг вазифаси социализмга ўтишни амалга ошириш ҳисобланади ва бу қўйилган мақсадга боришни оғишмай давом этдириш билан бирга «БССР ҳамма Социалистик Республикалар ва улуғ Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи билан қардошларча бирдамлигини эълон қилади» деб кўрсатилган эди³⁰¹.

Хоразм каби Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳам, социализм томон ўз ички ривожланиши даражасига қараб социалистик республикага айланди. Бу ҳар икки республика Туркистон АССР билан бир қаторда, ўз тарихий процессининг янги босқичи — миллий чегаралаш ўтказилишига ва Ўрта Осиёда СССР составига ихтиёрий кирган миллий совет социалистик республикалар барпо этилишига олиб келди.

* * *

Шундай қилиб, 1924 йилга келиб, Туркистон, Бухоро ва Хоразм Совет республикаларида муҳим ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли пайдо бўлган Туркистон Автоном Совет Республикаси Коммунистик партия раҳбарлиги остида, улуғ рус халқининг ёрдамида РСФСР составида ўз ривожланишининг шонли етти йилини босиб ўтди.

Бухоро ва Хоразм меҳнаткашлари Октябрь революциясининг бевосита таъсири остида, Коммунистик партия бош бўлган рус ишчилар синфининг қўллаб-қувватлаши ва раҳбарлигида мустақил Бухоро ва Хоразм Совет Халқ Республикаларини барпо қилдилар. Совет ҳокимиятининг тўрт йили ичида улар мустаҳкамландилар ва Совет Социалистик Республикаларга айланди.

Коммунистик партия раҳбарлиги остида, рус халқи ва Совет Иттифоқининг бошқа халқлари ёрдамида Урта Осиёнинг меҳнаткашлар оммаси интервентлар ва ички контрреволюцияни тор-мор қилдилар. 1924 йилда босмачиларга қарши олиб борилган кураш ҳам ғолибона тугалланган эди. Аммо тоғлик районларда босмачи тўдалари сакланиб қолган эди, улар ҳам тезда тор-мор қилинди. 1924 йилга келиб Туркистон, Бухоро ва Хоразм халқ хўжалигини тиклашда ва маданиятини ривожлантиришда катта ютуқлар қўлга киритилган эди.

Октябрь революциясининг дастлабки йилларидан бошлабоқ ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қорақалпоқ халқларининг ва Урта Осиёнинг бошқа халқларининг совет давлат тузуми яратилди ҳамда ривожлантирилди. Меҳнаткаш омма давлат қурилишида актив қатнаша бошлади. Улканинг ҳамма миллатлари ичида кўпсонли совет ходимлари етишиб чиқди. Урта Осиёда совет ҳокимияти мустаҳкамланди.

Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети раҳбарлиги остида РКП(б)нинг ажралмас қисми бўлган Туркистон, Бухоро ва Хоразм коммунистик партиялари ташкил қилинди ва мустаҳкамланди.

Ўз қаторларидан марксизм-ленинизмга ва социалистик Ватанга содиқ бўлган ходимларни етиштириб чиқарган Урта Осиё партия ташкилотлари улуғ давлатчи шовинистларга, буржуа миллатчиларига, турли тусдаги душманларга қарши муросасиз курашда чиниқди.

Урта Осиё совет республикаларида ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши туфайли, миллатлараро тинчликни ўрнатишда, халқларнинг қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим ютуқлар қўлга киритилди.

Урта Осиё халқларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлари, уларнинг совет ҳокимияти байроғи остида умумий мақсад — социализм йўлида бирлашиши борган сайин

ривожланди ва мустақамланди. Урта Осиё халқларининг совет социалистик миллатлари бўлиб жиғслашиши ва ривожланиши кучайди.

Буларнинг ҳаммаси 1924 йилнинг ўзида миллий чегаралашни муваффақиятли ўтказиш ва Урта Осиёда совет миллий республикалари, шу жумладан Ўзбекистон ССРни барпо этиш даври пишиб етилганлигини кўрсатди.

1. УРТА ОСИЁДА МИЛЛИЙ-ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАШ УТКАЗИЛИШИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ

1. УРТА ОСИЁДА МИЛЛИЙ-ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАШ УТКАЗИЛИШИ

Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатни оғишмай амалга ошириб, совет социалистик республикаларни барпо қилишга ва уларни ривожлантиришга, коммунистик жамиятни муваффақиятли қуриш йўлида социалистик миллатларнинг ихтиёрий иттифоқини мустаҳкамлашга доимо ғамхўрлик қилиб келди.

«Биз революцион тарзда қўшилишни истаймиз, — деб ёзган эди Ленин, — шунинг учун умум барча ва ҳар қандай давлатларнинг бирлашиш шiorини қўймаймиз, чунки социал революция фақат социализмга ўтган ва ўтаётган давлатларнинг, озод бўлаётган мустамлакаларнинг ва ҳоказоларнинг бирлашишини кун тартибига қўймоқда»¹.

Коммунистик партия мамлакатимизда миллий давлат тузумини яратишда ҳар бир айрим миллатнинг манфаатларини умум давлат манфаатлари билан бирга қўшиб олиб бориш зарурлигини асос қилиб олган эди.

Н. С. Хрушчев мамлакатимиз халқларининг ўзаро ҳамкорлиги ва дўстлигининг асосларини чуқур анализ қилиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг КПСС XX съезидига берган ҳисобот докладада шундай деган эди:

«Совет ватанпарварлигини интернационализм билан узвий равишда боғлаб олиб бориш — социалистик миллатларнинг қардошларча ўзаро алоқасини мустаҳкамлашнинг ғоявий асосидир. Партиямиз ўзининг миллий сиёсатида ана шунга амал қилиб келди ва бундан буён ҳам шунга амал қилади.»²

Қўпмиллатли совет давлати суверен совет социалистик республикалар иттифоқига асосланган. Бу республикаларнинг ҳаммаси бирликда улғу ишни амалга оширмоқда — мамлакатимизда коммунистик жамият қурмоқда.

Коммунистик партия Октябрь революцияси майдонга келтирган миллатларнинг, шу жумладан Урта Осиё миллатларининг миллий давлат тузумларини яратишга алоҳида аҳамият бериб келди.

Миллий хусусиятларига кўра Россияни маъмурий қайта бўлиш ва совет миллий республикалар ҳамда автоном областлар барпо қилиш илгари қўрилмаган мустақкам бирлашмага ва халқларнинг ихтиёрий иттифоқига олиб келди.

РКП(б) X съезди миллий масалада ўз тарихий ривожланишида орқада қолган рус бўлмаган халқларнинг меҳнаткашлар оммасига бу халқларнинг миллий-маиший шароитига мос бўлган шаклларда совет давлат тузумини ҳар томонлама ривожлантириш ва мустақкамлашда ёрдам беришни асосий вазифалардан бири сифатида қўйди.³

Коммунистик партия совет миллий давлат тузумини яратишга собиқ қолоқ халқларни рус ишчилар синфи раҳбарлиги остида ва ёрдамида социалистик қурилишга жалб қилишнинг ҳал қилувчи шароитларидан бири деб қаради.

Шарқ совет республикалари халқлари муҳим масалаларни ҳал қилишлари керак эди. Экономика соҳасида ҳозирги замон саноатини яратиш ва қишлоқ хўжалигини юксалтириш, деҳқонлар ва ҳунармандлар оммасини кооперативларга кенг жалб қилиш; маданият соҳасида шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятни яратиш; сиёсий соҳада Советларни меҳнаткашлар оммасига янада яқинлаштириш, аҳолига яқин ва таниш бўлган миллий совет давлат тузумини ўрнатиш керак эди⁴.

Миллий-давлат чегаралаш Коммунистик партия ва Совет ҳокимиятининг ленинча миллий сиёсатига тўлиқ мос келар эди. Миллий-давлат чегаралашнинг ўтказилиши, давлатларнинг ҳатто ажраб чиқиш ва мустақил миллий совет республикаларининг социалистик республикаларнинг ягона давлат иттифоқига ихтиёрий равишда бирлашиш ҳуқуқини берувчи миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципларини эълон қилган Коммунистлар партияси ва Совет ҳокимиятининг ленинча миллий сиёсатига тўлиғича мос келарди.

Пролетар интернационалиزم байроғи остида ўтказилган миллий-давлат чегаралаш ўзаро миллий ишончсизликнинг ўша вақтда бўлган қолдиқларини йўқотишга, Ўрта Осиёда миллатлараро тинчлик ва Совет ҳокимиятини янада мустақкамлашга, кенг меҳнаткашлар оммасини социалистик жамият қуришга янада фаол қатнаштиришга, Совет Иттифоқи халқлари дўстлигини мустақкамлашга олиб келиши керак эди, ва ҳақиқатдан ҳам шундай бўлди.

Маълумки, Туркистон, Бухоро ва Хоразм совет республикалари кўпмиллатли республикалар эди. Миллий чегаралаш ўтказиш даврига келиб Ўрта Осиёдаги ҳамма ўзбекларнинг 66,5 проценти Туркистон республикасида, 22,2 проценти Бухоро республикасида ва 11,3 проценти Хоразм республикасида яшар эди. Ўзбеклар Туркистон аҳолисининг 41,4 процен-

тини, Бухоро аҳолисининг 50,1 процентини ва Хоразм аҳолисининг 61,1 процентини ташкил қилар эди. Урта Осиёдаги ҳамма туркманларнинг 43,2 проценти Туркистонда, 27 проценти Бухорода ва 29,8 проценти Хоразмда яшар эди. Урта Осиё тожикларининг 47,7 проценти Туркистонда ва 52,3 проценти Бухорода яшар эди ва ҳоказо.⁵

Ўзбеклар Туркистон АССРнинг Фарғона, Самарқанд областларида, Сирдарё областининг Тошкент ва Мирзачўл уездларида яшар эдилар. Ўзбекларнинг айрим группалари Сирдарё областининг Чимкент ва Туркистон уездларининг баъзи районларида яшаганлар; улар Бухоро республикасининг Бойсун, Бухоро, Ғузур, Қарши, Қармана, Нурота, Шаҳрисабз; Шеробод ва Сарисиё вилоятларида (областларида), Хоразм республикасида эса, Янги Урганч областида ва Хева шаҳри районида яшаганлар.

Туркманлар Туркистон АССРнинг Туркменистон областида, Бухоро республикасининг жанубида (Чоржўй области) ва Хоразм республикасининг жанубий ва жануби-ғарбий қисмларида (Туркман — Тошовуз областларида) ғуж бўлиб яшаганлар.


Тожикларнинг кўпчилик қисми Бухоро республикасининг шарқий қисмида яшаган. Улар Самарқанд областининг Хўжанд уездида кўпчиликни ташкил қилганлар. Тожиклар Самарқанд областининг Самарқанд уездининг баъзи районларида (Помир, Ҷонибодом, Исфара ва бошқаларда) ҳамда Марказий Бухорода яшаган.

Қирғизлар Туркистон АССР нинг Қорақўл (Пржевальск), Еттисув областининг Пишпак, Норин уездлари территорияларида, Сирдарё область, Авлиёота уездининг бир қисмида ва Фарғона областининг баъзи районларида (Уш уезди, Андижон уездининг Жалолобод волости ва бошқа жойларда) яшаганлар.

Қорақалпоқлар Туркистон республикасининг Амударё областида ва Хоразм республикасининг шимоли-шарқий районлари (Қозоқ-Қорақалпоқ области)да кўпчиликни ташкил қилганлар. Қорақалпоқларнинг айрим группалари Фарғона областининг баъзи районларида яшар эдилар.

Қозоқлар Туркистон АССР нинг шимолий қисмида: Еттисув областининг Олмаота, Жаркент, Лепсинский, Толдиқўрғон уездларида ва Сирдарё областининг Оқмачит, Авлиёота, Қазалинск, Туркистон ҳамда Чимкент уездларида кўпчиликни ташкил қилар эдилар. Қозоқлар Тошкент ва Мирзачўл уездларининг баъзи районларида ҳам яшар эдилар⁶.

Китобнинг биринчи бобида айтиб ўтилганидек, миллий-давлат чегаралашини ўтказилишидан олдин, Урта Осиё халқ-



2-расм. Миллий-давлат чегаралаши ўтказилишидан олдинги картаси

ларининг миллий Совет давлат тузумининг ривожлана боришида Бухоро республикасида Тожик ва Туркман областлари, Туркистон АССР да Туркман области тузилган ва Хоразм республикаси маъмурий бўлақларга бўлинган ҳамда бирор миллатнинг (туркманлар, ўзбеклар, қорақалпоқлар) кўп-озлигига қараб област ташкил қилинган эди.

Аҳолининг миллий хусусиятига ва хўжалик-маиший шароитига кўра юқоридаги областларнинг барпо этилиши иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан ривожланишда, Ўрта Осиёнинг ҳамма миллатлари меҳнаткаш оммасини совет қурилишига жалб этишда муҳим қадам бўлди. Аммо турмуш навбатдаги муҳим йўлга қадам қўйишга, яъни ўзбек, туркман, тожик, қирғиз, қорақалпоқ ва қозоқ ерларини янги совет миллий давлат тузулмаларига бирлаштиришга мажбур эди. Бу эса миллий-давлат чегараланиш натижасида амалга оширилиши керак эди ва шундай қилинди ҳам.

Худди 1924 йилнинг ўзида революциядан олдин Ўрта Осиё халқларининг бўлақларга бўлиб юборилган ерларини мустақил давлатларга қайта бирлаштириш имконияти туғилди. Бунда ўлканинг меҳнаткашлар оммасини ҳокимият органларига яқинлаштириш, жипслаштириш мақсади кўзда тутилган эди.

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралаш иши Коммунистик партия раҳбарлиги остида ўтказилди. Ўрта Осиё халқларининг истакларини кўзлаб, маҳаллий партия ва совет ташкилотлари 1924 йилда ўзларининг миллий чегаралаш ўтказилиши зарурлиги масаласини кўтариб чиқди.

1924 йил бошларида партия комитетларининг мажлисларида, Туркистон, Бухоро ва Хоразм партия съездларида иштирок этган делегатлар ўз нутқларида меҳнаткаш омманинг истакларини ифода этиб, Ўрта Осиёда миллий чегаралаш ўтказиш вақти келиб етганини гапирдилар.

Туркистон Советлари XII съезди қатнашчиларининг нутқларида ҳам бу тўғрида гапириб ўтилган бўлса ҳам, ўша вақтда масала ҳал қилинмаган эди. Съезд Туркистон Советлари Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг докладыга мувофиқ районлаштиришга оид қарор қабул қилди. Съезд резолюциясида шундай дейилган эди: «... Туркистон республикасини иқтисодий ва табиий-тарихий хусусиятлари асосида районлаштириш учун ҳамма тайёргарлик ишларини тугаллаш ва шунга мувофиқ маъмурий ҳамда хўжалик бошқариш ишларини қайта тузиш керак».

Ўша даврда баъзи маҳаллий партия ва совет ходимлари Туркистонни чегаралашга оид бўлган очиқдан-очиқ хато лойиҳаларни илгари сурган эдилар. Масалан, Туркистон АССР Советлари XII съездида Фарғона областидан келган делегат-

ларнинг бир қисми РҚП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси ва Туркистон Компартияси Марказий Комитетига ёзган ўз мактубларида «РСФСР нинг бевосита қарамоғида бўлган Фарғона Автоном области»ни барпо қилиб ажратиш ҳақидаги масалани қўйган эдилар⁸. Бу лойиҳа мақсадга мувофиқ бўлмагани учун қабул қилинмади.

Уша даврларда Фарғона кўпмиллатли область ҳисобланар эди, чунки у ерда ўзбеклар, қирғизлар, тожиклар ва бошқа миллатлар яшар эди. Ўзбеклар Қўқон уездида (78,5 процент) ва Фарғона уездида кўпчиликини (75 процент) ташкил қилар эди. Шунингдек, улар Андижон (65,5 процент) ва Наманган (62,5 процент) уездларининг кўпчилик волостларида яшар эдилар. Уш уездида ўзбеклар камчиликини (35 процент) ташкил қилганлар⁹. Умуман Ўрта Осиёдаги ҳамма ўзбекларнинг 40 процентидан кўпроғи Фарғона областида яшар эди. Турмушнинг ўзи, миллий онгнинг ўсиши, революция туфайли озод бўлган ўзбек халқининг иқтисодий ва сиёсий томондан юксалиши Фарғона ўзбеклари ерларини қўшни Самарқанд ва Сирдарё областларидаги, шунингдек Бухоро ва Хоразмдаги ўзбек ерлари билан қўшилиши зарурлигини ва муқаррарлигини кўрсатар эди.

Тожиклар Қўқон уездининг Сўх, Исфара, Конибодом волостларида кўпчиликини ташкил қилганлар. Улар экономика ва маданият соҳасида Самарқанд областининг қўшни Хўжанд уезди, Бухоро республикаси шарқий қисмининг асосий тожик аҳолиси билан жипс боғланган эди. Революциядан бурун парчалаб юборилган тожик ерларини бирлаштириш зарурлиги ўз-ўзидан маълум эди.

Ниҳоят, Уш уезди ва Андижон уезди, Жалолобод волостининг кўпчилик аҳолиси қирғизлардан иборат эди¹⁰, улар, Шимолий Қирғизистон аҳолиси билан қўшилишга ҳаракат қилар эдилар.

Ўзбек, тожик, қирғиз ерларининг, шунингдек Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг ерларини тегишли совет миллий республикаларига ва совет областларига бундай тарихий қонуний равишда бирлашуви бутун Ўрта Осиёда миллий чегаралаш ўтказилиши туфайли амалга оширилиши мумкин эди ва ҳақиқатан ҳам шундай бирлашди.

Қандайдир «Фарғона автономиясини» тузиш лойиҳасининг Фарғона водисида яшовчи миллатлардан бирортасининг манфаатига мос келмаслигининг сабаби ҳам шунда эди. Бу лойиҳанинг қабул қилиниши Фарғона областидаги ҳамма миллатларнинг Ўрта Осиёдаги бошқа областлар билан совет миллий республикалар доирасида қўшилишига тўсқинлик қилар эди.

Фарғонани автономлаштиришнинг Ўрта Осиёдаги миллатларнинг ўзаро муносабатлари нуқтаи назаридан нотўғрилигининг сабаби ҳам шу эди. Бу лойиҳа иқтисодий томондан ҳам нотўғри эди. Маълумки, Фарғонанинг ўзбеклар яшайдиган ерлари ҳозирги Ўзбекистон территориясининг бошқа районлари билан иқтисодий томондан жипс боғланган. Фарғонани айириб қўйиш бутун ўзбек ерларининг хўжалик яхлитлигини бузилишга олиб келар ва ўзбек халқининг иқтисодий ва маданий томондан янада ривожланишига тўсқинлик қилар эди. Тожик ва қирғиз ерлари тўғрисида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Шунинг учун ҳам РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси ва Туркистон Компартияси Марказий Комитети Ижроия бюросининг 1924 йил 13 январда бўлиб ўтган қўшма мажлис қарорида «Шу шароитда Фарғонани фарғоналик ўртоқлар таклифига мувофиқ равишда автоном областга ажратиш масаласини кўтариб чиқиш хатодир, чунки областларни миллий территорияларга бўлиш иши партиянинг VIII, X ва XII съездлари қарорларида кўрсатилган йўлдан бориши керак»лиги кўрсатилган эди.

Ўрта Осиёнинг бутун территориясининг миллий чегараланиши Ўрта Осиёнинг ўша даврдаги конкрет тарихий шароитида совет миллий давлат тузумини янада ривожлантириш масаласини ҳал қилишнинг ягона тўғри йўли бўлди. 1924 йил февраль ойидан бошлаб, миллий чегаралаш ўтказишга бевосита тайёрлик кўришнинг қонуний процесси бошланди.

Миллий-давлат чегаралашга бағишланиб, илгари нашр этилган бир қанча асарларда, шу жумладан бизнинг асаримизда ҳам ¹², бу муҳим масала анча юзаки тасвирланган эди. Авторлар, шу жумладан биз, миллий чегаралаш ўтказишга тайёрлик кўриш ва унинг ўтказилишида содир бўлган қийинчиликларга етарли баҳо бера олмаган эдик. Одатда авторлар Партия ва Ҳукуматнинг баъзи қарорларини айтиб ўтиш билан кифояландилар, улар маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг айрим хато ва нуқсонларини кўрсатиб бермадилар ва анализ қилмадилар, бу камчилик ва хатоларнинг қандай тузатилганлигини кўрсатмадилар.

Фактлар миллий чегаралаш ўтказилиши даврида иш ҳамма жойда силлиқ бормаганини кўрсатади, бунда кўп қийинчиликларга дуч келинган, хатоларга йўл қўйилган. Бу қийинчилик ва хатолар РКП(б) Марказий Комитети раҳбарлиги остида қадам-бақадам бартараф қилина борди.

Ўрта Осиёни миллий чегаралашга тайёрлаш ва уни ўтказишнинг асосий моментларини баён этишга киришайлик.

1924 йилнинг февраль ойидан бошлаб бу масала Туркиес-

тон, Бухоро ва Хоразм партия ташкилотларининг мажлисларида ва пленумларида дастлаб муҳокама қилина бошлади.

Бухоро республикасида миллий чегаралаш масаласи 1924 йил 25 февралда Бухоро Компартияси Марказий Комитети пленуми томонидан муҳокамага қўйилди. Пленум, партиянинг миллий масала бўйича бўлган программасига асосланиб, Ўрта Осиё халқлари иродаси ва хоҳишини эътиборга олиб, Совет Ўрта Осиё территориясини бир қанча республикага ажратиш ҳақидаги масалани етилган ва ўз вақтида қўйилган масала деб эътироф этди¹³.

Пленумнинг бу қарори тўғри қарор эди, чунки у Ўрта Осиё халқларининг миллий иистак-орзуларига ҳамоҳанг эди.

Шунинг билан бирга пленум «Бухоро Компартияси Марказий Комитети тезислари — Ўзбекистонни барпо этиш масаласига оид асосий Низом»ни асос қилиб олди¹⁴. Аммо БХСР Нозирлари Советининг раиси Ф. Хўжаев томонидан ишлаб чиқилган ва Пленумга тақдим этилган бу «Тезислар»да бир қанча бутунлай хато хулосалар бор эди. Хусусан уларда, тарихий ҳақиқатга қарама-қарши ўлароқ, бир вақтлар Ўрта Осиёни босиб олган бошқинчилар территорияларни қандай бўлиб олган бўлсалар, совет маъмурий бўлиниши ҳам худди шундай бўлинишни такрорлаб мустаҳкамлаган дейилган эди. Шунинг учун ҳам Бухоро Компартияси Марказий Комитети Пленумида юқорида кўрсатилган «Тезислар»ни асос қилиб олиш хато эди; яна шуни ҳам қайд қилиб ўтиш зарурки, Бухоро Компартияси Ижроия Бюроси «Тезислар»ни қайта кўриб чиқиб, 10 мартда миллий чегаралашга оид қарор қабул қилди. Бу қарорда юқорида кўрсатилган «Тезислар»даги хато фикрлар чиқариб ташланди. Бухоро Компартияси Марказий Комитети Ижроия бюроси ўз қарориде мустақил иккита иттифоқдош республика — Туркменистон ва Ўзбекистон Совет Республикалари барпо этиш зарурлигини аниқ ёзган эди. Бу қарорга мувофиқ, Ўзбекистон махсус шартнома билан «СССР га бешинчи аъзо бўлиб қўшилади». Туркистон республикаси эса РСФСР ва СССР га нисбатан ўз муносабати ни мустақил ўзи белгилаши керак эди. Шунингдек қарорда Тожикистон Автоном областини барпо этиш ҳам кўзда тутилган эди¹⁵.

1924 йил 15 апрелда РКП(б) Ўрта Осиё бюроси, Бухоро Компартияси Марказий Комитетининг докладини тинглаб, «Бухоро Компартияси Марказий Комитетининг Ўрта Осиё республикаларини миллий-территориал чегаралаш тўғрисидаги масалани қўйиши»ни маъқуллади¹⁶.

Туркистонда миллий чегаралаш ўтказиш тўғрисидаги масала Туркистон Коммунистик партияси Марказий Комитети

ва Туркистон Советлари Марказий Ижроия Комитети Президиумининг Тошкент шаҳар партия ва совет ходимлари иштирокида 1924 йил 10 мартда бўлиб ўтган қўшма кенгашида биринчи марта кенг муҳокама қилинди¹⁷. Кенгаш Туркистонда миллий чегаралаш ўтказиш масаласини олдиндан мунозара ўтказиш йўли билан муҳокама қилди. Бу кенгашда коммунистлар миллий чегаралаш ўтказиш ва Ўрта Осиёда миллий совет республикалари барпо этиш фикрини билдирдилар. Кенгаш бу мунозараларнинг материалларини Туркистон Компартияси Марказий Комитети пленумига кўриб чиқиш учун топширишга қарор берди¹⁸.

Бу кенгашда баъзи қарама-қарши фикрлар борлиги ҳам маълум бўлди. Масалан, А. Раҳимбоев, Туркистонни миллий чегаралаш тарафдори бўлса ҳам, Туркистоннинг қозоқ районларини 1920 йилдан бери яшаб келаётган Қирғизистон (Қозоғистон — Х. Т.) АССР га қўшилишига қарши чиқди. У ўз фикрини исбот қилиш учун Туркистоннинг Еттисув ва Сирдарё областлари қозоқларини Қозоғистон АССР билан қўшиш туфайли, қозоқларнинг «территорияси жуда катта бўлиб кетади»¹⁹ деган гапни далил сифатида келтирди. Бу бутунлай хато фикр эди.

Кенгашда Хўжанов, Паскуцкий ва бошқалар ҳам миллий чегаралаш ўтказмаслик керак, аксинча «Ўрта Осиёнинг учта совет республикасини сиёсий бирлаштириш керак» деб рўйи рост айтди. Паскуцкий ўзининг бу хато фикрини «сиёсий ва иқтисодий бирлик»нинг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги» тўғрисидаги иборалар билан хаспўшлашга уринди.

Ваҳолонки, Ўрта Осиёни миллий чегаралаш ва мустақил Совет миллий республикалар барпо этиш ўлка халқларининг ва Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг иқтисодий ва сиёсий бирлигини ҳамда ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаши керак эди ва мустаҳкамлади ҳам.

Хўжанов ва бошқалар Туркистон ягона ва уни айрим миллий республикаларга ажратиш мумкин эмас деб даъво қилдилар. Улар ўзбек, туркман ва бошқа миллатларни инкор қилдилар ва амалда бўлмаган «умуммусулмон турк миллатлари»ни сақлашга чақирдилар²⁰. Хўжанов ўзбек, туркман ва бошқа миллатлар йўқ, миллий чегаралаш ўтказилгандан кейин, «турк қабилаларига», «ўзбек», «туркман» ва бошқа номлар сунъий равишда берилади деган гаплар тарқатишга уриниб кўрди. Хусусан у бу номларнинг ўзи уйдирма гаплардир, деб ҳисоблади²¹. Бу фикрлар жуда хато ва тарихий фактларни қалбакилаштиришга олиб борар ва пантуркистлар тегирмонига сув қуйишдан иборат эди.

Пантуркистлар Октябрь революцияси ва совет тузуми ту-

файли, туркман, қирғиз, ўзбек, тожик, қорақалпоқ миллатлари ўзларининг собиқ қоқоқликларига қарамай, бошқа миллатлар билан қўшилиб кетмаганликларини, балки қайта ташкил бўлганликлари ва мустақил социалистик миллатлар бўлиб ривожлана бошлаганликлари ҳамда бирлашаётганликлари каби оламшумул тарихий фактларни инкор қилишга уриниб кўрдилар.

Ҳақиқатда эса Ўрта Осиёда ҳеч қандай ягона турк миллати бўлмаган эди. Фактларга мурожаат қилайлик.

Маълумки, этник (халққа хос) бўлмаган «турк» тушунчаси турли халқлардан иборат қабилаларнинг сиёсий бирлашмасини англатар эди²². Одатда тарихий ва лингвистик адабиётларда ўзбеклар, туркманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ва бошқа халқларни турк тилида сўзлашувчи халқлар деб юритилади. Аммо бир қанча халқларни бир тил системасига киритишнинг ўзи улар қачондир бир халқни ташкил қилганлар деган маънони бермайди. Совет тарихшунослиги фани қадим ўтмишда Ўрта Осиёда ягона турк халқи бўлган деган реакция қарашни чиппакка чиқарди. У, турк системаси тилларида сўзлашувчи Ўрта Осиё халқларининг ҳар бири ўз этногенезига, ўз тарихига, ўзига хос маданиятига, ўз халқ тилига, кейинчалик эса умуммиллат тилига, ўз хусусиятига, ўзига хос белгиларга эга эканлигини исбот қилди²³.

Шу туфайли, биз ўзбек халқининг, кейинчалик эса ўзбек миллатининг ташкил топиш масалаларига қисқача тўхтаб ўтамиз. Аммо бу муҳим масала ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва у махсус текширишлар талаб қиладиган темадир.

Ўзбек халқи турли этник гуруҳларнинг узоқ замонлар давомида қўшилиб кетиши процессида ташкил топган.

Қадимги Сўғд, Фарғона ва Хоразмнинг маҳаллий ўтроқ аҳолиси ва кўчманчи сак ҳамда массагет қабилалари ўзбек халқининг, Ўрта Осиёдаги тожик ва бошқа қардош халқларнинг асосини ташкил этган. Қонкрет-тарихий шароитда, Ўрта Осиёнинг маълум районлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларининг борган сайин кучая бориши процессида ўзбек халқи составига ўша даврда Ўрта Осиё территориясида яшовчи янги этник гуруҳларнинг — хунлар, эфталитлар, мўғуллар ва бошқаларнинг бир қисми озми-кўпми кирди²⁴.

XI—XII асрларга келиб ўзбек халқининг ташкил топиши асосан тугалланди²⁵. С. П. Толстов, «XI—XII асрларда қораконийлар давлати доирасида, кейинчалик эса хоразмшоҳлар давлати доирасида ўзбек халқининг ўз асосий белгилари шакллана бошлади, ўзбек халқининг асосий хусусияти юзага кела бошлади ва ўзбек тилида ёзилган адабиётнинг дастлабки ёдгорликлари пайдо бўлди»,²⁶ дейди.

Турли даврларда қадимги ўзбек халқи составига Шарқий Дашти Қипчоқ кўчманчи ўзбеклари ҳам қўшилиб турди. Аммо улар ўзбек халқининг ташкил топишида унча муҳим роль ўйнамадилар²⁷. Кўчманчи ўзбеклар ўтроқликка кўча бошладилар ва ижтимоий ривожланишнинг юқори босқичида турган маҳаллий аҳолининг турмуши, маданиятини аста-секин қабул қила бошладилар. Уз навбатида маҳаллий аҳоли ҳам кўчманчилар турмуши ва маданиятининг баъзи белгиларини қабул қилди. Замонлар ўтиши билан маҳаллий ўзбек аҳолиси кўчманчи ўзбеклардан умумий ном — ўзбеклар номини олди.

Шундай қилиб, ўзбек халқи ўзининг ташкил топиши бўйича ўз номидан, яъни ўзбек терминидан анча қадимий эди. А. Ю. Якубовский бу тарихий ҳодисани баён этар экан, «СССР нинг бошқа халқлари билан биргаликда қардошларча ҳамкорликда коммунистик жамият қураётган ҳозирги ўзбек халқи ўзининг келиб чиқишини билган халқдир... У ҳозирги номини (яъни ўзбек номини — Ҳ. Т.) ўзи яшаб келган даврларга нисбатан анча кеч олди. Бироқ бу ҳол ўзбек халқининг ўзбек номининг келиб чиқишидан олдинги тарихий ўтмишини ҳеч қачон инкор этмайди»²⁸.

XIX аср охирлари ва XX аср бошларида капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши ва мунтазам ривожланиши туфайли, ўзбеклар буржуа миллати бўлиб шакллана бошлади²⁹.

Революциядан бурун Ўрта Осиё халқлари турмушида патриархал-феодал муносабат натижалари сифатида қадимги қабила-уруғ қолдиқлари ва маҳаллий хусусиятлар ҳамда бўлиналар ҳали қучли эди. Ўлка аҳолисининг кўпчилик қисми ўзини уруғ ва қабилаларнинг қадимги номи билан атар эди. Агар ўзбек аҳолисининг асосий қисми ўзини ўзбек деб атаган бўлса ҳам, эски қабила номларини сақлаган ўзбек қабилалари ҳали кўп эди³⁰. Ўзбекларнинг бир қисми кўпинча ўзини сарт деб ҳам атаган³¹. Ўзбеклар ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари орасида бундай аҳвол Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳам маълум даражада сақланиб қолган эди.

Аммо тарих олға қараб кетишда давом этди; тарихий ўзгаришлар ва социал-иқтисодий ривожланиш туфайли эски патриархал сарқитлар, собиқ қабила номлари аста-секин тугала борди. Майда этник гуруппалар ва қабилалар ўзбек халқига қўшила борди, натижада миллий бирлик асто-секин майдонга келди. Жумладан, бу ҳол бир қанча марта ўтказилган аҳолини рўйхатга олишда ўз аксини топди.

1897 йилдаги Бугунроссия аҳоли рўйхатига мувофиқ, Туркистонда ўзбеклар 762 минг кишини, ёки бутун ўлка аҳолисининг 13,3 процентини, сартлар эса 967 минг кишини, ёки 18,3 процентини³² ташкил этган. Ўзбеклар сонининг бунчалик кам-

лиги фақат собиқ статистиканинг камчилиги ва хатосидагина эмас албатта, гап шундаки, ўзбекларнинг кўпчилик қисми илпарӣ ўзини сарт деб атаган.

Биз аҳолининг кейинги рўйхатларида бошқача ҳолни кўрамиз. 1917 йилдаги рўйхат материалларида «Самарқанд, Фарғона ва Сирдарё областларидаги кўпчилик сатлар ўзларини ўзбеклар деб атаганларига анча вақт бўлган, деб кўрсатилади, бунда улар ўзларини ўзбеклардан фарқ қилмас ва ўзбеклар билан биргаликларини» тасдиқлар эдилар³³.

Масалан. 1897 йилдаги рўйхат бўйича Фарғона областида 631 045 та сарт ҳисобга олинган бўлса, 1917 йилдаги рўйхатда эса 73327 сарт ҳисобга олинган эди; шунинг билан бирга 1897 йилда шу областда 98402 киши ўзини ўзбек деб атаган бўлса, 1917 йилдаги рўйхат даврида 861316 киши ўзини ўзбек деб атаган³⁴.

1920 йилдаги Бутунроссия рўйхати маълумотиға мувофиқ, Туркистонда яшовчи ўзбекларнинг сони 2347491 кишиға етган эди³⁵.

Ўзбеклар сонининг бундай ошиб кетишининг сабаби шуки, энди асосий кўпчилик ўзбеклар ўзларини эски қабила номлари билан ва сарт номи билан атамай, ўзбек номи билан атадилар. Бу соҳада И. Магидовичнинг «сартлар» нинг йўқолиб кетишиға оид хулосалари диққатға сазовордир. И. Магидович ўзбеклардан фарқ қилувчи сартлар номли алоҳида халқнинг йўқлиги тўғрисидаги ўзининг адолатли тезисини исбот қилиш учун аҳоли рўйхатларини чоғиштириб шуларни ёзган эди: «Фарғона ва Тошкент уездининг шаҳар ва қишлоқларида, яъни ўтrock сартлар яшайдиган марказларда ҳар бир янги рўйхат ўтказилишида ёки маъмурий сўроқларда «сартлар» билан ўзбекларнинг нисбати бутунлай ҳар хил бўлиб чиқар эди, бунда «сартлар» нинг сони фожиали равишда камайиб борар эди³⁶». «1923 йилда рўйхат ўтказилганда Туркистон шаҳарларида «сартлар» жуда кам учрар эди»,— деб ёзади И. Магидович.

«Сарт» термини тез орада ишлатилмайдиган бўлиб қолди, унинг ўрниға халқнинг ҳақиқий номи — «ўзбек» термини ишлатиладиган бўлдики, буни 1926 йилдаги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати натижалари тасдиқ этди.

Баъзи тарихчилар Урта Осиё «сарт» аҳолисининг «ўзбек» номини қабул қилиши сунъийдир деб бутунлай ногўғри таъкидлайдилар.

Масалан, И. И. Зарубин ҳам худди шундай фикр тарафдори эди. У, «...миллий онгининг ўсиши билан ривожланаётган миллатлар учун алоҳида таъриф зарур бўлиб қолди. Сартлар жамиятининг илғор қатламлари ўзлари учун кўнгилсиз бўлган терминни чиқариб ташлашни ва тарихан уларға боғлиқ бўл-

маган ўзбек номини қабул қилишни афзал кўрдилар» (курсив бизники -- Ҳ. Т.)³⁷.

И. Магидович ҳам ўзбек халқининг ташкил топиши масаласида баъзи хатоларга йўл қўйди. У, «1924 йилдаги чегаралашдан кейин Ўзбекистон республикасининг барпо этилиши ва у билан боғлиқ ҳолда миллий онгнинг ўсиши қабилалар конгломератидан (қурамасидан) халқ ташкил топиш процессини тезлаштириши» табиий эди (курсив бизники — Ҳ. Т.)³⁸ Магидовичнинг миллий онг ўса боради деган фикри тўғри фикр, лекин у Октябрдан кейинги даврда қурама қабилалардан ўзбек халқи ташкил топди деб хатога йўл қўяди.

Биз совет тарихшунослиги фанининг ютуқлари ҳақида юқорида айтиб ўтган эдик. Бу фан ўзбекларнинг асосан халқ бўлиб ташкил топишини Ўзбекистон тарихининг янги даврига боғламай балки анча узоқ ўтмишга, тахминан XI—XII асрларга оид, деб исбот қилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан ва XX асрнинг бошларида, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишидан кейин ўзбек халқининг буржуазия миллати бўлиб ташкил топгани кўпчиликка маълум. Ўзбек халқи Октябрь революцияси пайтидан бошлаб социялистик миллат бўлиб ташкил топа бошлади.

Октябрь революциясидан кейин орадан 7—8 йил ўтгач ўзбекларнинг қабилалар қурамасидан халқ бўлиб ташкил топиши ҳақида гап бўлиши мумкинми? Албатта, йўқ. Шунингдек миллий-давлат чегаралаш ўтказилиши даврида Ўрта Осиёнинг бир қанча районларидаги эски уруғ-қабилачилик қолдиқларини ошириб кўрсатиш ҳам ярамайди. Октябрь революциясидан бошлаб то миллий-давлат чегаралашигача бўлган давр ичида Ўрта Осиё халқлари ҳаётида содир бўлган йирик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришларни ва маданиятнинг юксалганини унутмаслик керак.

Гап шундаки, Октябрь революцияси ғалабасидан то 1924 йилгача ўзбекларнинг ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг миллий бирлашишида, уларнинг миллий онгининг ўсишида маълум ютуқлар қўлга киритилган эди. Бу ютуқлар миллий-давлат чегаралаш масаласини юзага келтирган асосий сабаблардан бири эди.

Пантуркистларнинг ўзбек халқининг ва Ўрта Осиёдаги бошқа миллатларнинг мавжудлигини инкор қилишга беҳуда урундилар ва уларнинг «ягона турк миллати» ҳақидаги «назариялари» ҳеч қандай асосга эга эмас эди ва Ўрта Осиё халқлари тарихий ривожланиши жараёнида бу уруниш ва назарияларнинг нотўғрилиги исбот қилинди.

Ўз навбатида улуг давлатчи шовинистлар ҳам интернационализм ва бирлик ҳақида «сўл» иборалар билан ниқобланиб, турли тил, маданият, турмушнинг миллий фарқларини эъти-

борга олмадилар, миллий республикалар ва областларни тугатишга, партиянинг миллий сиёсатини бузишга ҳаракат қилдилар.

Коммунистик партия миллий фарқларни тугатишга, миллий тилларни ягона умумий тилга сунъий бирлаштирилишини талаб қилган ва илгари эзилган халқларнинг миллий маданиятларини ривожлантириш сиёсатини инкор этган бундай зарарли «назарияларга» қарши аёвсиз кураш олиб борди.

В. И. Ленин ўзининг «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» номли классик асарига қуйидагиларни ёзган эди:

«Халқлар ва мамлакатлар ўртасида миллий давлат айирмалари мавжуд экан, — бу айирмалар эса, ҳатто пролетар диктатурасини бутун дунё масштабда амалга оширилгандан кейин ҳам жуда узоқ вақтлар сақланиб қолажак, — бутун дунё коммунистик ишчилар ҳаракатининг интернационал тактикасининг бирлиги бу хилма-хилликни, бу миллий айирмаларни йўқотишни эмас (бу — ҳозирги момент учун бўлмағур ҳаёлдир), балки коммунизмнинг асосий принципларини (Совет ҳокимияти ва пролетариат диктатураси) шундай бир йўсинда қўлланишни талаб этадики, бу қўлланиш бу принципларнинг жузъий томонларини тўғри ўзгартира олсин, уларни миллий ва миллий-давлат айирмаларига тўғри татиқ қила ва қўлланаолсин».³⁹

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади бўйича чиқарган резолюциясида шундай дейилади:

«Партия ўзининг миллий сиёсатида ленинча қоидага, яъни социализм миллий тафовутлар ва хусусиятларни йўқотмайди, балки, аксинча, барча миллатлар ва халқларнинг экономикаси ва маданиятини ҳар томонлама ривожлантиришни ва яшнатишни таъминлайди, деган қоидага асосланиб иш кўриб келди ва иш кўрмоқда. Партия ўзининг бутун амалий ишида бундан буён ҳам шу хусусиятларга жуда катта эътибор бериши ва уларни ҳисобга олиши лозим»⁴⁰.

Ўрта Осиё республикаларининг коммунистик ташкилотлари партия Марказий Комитетининг доимо раҳбарлигида буржуа миллатчилари ва улуғ давлатчи шовинистларни фош қилдилар ва Ўрта Осиёни миллий чегаралашни пролетар интернационализи шиори остида муваффақиятли амалга оширдилар.

Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг 1924 йил 23—24 мартда бўлиб ўтган Пленуми қулай иқтисодий ва сиёсий вазиятни эътиборга олиб, «Туркистон республикасини миллий-давлат чегаралаш тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди ва «Туркистонни автоном республикалар қи-

либ ажратиш тўғрисидаги масалани қўйиш вақти келиб етганини» эътироф этди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, Туркистон Компартияси Марказий Комитети Пленуми миллий чегаралаш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни бир йўла ҳал қила олмади. Бу, тасодифий ҳол эмас эди. Чунки миллий чегаралаш иши муҳим масала эди.

Биз юқорида Пленум қарорларининг биринчи моддасидан цитата келтирган эдик. Унда Туркистон Автоном республикасини бир нечта автоном республикаларга ажратиш идеяси илгари сурилгани билиниб турибди. Бунда Ўрта Осиёдаги совет миллий давлат тузумларининг янада ривожланиши анча чеклаб қўйилган эди. Пленумнинг бу таклифи кейинчалик ўзгартирилди.

Туркистон Компартияси Марказий Комитети Пленуми қарорининг иккинчи моддасида Туркистонни «учта асосий миллий республикага: 1) Ўзбекистон, 2) Қирғизистон (Қозоғистон—Ҳ. Т.), 3) Туркменистон республикаларига бўлиш ва шунинг билан бирга Қорақалпоғистон⁴² (Қирғизистон—Ҳ. Т.) мустақил автоном области ҳамда тожик миллатини (тожик автоном области.— Ҳ. Т.) ажратиш»⁴² кўзда тутилган эди. Масалани бундай қўйишда Туркистондаги қозоқ ерлари, 1920 йилдан бери яшаб келаётган ва РСФСР составига кирган Туркистон АССР билан чегарадош бўлган Қирғизистон (Қозоғистон—Ҳ. Т.) АССР дан мустақил ҳолда алоҳида автоном республика бўлиб ажралиши керак эди. Туркистондаги қозоқ ерларини юқорида айтиб ўтилган қўшни Қирғизистон (Қозоғистон) АССР билан қўйиш бу масалани ҳал этишнинг энг тўғри йўли эди. Кейинчалик миллий чегаралаш ўтказиш даврида бу масала ҳақиқатан ҳам амалга оширилди.

Февраль ва март ойларида Ўрта Осиёни миллий чегаралаш масаласи Хоразмда бўлиб ўтган кенгашларда ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, Хева шаҳри масъул ходимлари кенгашларида Хоразм республикасини миллий чегаралаш зарурлиги тўғрисида яқдиллик билан қарор қабул қилинган эди.

1924 йил 5 апрелда РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг Туркистон, Бухоро ва Хоразмни миллий чегаралаш тўғрисидаги таклифини олдиндан кўриб чиқди. РКП(б) Марказий Комитети бу таклифни асосан маъқуллади, лекин Туркистон, Бухоро ва Хоразм делегатларига РКП(б) XIII съезди учун зарур материаллар келтириш мажбуриятини юклаб, масалани ҳал қилишни май ойи охирига кечиктирди. РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросига Марказий Комитет Сиёсий

бюроси аъзоларининг кўриб чиқишлари учун миллий-территориал чегаралашга оид ўз мулоҳазаларини географик карталар илова қилган ҳолда тайёрлаш ва топшириш таклиф этилди.

1924 йил 28 апрелдаги мажлисда РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси РКП(б) Марказий Комитети кўрсатмаларини бажариб, шунингдек Ўрта Осиё республикалари коммунистик ташкилотларининг қарорига асосланиб, қарор қабул қилди. Бу қарорда Ўрта Осиё республикалари масшабида миллий-территориал белгилари бўйича чегаралаш ўтказиш вақти келиб етган ва у мақсадга мувофиқдир деб эътироф этилди⁴⁵. Лекин бу қарорда ҳам Ўрта Осиё миллий-территориал чегараланиши натижасида қандай республикалар ва автоном областлар барпо этилиши кераклиги ҳал қилинмаган эди. Миллий чегаралаш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни олдиндан ишлаб чиқиш мақсадида комиссия тузилган эди. У 10 майгача ўз ишларини тугаллаши ва ўз таклифини РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросига маълум қилиши керак эди⁴⁶.

Умумий комиссиялар билан бир қаторда миллий ёрдамчи комиссиялар (подкомиссиялар) ҳам тузилди. Уларнинг биринчи кенгашлари 1924 йил май ойи бошларида бўлиб ўтди. Бу ёрдамчи комиссиялар Ўрта Осиё совет миллий республикалари ва автоном областлари барпо этилишига доир ўз таклифларини ишлаб чиқди, чегараларни тахминан белгилади ва бошқа масалаларни кўриб чиқди⁴⁷.

Комиссия иккита иттифоқчи республика — Ўзбекистон ва Туркменистон республикаларини, шунингдек иккита автоном областни — Тожикистон ва Қорақалпоғистон (Қирғизистон — Х. Т.) областларини барпо этишни таклиф қилди.

Қозоғистон ёрдамчи комиссияси миллий чегаралаш натижасида ташкил топадиган янги миллий республикалар ва автоном областлардан иборат Ўрта Осиё федерацияси барпо этиш зарур деган таклифни киритди. Аммо Комиссия бу таклифни асосиз деб рад қилди. У комиссия Ўрта Осиёда миллий чегаралашни янги ташкил топажак республикалар ва областларни федерацияга айлантирмай ўтказиш зарур деб топди.

1924 йил 11 майда РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси миллий чегаралаш билан боғлиқ бўлган масалаларни батафсил кўриб чиқди. У СССРга бевосита кирувчи мустақил Совет социалистик республикалари ҳуқуқидаги Ўзбекистон ва Туркменистон республикаларини; Ўзбекистон республикаси доирасида Тожикистон автоном областини барпо этиш зарур деб ҳисоблади, Қорақалпоғистон автоном об-

ластининг қайси республика составига кириши тўғрисидаги масалани очиқ қолдирди. Шунингдек Туркистон республикасидаги қозоқ ерларини амалда 1920 йилдан бери яшаб келаётган Қирғизистон (Қозоғистон — Ҳ. Т.) республикасига қўшиш тўғрисида қарор қилинди.

Шундай қилиб, Комиссияларнинг қарорларида, кейинчалик эса, РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси мажлисларида Ўрта Осиёда миллий давлат чегаралашни ўтказилиши натижасида ташкил топадиган Совет миллий давлат тузулиши асосан белгиланган эди.

РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси Тошкент шаҳрини Ўзбекистон ССРга киритишни мақсадга мувофиқ деб топди⁵².

Ўрта Осиёда миллий чегаралаш ўтказиш масаласи олдиндан муҳокама қилиб бўлингач, бу масала РКП(б) Марказий Комитети муҳокамасига қўйилди.

Ўрта Осиёни миллий чегаралаш масалалари билан РКП(б) Марказий Комитети ва унинг машҳур арбоблари И. В. Сталин, В. В. Куйбишев, М. И. Калинин, Я. Э. Рудзутак жиддий шуғулландилар ва шу билан бирга улар ўлканинг маҳаллий партия ва совет ташкилотларига тинмай раҳбарлик қилдилар.

РКП(б) Марказий Комитети томонидан 1924 йил 12 июнда «Ўрта Осиё республикаларини миллий чегаралаш тўғрисида» тарихий қарор қабул қилди. Ўз миллий сиёсати-га содиқ бўлган РКП(б) Марказий Комитети Совет Иттифоқининг умумий манфаатларига ва Ўрта Осиё миллатларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий томондан янада ривожланишига асосланиб, Ўрта Осиёда миллий чегаралаш ўтказилишини ва янги миллий Совет республикалари ҳамда автоном областлар барпо этилишини маъқуллади.

Коммунистик партия Марказий Комитетининг қарори Ўрта Осиёнинг ҳамма халқлари томонидан зўр шодлик билан кутиб олинди. Собиқ қолақ халқларнинг ҳар томонлама ривожланишида, уларни социалистик қурилишга жалб қилишда партиянинг кўрсатган ғамхўрлиги бу ҳужжатда ўз ифодасини топди.

РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси партия Марказий Комитетининг юқорида кўрсатиб ўтилган қарори асосида, 1924 йил 15 июлда тезислар қабул қилди. Унда бюджет йилининг охирида, яъни 1924 йилнинг октябрь ойида, жорий хўжалик ишларига зарар етказмай, Ўрта Осиё республикаларини чегаралаш зарурлиги ҳақидаги масала яқин амалий тадбир сифатида қўйилган эди⁵³.

РКП(б) Марказий Комитети июнь қарори қабул қилингандан кейин, Ўрта Осиё миллий-давлат чегаралашини

амалга оширишга оид тайёрлик ишлари бошланиб кетди. У асосан икки йўналишда:

а) сиёсий, оммавий-тушунтириш ва ташвиқот ишларини кучайтириш ҳамда

б) муҳим ташкилий ва хўжалик тадбирларини (янги ташкил этиладиган республикалар ва областларнинг чегараларини белгилаш, иқтисодий чегаралаш ва бошқалар) амалга ошириш орқали олиб борилди.

Миллий чегаралашга оид вазифаларни амалга ошириш учун РКП (б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси қошида Ўрта Осиёни миллий чегаралаш бўйича Марказий территориал комиссия тузилди. Комиссия составида Ўрта Осиё республикаларининг партия ва совет раҳбар ходимларидан Айтоқов, Варейкис, Зеленский, Исломов, Манжара, Раҳимбоев ва бошқалар бор эди. Комиссия янгидан ташкил қилинадиган республикалар ва областлар вакилларининг унда тенг ҳуқуқлиги асосида тузилган эди. Территориал комиссия асосан чегараларни белгилаш ва Ўрта Осиё республикалари ва автоном областларининг давлат мулкларини аниқлаш ишларини олиб борди. 1924 йил 16 августда Комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Марказий территориал комиссия қошида Ўрта Осиё республикаларини чегаралаш бўйича ўзбек, туркман, қирғиз ва қozoқ муваққат миллий бюроси (миллий комиссиялари) тузилди⁵⁶. Шунингдек тожик ва қорақалпоқ ёрдамчи комиссиялари ҳам тузилган эди.

Янгидан барпо этиладиган республикаларнинг территориялари ва чегаралари масаласини олдиндан ишлаб чиқиш⁵⁷, республикаларнинг шартномалари ва декларацияларини тузиш, давлат апаратини ташкил қилиш ва расмийлаштириш масалаларини ишлаб чиқиш, бу республикалар халқ хўжалигининг бюджетлари ва планларини тузиш ва бошқалар миллий бюро (комиссиялар)нинг асосий вазифаси эди⁵⁸.

Тегишли материаллар ва умумлашмалар тайёрлаш учун маъмурий-ҳуқуқий, ер, иқтисодий масалалар бўйича «Миллатлараро иқтисодий комиссия», бюджет, маориф ва соғлиқни сақлаш бўйича ёрдамчи комиссиялар тузилди.

РКП(б) Марказий Комитетининг Ўрта Осиёда миллий давлат чегаралашни ўтказиш тўғрисидаги қарори Туркистон, Бухоро ва Хоразм Компартиялари Марказий Комитетлари пленумларида, партия ташкилотларининг активларида ва мажлисларида, кейинчалик эса партиясиз меҳнаткашлар оmmasининг мажлисларида ва конференцияларида муҳокама қилинди. Бу муҳокамалар партия ташкилотларининг ҳам,

Ўрта Осиёдаги ҳамма меҳнаткашларининг ҳам яқдиллигини кўрсатди.

Минглаб коммунист ва комсомоллар халқ оммаси ўртасида сиёсий-оммавий ишларни уюштириш учун шаҳарлар, қишлоқлар ва овулларга юборилди. Шунингдек, «Кўшчи» союзининг ва касаба союзларининг энг яхши кучлари ҳам сафарбар этилган эди. Ҳамма жойда митинглар, мажлислар ва конференциялар ўтказилди. Матбуот орқали олиб бориладиган тарғибот кенг ривожлантирилди. «Миллий чегаралашга оид сиёсий кампания,— дейилган эди РКП(б) Марказий Комитети номига ёзилган информацион ҳисоботлардан бирида...,— партияли ва партиясиз омманинг кенг қатламига ёйилди, энг узоқ жойларга ҳам етиб борди. Мажлислар кўп минг кишилар иштирокида, зўр кўтаринкилик руҳида ўтмоқда»⁶⁰.

1924 йил август ойида Тошкентда бўлиб ўтган коммунистларнинг умумшаҳар мажлиси миллий-давлат чегаралаш масаласини муҳокама қилди ва Марказий Комитет қарорини тўлиқ маъқуллади⁶¹.

1924 йил 9 августда Ашхобод шаҳрида партия активларининг йиғилишида миллий чегаралаш тўғрисидаги доклад тингланди. Йиғилиш Коммунистик партиянинг миллий сиёсатини табриклади ва маъқуллади. Йиғилиш «Совет давлатининг миллий сиёсатигина кичик ва йирик халқларнинг манфаатларини кўзлайди, тўлиқ эркинликни таъминлайди; ва бу миллий чегаралаш партиямиз программасини изчиллик билан амалга оширишда қўйилган катта қадамлардан бири ҳисобланади. У янги совет республикаларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини янада ривожлантиришга хизмат этади», деб қайд қилди⁶².

Тошовуз область партия конференцияси миллий-давлат чегаралашни ўтказишни халқаро тинчликни ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш фактори сифатида яқдиллик билан маъқуллади⁶³.

Қўқон шаҳар партия ташкилотларининг умумпартия мажлиси ўз қарорида «Ўрта Осиё республикаларни чегаралаш Владимир Ильич Лениннинг миллий масала бўйича қилган вазиятига тўлиқ жавоб беради. Йиғилиш меҳнаткашлар оммаси ўртасида бу масалани ёритишни энг асосий вазифа» деб ҳисоблади⁶⁴.

Хўжанд уездига ўтказилган ташвиқот кампанияси ҳақидаги ҳисоботдан маълум бўлишича, партия, касаба союзлари ва комсомол ташкилотларининг ҳамда «Кўшчи» союзи комитетларининг кўп минг киши қатнашган йиғилишларида сўзга чиққан кишилар миллий чегаралаш ўтказилиши вақ-

ти келиб етган деб ҳисобладилар. Улар бу тарихий ҳужжат Урта Осиё республикаларининг иқтисодий ва сиёсий томондан мустақамланишида муҳим аҳамиятга эга эканини қайл қилдилар⁶⁵.

Урта Осиё давлат университети коммунистик ячейкаси йиғилиши партиянинг ленинча миллий сиёсатини бутунлай маъқуллаб, коммунистларнинг пролетар интернационализи ишига содиқлигини изҳор қилди. Йиғилиш қатнашчилари «меҳнаткашларнинг интернационал бирдамлиги принципи асосида ўтказилаётган» миллий-давлат чегаралашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар⁶⁶.

Хоразмнинг Янги Урганч область партия конференцияси миллий чегаралаш ўтказилишига раҳбарлик қилган Коммунистик партия Марказий Комитетини табриклади. «Бу иш билан,— дейилган эди конференция резолюциясида,— улўғ доҳи Лениннинг васиятлари амалга оширилади» ва «илгари эзилиб келган миллатларнинг ривожланиши учун янада истиқболлар яратилади»⁶⁷.

Хоразмнинг Гурлан район партия конференцияси қуйдаги қарорни қабул қилган эди:

«Биз аминмизки, 1) Урта Осиёни миллий чегаралаш ҳамма миллатларни сиёсий ва иқтисодий томондан янада ривожлантиришга; 2) миллатлар ўртасида дўстлик ва иттифоқнинг мустақамланишига хизмат қилади.

Шунинг учун Гурлан партия конференцияси партиянинг Урта Осиёни миллий чегаралашга оид қарорини бутунлай маъқуллайди»⁶⁸.

Бухоро ва Хоразм республикалари партия ташкилотларининг йиғилишлари ва пленумларида қабул қилинган ҳамма резолюциялар Урта Осиёда янги миллий республикалар барпо қилинишининг вақти келиб етганини ва уни ўтказиш зарурлигини кўрсатар эди. Уларда, миллий чегаралаш халқлар ўртасидаги дўстликни мустақамлайди, Урта Осиё халқларининг маданий ва иқтисодий ривожланиши учун қулай шароит яратади, деб ишонч билдирилган эди⁶⁹.

Ун минглаб партиясиз меҳнаткашлар ўтказилган митингларда, йиғилишларда, шаҳар ва қишлоқларнинг турли жамоа ташкилотлари конференцияларида РКП(б) Марказий Комитети қарорини бутунлай маъқуллаган резолюциялар қабул қилдилар.

1924 йил июль—август ойларида Самарқанд область, Жиззах уездининг партиясиз меҳнаткаш деҳқонлар иштирокида ўтказилган бешта конференциясига 6415 делегат қатнашган эди. Конференцияларнинг қатнашчилари Коммунистик партиянинг миллий чегаралаш тўғрисидаги қарорини ба-

ланд руҳ ва шодлик билан қабул қилдилар. «Ўрта Осиё халқларининг Совет республикаларини барпо этишнинг раҳбари бўлган Коммунистик партиямизга чин қалбимиздан ташаккур изҳор қиламиз»,— деб ёзган эдилар деҳқонлар ўз резолюцияларида⁷⁰. Жиззах уездининг партиясиз деҳқонлари бешинчи конференциясида қабул қилинган бошқа бир резолюцияда партия Маркзий Комитети бизнинг қимматли В. И. Ленинимизнинг васияти бўйича, Туркистон халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий савиясини юксалтириш мақсадида миллий чегаралаш ўтказмоқда деб айтилган⁷¹. Конференция миллий чегаралашни муваффақиятли амалга ошириш йўлида деҳқонлар ўзларининг бутун куч ва ғайратларини Коммунистик партия Марказий Комитетига ёрдам бериш учун бағишлайдилар, деб маълум қилди.

Қорақўл (Қирғизистон ССРнинг ҳозирги Пржевальск шаҳри) «Қўшчи» союзи ташкилотининг умумий йиғилиши партиянинг миллий чегаралашга оид чиқарган қарори «қорақирғиз (қирғиз — Х. Т.) оммасининг ҳақиқий истакларига жавоб беради» ва у меҳнаткашлар оммасини маданий ва иқтисодий томондан кучли ривожланишга сўзсиз олиб боради, деб ёзган эди⁷².

Партия Марказий Комитетининг миллий-давлат чегаралашига оид қарорини муҳокама қилишга бағишланиб, Тошкент янги шаҳар районида ўтказилган 72 та йиғилишда 50 мингга яқин киши қатнашди. Уларнинг 9 проценти коммунистлар, 8 проценти комсомоллар ва 83 проценти партиясиз меҳнаткашлар эди. Ишчилар, ҳунармандлар, хизматчилар, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи аёллар ҳамма йиғилишларда Ўрта Осиё миллий-давлат чегаралашидан бутунлай мамнун эканликларини изҳор қилдилар⁷³.

Тошкент шаҳрининг ўқитувчилар конференцияси «миллий-давлат чегаралаш масаласи ўз вақтида қўйилган»ини тўлиқ эътироф этди. Ўқитувчилар миллий чегаралаш ўзбек, туркман, қирғиз ерларини ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг ерларини совет миллий республикаларига қўшиш имконини беради, бу ҳол халқаро сиёсий аҳамиятга эга бўлади ва мазлум чет эл Шарқига» фақат Совет ҳокимияти ва Коммунистик партиягина эзилган халқларга чинакам эркинлик бера олишини» яна бир марта кўрсатади, деб мамнуният билан қайд қилиб ўтдилар⁷⁴.

Партия ва совет ташкилотлари номига меҳнаткашлардан кўплаб хатлар келиб турди. Улар бу хатларда миллий чегаралаш ўтказилиши ва Ўрта Осиёда миллий совет республикалари барпо этилиши туфайли ўз шодликларини изҳор қилдилар. Марғилон шаҳар меҳнаткашларининг шундай табрик

хатларидан бирида қуйидагилар ёзилган эди: «Миллий чегаралашнинг аҳамиятини тушуниб ва бу масалага оид қарорни ўзлаштириб, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласини советларча ҳал қилинишини англатувчи ва ҳар бир миллатнинг халқ хўжалигини, маданиятини янада ривожлантирувчи бу тadbирни бутунлай маъқуллаймиз. Яшасин Коммунистик партия!»⁷⁵

«Ўрта Осиё республикалари социалистик қурилишининг муваффақиятли ривожланиши,— деб ёзилган эди «Қизил Шарқ» вагон-ремонт мастерскойи ишчилари томонидан қабул қилинган қарорлардан бирида,— Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига кириши лозим бўлган янгидан ташкил этиладиган Ўрта Осиё республикаларида бутун ҳарбий, сиёсий ва хўжалик асосларни биргаликда мустаҳкамлаш орқали саноатни, савдони ҳамда қишлоқ хўжалигини тиклаш, ташқи хавфсизликни (ташқи контрреволюциянинг ҳужум қилиш эҳтимоли бор) таъминлаш мумкин бўлади»⁷⁶.

Ишчи факультети, САКУ ва муспрофтехникум студентлари ячейкаларнинг қўшма йиғилиши қарорида «Совет Иттифоқи билан мустаҳкам алоқагина янгидан ташкил топаётган республикаларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигига бўлган ҳарқандай тажовуздан тўлиқ сақлаш гарантиясини беради»⁷⁷.

Тошкент шаҳарининг партиясиз ишчилари конференцияси «Ўзбекистон ва Туркменистоннинг Совет Социалистик Республикалар Иттифоқига аъзо бўлишига, миллий чегаралаш Коммунистик Интернационалнинг большевиклар шиори остида ўтишига ишонч» билдирди⁷⁸.

Ўрта Осиё меҳнаткашлари томонидан қабул қилинган ўнлаб ва юзлаб бошқа шундай қарорларни мисол тариқасида келтириш мумкин эди.

Маҳаллий партия, совет, комсомол ва касаба союзлари ва шаҳар ҳамда қишлоқ меҳнаткашларининг Ўрта Осиёни миллий чегаралашга бағишланган 57 та конференцияси, пленумлари, мажлислари ҳақидаги 70 дан ортиқ қарор ахборотни кўриб чиқдик ва фойдаландик.

Миллий-давлат чегаралашни тўғрисидаги масалани муҳокама қилишда Ўрта Осиё республикалари меҳнаткашлари активлигининг бунчалик ошишининг сабаблари нималардан иборат эди? Унинг сабаблари шулардан иборат эдики, миллий-давлат чегаралашни ўтказилиши, янги совет миллий республикалари барпо этилиши ва уларни СССР составига киритилиши халқ оммасининг ҳақиқий истаги эди. Чунки совет миллий давлат тузумини яратиш Ўрта Осиёда барча халқларнинг иқтисодий, маданий ва миллий манфаатларига мос келар эди.

М. И. Калинин Ўрта Осиёни миллий чегаралашнинг умум-халқ характерига эга эканини кўрсатиб, қўйидагиларни ёзган эди: «Миллий чегаралашни ўтказиш иши юқоридан туриб берилган кўрсатма ва кабинетда ўтириб ўйлаб чиқарилган бир нарса бўлмай, ..балки Совет Шарқида яшовчи меҳнаткаш халқларнинг чинакам истак ва хоҳишларини амалга оширишдан иборат бир иш эди»⁷⁹.

Маҳаллий партия ташкилотлари агитация кампанияларини муваффақиятли ўтказдилар ва Ўрта Осиёда миллий чегаралашнинг муҳим роли ва аҳамиятини партияли ва партиясиз меҳнаткашларга тўғри тушунтирдилар. Аммо баъзи жойларда, айниқса узоқ ва анча қолоқ районларда, масалан, Уш, Жалолобод, Чимбойда, Бухоро ва Хоразм республикаларининг бир қанча районларида агитация ҳамда сиёсий-оммавий ишлар соҳасида кўпол хатоларга йўл қўйилди! аҳоли ўртасида агитация кенг қўламда олиб борилмади, синфий душманларнинг хуружлари ўз вақтида тугатилмади.

Айрим жойларда миллий-давлат чегаралашга оид агитация кампанияси нотўғри олиб борилди — партиянинг миллий масалага оид умумий сиёсий директивалари ҳисобга олинмади. Масалан, РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг 1924 йил 31 августдаги қарорида кўрсатилишича, баъзи агитация кампанияларида миллий чегаралашни ва миллий масалада коммунистик нуқтаи назарни тушунтириш ўрнига, чегаралаш иши билан боғлиқ бўлган асосий масалаларни ҳал қилиш ўрнига, «чегаралаш комиссиясида» бирор вольность ёки қишлоқни қайси республикага қўшиш ҳақидаги жузъий-территориал масалалар устида олиб борилаётган мунозарали масалаларга аҳамият берилди⁸⁰.

Россия Коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Комитети миллий чегаралаш ишига тайёрлик кўришга ва уни ўтказишга ҳар томонлама раҳбарлик қилиб, Ўрта Осиё республикалари партия ташкилотларининг қилган хато ва камчиликларини тузатди, душман гуруҳларининг реакция қатти-ҳаракатларини фош этишда ёрдам берди.

Агитация кампанияси билан бир қаторда миллий чегаралаш ўтказиш бўйича ташкилий ва хўжалик тадбирлари ҳам ўтказилди. Умумий майдони 1699 минг квадрат километр бўлган Туркистон, Бухоро ва Хоразм территорияларини улардаги моддий ва маданий бойликлар билан бирга янгида ташкил этилаётган республикалар ва автоном областларга бўлиб бериш вазифаси турар эди.

Аҳолининг миллий составини тўғри аниқлаш ва республикалар ҳамда областлар ўртасида аниқ чегаралар белгилашга оид муҳим ишларни амалга ошириш талаб қилинар эди.

Миллий чегаралаш ўтказилишидан олдин Ўрта Осиё республикаларида республикалар ва областлар аҳолисининг сони ва миллий составини, турли районларнинг ўзаро иқтисодий алоқалари ва хўжалик-маиший хусусиятларини ўрганиш бўйича тайёрлик ишлари олиб борилган эди.

1920 йилги Бутун Россия аҳоли рўйхати маълумотлари 1921—1924 йиллар давомида ҳар томонлама умумлаштирилди ва анализ қилинди, уларнинг якунлари матбуотда эълон қилинган эди⁸¹.

Туркистонда экономика ва республика аҳолисига оид ягона давлат статистикасига асос солинди ва «Статистический ежегодник»нинг дастлабки икки томи нашр этилди⁸².

1923—1924 йилларда Туркистон АССР Иқтисодий советнинг районларга бўлиш Комиссияси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа республикани янги маъмурий-хўжалик районларга бўлишда муҳим материаллар берди. Тахминий карта илова қилинган бу лойиҳада янги маъмурий округлар ва районларининг чегараси тўғри белгиланди. Лойиҳада бу округ ва районларнинг иқтисодий, миллий ҳамда бошқа белги хусусиятлари ҳисобга олинган эди.

Аҳоли рўйхатлари, Туркистонни янги районларга бўлиш материаллари, шунингдек, Бухоро ва Хоразмни янги маъмурий районларга бўлиш натижалари Ўрта Осиё совет республикалари ва автоном областлари чегараларини ҳамда территорияларни аниқлашга асос солган дастлабки манба бўлди.

Территориал комиссиялар ва Ўрта Осиёни миллий чегаралаш бўйича миллий ёрдамчи комиссияларнинг ишларида бу материаллардан кенг фойдаланилди⁸³.

Партия, Совет ташкилотлари, миллий чегаралаш Комиссиялари янги республикалар ва областларнинг чегараларини ва территорияларини аниқ белгилаш ишида зўр қийинчиликларга дуч келдилар. Масалан, Бухоро ва Хоразм республикаларида республикаларнинг аҳолиси тўғрисида расмий статистика маълумотлари йўқ эди, чунки бу республикаларда рўйхатлар ўтказилмаган эди, Туркистон республикаси аҳолиси рўйхатлари ва районлаштиришга оид маълумотлар ҳам тўлиқ эмас эди; 1920 йиллаги Бутун Россия рўйхати материалларида Фарғона областига оид маълумот йўқ эди, бу областда 1917 йилда аҳоли рўйхати ўтказилиб, шунда ҳам областнинг қишлоқ жойларида аҳоли рўйхатга олинган эди⁸⁴.

1920 йилги рўйхатнинг эълон қилинган материалларида қозоқлар ва қирғизларнинг сони хато равишда бир графага киритилган эди, бу ҳол Туркистон республикаси миллий составини аниқлашда чалкашликка олиб келди.

Амударё область аҳолисининг сони, миллий составига оид

рўйхат кўрсаткичлари тўлиқ эмас, ва ноаниқ эди. Масалан, 1917 йилда И. И. Зарубин томонидан ўтказилган рўйхат⁸⁵ маълумотларига қараганда, Амударё областидаги қорақалпоқларнинг сони 93074 кишига етган бўлса, 1920 йилда ўтказилган (баъзи область волостларини истисно қилганда) рўйхат натижаларига қараганда, қорақалпоқларнинг сони 62776 кишидан иборат бўлган⁸⁵.

Уша вақтларда бир қанча районлардаги аҳолининг ўзларини эски қабила-уруғ номлари билан атаб келиши Ўрта Осиё республикалари миллий составини аниқлашда қийинчилик туғдирар эди.

1920 йил рўйхати ўтказилиши даврида кўпчилик ўзбеклар ўзларини ҳақиқатан ўзбек деб аташи маълум бўлди, лекин ўзларини эски қабила номлари билан аташда давом этган ўзбеклар ҳам кўп эди. Самарқанд область Жиззах уездидagi 89364 ўзбекнинг 66886 (яъни 75 процентдан кўпроғи) ўзбек номида рўйхатдан ўтди. қолганлари эса қабила ва уруғ номида (бахрин, жалоир, митон, найман ва бошқалар) ўтди⁸⁷.

1924—1926 йилларда Хоразмда районларга бўлиш бўйича ўтказилган экспедиция текширишларида маълум бўлишича, кўпроқ Хева воҳасининг жануби-шарқий қисмида (Хева райони ва Янги Урганчнинг бир қисми) яшовчи ўзбеклар қадимги қабила-уруғ муносабатларини билмас ва ўзларини ўзбеклар деб ҳисоблар эдилар. Лекин «Амударёнинг чап қирғоқ аҳолиси ва воҳанинг шимоли-шарқий қисмидаги аҳоли ўз қабила номларини» жуда яхши билар эди⁸⁸. Амударёнинг ўнг қирғоқ аҳолиси ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин.

Унча тўлиқ бўлмаган маълумотларга қараганда, районларга бўлиш Комиссияси Хоразм ўзбеклари орасида 7600 кишидан иборат қўнғирот, 1700 дўрмонни ҳисобга олган эди⁸⁹.

Бухоро республикасида ҳам худди шундай эди. Бухоро аҳолисининг этник составини махсус ўрганган И. Магидович миллий чегаралаш ўтказилиши даврида ҳам, Бухоро ўзбеклари орасида турли номлар борлигини аниқлади. Агар ўзбекларнинг кўпчилик қисми ўзининг эски қабила ёки уруғ номи унутиб юборган ва ўзини қадимдан ўзбек деб атаб келган бўлса, ўзини ўзбек деб ҳисобласа ҳам, кичик, найман, турк ва бошқа ном билан юрган кишилар ҳам кўпчиликни ташкил қилар эди⁹⁰.

Бундай чалкашликлар туфайли миллий чегаралаш комиссиялари янги ташкил этилаётган республикалар ва областлар аҳолисининг сонини, этник составини ва чегараларини аниқлашга оид қийин ва мунозарали масалаларни ҳал қилдилар.

Қорақалпоғистон автоном областини барпо этишга оид масалага тайёргарлик кўриш территориал комиссия ишларининг муҳим моментларидан бири эди. Юқоридаги масала мил-

лий чегаралаш ўтказишнинг дастлабки даврида қўшимча равишда ўрганиб чиқиш мақсадида кун тартибидан вақтинча чиқарилган эди⁹¹.

Хоразм ва Туркистоннинг қорақалпоқлар яшайдиган районларининг территориялари ва миллий составига оид аниқ маълумотларнинг йўқлиги бунинг асосий сабаби эди. Қорақалпоғистон халқи қорақалпоқ совет миллий давлат тузумини яратиш истагини билдирди. РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси ва унинг Территориал комиссияси юқорида кўрсатиб ўтилган масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, Хоразмда 34200 кишидан иборат қорақалпоқ яшашини аниқлади. Улар собиқ Хоразм республикасининг Қозоқ-Қорақалпоқ областаида кўпчиликни ташкил қилар эди. Аммо қорақалпоқларнинг асосий кўпчилиги собиқ Туркистон республикасининг Амударё областаида яшар ва уларнинг сони 93074 кишидан иборат эди⁹².

1924 йил 5 сентябрда Амударё обкоми Пленуми миллий чегаралашга оид масалани муҳокама қилиб ва қорақалпоқ халқининг истагини ифодалаб, қуйидаги қарорни қабул қилди:

1. Партиямиз Марказий Комитетининг Ўрта Осиё республикаларини миллий чегаралаш масаласи бўйича тутган йўлини тўғри деб топилсин.

2. Автоном Қорақалпоғистон областининг ташкил топишини табриклаш керак ва бу тадбирнинг ўтказилиши зарур деб ҳисоблансин.

3. Зикр қилган область комиссияси томонидан ишлаб чиқилган ва Марказий комиссияга топширилган ташкил топажак Автоном Қорақалпоғистон области территорияси ва чегараси лойиҳаси тўлиқ маъқуллансин.

4. Автоном Қорақалпоғистон областининг маълум миллий республикалардан бирига қўшилиши масаласини РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси ва Туркистон Компартияси Марказий Комитети Марказий комиссияларига муҳокама қилиш учун топширилсин.

Хоразмнинг партия ва совет ташкилотлари қорақалпоқларнинг истаklarини эътиборга олиб, қорақалпоқ ерларини янгидан ташкил этиладиган Қорақалпоғистон Автоном области сифатида Хоразм республикасига қўшиш масаласини илгари сурди.

1924 йил 6 сентябрда Ўрта Осиё республикаларини миллий чегаралаш Территориал комиссияси қорақалпоқ халқининг истагини амалга ошириб, Қорақалпоғистон Автоном области тузиш ҳақида қарор қабул қилди⁹³. РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси бу қарорни маъқуллади, кейинчалик эса, уни РКП(б) Марказий Комитети тасдиқлади.

Аҳолининг актив ёрдамида Территориал комиссия миллий ёрдамчи комиссияларда баъзи районлар бўйича ҳал қилинмай қолган масалаларни, масалан, Тошкент ва Мирзачўл уездларининг бирқанча волостларини Қозоғистонга ёки Ўзбекистонга қўшиш масаласини кўриб чиқди.

Этнографик ва статистик материалларни қунт билан ўрганиш ва аҳолининг иштирокида жойлардаги аҳвол билан танишиб чиқиш натижасида, Тошкент ва Мирзачўл уездлари бўйича Ўзбекистон ССР билан Қозоғистон АССР чегараси аниқланди⁹⁴.

Кўпинча Территориал комиссия ва миллий-давлат чегаралаш бўйича бошқа комиссиялар ўзларини қадимги қабила номлари билан атовчи айрим аҳоли группаларини қайси миллатга мансублигини аниқлаш масаласини ҳал этишда бошқа факторлар: бу гурппадаги аҳолининг территория нуқтаи назаридан алоқаси, иқтисодий ҳаёти, тили ва маданияти, миллий консолидацияларга умумий мойиллиги ва бошқаларни ҳисобга олган эди. Бу факторларнинг ҳаммаси ва аҳолининг истаклари ҳисобга олиниб, у маълум миллий республикага қўшилди.

Масалан, Тошкент уездининг Оҳангарон дарёси водисида яшовчи аҳолиси ўзини қурама деб атаган. 1920 йилдаги рўйхатда уларнинг сони 49700 кишидан иборат бўлган. «Қурама» этник ўзбеклар ва қозоқларнинг қўшилишидан келиб чиққан⁹⁵. Аммо бу гурппада ўзини ўзбек деб атаган гурппа кўпчиликини ташкил қилган ва территориал, иқтисодий ва маданий муносабатларда, ўзбек халқи билан жипс боғлангани туфайли қурама-лар яшайдиган район Ўзбекистон ССР составига кирди.

1924 йил сентябрь ойига келиб янги чегаралар белгилаш лойиҳасини тузиш асосан тугалланган эди. Кейинчалик раҳбар конун чиқарувчи органлар томонидан қунт билан ўрганиб чиқилган ва унга 1926 йил Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати яқунларини ҳисобга олган ҳолда баъзи ўзгартиш ва тузатишлар киритилган эди⁹⁶.

Янги совет миллий республикалари ва автоном областларининг чегараларини ва территорияларини аниқлашда асосий принциплар ва қоидалар нималардан иборат эди?

Маълумки, совет тузумида чегаралар буржуа тартибидан бутунлай фарқ қилган янги асосларда белгиланади. Буржуа тартибда мамлакатлар ўртасида ва ҳатто бир мамлакатнинг ичида (айниқса мустамлакаларда) чегара белгилашда одатда тарихий, миллий, иқтисодий ва бошқа белгилар ҳисобга олинмайди. Чегаралар қарам ва эзилган халқларни ҳукмрон миллатлар томонидан камситиш асосида белгиланади. Бунда ким кучли бўлса, у бошқалардан кўпроқ юлиб олади деган империалистик принципга асосланилади.

Ерларни адолатсизлик ва босқинчилик билан бўлишга асосланган буржуазия оламида чегаралар масаласи айрим мамлакатлар ва миллатлар ўртасида узоқ давом этадиган кучли курашларга сабабчи бўлиб қолади. Империалистик принципга кўра «чегаралар ўзгариши доим қийинчилик билан ўтади ва кон тўкилмасдан ҳал бўлмайди»⁹⁷.

Кўп миллатли ягона Совет социалистик давлатида киши кишини эксплуатация қилмайди, бу ерда СССР халқларининг тўлиқ эркинлиги, тенгҳуқуқлиги ва дўстлиги таъмин этилган.

Социалистик тузумда чегаралар белгилашнинг эски системаларига ўрин қолмаган. Янги социалистик принцип совет республикалари ва областлари ўртасида чегаралар белгилашда тарихий, иқтисодий, миллий ва бошқа белгиларни тўлиқ ҳисобга олади, ҳар бир миллатнинг манфаатларига қатъий амал қилади.

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралашни ўтказилишида совет миллий давлат қурилишининг Октябрь революциясидан бошлаб қўлга киритилган бой тажрибаларидан фойдаланилди. Украина, Белоруссия ва бошқа совет республикаларининг барпо этилиши, уларнинг территориялари ва чегараларининг белгиланиши, собиқ қоқоқ халқларнинг меҳнаткашлар оммасини Россия пролетарларига яқинлаштириш мақсадида Россиянинг миллий хусусиятлари бўйича маъмурий жиҳатдан қайтадан бўлиниши Ўрта Осиёнинг янги совет республикалари ва автоном областлари территорияларини аниқлашда ўрнатқ бўлди. Миллий хусусиятлар миллий-давлат чегаралашда янги совет республикалари ва автоном областларининг территориялари ва чегараларини аниқлашда шубҳасиз муҳим моментлардан бири бўлди.

Ташкил топаётган ҳар бир янги республика ва автоном областнинг миллий хусусиятидан ташқари, хўжалиги, моддий шароити, территорияларининг иқтисодий яхлитлиги ҳам ҳисобга олинар эди:

В. И. Ленин 1913 йилда матбуотда эълон қилинган «Миллий масалаларга доир танқидий мулоҳазалар» асарида чор Россиясининг эскириб қолган, крепостнойлик, давлат-бюрократик бўлинишини «мумкин қадар аҳолининг миллий составига қараб бўлиш билан» алмаштириш зарурлигини таъкидлаган эди⁹⁸.

Аммо шунинг билан бирга В. И. Ленин «аҳолининг миллий состави муҳим иқтисодий факторлардан бири бўлса ҳам, лекин бошқаларга нисбатан ягона ҳам эмас ва муҳим ҳам эмас»лигини алоҳида уқдириб ўтган эди⁹⁹.

В. И. Ленин Россия ҳаётинан олинган фактларни чуқур анализ қилиш асосида «...марксистлар бутунлай ва фақатгина «миллий-территориячилик» принципи заминига ўтмасликлари

лозим», — деган эди. Ленин ҳамма иқтисодий факторларни эътиборга олиш зарурлигини кўрсатиб ўтган эди.

Коммунистик партия жамият ривожланишининг объектив иқтисодий қонунларига асосланиб, умуман миллий давлатлар тузиш ва хусусан уларнинг чегараларини белгилашнинг тўғри йўлини кўрсатди.

1913 йилдаёқ РСДРП Марказий Комитетининг Порониода бўлиб ўтган «Август» кенгашида кенг область автономияси бериш масаласи бўйича ўзини-ўзи идора қилувчи ва автоном областларнинг чегаралари маҳаллий аҳолининг ўзи томонидан хўжалик ва моддий шароит, аҳолининг миллий состави ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши керак деб таъкидланди¹⁰¹.

Партия социалистик жамиятнинг иқтисодий ривожланиши ва бутун совет халқининг асосий манфаатларини ҳисобга олиб, ҳарбир республиканинг чегарасини белгилашнинг ленинча принципини амалга оширди.

Коммунистик партия терриротияларни миллий хусусиятларига қараб бўлишда, мамлакатимизда республикалар ва областлар барпо этишда ишчилар синфининг социализм қуриш учун курашининг умумий манфаатларига, айрим республика ва областларнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда бутун Совет Иттифоқи манфаатларига асосланиш зарурлигини таъкидлади.

РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси партия Марказий Комитети директиваларига асосланиб 1924 йил 15 июлда чиқарган ўз қароридида қайд қилган эдики, «айрим республикалар ўртасида чегаралар белгилашда, Ўрта Осиёни иқтисодий районларга бўлишда у ёки бу миллатга қулайлик туғдирувчи ҳамма шарт-шароитлар ҳисобга олинishi керак»¹⁰².

Ўрта Осиё республикаларининг партия ва освёт ташкилотлари янги республикалар ва автоном областларнинг чегараларини белгилашда миллий хусусиятларни, миллатларнинг иқтисодий алоқаларининг янада ривожланишини, шунингдек районларнинг бирор иқтисодий марказга иқтисодий томондан яқинлашувини ҳисобга олдилар.

Реакцион буржуа олимлари миллий-давлат чегараланиши тўғрисида ва Ўрта Осиё миллий республикаларининг чегара ва территорияларини белгилаш тўғрисида тухмат ва ёлғон-яшиқ гаплар тарқатмоқдалар. Қароунинг 1954 йилда Лондонда нашр қилинган китоби тарихий ҳақиқатни бундай бузиб тасвирлашга мисол бўла олади. Қароу ҳозирги Ўрта Осиё совет миллий республикаларининг чегаралари юқоридан берилган кўрсатма асосида белгиланган, ва бу чегаралар яхлит территорияларни сунъий равишда бўлақларга бўлишдан иборатдир деб ҳисоблайди¹⁰³.

Қароу капиталистик мамлакатларнинг империалист доиралари халқларнинг яхлит территорияларини ҳақиқатан ҳам бўлакларга бўлиб юбораётганликларини эсга олса бўлар эди. Қароу бу тўғрида лом-мим демайди, лекин фактларни сохталаштириб гуё «советларнинг эътироф этишича», Урта Осиё территорияларини бўлишда, миллий чегаралаш ўтказишда фақат икки фактор: тил белгиси ва ирригация шароити ҳисобга олинган эди, деб ёзади. Бунда, деб ёзади Қароу, «тил принципи» ютиб чиқа олмади, чунки янги республикаларнинг ҳаммасида ҳам сони кўп бўлмаган миллатлар бор эди. Сўнгра автор Тожикистон ва Қирғизистонда озчиликни ташкил қилган ўзбек халқининг, Ўзбекистон ва Тожикистонда озчиликни ташкил этган қирғиз халқларининг, Ўзбекистон ва Қирғизистонда озчиликни ташкил этган тожик халқининг бу ерларда ҳам анчагинаси яшашини мисол тариқасида келтиради.

Ҳақиқатда эса миллий-давлат чегаралаш ўтказишда ва Урта Осиё янги республикаларининг территорияларини белгилашда аҳолининг кенг қатлами иштирок этгани ҳаммага аён. Қароу ва унга ўхшашларнинг таъкидлашича, биз чегаралар «юқоридан берилган кўрсатма бўйича» белгиланмаганини юқорида айтиб ўтган эдик.

Сўнгра, миллий-давлат чегаралаш ўтказишда миллий хусусият гарчи асосий хусусиятларидан бири сифатида ҳисобга олинса ҳам айрим-айрим миллатлардангина иборат республикалар барпо этиш масаласи қўйилмаган эди ва қўйилиши мумкин ҳам эмас эди. Урта Осиё совет миллий республикаларида ўз республикаларига номларини берган халқлардан ташқари, бошқа қардош халқлар ҳам анчагина бор. Бу, табиий бир ҳолдир.

Масалан, собиқ Чимкент уездининг Сайрам ва Қорабулоқ волостларида, Туркистон республикасининг собиқ Туркистон уездининг баъзи волостларида асосан ўзбеклар яшаган бўлса ҳам, улар қозоқ районлари орасида бўлганликлари ва иқтисодий томондан улар билан яқин алоқада бўлганликлари учун¹⁰⁴, миллий-давлат чегаралаш ўтказилиши даврида улар Қозоғистон ССР составига киритилиб, жуда тўғри иш қилинди, чунки бу районларни Ўзбекистонга қўшиш мумкин эмас эди, акс ҳолда Қозоғистон Совет республикасининг иқтисодий ва территориал бутунлигига ҳам хилоф иш қилинган бўлар эди. Қозоғистон ва бошқа совет республикаларида яшовчи ўзбекларнинг ҳартомонлама ривожланиши учун зарур бўлган ҳамма шароитлар яратиб берилган, улар ҳамма жойда ўзларини худди ўз уйларида, ягона дўстона оилада яшаётгандек ҳис этадилар.

Иккинчи томондан, айрим ўзбек районларида аҳолининг

анчагина қисмини тожиклар ёки қозоқлар ташкил этган, лекин атрофи ўзбек районларидан иборат баъзи жойлар ҳам бор, бу жойларнинг Ўзбекистон ССР составига киритилиши табиийдир.

Тожикистон кичик комиссиясининг РКП(б) Марказий Комитети Урта Осиё бюроси маъқуллаган Тожикистон АССРни барпо этиш ҳақидаги лойиҳасида Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ҳамда улар атрофларидаги жойлар аҳолисининг анчагина қисмини ташкил қилган тожиклар Ўзбекистон ССР составига киритилгани қайд қилинади. Бунда бу шаҳарлар «ўзбек районларининг иқтисодий ва савдо манфаатлари ҳамда сувдан фойдаланишига кўра ўзбек аҳолиси билан яқиндан боғланган марказлари эканлиги эътироф этилган»¹⁰⁵. Сўнгра бу лойиҳада, тожикларнинг Ўзбекистон ССРнинг Самарқанд, Бухоро ва қисман Фарғона водиси территориясида яшашлари табиий бир ҳолдир, чунки улар билан ўзбеклар ўртасида миллий адоват йўқ, балки совет воқелиги шароитида мустаҳкам дўстлик мавжуддир, деб уқдирилган эди.

Ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги шароитида халқларнинг ўзаро алоқаларининг ривожланишида аҳолиси фақат бир миллатдан иборат бўлган бирор мамлакатни хаёлга келтириш ҳам мумкин эмас.

1913 йилдаёқ В. И. Ленин Россиянинг чегараларини белгилашда ҳамма иқтисодий факторларни ҳисобга олиш зарурлигини ёзган эди. «Масалан, шаҳарлар,— деб ёзган эди Ленин,— капитализм даврида энг муҳим иқтисодий роль ўйнайди. Аммо шаҳарлар ҳамма жойда — Польшада ҳам, Литвада ҳам, Украинада ҳам, Велико Россияда ҳам ва бошқа жойларда ҳам — аҳолисининг миллий состави жуда ҳам ола-була бўлиши билан ажралиб турадилар. «Миллий» элементларни кўзда тутиб, шаҳарларни уларга иқтисодий жиҳатдан доим боғланиб турадиган қишлоқ ва округлардан узиб қўйиш беҳуда ва бўлмаган ишдир»¹⁰⁶.

Урта Осиё шаҳарларига келганда шуни айтиш керакки, бу шаҳарлар кўп миллатли шаҳарлардир. Буни 1926 йилдаги аҳолининг Бугунитифоқ рўйхатидан аниқ билиб олиш мумкин. Масалан, 1926 йилда Тошкент шаҳарида 320 мингдан ортиқ аҳоли, 73 миллат, шу жумладан 169748 ўзбек, 104737 рус, 9291 яҳудий, 8313 татар, 8313 украин, 4916 армян, 1972 қозоқ ва бошқа миллат вакиллари яшар эди. Уша маълумот бўйича, 1926 йилда Самарқанд шаҳарида 57 миллат ва халқ, шу жумладан 43304 ўзбек, 10716 тожик, 27035 рус, 9155 яҳудий, 3418 армян ва бошқа миллатлар яшаган. Андижон шаҳарида 50 миллат ва халқ, шу жумладан 55398 ўзбек, 8882 рус ва бошқа миллатлар яшаган¹⁰⁷.

Ҳукмрон ва тобе миллатлар бўлмаган, ҳамма миллатлар тўлиқ тенг ҳуқуқли бўлган совет социалистик жамиятда ҳамма йирик ва майда миллатларнинг гуллаб-яшнаши ва ривожланиши учун бутун шароитлар яратиб берилган.

Капитализм мамлакатларида аҳвол бутунлай бошқачадир. У ерларда миллий зулм, қарам ва қолоқ миллатларни, оз сонли миллатларни ассимиляция қилиш ёки сиқиб чиқариш ҳукм суради.

Шундай қилиб, О. Кароу ва унга ўхшашларнинг «тил принципи» деб аталган назариялари ҳеч қандай асосга эга эмас.

Кароу давом этиб, Сирдарё ва Амударё ҳамда бир қанча каналлар Ўрта Осиёнинг бир нечта республикаси чегарасидан оқиб ўтади деб ёзади ва у шунинг учун бу дарёлар ва каналлар миллий чегаралар бўлиб хизмат қила олмайди, деб ҳисоблайди¹⁰⁸. Аммо, биринчидан, миллий-давлат чегараланишига доир партия ва совет қарорларида ҳамма дарёлар ва каналлар тармоқлари янги миллий республикалар чегараларига мос келиши зарур деб кўрсатилган эмас. Чегаралаш ўтказиш комиссияси суғоришнинг ўлка экономикасидаги аҳамиятини тушуниб, суғориш каналлар системасининг мумкин қадар ё у ёки бу республика тупроғида жойлашувини кўзлаган эди. Иккинчидан, ҳамма дарёлар ёки ҳамма йирик каналларни бир территорияга ёки давлатга киритиш умуман мумкин эмас.

Мустақил давлатлардан бир нечтасини: Руминия, Болгария, Югославия ва бошқа давлатларнинг территорияларидан иборат бўлган Дунай ҳавзасини мисол қилиб олайлик. Дунай дарёси шу миллий давлатлар чегарасидан ташқари чиққанлиги учунгина бу мамлакатларнинг давлат мустақиллигини эътироф этмаслик керакми?

Миллий чегаралаш ўтказилишидан бурун Амударё Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм республикалари территорияларидан, Сирдарё эса, Туркистон ва Қозоғистон территорияларидан оқиб ўтар эди. Миллий-давлат чегаралашини ўтказилиши даврида Сирдарё ва Амударё ёки йирик каналларни фақат бирор республиканинг миллий чегараси ичига киритиш тўғрисидаги масалани ҳеч ким ўз олдига мақсад қилиб қўймаган ва қўйиши мумкин ҳам эмас эди.

Бунинг устига, бизда, Совет мамлакатада, ва шу жумладан Ўрта Осиёда қардош республикалар халқларининг ҳамкорликда ишлашлари туфайли ирригация каналлари кўплаб қазилмоқда. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон меҳнаткашлари томонидан қурилган Катта Фарғона канали мана шундай каналлардан биридир. Қурилишга бутун совет халқи

ёрдам берди. 350 километрга чўзилган бу канал ўзбеклар ва тожикларнинг ерларини суғоради. Совет Иттифоқи қардош халқларининг ҳамкорлигида қурилган бошқа шундай каналлар мамлакатимизда кўпдир. Агар ўтмишда Ўрта Осиёда сув мулкдор синфларнинг қўлида эзиш қуроли бўлиб сув учун кураш заминида давлатлар ва аҳоли группалари ўртасида низо ва тўқинишлар юз берган бўлса, совет тузумида у бутунлай бошқачадир.

1943 йилда Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон меҳнаткашларининг Тошкентда бўлиб ўтган антифашист митинги қатнашчилари Ўрта Осиё халқларига қилган ўз мурожаатларида совет кишиларининг улуг дўстлиги тўғрисида ёзган эдилар. Бу хатда дўстлик дарёлари бўлиб қолган Сирдарё, Амударё ва бошқа дарёларнинг тақдири ҳақида жуда очиқ ва ифодали баён этилган.

Хатда қуйидагилар езилган:

«Фақат совет ҳокимияти бизни дўстона мустаҳкам оилага бирлаштира олди... Бизнинг дарёларимиз, тоғларимиз, ўрмонларимиз, яйловларимиз, далаларимиз ва қўлларимиз, умуминики бўлиб қолди. Қирғизистондан бошланган Сирдарё Ўзбекистон далаларидан оқиб ўтади, қозоқ чўлларига етиб, бу ерларни дўстлик суви билан суғоради. Амударё тўлқинлари эндиликда туркман ва ўзбекларни бир-биридан ажрата олмайди, унинг қирғоқлари уларнинг дўстона учрашиш жойидир. Зарафшоннинг жуда шўх оқими Ўзбекистон ва Тожикистон халқларини мустаҳкам боғлади. Қозоғистон ва Фарғона текисликлари устида қад кўтариб турган Тянь-Шань тармоқлари Жанубий Туркистондаги Қопетдоғ ва Тожикистондаги Помир чўққилари бир-бирига яқиндир. Агар бутун Совет Иттифоқи содиқ мустаҳкам қўрғон бўлса, республикамизнинг ҳар бири бу қўрғоннинг ажралмас қисмидир»¹⁰⁹.

Демак, реакцияон буржуа олимларининг Ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралаш ўтказилиши ва янги миллий республикалар ва автоном областлар барпо этилиши мақсадга номувофиқ ва нотўғри деб чиқарган ҳулосалари бизнинг воқелигимизни бузиб кўрсатишдан бошқа нарса эмас.

Миллий-давлат чегаралаш ўтказилишининг тўғрилигини, ўлка халқларининг хоҳиш ва истакларини ҳисобга олган ҳолда, Ўрта Осиё республикаларининг миллий чегаралари ва территорияларини белгилашнинг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқловчи фактларни инкор қилиб бўлмайди.

Ўрта Осиёдаги ҳамма халқлар миллий давлат чегаралашни ўтказишда зўр қизиқиш билан актив иштирок эдилар.

Ўрта Осиёнинг барча халқлари миллий-давлат чегаралашни ўтказишда ва ўз миллий давлат тузумларини барпо этиш-

да зўр қизиқиш билан актив иштирок этдилар. Коммунистик партиянинг миллий сиёсатидаги янги ютуқлари ёшини яшаб бўлган эксплуататор гуруҳлар ва уларнинг идеологларига, буржуа миллатчиларига шунингдек, чет эл капиталистик мамлакатларнинг реакцион доираларига ёқмади. Шунинг учун улар Ўрта Осиё совет миллий республикаларини барпо этиш ва ривожлантиришга қарши қўпоровчилик ишларини олиб бордилар.

Ўрта Осиёнинг янги республикалари ва автоном областлари чегаралари ва территорияларини белгилаш процесси бойларга, муллаларга ва уларнинг идеологларига, буржуа миллатчиларига қарши кескин синфий кураш вазиятида ўтди. Душман гуруҳлар миллий-давлат чегаралашни ўтказишига қарши турли йўллар билан уриниб кўрдилар. Улар миллий адоват оловини ёқмоқчи, территорияларга оид турли мунозаралар келтириб чиқармоқчи бўлдилар, ўзларининг босқинчилик планлари ва лойиҳалари билан чиқдилар. Ўзбек миллатчилари ва миллий оғмачилари қозоқ халқининг Еттисув ва Сирдарё областларининг қозоқлар яшайдиган бир қанча районларини Қозоғистон АССРга киритиш тўғрисидаги истакларига қарши чиқдилар.

Ўз навбатида қозоқ миллатчилари ва оғмачилари ҳам Тошкент шаҳарини ва бутун Сирдарё областини Қозоғистонга қўшни тўғрисидаги талабни ўртага ташладилар. Бунда улар юқорида зикр этилган жойлар гўё қозоқларнинг ерлари деб даъво қилдилар. Аммо фактлар бутунлай бошқа нарсани кўрсатар эди. Тошкент ва Сирдарё областининг бир қанча уездлари тарихий муносабатлари, иқтисодий алоқалари, шунингдек миллий белгиларига кўра ҳозирги Ўзбекистон территорияси билан энг яқин алоқада эди¹¹⁰.

Шу туфайли, РКП(б) Марказий Комитети Тошкентни Ўзбекистон ССР составида қолдириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Хоразмда миллий чегаралаш ўтказиш процесси ҳам қизгин кураш шароитида ўтди. 1924 йил март ойида Хоразм партия ва совет активи кенгашида, Туркистон ва Бухоро республикалари билан бир қаторда Хоразм республикасида ҳам миллий чегаралаш ўтказиш вақти келиб етган ва у мақсадга мувофиқдир деб эътироф этилган эди.

Аммо 1924 йил июнь ойида Хоразм Компартияси Марказий Комитетининг Ижроия Бюроси Хоразм миллатларининг истакларига қарама-қарши бўлган бутунлай хато қарор қабул қилди. Бу қарор миллий-давлат чегаралашни ўтказишига қарши эди. Хоразм Коммунистик Партияси Марказий

Комитети Ижроия Бюроси Хоразм республикасини сақлаб қолишни ёқлаб чиқди ва ҳатто Туркистон республикасининг Амударё областини Хоразмга қўшишни талаб қилди¹¹¹.

Хоразмнинг душман гуруҳлари миллий чегаралашни барбод қилишга, Хоразмдаги ўзбек, туркман ва қорақалпоқларни совет миллий давлатларга қайта бирлаштирмасликка уришиб кўрдилар. Бу, ўзбек шовинизмининг чиқишларидан бири эди.

Бойлар ва муллалар ёлғон-яшиқ иғволар тарқатдилар, «халқларнинг диний хусусиятига кўра қўшилиши» учун Амударё области Хоразмга бирлаштирилиши керак деган гап-сўзлар тарқатдилар¹¹².

Мана шуларга кўра Хоразмни миллий-давлат чегаралаш ишига жалб қилиш кечикиб кетди. Аммо Хоразмдаги янги миллий совет республикалар барпо этилишига тўсқинлик қилган буржуа миллатчи гуруҳлар фош этилди. Хоразм Компартияси Комитетининг Ижроия Бюроси ўзининг собиқ қарорини бекор қилди, миллий-давлат чегаралаш ўтказиш зарур эканига иқроор бўлди. РКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси Хоразм Компартияси Марказий Комитетининг таклифини кўллаб-қувватлади ва бу масалани муҳокама қилишни РКП(б) Марказий Комитети олдига қўйди¹¹³.

Бойлар, маноплар ва уларнинг малайлари — буржуа миллатчилари ва руҳонийлар — янги республикалар ва областларнинг чегараларини белгилаш даврида Ўрта Осиё миллатлари ўртасида низо чиқаришга қайта-қайта уришиб кўрдилар. Улар меҳнаткашлар оммасини асосий масаладан чалғитиш учун бирор волость ёки қишлоқнинг у ёки бу республикага қўшилишига оид мунозараларни қасддан бошлардилар. Улар маълум бир қишлоқ ёки районнинг аҳолиси номидан турли территориал талаблардан иборат қалбаки ҳужжатлар тайёрлардилар¹¹⁴.

Бой ва эшонлар Чимбой уездида миллий чегаралашга қарши чиқиб, яширин кенгаш чақирдилар. Бу кенгашда улар гўё аҳоли номидан қалбаки арзнома ёздилар. Бу вақтда батрак-ўрта ҳол омма, душманларнинг ҳийла-найранглариغا қарамай, Коммунистик партиянинг қарорларини амалга оширишни қўллаб-қувватладилар¹¹⁵.

Ўрта Осиё республикаларини миллий чегаралаш, — деб ёзган эдилар Тошкент шаҳари ишчилари, — Туркистонда яшовчи халқлар пролетариат диктатураси эълон қилинган пайтдан бошлаб мустамлакачиликни, шовинизмни, панисламизмни таг-томири билан емириб, интернационализмга

томон қадам-бақадам бораётганликларини яна бир марта таъкидлайди¹¹⁶.

Туркистон касаба союз ходимлари активининг кенгаши касаба союзи аъзоларидан кучайиб бораётган миллатчилик тенденцияларига қарши аёвсиз кураш олиб боришни ва ишчилар синфининг синфий бирдамлигини мустақкамлашни талаб қилди¹¹⁷.


Жалолободнинг коммунист, комсомол ва «Қўшчи» союзи аъзоларининг қўшма мажлиси миллий чегаралаш кампаниясини ўтказиш учун масъул бўлган ходимлар — коммунистларнинг жойларга кўпроқ юборилишини сўраб Туркистон Компартияси Марказий Комитетига мурожаат қилдилар. Юбориладиган бу коммунистлар совет органларини бойлардан, маноплардан ва миллатчилардан тозалашга ёрдам беришлари ва миллий чегаралашни ўтказишга қаршилик қилаётган ифвогарларга зарба беришликлари керак эди¹¹⁸.

Коммунистлар пролетар интернационализи байроғи остида миллий чегаралаш ўтказишнинг ҳақиқий ташкилотчилари ва раҳбарлари бўлдилар. Тошкент коммунистлари умумшаҳар ййғилиши, масалан, миллий чегаралаш бўйича сиёсий кампанияни «бир томондан интернационализм, Ўрта Осиё меҳнаткашларининг ўзаро қардошлиги ва ҳамкорлиги, иккинчи томондан, танқид ва реакцион миллатчи гуруҳлар томонидан кўллаб-қувватланаётган шовинистик оқимни фош этиш» нуқтаи назаридан ўтказишга қарор қилди¹¹⁹.

Туркистон Коммунистик партияси совет тузумининг яширин ва ошкор душманларини фош қилиб ҳамда коммунистик миллий сиёсат принципларини меҳнаткашларга тушунтириб, миллий чегаралашга оид ўз тезисларида қуйидагиларни қайд қилиб ўтган эди:

«Ўрта Осиёнинг меҳнаткаш оммаси шун яхши билиши керакки, айрим мустақил совет республикаларининг барпо этилиши улар олдиға фақат миллий вазифаларни ва айниқса миллий алоҳидалик ва бу миллатлар меҳнаткашларининг биқиқлигини мақсад қилиб қўймайди. Янги республикаларнинг келгуси ишлари асосида миллий антогонизм эмас, балки пролетарлар интернационализи ётади. Буни бошқача тушунувчи ҳар бир киши ишчи-деҳқон ҳокимиятининг онгли ёки онгсиз душманидир»¹²⁰.

Ўрта Осиё республикалари партия ташкилотлари РКП(б) Марказий Комитетининг кундалик раҳбарлиги остида, кенг меҳнаткашлар оммасига таяниб, миллий чегаралашга тайёрлик ишларини муваффақиятли бажардилар.



3-расм. Ташкентдаги театр биноси. Бу бинода Туркистон АССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг миллий-давлат чегаралаш утказилишига бағишланган, навбаддан ташқари сессияси бўлиб ўтган эди.

Миллий комиссия (бюро)нинг тавсияси бўйича территориал комиссия этнографик, иқтисодий ва тарихий-географик маълумотлар асосида ва аҳолининг истакларини ҳисобга олган ҳолда Ўрта Осиёда барпо этиладиган янги республикалар ва автоном областлар территориялари ва чегараларининг тахминий лойиҳасини ишлаб чиқди. Территориал комиссия бу ишларни 1924 йил сентябрь бошларида асосан тугатди.

Ўрта Осиёда янгидан барпо этиладиган миллий давлатларнинг чегаралари ва территорияларини аниқлаш бўйича тайёргарлик кўрилиши ва меҳнаткашлар оммаси ўртасида оммавий ташвиқот-тушунтириш кампаниясининг муваффақиятли тугатилиши натижасида, Туркистон, Бухоро ва Хоразм партия ташкилотлари миллий чегаралашни амалга оширишга киришдилар.

Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг 1924 йил 14 сентябрда бўлиб ўтган Пленуми Территориал комиссиянинг қарорини маъқуллади ва миллий чегаралашга оид амалий тадбирлар планини тасдиқлади.

1924 йил 15 сентябрда Туркистон Советлари Марказий Ижроия Комитети Фавқулодда съезди очилди. Бу съезд миллий чегаралаш ўтказилишига бағишланиб чақирилган эди. Миллий чегаралашни қонунлаштириш ва янги республикалар ҳамда автоном областлар барпо этиш даври бошланди.

«Правда» газетаси, Туркистон Марказий Ижроия Комитети сессияси очилиши олдидан кўпнинг кишидан иборат деҳқонлар ва ишчилар оммаси сессия очиладиган театр биноси ёнига тўпланди. Намойишчилар орасида қишлоқлардан келган отлиқлар ҳам бор эди. Театр зали кишилар билан лиқ тўлган эди. Сессияда кўп сонли ўзбек, қирғиз, тожик ва туркман қатнашди. Сессияни фабрика ва заводлар, «Қўшчи» союзининг вакиллари, деҳқонлар ва Қизил Армиянинг жангчилари табрикладилар, деб ёзган эди.

Туркистон Марказий Ижроия Комитети Фавқулодда сессияси миллий чегаралаш ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди ва уни кўриб чиқиш ҳамда навбатдаги сессияда тасдиқлаш учун Бутунроссия Советлар Марказий Ижроия Комитетга топширишга қарор берди ¹²².

Туркистон Марказий Ижроия Комитети Ўрта Осиё ва Туркистоннинг барча халқига мурожаат қабул қилди. Мурожаатда қуйидагилар айтилган эди: «Эндиликда Туркис-

тон ва Урта Осиё меҳнаткашларининг ўзлари Октябрь революцияси туфайли қўлга киритилган улкан ютуқларга яна бир марта иқрор бўлдилар ва Европа, Америка, Осиё ҳамда Африканинг эзилиб келаётган халқларини ҳам бунга ишонтирадилар ¹²³.

Мурожаатда миллий чегаралаш Туркистон халқларининг зўр ютуқларидан бири ҳисобланади, Туркистон халқлари Совет Иттифоқининг бошқа ҳамма меҳнаткашлари билан биргаликда ғалабалар сари, социализм қуриш учун оғишмай бормоқда ва келгусида ҳам боради деб қайд қилинади ¹²⁴.

Туркистон Марказий Ижроия Комитети сессияси Бутунроссия Советлар Марказий Ижроия Комитети номига юборган мактубида ишонч билдириб айтдики, миллий чегаралаш Урта Осиё халқларининг сиёсий ва маданий томондан ривожланишида катта қадам бўлади ҳамда барпо этиладиган миллий республикалар социалистик революциянинг Шарқдаги аванпости бўлиб, ҳозирда ҳам эзилаётган чет эл Шарқининг бошқа халқларига йўлчи юлдуз бўлади ¹²⁵.

1924 йил 19 сентябрда очилган Советлар V Бутунбухоро қурултойи миллий-давлат чегаралаш масаласи тўғрисида, бутун Бухорода, шунингдек қардош Туркистон ва Хоразм республикаларида меҳнаткашларнинг кенг қатламини ўзига тортган халқ ҳаракати ягона истакни — совет миллий давлатларни барпо этишни акс этдирар эди, деб қайд этди.

«Меҳнаткаш халқнинг эрки, — дейилади қурултой қарориди, — Совет давлатининг қонунидир ва бу куч туфайли Советларнинг V Бутунбухоро қурултойи тантанали вазиятда:

1 Бухоро халқлари — ўзбеклар ва тожикларнинг Туркистон ва Хоразм ўзбеклари билан биргаликда ўз ичида тожикларнинг Автоном области бўлган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини барпо қилиш ҳақидаги олий истакларини;

2 Бухоро туркман халқининг Туркменистон ССР составига киришига оғаларча розилигини эълон қилади.

3 Социалистик қурилиш ва меҳнаткашларнинг халқаро қардошлиги нуқтаи назаридан социалистик Ўзбекистон ва Туркменистон олдига Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига албатта қўшилиши лозимлигини қўяди ¹²⁶.

Қурултой халқ оммасининг зўр кўтаринкилигида ўтди. Советлар V қурултойи давом этаётган бино ¹²⁷ олдида катта намоиш бўлди, унга ўн минглаб меҳнаткаш қатнашди.

Улар қурултойнинг миллий-давлат чегаралашни ўтказиш тўғрисидаги қарорини зўр шодлик билан кутиб олдилар. V қурултой қарори асосида Бухоро республикаси ҳукумати ССР Иттифоқи Ташқи Ишлар Халқ Комиссарлигига нота билан мурожаат қилди. Унда Советлар V Бутунбухоро қурултойи томонидан миллий-давлат чегаралаш ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингани, чегаралаш Бухоро ҳукумати билан Туркистон ва Хоразм республикалари ҳукуматлари ўртасидаги битим асосида ўтказилиши айтилади. Нотада ССР Иттифоқи янгидан барпо этиладиган республикаларни ўз составига қабул қилиш билан бирга, уларнинг мустақил яшашини, иқтисодий, сиёсий ва маданий томондан ривожланишини таъминлайди, деб ишонч билдирилади.

СССР Ташқи Ишлар Халқ Комиссарлиги бу нотага берган ўз жавобида мамнуният билан қайд қилдики, Советлар V Бутунбухоро қурултойи томонидан қабул қилинган қарор «СССР меҳнаткашлари билан БССР меҳнаткашлари ўртасидаги сиёсий ва хўжалик иттифоқни мустақкамлашга» хизмат қилади¹²⁸.

1924 йил 29 сентябрда бўлиб ўтган Советлар V Бутунхоразм қурултойи ҳам миллий-давлат чегаралашни ўтказилиши тўғрисидаги қарорни баланд руҳ ва яқдиллик билан қабул қилди. Қурултой Хоразмда яшовчи ўзбеклар, туркманлар ва қорақалпоқларга Хоразм республикасидан ажралиб чиқиш ва тегишли миллий республикалар ва автоном областларга қўшилиш ҳуқуқини беришига қарор қилди¹²⁹.

1924 йил 11 октябрда РКП(б) Марказий Комитети Туркистон, Бухоро, Хоразмнинг партия ва совет органлари докладларини ва таклифларини муҳокама қилди ҳамда ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралаш ўтказилиши тўғрисида қатъий қарор қабул қилди. Ўрта Осиё республикалари партия ташкилотларига миллий чегаралашни амалга ошириш бўйича мукамал кўрсатма берди.

1924 йил 27 октябрда СССР Марказий Ижроия Комитети II сессияси Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг миллий-давлат чегаралаш тўғрисидаги қарорини кўриб чиқиб, ўзгартишларни киритган ҳолда, уни тасдиқлайди: Тожикистон Автоном областини Ўзбекистон ССР составида Тожикистон Автоном Совет Социалистик Республикасига айлантириш тўғрисида қарор қилинди; Қорақалпоғистон области Қирғизистон (Қозоғистон) АССР составига киритилди, Қора қирғиз (Қирғизистон) автоном области эса, РСФСР составига бевосита киритилган эди¹³⁰.

1924 йил 27 октябрда СССР Марказий Ижроия Комитети

II сессияси Ўрта Осиё халқларининг истақларига асосланиб, Туркистон Марказий Ижроия Комитети, Советлар V Бутунбухоро қурултойи ва Советлар V Бутунхоразм қурултойининг миллий чегаралаш ўтказиш ва янги совет социалистик республикалар ҳамда областлар барпо этиш тўғрисидаги илтимосларини қондирди.

ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети ўз қарориди «меҳнаткаш халқнинг эркин иродаси энг олий қонун ҳисобланади» деб қайд қилди ва «ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитетига Ўрта Осиёда янгидан барпо этиладиган республикаларни бу республикаларнинг Советлари съездлари қарорларига мувофиқ барпо этилишини қонунан расмийлаштириш вазифасини юклади»¹³¹.

ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети қарор қабул қилганидан кейин миллий чегаралаш ва янги совет миллий республикалари ва областлар барпо этиш ишлари қонуний кучга эга бўлди.

ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети раиси М. И. Калинин матбуот вакиллари билан қилган суҳбатида шундай деган эди: «Иттифоқимизда ўз республикасига бирлаштирилган ҳар бир миллат, ҳар бир халқ кенг эркин иродага эгадир. Биз юқоридан туриб мажбур қилмаймиз. Миллий-давлат чегаралашда ҳам миллатларнинг эрклири ўзларида. Ўрта Осиё халқлари, уларнинг Совет ҳокимияти ва партия органлари чегаралаш ўтказиш ва мустақил миллий республикалар барпо этиш истақларини билдирдилар. Биз уларнинг бу истақларига қўшилдик ва Марказий Ижроия Комитет сессиясида унга давлат қонуни кучини бердик»¹³².

Ўрта Осиёда миллий чегаралашни амалий ўтказишга киришиш даври бошланди. Туркистон, Бухоро ва Хоразм совет республикалари ўрнига Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, Туркменистон Совет Социалистик Республикаси, Ўзбекистон составида Тожикистон Автоном Совет Социалистик Республикаси, РСФСР составида Қорақалпоғистон (Қирғизистон) Автоном области ва Қозоғистон АССР га кирган Қорақалпоғистон Автоном области барпо этилди. Туркистоннинг қозоқ районлари Қозоғистон АССР составига кирди¹³³.

Мулкларни янги республикалар ва автоном областлар ўртасида тақсимлаш учун махсус тугатувчи комитетлар тузилди. Миллий чегаралаш ўтказилиши туфайли 1924 йил 24 ноябрда Ўрта Осиё иқтисодий совети Президиуми томонидан Ўрта Осиё тугатув комитети тузилди. Ўрта Осиё тугатув комитети СССР Иттифоқи меҳнат ва мудофаа Советининг Ўрта Осиёдаги вакили қошида иш олиб борди ва давлат мулкларини

тақсимлаш ҳамда Ўрта Осиёда янги республикалар ва областлар барпо этилиши туфайли, бошқаришнинг хўжалик аппаратини қайта ташкил қилиш ишлари билан шуғулланди¹⁸⁴.

Умумий Территориал комиссиялар билан бир қаторда, янги ташкил этилаётган республикаларнинг чегараларини аниқ белгилашда уларга ёрдам бериш учун Ўрта Осиё тугатув комитети қошида махсус комиссия тузилди. Ўрта Осиёнинг чегаралаш ўтказилиши лозим бўлган ҳамма республикалари вакиллари комиссия составига кирган эди¹⁸⁵.

Ўрта Осиё тугатув бюроси ўз вазифасини муваффақиятли бажарди, миллий-давлат чегаралаши билан боғлиқ бўлган кўп масалаларни тез ва оператив ҳал этишда совет ва партия ташкилотларига ёрдам берди.


ВКП(б) Марказий Комитети қарорига мувофиқ Ўрта Осиёнинг ҳамма республикаларидаги партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш учун янги республикалар ва автоном областлар компартияларининг Ташкилий бюрolari тузилди. Улар доимий раҳбар партия ташкилотлари сайлангунга қадар иш олиб борди¹⁸⁶. Ўзбекистон Коммунистик партияси Ташкилий бюроси — республиканинг раҳбар партия штаби ҳам тузилди¹⁸⁷. Бу бюро 1925 йил февраль ойида Ўзбекистон КП I съезди томонидан Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Комитети сайлангунга қадар ишлаб турди.

Ўрта Осиёда янги совет миллий республикалар ва областлар барпо этилиши туфайли, Туркистон, Бухоро ва Хоразм Советлари Марказий Ижроия Комитетларининг 1924 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган сессиялари ўз фаолиятларини тугатганликлари тўғрисида қарорлар қабул қилди. Сессиялар бутун ҳокимиятни янгидан барпо этилган республикалар ва автоном областларнинг Революцион Комитетларига топширишга қарор берди.

Ўзбекистон ССР территориясида бутун ҳокимият муваққат Революцион Комитетга — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг биринчи ҳукумати қўлига топширилди. Бу ҳукумат Ўзбекистон ССР Советларининг Таъсис съезидигача яшади.

1924 йил 5 декабрда Ўзбекистон ССР Революцион Комитети Ўзбекистоннинг ҳамма меҳнаткашларига қарата мурожаат чиқарди ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси барпо этилганини маълум қилди. Мурожаатда ўзбек халқи меҳнаткашлар оммасининг ихтиёри амалга оширилганлиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси барпо этилганлиги қайд қилинди.

Революцион Комитет Совет Социалистик Республикаларининг улуғ Иттифоқига ва Ўрта Осиёнинг қардош халқларига



4- расм. Ўрта Осиёда миллий-давлат chegarалари ўлкасининг сиёсий картаси

қизғин табрик йўллади. Ревком қардош қўшни совет республикаларининг ишчи ва деҳқонлари билан қардошларча дўстлик иттифоқида бўлиш тинчликни таъминлашини ва олий мақсадга — бутун дунё меҳнаткашларининг қардошларча иттифоқи-га, социализмга йўл очилишини таъкидлади.

«Ўзбек халқи Улуғ Октябрь революцияси ғалабалари натижасида биринчи марта ўзининг миллий ўзбек давлатини қуриш имкониятига эга бўлди, дейилади мурожаатда. Аммо янги республика улуғ Совет Иттифоқининг қўшни халқлари билан жипс меҳнат ва қардошларча ҳамкорликда яшаши керак ва яшайди ҳам. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи бизни СССР нинг ишчи ва деҳқон меҳнаткашлари дунёси билан жипс боғлайди ва бизнинг қудратимизни оширади»¹⁸⁸.

Революцион Комитет доимий ҳукуматни сайлаш учун Ўзбекистон ССР ишчилар, деҳқонлар, қизил аскарлар Советларининг янги съездини чақаришга тайёрлик қўришни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблади. Ревком меҳнаткашлар оммасини республиканинг сиёсий, хўжалик ва маданий қурилишида актив иштирок этишга чақирди.

Шундай қилиб, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати-нинг сиёсатини изчиллик билан амалга оширилиши натижасида Ўрта Осиё халқларининг совет давлат тузуми тарихида янги давр — янги ташкил этилган совет миллий республикалар ва автоном областларнинг ва шу жумладан ССР Иттифоқининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ривожланиш даври бошланди.

2. 1924—1925 йилларда Ўзбекистон ССР нинг территорияси, аҳолиси, халқ хўжалиги ва маданияти

Марказий территориал комиссия томонидан тузилган миллий-давлат чегаралашига оид лойиҳа Ўрта Осиёнинг янги совет республикаларининг чегараларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди. 1925 йил давомида Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистон республикалари, Қорақалпоғистон ва Қирғизистон Автоном областларининг олий ҳокимият органлари, шунингдек Ўрта Осиё тугатув комитетининг иштирокида юқорида зикр этилган лойиҳани қўнд билан ўрганиб чиқишни давом этдирди. ССР Иттифоқи ҳукумати Ўрта Осиёга ўз комиссиясини юборди, бу комиссия янгидан барпо этиладиган республикаларнинг жойларда лойиҳалаштирилган чегараларини кўриб чиқди¹⁸⁹.

1925 йил 4 майда Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети Ўрта Осиё тугатиш комитети ва ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети Комиссиясининг районлаштириш бўйича бир-

галикда тузган лойиҳасини кўриб чиқиб бир томондан, РСФСР билан Ўзбекистон ССР ўртасида, иккинчи томондан, РСФСР билан Туркманистон ССР ўртасида белгиланган чегаралар лойиҳасига қўшилди ва бу лойиҳани тасдиқлаш учун ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитетига топширди.¹⁴⁰

ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети Президиуми бу масалага оид материалларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, Урта Осиё республикаларининг чегаралари тўғрисида қарор қабул қилди. 1926 йил октябрь ойида РСФСР билан Ўзбекистон ССР ўртасида чегаралар таърифини тасдиқлади¹⁴¹.

Миллий чегаралаш ўтказилиши натижасида **Ў з б е к и с т о н** Совет Социалистик Республикаси қуйидаги областлардан:

а) собиқ Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасидан: унга Самарқанд области Жиззах, Каттақўрғон ва Хўжанд уездларининг 41 волости, Сирдарё области Тошкент ва Мирзачўл уездларининг 24 волости, Андижон, Қўқон, Наманган, Фарғона уездларининг 70 волости ва Фарғона областининг 7 та қишлоқ жамоаси (Шоҳимардон, Водил ва бошқалар) кирар эди;

б) собиқ Бухоро Совет Социалистик Республикасидан: Бойсун, Бухоро, Ғузор, Қарши, Кармана, Нурота, Шаҳрисабз, Шеробод ва қисман Сарисийё вилоятлари,

в) собиқ Хоразм Совет Социалистик Республикасидан кейинчалик Гурлон, Янги Урганч ва Хева уездларини ташкил этган 23 та шўро (район волостлари)дан ташкил топди.

1929 йилга қадар Ўзбекистон ССР составида бўлган Тожикистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Туркистон ва Бухоронинг бир қанча районлардан ташкил топди. Унинг составига қуйидагилар кирди:

а) собиқ Туркистон АССРдан: Самарқанд областининг Самарқанд ва Хўжанд уездларининг 12 волости ва Фарғона областининг Помир райони;

б) Бухоро Совет Социалистик Республикасидан: Гарм, Хисор, Кўлб. Қўрғонтепа, Душанба ва қисман Сарисийё вилоятларидан иборат Шарқий Бухоронинг деярли ҳаммаси¹⁴².

1926 йилдаги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг кўрсатишича Ўзбекистон ССРнинг Хўжанд округи аҳолисининг кўпчилиги тожиклардан иборат бўлган¹⁴³. Бу ҳолни ва Хўжанд районининг Тожикистонга мойиллиги, шунингдек бу округ аҳолисининг истақларини ҳисобига олиб, 1929 йилда, Тожикистон АССР ни Иттифоқчи Совет Социалистик Республикасига айлантиришда, Хўжанд округи Тожикистонга қўшилди.

Ўзбекистон ССР дастлабки ташкил топган даврида

унинг территорияси 312394 квадрат километр, шу жумладан Тожикистон АССР 135620 квадрат километр эди (Хўждан округидан ташқари)¹⁴⁴.

Ўзбекистон ССР барпо этилган дастлабки даврда республика марказида жойлашган Самарқанд шаҳари унинг пойтахти эди. Уша йилларда Ўзбекистоннинг ҳамма қисмларини бир бутун қилиб бирлаштиришда, совет аппарати ишларини жонлантиришда Самарқанднинг пойтахт бўлиши мақсадга мувофиқ эди. Совет маҳаллий органлари ўз ишларини янада яхшилагач ва уларнинг марказий ҳукумат муассасалари билан алоқалари мустаҳкамлангач, 1930 йилда Ўзбекистон пойтахти Тошкентга—республиканинг муҳим иқтисодий, сиёсий ва маданий марказига кўчирилди.


Туркменистон Совет Социалистик Республикаси Туркистон АССРнинг Туркменистон областидан, Бухоро Совет Социалистик Республикаси Автоном туркман областининг Чоржўй, Карки вилоятлари ва Шеробод вилоятининг Келиф туманидан, шунингдек Хоразм Совет Социалистик Республикасининг саккиз шўросидан иборат Туркман областидан тузилди.

Қирғизистон Автоном областига Туркистон АССРдан Етти сув областининг Қорақўл, Норин ва Пишпак (уч волостдан ташқари) уездлари, Сирдарё областининг 14 волости ва Фарғона областининг 38 та волости кирди.

Қорақалпоғистон Автоном области Туркистоннинг Амударё областидан ва Хоразмнинг учта шўросидан барпо этилди.

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасига Туркистон АССРнинг Сирдарё областидан Қазалинск, Оқмачит, Туркистон, Чимкент уездлари тўлиқ, Авлиёота уездининг кўпчилик волостлари (24 та), Тошкент уездининг 10 та волости, Мирзачўл уездининг 2та волости; Еттисув областидан Олмаота, Жаркент, Лепсинск, Толдиқўрғон уездлари тўлиқ ва Пишпак уездининг 3 волости; Самарқанд областидан Жиззах уездининг 6 та кўчманчи волости кирди¹⁴⁵.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ўрта Осиё аҳолисининг сонини аниқлаш ва айниқса, миллий чегаралаш ўтказиш даврида уларнинг миллий составини белгилаш жуда қийин эди. Гражданлар уруши Туркистон аҳолисининг сонини аниқлаш имконини бермади, 1917 ва 1920 йиллардаги рўйхат маълумотлари эскириб қолган ва бунинг устига тўлиқ эмас эди. Аҳоли рўйхати ўтказилмаган Бухоро ва Хоразмда аҳоли-



5-расм. Миллий-давлат чегаралари ўтказилгандан кейин (1934 йил) Урта Осиё республикаларининг миллий состави

нинг сонини ва миллий составини аниқлаш янада қийин эди. Шу туфайли миллий чегаралаш ўтказишни бошлашдан олдин катта тайёрлик ишлари кўрилган эди. Рўйхат ва Туркистон республикасини районларга бўлиш материаллари қўнт билан ўрганилди. Бухоро ва Хоразмда махсус экспедиция текширишлари ўтказилди. Буларга асосланиб, 1924 йилдаги оператив маълумотга кўра, Урта Осиё иқтисодий кенгаши республикалар бўйича аҳолининг сонини қуйидагича белгиллаган эди¹⁴⁶.

Собиқ Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг аҳолиси — 5254581 киши;

Собиқ Бухоро Совет Социалистик Республикасининг аҳолиси — 2236437 киши;

Собиқ Хоразм Совет Социалистик Республикасининг аҳолиси — 640 044 киши;

Жаъми — 8131062 киши.

Урта Осиёда миллий чегаралаш ўтказилиши туфайли, барпо этилган янги республикалар ва автоном областлар бўйича аҳолининг сони 1924 йилда қуйидаги маълумот (1-жадвал) билан характерланади¹⁴⁷.

Бу маълумотга кўра, 3963285 киши, ёки Урта Осиёдаги ҳамма аҳолининг деярли ярми Ўзбекистон ССР составига кирган. Ўзбекистон аҳолиси Тожикистон аҳолиси билан бирга 4701788 кишидан иборат бўлган, ёки Урта Осиё аҳолиси умумий сонининг 57,8 процентини ташкил этган.

Бу рақамларни тахминий деб ҳисоблаш керак, чунки миллий чегаралаш материалларини 1926 йилдаги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати яқунлари билан таққосланганда анча фарқ бор. 1926 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ рўйхати маълумоти анча тўғри ва аниқроқдир. Унда Ўзбекистон ССРнинг аҳолиси Тожикистон АССР аҳолиси билан биргаликда 5274998 кишидан¹⁴⁸, шу жумладан Ўзбекистон ССРнинг ёлғиз ўзида (1926 йилдаги республика чегараларида) — 4447555 киши, Тожикистон АССРда эса, 827443 киши бор деб кўрсатилади¹⁴⁹.

Уша вақтда Ўзбекистон ССРнинг (Тожикистон АССРдан ташқари) умумий аҳолисидан 3385267 киши, ёки 76,2 проценти шаҳар аҳолисини ташкил қилар эди¹⁵⁰. Кейинчалик социалистик қурилишнинг давом этдирилиши натижасида Ўзбекистон Совет Иттифоқининг қудратли индустрлашган колхозлашган республикаларидан бирига айлангач, шаҳар аҳолисининг сони жуда ўсди.

1926 йилдаги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотига

қараганда, Тожикистон АССР билан биргаликда Ўзбекистон ССРда 3475340 ўзбек, 967728 тожик, 246521 рус, 106980 қozoқ, 90743 қирғиз ва бошқа миллат вакиллари яшаган¹⁵¹.

1926 йилдаги рўйхатга кўра Ўзбекистон ССРнинг (Тожикистон АССРдан ташқари) миллий состави қуйидагича бўлган: ўзбеклар 74,2 процентни, тожиклар (1926 йилда) 7,8 процентни, руслар 5,6 процентни, қozoқлар 2,4 процентни, қирғизлар 2,04 процентни ташкил қилган ва ҳоказо¹⁵².

Шундай қилиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасида ўзбек миллати бу республикада кўпчиликни ташкил этади.

Ўрта Осиёда янгидан барпо этилган республикалар ва областларнинг территорияларини белгилаш билан бир қаторда иқтисодий чегаралаш ўтказилди, яъни собиқ Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари қўлида бўлган фабрикалар, заводлар, экин майдонлари, чорва моллари, акционерлик ширкатлари, маданий-оқартув муассасалари ва бошқалар бу республикалар ўртасида тақсимланди. Ўрта Осиё тугатув комитети собиқ Ўрта Осиё республикалари қўлида бўлган қимматбаҳо нарсаларнинг ҳаммасини ҳисоблаб чиққан эди. Мана шу асосда иқтисодий чегаралаш ўтказилди.

Иқтисодий (хўжалик) чегаралаш ўтказишда Ўрта Осиё тугатув комитети қуйидаги асосий принципларга амал қилгани профессор И. И. Крильцовнинг тадқиқодларидан кўрииб турибди. Давлат мулклари бўлими бўйича Ўрта Осиёнинг янгидан барпо этилган республикалари ва автоном областлари аҳолисининг сони асосий принцип қилиб олинди. Бунда қўзғолувчи мулклар (заводлар, фабрикалар ва бошқалар) территориал белгиларга қараб бўлинди. Қишлоқ хўжалиги банкининг мақсадга мўлжалланган кредитлар маълум экин майдони ва маҳсулоти бўйича тақсим қилинди. Хомашё тайёрлаш бошқармасининг хомашё мулклари чорва молларининг сонига қараб бўлинди¹⁵³.

Иқтисодий чегаралаш асосан 1925 йил март ойида ўтказилган эди. РКП(б) Марказий Комитетининг 1925 йил 14—16 мартда бўлиб ўтган Пленуми Ўрта Осиё тугатув комитетининг докладини муҳокама қилди. Пленум қайд қилдики, чегаралаш ўтказилиши туфайли Ўрта Осиёнинг ҳар бир янги республикаси ўзига хос иқтисодий базага эга бўлади. Ўрта Осиё миллий совет республикалари ва областларининг хўжалик қурилиши шу база асосида ривожланиши мумкин.

Иқтисодий чегаралаш ўтказилиши натижасида республикага нималар ўтди?

1924—1925 йиларда Ўзбекистонда ишлаб турган 185 та саонат корхонаси бўлиб, ялпи маҳсулоти 106,9 миллион олтин

сўми ташкил қилар эди¹⁵⁴. Бу корхоналарда 8,7 минг ишчи ишлар эди. 1924—1925 йиллардаги Ўзбекистон ССР саноат корхоналари айрим тармоқларининг аҳволини 2-жадвалдан кўриш мумкин.

2-жадвал*

| Саноатнинг асосий тармоқлари | Ишлаб турган корхоналар сони | Улардаги ишчилар сони, минг киши ҳисобида | Ялпи маҳсулот, миллион олтин сўм ҳисобида |
|------------------------------|------------------------------|-------------------------------------------|-------------------------------------------|
| Пахта тозалаш | 39 | 1,8 | 70,1 |
| Ун тортиш | 18 | 0,5 | 7,4 |
| Озиқ-овқат | 17 | 1,4 | 8,8 |
| Полиграфия | 17 | 1,2 | 2,6 |
| Вино ишлаш | 12 | 0,6 | 9,6 |
| Ипакчилик | 8 | 0,5 | 0,9 |
| Нефть ишлаш | 4 | 0,4 | 1,2 |
| Тош кўмир | 2 | 0,6 | 0,6 |
| Жами . . . | 185 | 8,7 | 106,9 |

Булардан ташқари, кўнчилик корхоналари, электростанциялар ва бошқалар оз бўлса ҳам бор эди.

Уша йилларда Ўзбекистон саноатида 70,1 миллион сўмлик, ёки умумий сумманинг 65,6 проценти миқдориди маҳсулот берувчи пахта тозалаш саноати асосий ўринни эгаллагани, ундан кейин эса, озиқ-овқат, ун тортиш ва вино ишлаш саноатлари турганини юқоридаги маълумотлардан кўриш мумкин. Уша даврда нефть ва кўмир саноати жуда орқада эди ва атиги 1,8 миллион сўмлик маҳсулот берар эди.

Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистонда 1925 йилга қадар 9та янги электростанция, металлни қайта ишловчи 2та корхона, 1та ипакчилик фабрикаси ва бошқалар қурилди¹⁵⁵.

Бизнинг 1925 йилда Ўзбекистонда ишчилар сони тўғрисида келтирилган маълумотларимиз фақат асосан йирик давлат саноат корхоналарига хосдир. Умуман олганда бутун саноат ва транспортдаги ишчиларнинг сони анча кўп эди. Масалан, касаба союзларга уюшган ишчиларнинг сони бундан гувоҳлик беради. 1925 йилнинг бошларида Ўзбекистоннинг саноат

*Итог десятилетия Советской власти (1917—1927 йиллар) в цифрах ЦСУ СССР, 1927, 294—298-бетлар.

касаба союзларида 34058 аъзо бор эди, улардан 16870 таси ёки 49,5 проценти маҳаллий миллатларнинг вакиллари эди. Транспорт (маҳаллий, темир йўл транспорти, алоқа) касаба союзларида 19439 аъзодан 4269 киши маҳаллий миллатларнинг вакиллари эди¹⁵⁶.

Асосан батрақлардан, қишлоқ хўжалиги ишчилари ва камбағал ижарачилардан иборат Ер-ўрмон ишчилари йирик касаба союзида Ўзбекистон бўйича аъзолар сони 19421 кишига етди, улардан 11499 киши ёки 59,2 проценти маҳаллий миллатларнинг вакиллари эди¹⁵⁷.

Шундай қилиб, биз 1925 йилга келиб Ўзбекистонда ишчилар синфи кадрларини тайёрлашда дастлабки ютуқлар қўлга киритилган эди деб ишонч билан айта оламиз.

1924—1925 йилларда қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланар эди. Чунки республика аҳолисининг асосий кўпчилиги (85 проценти) қишлоқ хўжалигида банд эди.

Миллий чегаралашда Ўзбекистон 1195 минг десятина суғориладиган ер олди. 1924 йилга келиб Ўрта Осиёнинг тикланган 348896 десятина пахта майдонидан 237981 десятинаси, ёки 68 процентдан кўпроғи Ўзбекистонга тегди¹⁵⁸. 1923—1924 йилда бутун Совет Иттифоқида олинган 14,2 миллион пуд пахта ҳосилининг тахминан 10 миллион пудини Ўзбекистон республикаси берди¹⁵⁹. Фарғонанинг унумдор водиси, Самарқанд ва Тошкент областларининг катта қисми, Бухоро ва Хоразмнинг бир қисми пахта майдонларидан иборат эди. Фарғона водиси, Тошкент ва Самарқанд областлари ва республиканинг бошқа районлари боғлари, узумчилиги, ипакчилиги билан машҳур эди. Бу тармоқларнинг ҳаммаси кейинги йилларда, айниқса халқ хўжалигини ривожлантириш беш-йилликлари даврида кенг ривожланди.

Ўзбекистон ССР ғаллакор ва чорвачилик, айниқса қоракўлчилик районларига эга эди ва ҳозир ҳам эгадир (Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё областлари). Чегаралашдан кейин Ўрта Осиёдаги 10321 минг бош чорва молидан 2590 мингга яқини, ёки 19 проценти Ўзбекистонга берилди¹⁶⁰. Мана шу база асосида республикада чорвачилик янада ривожлантирилди.

Еш республиканинг маданияти қандай аҳволда эди? Ўзбекистон ССР барпо этилган дастлабки йилда 981та бошланғич ва ўрта мактаб бор эди. Бу мактабларда 75 минг ўқувчи билим олар эди. Бу ерда 23 техникум, 8 касб-хунар техника мактаби, 8 та фабрика- завод мактаби, 14 та касб-хунар — техника курси ишлаб турар эди¹⁶¹.

Ўзбек мактаблари билан бир қаторда, Ўзбекистон ССРда

яшовчи бошқа миллатларнинг болалари ўқиши учун мактаблар очила бошланди.

1925 йилда Тошкентда В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетида 3331 студент билим олар эди¹⁶².

Республикада ишлаб турган Коммунистик университет партия ва совет ходимлари раҳбар кадрларини тайёрлашда ва тарбиялашда муҳим роль ўйнади. Унинг 434 та тингловчиси бор эди. 413 та тингловчиси бўлган 4та область совет-партия мактаби бор эди¹⁶³.

Республика территориясида 76 та кутубхона ва 124 та клуб бор эди¹⁶⁴.

Революциядан олдинги даврда меҳнаткашларга медицина хизмати деярли кўрсатилмаган ўлкада Совет ҳокимияти йилларида медицина муассасаларининг кенг тармоқлари бунёдга келтирилди. 1925 йилнинг бошларидаёқ Ўзбекистонда 59 та касалхона, 77 та амбулатория, безгаҳка қарши курашадиган 11 та станция, корхоналар ва бошқа жойлар қошида 79 та врач пунктлари бор эди. Даволовчи муассасаларда 537 врач, 338 фельдшер ва 186 акушер ишлар эди¹⁶⁵. Марказий Россиядан келган илмий-педагогик кадрлар ёрдамида Ўрта Осиё Давлат университети қошида медицина факультети, медицина техникуми ва медицина мактаблари очилди. Улар маҳаллий миллатлардан иборат дастлабки кадрлар тайёрлаб чиқарди.

Бу унчалик тўлиқ бўлмаган маълумотлар Совет тузуми туфайли Ўзбекистон халқлари Ўзбекистон ССР барпо қилиниши даврига келиб шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятларини ривожлантиришда дастлабки зўр ютуқларни қўлга киритганликларидан далолат беради.

Республиканинг халқ хўжалиги ва маданияти тўғрисида келтирилган фактлар ёш Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси зарур иқтисодий базага ва маданий-оқартув муассасалар тармоқларига эга эканини кўрсатади. Бу тармоқлар социалистик қурилиш ишлари кенг авж олдирилган йилларда янада ривожланди.

1924 йилдан 1929 йилга қадар Ўзбекистон ССР составида бўлган Тожикистон АССРда иқтисодий ва сиёсий аҳвол қандай эди?

Бу даврда Тожикистон АССР баъзи хусусиятлари билан фарқ қилар эди. Мустамлака вақтида унинг жанубий қисми энг қолоқ ўлкалардан бири эди. Революциядан кейин Жанубий Тожикистон узоқ вақт давомида босмачиликнинг ўчоғи бўлиб қолди; тор-мор этилган контрреволюцион кучларнинг қолган-қутганлари Ўрта Осиёнинг ҳамма томонидан бу ерга қочиб келар эди. Улар инглиз-америка империалистларининг ёрдами билан қуролланиб, террорлик ва талончилик ишлари-

ни, Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб боришни давом этдирдилар.

1924 йилга келиб босмачилик асосан тугатилган эди, аммо айрим босмачи бандалари, шу жумладан Иброҳимбек бандаси, Афғонистон орқали инглиз империалистларидан ёрдам олиб, жанубий чегара районларида 1926 йилгача Тожикистон рус халқи ва унинг шавкатли Қизил Армияси ёрдамида турли босмачи гўдаларидан озод бўлгунга қадар изғиб юрди. Босмачилар томонидан Афғонистонга ҳайдаб олиб кетилган тожик аҳолисининг бир қисми ўз ватанларига қайтиб кела бошладилар. Ўзбекистон Компартияси Ташкилий бюросининг ҳисобига мувофиқ 1926 йил 1 апрелга келиб 5281 та хонадан (21 минг киши) қайтиб келган эди¹⁶⁶. Совет Иттифоқи ҳукуматининг ҳар томонлама берган ёрдамида улар ўз ерларига жойлаштирилди.

Босмачи бандаларидан озод қилинган Тожикистонда халқ хўжалигини тиклаш ишлари кенг авж олдирилди. Аҳолининг 97-проенти банд бўлган қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларга нисбатан биринчи галда ривожлантирилди. 1924 йилда экин майдони 89 минг десятина (журушдан олдинги даражанинг 38 проценти) бўлса, 1925 йилга келиб у 155 минг десятинага (1914 йилдаги даражанинг 66 проценти) етади¹⁶⁷. 1924 йилда 24 қишлоқ хўжалик кредит жамияти ташкил этилди, 1925 йилга келиб 7984 хўжаликни ўз ичига олиб, уларнинг сони 59 тагача етди.

Революцияга қадар Тожикистонда ҳунармандчилик саноати кенг тарқалган ва завод ҳамда фабрикалар деярли йўқ эди. 1924 йилдан бошлаб саноат корхоналари, шу жумладан Душанба шаҳарида (ҳозирги Сталинобод) пахта тозалаш заводи қурилиши бошланди.

Янги совет мактаблари очила бошлади. 1925 йилда Тожикистон АССР территориясида 1851 ўқувчи бўлган 59 та мактаб, 11 болалар уйи, 45 та саводсизликни тугатиш мактаби бор эди.

Тожикистон АССР барпо этилиб ва унинг Совет республикасига айлантилгунча ўтган қисқа тарихий давр ичида тожик халқи ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз берди. Ҳозир совет Тожикистони Совет Иттифоқининг индустрлашган-колхозлашган илғор республикалардан бирига айланди.

Миллий—давлат чегаралашни ўтказилиши Ўзбекистон ССРни маъмурий бўлиш билан ҳам зич боғланган эди.

Маълумки, Ўзбекистон ССР уч республикадан: ўз специфик маъмурий бўлиниш системасига эга бўлган Туркистон, Бухоро ва Хоразмдан барпо этилган эди. Туркистон республикаси областлар, уездлар, волостлар ва қишлоқ советларига;

Бухоро республикаси областлар, уездлар, волостлар ва қишлоқ советларига; Бухоро республикаси вилоятлар¹⁶⁸ туркманлар кентлар ва аминликларга; Хоразм республикаси областлар, уездлар, шўролар ва оқсоқолликларга бўлинган эди. Республикада маъмурий системанинг ҳар хиллиги бошқаришни ташкил этишни, халқ хўжалигини тартибга солишни қийинлаштирар эди. Республиканинг ривожланиши йулидаги бу тўсқинларни йўқотиш учун мувофиқ тадбирлар белгилаш талаб қилинар эди. Бундай ҳолда Ўзбекистон ССР барпо этилишининг дастлабки кунларида республикани маъмурий бўлишининг ягона типини амалга ошириш вазифаси турар эди.

Совет аппаратини меҳнаткашлар оmmasига янада кўпроқ яқинлаштирадиган маъмурий бўлинишга эришиш керак эди. Шунга асосланиб Ўзбекистон ССР Ревкоми 1925 йил 29 январда бутун Ўзбекистон бўйича маъмурий бўлинишнинг бир хил системасини жорий қилинишига асос солган қарор қабул қилди. Бутун Ўзбекистон бўйича маъмурий бўлинишни унификация қилишга қарор берилган эди. Бунда собиқ Туркистон республикасида бўлганидек республиканинг бутун территориясини областлар, уездлар, волостлар ва қишлоқ советларига бўлиш керак эди. Бу қарор асосида Ўзбекистон ССРда (Тожикистон АССРдан ташқари) 23 уезд ва 240 волостдан иборат 7 та область: Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Зарафшон¹⁶⁹, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм областлари барпо этилди¹⁷⁰.

Тожикистонда вилоятларга бўлиниш вақтинча сақлаб қолдирилди.

Ўзбекистон ССР бўйича маъмурий бўлинишининг ягона системасининг жорий этилиши бошқариш органлари ишларини ташкил этиш ва мустаҳкамлашда, республикани янада ривожлантиришда сўзсиз муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон ССР Ревкомининг маъмурий бўлиниш бўйича юқоридаги тадбирлари дастлабки тадбирлар бўлиб, у қатъий ва тўлиқ эмас эди, чунки районлаштиришнинг бу даврида республика хўжалик ҳаётининг хилма-хиллиги ҳали тўлиқ ҳисобга олинмаган эди¹⁷¹. Шунинг учун Ўзбекистон ССРни бундай дастлабки районлаштириш республиканинг ўсиб бораётган сиёсий ва иқтисодий талабларига жавоб бера олмас эди.

1923 йилда РКП(б) XII съездидаёқ «маъмурий-хўжалик бўлинишининг янги системасининг жорий қилиниши бу ишни узил-кесил амалга ошириш учун эҳтиёткорликни ва узоқ муддатни талаб қилади», деб кўрсатиб ўтилган эди¹⁷².

Ўзбекистоннинг 1925 йилдаги районлаштиришга мувофиқ

маъмурий-хўжалик бўлиниши айрим районларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини, сиёсий ва маданий ривожланишга ҳисобга олмаган эди. Жойларда қишлоқ ва волостлар ҳаддан ташқари тарқоқ жойлаштирилди, уларнинг чегараларини белгилашда чалкашликларга йўл қўйилди. Кўпинча маъмурий район хўжалик район билан мос келмас эди.

Қишлоқ советлари бўйича қўйи маъмурий бўлиниш тармоқлари аҳолининг эҳтиёжларини қондира олмас эди. Кўпчилик қишлоқ советлари жуда йириклаштириб юборилган ва аҳолиси кўпчиликни ташкил этган ўнлаб қишлоқларни ўз ичига олган эди. Зарафшон областида бир қишлоқ советида ўрта ҳисоб билан 25 та аҳоли пункти бўлиб, уларнинг ҳар бирида 6050 аҳоли яшар эди¹⁷³. Сурхондарё ва Қашқадарё областларида аҳвол янада ёмонроқ бўлиб, бу ерларда баъзи қишлоқ советларига 80—90 та қишлоқ тўғри келарди¹⁷⁴.

Бундай маъмурий бўлиниш қўйи совет аппаратларининг меҳнаткашлар оmmasига яқинлашишини қийинлаштирар ва аҳолининг қишлоқ советлари ишларида актив қатнашишига тўsqинлик қилар эди.

1926 йилнинг охирларида социалистик хўжаликнинг анча ўсиши ва мустақамланиши, миллий чегаралашнинг муваффақиятли тугалланиши ва меҳнаткашлар активлигининг ошиши, туфайли шунингдек етарли тайёрлик кўрилгандан кейин Ўзбекистонни янги районларга бўлиш имконияти туғилди.

1926 йил 10 июнда Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг Биринчи чақириқ IV сессияси районлаштириш бўйича Марказий Комиссиясининг докладини тинглаб, эски маъмурий бўлинишнинг яшаб келаётган қолдиқларини тугатиш мақсадида, шунингдек совет аппаратини оммага янада яқинлаштириш манфаатини кўзлаб, Ўзбекистон ССРда районлаштириш ўтказишга қарор қилди. Амалда бўлган тўрт поғонали (қишлоқ совети, волость, уезд, область) маъмурий бўлинишдан уч поғонали (қишлоқ совети, район, округ) маъмурий бўлинишга ўтиш, волостлар ва уездлар ошиқча инстанция бўлгани учун уларни тугатишга ва ўрнига зарурий сондаги маъмурий-иқтисодий марказлар барпо этишга қарор қилинди; янгидан барпо этилган районлар бири бири билан иқтисодий томондан яқинлашиши ва хўжалик томондан алоқаси асосида округларнинг қатъий системасига бирлаштирилди¹⁷⁵.

Умуман районлаштиришни аҳолининг миллий составини, ирригацион системаларнинг мумкин бўлган қадар умумийлиги, айрим районлар хўжалик шаклларининг йўналиши, аҳолининг иқтисодий алоқалари ва хўжалик ҳамда маданий

ҳаётнинг бошқа муҳим факторларини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш керак эди.

Марказий Ижроия Комитет кўрсатмаси асосида Ўзбекистонни районлаштириш Комиссияси янги районлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳа кенг омма томонидан муҳокама қилинди. Қишлоқларда бўлиб ўтган икки мингдан кўпроқ мажлисда 250 мингдан ортиқ деҳқон қатнашганини, бунда кўпчилик лойиҳага ўз тузатишларини киритганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя¹⁷⁶.

Янги маъмурий бўлиниш бўйича Ўзбекистон ССРда (Тожикистон АССРдан ташқари) собиқ 7 та область ўрнига 10 та округ: Андижон, Бухоро, Зарафшон, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хўжанд ва Хоразм округлари барпо этилди. Собиқ 23 та уезд ўрнига 87 та район ташкил этилди. 239 та волост тугатилди, қишлоқ советларининг тармоғи 1152 тадан 1730 гача етказилди, яъни 43,3 процент кўпайтирилди¹⁷⁷.

Ўзбекистон ССРни янги районларга бўлиш совет аппарати ишларини яхшилашга, уни аҳолига яқинлаштиришга, унга сарф этиладиган маблағни камайтиришга имкон берди ва республика ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишини таъминлади¹⁷⁸.

3. ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНING БИРИНЧИ СЪЕЗДИ

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралаш ўтказилиши ва янги социалистик республикалар, областлар барпо этилиши туфайли, Туркистон, Бухоро ва Хоразм Коммунистик партияларини қайта тузиш тўғрисидаги масаланинг кўтарилиши табиий эди.

РКП(б) Марказий Комитети Ўзбекистон Коммунистик партияси, Туркменистон коммунистик партияси ва автоном областларда область партия ташкилотлари тузишни зарур деб топди.

Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг партия қурилиши ишчилар синфи ва унинг Коммунистик партиясини бир-биридан ажратиб юбориш учун ҳаракат қилган ҳар хил оппортунистлар ва душманларнинг барча чиқишларига қарши Коммунистик партиянинг курашида яратилган қатъий революцион назарияларга асосланди.

1913 йилда РСФСР МКнинг Поронинода партия ходимлари билан ўтказган «Август» кенгашидаги қарорида кўрсатилишича, «ишчилар синфининг манфаатлари бир давлатдаги барча миллат ишчиларининг бирбутун пролетар ташкилотларига — сийсий, касаба, кооператив — оқартув ва ҳоказо ташкилотлар-

га кириб бирлашишини талаб қилади. Турли миллат ишчиларининг ана шундай бирбутун ташкилотларга кириб бирлашишигина одатда ўзларининг антипролетар ҳаракатларини «миллий маданият» байроғи остида ўтказиладиган халқаро капиталга ва реакцияга қарши, шу билан бирга ҳамма миллат помешчиклари, поплари ва буржуа миллатчиларнинг тарғиботи ҳамда интилишларига қарши пролетариатнинг ғолибона кураш олиб боришига имкон беради».¹⁷⁹

В. И. Ленин ишчилар синфининг ғалабаси, революция ва социализмнинг ғалабаси учун дастлаб ягона партия, Россиянинг ҳамма пролетарларини ягона марксистик партиёга бирлаштирадиган партия зарур деб таълим берган эди.

Ягона, монолит Коммунистик (большевиклар) партиясини тарбиялаб еттиштирган В. И. Ленин миллий чекка ўлкаларда партия ташкилотларининг ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга, уларни большевиклаштиришга алоҳида аҳамият берди. Ўрта Осиёнинг ёш партия ташкилотлари партия Марказий Комитети раҳбарлиги остидагина ўсишлари ва чинкакам марксистик ташкилотлари бўлиб етишишлари мумкин бўлди.

Ўзбекистонда ва Туркменистонда янги барпо этилган Коммунистик партиёлар ягона Россия Коммунистик (большевиклар) партиясининг таркибий ва ажралмас қисми бўлиб ҳисобланди.

Ўзбекистон Компартияси ва Туркменистон Компартияси Украина ва Белоруссиянинг қардош коммунистик ташкилотлари типида ҳамда бошқа қардош коммунистик ташкилотлар типида барпо этилди. РКП(б) VIII съездининг ташкилий масалага оид қуйидаги қарори Ўрта Осиё республикалари коммунистик партиёларининг барпо этилиши учун асос бўлди:

«РСФСРнинг ҳамма қисмларида партиясининг бутун ишга раҳбарлик қилувчи ягона Марказий Комитети билан ягона марказлаштирилган Коммунистик партия мазҳуд бўлиши зарур. РКП ва унинг раҳбар муассасаларининг ҳамма қарорлари партиясининг ҳамма қисмлари учун, уларнинг миллий сўставидан қатъий назар, албатта мажбурий қарорлардир. Украина, латвиш, литва коммунистларининг Марказий Комитетлари, область партия Комитетлари ҳуқуқларига эга бўлиб РКП Марказий Комитетига тамомила бўйсундилар»¹⁸⁰.

Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партиясини РКП(б) Марказий Комитети раҳбарлиги остида ўсган ва мустаҳкамланган собиқ Туркистон, Бухоро, Хоразм коммунистик партиёлари асосида барпо бўлди. Ўрта Осиё Коммунистик ташкилотлари Ленин чақирғи даврида, Ўрта Осиёнинг минглаб ишчилари, батраклари ва меҳнаткаш деҳқонлари партия иши учун, Ленин иши учун ўз ҳаётларини бағишлаб, Коммунистик партиёга қираётган бир даврда у ўз составини ўстирди ва яхши-

лади. Булар маҳаллий миллатларнинг илғор ишчилари ва батраклари эди.

Ленин чақириғига мувофиқ Туркистон Коммунистик ташкилотлари 8113 кишини, шу жумладан 4817 ишчини ва 2402 батракни партия сафига қабул қилди. Партияга қабул қилинган маҳаллий миллатларнинг вакиллари ичидан 65 та хотин-қиз бор эди. Ленин чақириғи туфайли Туркистон Компартияси аъзоларининг сони 47,4 процентга, шу жумладан маҳаллий миллатлар коммунистларининг сони 43 процентга ошди. Ишчи коммунистларнинг сони 1924 йил 1 январда 3038 кишидан иборат бўлса, шу йилнинг 1 сентябрида 8218 кишига етди¹⁸¹.

1924 йилнинг 1 сентябрига келиб Туркистон Компартияси қаторларида 24166 коммунист (11405 партия аъзоси ва 12761 кандидат) бор эди; уларнинг 8218 таси (35 проценти) ишчи, 1088 таси (45 процент) деҳқон, 4559 таси хизматчи эди¹⁸². Бу даврга келиб Туркистон партияси ташкилотлари сафида маҳаллий миллатларнинг вакилларида иборат кўплаб коммунистлар бор эди. Яъни уларнинг 5843 таси ўзбек, 1111 таси туркман, 5436 таси қozoқ, 835 таси тожик эди. Улар миллий кадрларни ўстиришда ва тарбиялашда муҳим роль ўйнадилар.

Куйидаги маълумотлар Бухоро Компартияси сафининг мустақамланганини кўрсатиб турипти (3-жадвал).

3-жадвал

| Бухоро Компартиясининг состави* | 1924 йил 1 январига келиб | Ленин чақиригидан кейин (1924 йил, октябрь) |
|------------------------------------|---------------------------------|---------------------------------------------------------|
| Ижтимоий состави | | |
| Ишчилар | 171 | 489 |
| Деҳқонлар | 732 | 844 |
| Хизматчилар | 510 | 563 |
| Бошқалар | 146 | 330 |
| Жами . . | 1650 | 2226 коммунист |
| Миллий состави | | |
| Ўзбеклар | 837 | 1085 |
| Туркманлар | 164 | 185 |
| Тожиклар | 81 | 108 |
| Бошқа маҳаллий миллатлар | 30 | 40 |
| Руслар | 317 | 549 |
| Бошқалар | 230 | 259 |
| Жами . . | 1659 | 2226 |

* „Правда Востока“, 1924 йил. 10 ноябрь, 250-сон.

Бухоро Компартиясининг сафи асосан ишчилар ҳисобига ўсди. Ишчилар 1 январга келиб коммунистлар умумий сонининг 10,3 процентини ташкил қилган бўлса, Ленин чақирғидан кейин улар 21,9 процентни ташкил этди.

Хоразм коммунистик партиясининг ўсишида ҳам худди шу ҳолни кўриш мумкин.

Бу фактларнинг ҳаммаси Туркистон, Бухоро ва Хоразм коммунистик партияларининг РКП(б) Марказий Комитети бевосита раҳбарлиги остида оғишмай ўсганлигидан далолат беради.

Ўрта Осиё коммунистларини партиявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш соҳасида ҳам муҳим тадбирлар кўрилган эди.

1922 йилда очилган Ўрта Осиё коммунистик университети (САКУ) миллий партия кадрларига марксизм таълимотини берувчи ўчоқ бўлди. 1923 йилда САКУда 433 та коммунист ўқиди.¹⁶⁸ Совет-партия мактаблари очилди, уларнинг олтитаси Туркистонда, иккитаси Бухорода ва биттаси Хоразмда эди. Бундан ташқари, сиёсий савод курслари ҳам очилган эди.

Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг ёш большевиклар ташкилотлари РКП(б) Марказий Комитети раҳбарлиги остида троцкизмга, буржуа миллатчилигига ва улуг давлатчилик шовинизмига қарши олиб борилган қатъий курашда марксистик тарбия мактабини ўтдилар.

Троцкизмга қарши курашнинг ҳамма этапида, шу жумладан 1923 — 1924 йиллардаги мунозара даврида, Туркистон, Бухоро ва Хоразм коммунистик партиялари большевиклар партиясининг асосий йўлидан бордилар ва троцкийчиларга қақшатғич зарба бердилар.

1924 йил ноябрь ойида, Ўрта Осиё республикаларида миллий чегаралаш ўтказилаётган бир даврда Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қорақалпоғистоннинг муваққат партия ташкилий бюрolari тузилган эди.¹⁸⁴ Шу туфайли Туркистон Компартияси Марказий Комитети, Бухоро Компартияси Марказий Комитети, Хоразм Компартияси Марказий Комитети тугатилган эди.¹⁸⁵

Ўзбекистон Коммунистик партиясини барпо қилиш пайтида 465 та бошланғич партия ячейкасини ўз ичига олган 32 та уезд комитети бор эди.¹⁸⁶ Уларнинг 85 таси фабрика- завод ва транспорт ячейкаси, 188 таси қишлоқ ва овул ячейкаси, 173 таси совет муассасалари ячейкаси ва 19 таси ҳарбий ячейка эди.

1924 йил 1 декабрга келиб Ўзбекистон Компартиясида РКП(б)нинг 16371 та аъзоси ва кандидати бор эди. Уша даврда Ўзбекистон Коммунистик партияси сафида 5909 (35,6 процент) ишчи, 6234 (37,49 процент) деҳқон ва 4229 хизматчи, ҳунарманд ва бошқалар бор эди.¹⁸⁷ Тошкент областида ишчи-коммунистлар энг кўпчиликти — 51 процентни, ундан кейин

Самарқанд областида 21,2 проценти, Фарғона областида 15 проценти ташкил этган. Бухоро ва Хоразм партия ташкилотларида эса, ишчи-коммунистлар камчиликни ташкил қилар-эди. Бу партия ташкилотларининг Тошкент ва Самарқанднинг анча кучли партия ташкилотлари билан қўшилиши натижасида улар янада мустаҳкамланди ва соғломлашди.

1924 йил ноябрь ойига келиб Ўзбекистон Коммунистик партиясининг миллий состави қуйидагича эди: ўзбеклар 6883 киши (42,2 процент), руслар 6666 киши (40,7 процент), тожиклар 964 киши (6,8 процент) эди¹⁸⁸. Бу рақамлар Коммунистик партиянинг меҳнаткашлар оммаси ўртасида обрўси баландлигидан, бошқа миллатлар каби, ўзбек меҳнаткашларининг Коммунистик партия сафига киришни истаган энг яхши вакиллари сонининг ошиб боришидан далолат беради.

Бу маълумотлар РКП(б) Марказий Комитетининг миллий партия кадрларини тарбиялаш бўйича зўр ғамхўрлик қилганини ҳам кўрсатади.

Ўзбекистон Компартияси составида турган кўпчилик оддий ишчилардан иборат бўлган рус коммунистлари ёш ўзбек коммунистларини ва бошқа маҳаллий миллатларнинг коммунистларини марксизм-ленинизм руҳида тарбиялашда ва чиниқтиришда катта ёрдам бердилар.

Республика муваққат раҳбар партия органи бўлган Ўзбекистон Компартияси Ташкилий бюроси Ўзбекистон Коммунистик партияси I съездига, шунингдек Республика Советлари Таъсис съездига тайёрлик ишларини олиб борди. Ўз КП(б) Ташкилий бюросининг 1925 йил 22 январда бўлиб ўтган Пленуми республика партия ва совет съездларининг докладлар тезисларини, резолюция лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларини кўриб чиқди ва тасдиқлади¹⁸⁹.

Ўзбекистон КП(б) Ташкилий бюроси Ўзбекистон марказий совет органлари — халқ комиссарликлари, бошқармаларни тузиш бўйича муҳим ишларни бажарди, улар учун кадрлар тўплади. У Ўзбекистон ССРнинг ҳамма еттига областида тузилган қуйи совет аппарати ишларини қайта қуришга оид тадбирларни амалга ошира бошлади. Мана шу мақсадда Ўзбекистон КП(б) Ташкилий бюросининг съезд олди Пленуми шаҳарларда ишловчи 300 га яқин ходимни қуйи ишларда ишлаш учун областларга, шу жумладан 100 кишини Тожикистоннинг узоқ районларига юборишга қарор берди.¹⁹⁰

Ташкилий бюро касаба союзлари, «Қўшчи» союзи ва Ўзбекистон ССР комсомол ташкилотларини тузиш планини ҳам белгилади.

РКП(б) Марказий Комитети Ўзбекистон ва Туркменистон компартиялари ва Ўрта Осиёнинг область партия ташкилотларини тузиш ва мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берди.

Партия ва совет раҳбар органларини барпо этиш ишида компартияларга бевосита ёрдам бериш учун РКП(б) Марказий Комитети Коммунистик партия ва Совет давлатининг кўзга кўринган арбобларидан бири Михаил Иванович Калининни Ўрта Осиёга юборди.

М. И. Калинин 1925 йил 2 февралда Тошкентга келди. Шаҳарнинг ва теварак-атрофдаги қишлоқларнинг ўн минглаб меҳнаткашлари Бутуниттифоқ оқсоқолини зўр шодлик билан кутиб олдилар.¹⁹¹

М. И. Калинин Ўрта Осиё халқларининг ҳаёти билан яқиндан танишиб чиқиш мақсадида бир ярим ой давомида Ўзбекистон ва Туркменистоннинг асосий районларини айланиб чиқди; Самарқанд, Бухоро, Ашхабод, Фарғона, Қўқон, Андижон ва бошқа жойларда бўлди; меҳнаткашларнинг митингларида, мажлисларида, турли конференцияларида қайта-қайта сўзга чиқди, Ўрта Осиёнинг деҳқонлари ва ишчиларининг минглаб вакиллари билан суҳбатлар ўтказди. У деҳқонларнинг турмуши, хусусан уларнинг ерлари, ирригациялари, маданиятлари ва бошқа масалалари билан қизиқди, қимматли кўрсатмалар берди.¹⁹²


1925 йил 6 февралда Бухоро шаҳарида Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партиясининг I съезди очилди. Унинг ишларида М. И. Калинин ҳам иштирок этди. Съездага партиянинг 16570 аъзоси ва кандидати номидан халқ қилувчи овозга эга бўлган 294 делегат, маслаҳат овозига эга бўлган 95 делегат қатнашди.¹⁹³

Партиянинг I съездида қуйидаги масалалар муҳокама қилинди: Совет Иттифоқининг халқаро ва ички аҳволи тўғрисида, Ўзбекистон КП(б) Ташкилий бюросининг ҳисобот доклади ва республика партия ташкилотларининг галдаги вазифалари, деҳқонлар ўртасида ишлаш тўғрисида, Ўзбекистоннинг хўжалик аҳволи тўғрисида, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳақида, хотин-қизлар ўртасида ишлаш ва бошқалар ҳақида.

Ўзбекистон Компартияси I съезди РКП(б) Марказий Комитетининг И. В. Сталин имзоси билан юборилган табрик телеграммасини зўр шодлик билан кутиб олди. «Ўзбек ерларининг бир республикага бирлаштирилиши,— дейилган эди телеграммада,— бутун Шарқ учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Агар деҳқонларнинг аҳволи тубдан ўзгартирилса, майда ижарачилар, бойлар асоратидан озод қилинса, бу республика Шарқда зўр кучга айланиши мумкин.

Бу вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон коммунистлари ўз кучларини аямасликларига ишонаман.



Б-расм. М, И. Калининнинг Тошқетга келиши муносабати билан 1925 йил, 2 февралда Тошқент воқзалинда бўлиб утган митинг.

Яшасин Ўзбекистон Коммунистик партияси¹⁹⁴.

Съезд РКП (б) Марказий Комитети номига ўз мактубида Ўзбекистон коммунистлари Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда Шарқдаги Советлар ҳокимиятининг илғор постида турувчи чинакам коммунистик, большевистик партия тузиш, ҳақиқий ленинчилардан иборат раҳбар кадрлар тайёрлаш учун кучларини сарфлайдилар деб тананали ваъда берди¹⁹⁵.

Мактубнинг давомида Ўзбекистон Коммунистик партияси Россия Коммунистик партияси Марказий Комитети раҳбарлиги остида ўз олдида турган масъулиятли вазифаларни шараф билан бажаришига ишонч билдирилади¹⁹⁶.

Партия съезди Коммунистик Интернационалдан, «Правда» газетасидан, М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Д. З. Мануильский, Қлара Цеткинлардан табрик телеграммалари олди. Партия ва Коммунистик Интернационал раҳбарларининг бу телеграммаларида Ўрта Осиё миллий чегаралаш ва Ўзбекистон ССР нинг барпо этилиши буюк тарихий аҳамиятга эга эканлиги қайд қилинади¹⁹⁷.

М. В. Фрунзе Ўрта Осиё коммунистларининг асосий вазифасини кўрсатиб, «Ўзбеклар, туркманлар, тожиклар, қирғизларнинг янгидан барпо этилган миллий республикалари қўшни халқлар учун ибратли намуна бўлиб қолди...», деб ёзган эди¹⁹⁸.

Англия Коммунистик партиясининг вакили I съездни табриклаб сўзга чиқди. У ўз нутқида миллий-мустамлака зулми ҳукм сураётган инглиз мустамлакаларидаги оғир аҳволга тўхталиб ўтди, ва озод Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари чет эл Шарқи халқларига ўрناق кўрсатишга, уларни мустамлака қуллигидан қутилиш учун курашида илҳомлантиришларига ишонч билдирди.

Ўзбекистон коммунистларининг I съезди М. И. Калининнинг кун тартибидаги биринчи масала — Совет Иттифоқининг халқро ва ички аҳвол тўғрисидаги масала юзасидан қилган докладыни зўр қизиқиш билан тинглади¹⁹⁹. М. И. Калинин ўз докладада бутун Совет Иттифоқининг 1924—1925 йиллардаги халқро ва ички аҳволини чуқур анализ қилиб берди ва бу докладда Ўзбекистон коммунистлари олдида турган кечиктириб бўлмайдиган вазифаларнинг кенг программаси белгилаб берилди.

1925 йил Совет Иттифоқининг халқро мавқеи ўсиши билан характерланди. Капиталистик мамлакатлар бизнинг мамлакатимиз билан дипломатик ва ҳўжалик алоқалари ўрнатилгашга мажбур бўлдилар.²⁰⁰

Дастлаб, бизнинг ички муваффақиятларимиз бунга сабаб бўлган эди. Бу муваффақиятлар бизнинг халқро аҳволимизнинг яхшиланишига энг кучли таъсир қилган эди.

СССРнинг sanoati va қишлоқ хўжалиги анча ривожланди, улар урушдан олдинги даражага яқинлашди. Халқ хўжалигини тиклаш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар савдони ривожлантиришда мамлакат меҳнаткаш оммасининг моддий-маиший аҳволини яхшилашга ижобий таъсир этди.

Халқ душманлари — троцкийчилар партияни бузиш ва издан чиқаришга уриниб кўрдилар, ишчилар ва деҳқонлар иттифоқининг бўлиши, СССРда социализмнинг ғалаба қилиши мумкин эмас деган ёт, контрреволюцион идеяни партия ичига олиб кирдилар. Аммо партия троцкизмга қақшағич зарба берди. Троцкийчилар тор-мор қилинди.

М. И. Калинин миллий масалага, миллатчиликка қарши кескин кураш олиб бориш зарурлигига, умумий мақсад йўлида ҳамма совет республикалари ўртасидаги иттифоқнинг мустаҳкамланишига ва Совет Ватанининг кўп миллионли халқларини бирлаштириш учун мавжуд ҳамма имкониятлардан фойдаланиш зарурлигига алоҳида аҳамият берди.

РКП(б) Марказий Комитетининг М. И. Калинин докладада ўз ифодасини топлан кўрсатмалари миллий чегаралашнинг ва Ўзбекистон ССР барпо этилишининг аҳамиятини тўғри баҳолашда, Ўзбекистон меҳнаткашлар оммасини Совет Иттифоқининг бошқа ҳамма халқлари билан янада жипслаштиришда Ўзбекистон коммунистларига ёрдам берди.

М. И. Калинин Ўзбекистон Коммунистик партиясининг келгусидаги асосий вазифаларига ўтиб, ўзбек деҳқонларига муносабат, деҳқонлар хўжалигини юксалтириш, деҳқон ёшларини тарбиялаш ва хотин-қизлар орасида иш олиб бориш тўғрисидаги масалаларда тўхтаб ўтди.

Ўзбекистон КП(б) I съездида М. И. Калинин доклади юзасидан музокарага чиққан ҳамма делегатлар РКП(б) Марказий Комитети бош йўли билан бирдамликларини ва ҳамкорликларини изҳор қилдилар. Съезд партия Марказий Комитетининг фаолиятини бутунлай маъқуллади ва РКП(б) Марказий Комитети январь Пленумининг троцкизмга қарши партиянинг ички аҳволи тўғрисидаги қарорига тўлиқ қўшилганини изҳор қилди. Съезд деҳқонлар аҳволини янада яхшилашда ва мамлакатимизнинг ишчилар синфи билан деҳқонлари ўртасидаги иттифоқни мустаҳкамлашда РКП(б) Марказий Комитетининг тутган йўлининг тўғрилигини зўр мамнуният билан қайд этди. Съезд партиянинг йўлига қўшилиб, уни партиянинг ҳамма ишига асос қилиб олди ва ишчи-деҳқонлар иттифоқи масаласи Ўзбекистон Коммуни-

тик партиясининг ҳамма партия ташкилотлари ва айрим коммунистлари томонидан муҳокама қилиниши ва яхши ўзлаштирилиши керак деб маълум қилди²⁰¹.

Съезд Ўзбекистонда партиянинг галдаги вазифалари тўғрисидаги масалада партия ташкилотларини ва партия қаторлари бирлигини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берди.²⁰² Съезд Ўзбекистон КП(б)нинг бир қанча ташкилотларида партия ичидаги группировкалар ҳали ҳам узил-кесил битирилмаганини қайд қилиб, «Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетини бутун партия ёрдамида группалар курашини тезда тугатишга» чақирди.²⁰³

Ўзбекистон Компартиясининг I съезди миллий масалага оид зарарли оғмачилик — маҳаллий буржуа миллатчилиги ва великорус шовинизмини қаттиқ қоралади. Бунда съезд айниқса Урта Осиёни миллий чегаралаш даврида активлашган буржуа миллатчилигига қарши зарба берди. Янги иқтисодий сиёсат шароитида, Ўзбекистон деярлик деҳқонлар мамлакатидан иборат бўлган бир даврда буржуа миллатчилари оммавий онгини пантуркизм, панисломизм ва миллатчилик ғоялари билан заҳарламоқчи бўлдилар. Съезд Ўзбекистон Коммунистик партияси «кенг омманинг миллий онгининг ўсишини Улуғ ССР Иттифоқининг тенг ҳуқуқли ажралмас қисми бўлган Совет Социалистик Ўзбекистонни барпо этиш йўлига қаратиб, бундай душман тенденциялар узил-кесил тугатилиши керак» лигини қатъий қайд қилди.

Съезд Ўзбекистон коммунистларининг меҳнаткашлар оммаси ўртасида пролетарлар интернационализми руҳидаги сиёсий-тарбиявий ишлар олиб боришга ва Ўзбекистоннинг ишчилари ҳамда деҳқонлари билан бутун Совет Иттифоқининг ишчилари ҳамда деҳқонлари ўртасида қардошларча ҳамкорлик ўрнатишга чақирди²⁰⁴.

Ўзбекистон Коммунистик партияси I съездида муҳокама қилинган асосий масалалардан бири республика қишлоқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш ҳамда меҳнаткаш деҳқонларнинг аҳволини яхшилаш тўғрисидаги масала эди.

Улуғ Октябрь революцияси меҳнаткаш деҳқонларни қўлчиликнинг турли кўринишларидан ва қашшоқликдан озод бўлиш йўлини бошлаб берди бахтли ҳамда фаровон ҳаётга кенг йўл очди. Совет Иттифоқининг ҳамма деҳқонлари каби, ўзбек деҳқонлари ҳам оммага яқин бўлган Совет ҳокимиятигина меҳнаткаш деҳқонлар аҳволини яхшилашда ғамхўрлик қилишини тушундилар. Ерларни национализация қилиш тўғрисидаги декрет Совет ҳокимиятининг меҳнаткашларга чинакам эркинлик берган дастлабки тарихий ҳуж-

жатларидан бири ҳисобланади. 1920/1921 йилда Туркистонда дастлабки ер ислоҳоти давридаёқ республиканинг деҳқонлари ва чорвачилари ўз хўжаликларини анча тиклаб олдилар. Кейинчалик эса, ер тузиш ишлари олиб борилди, ирригация аста-секин ривожланди, қишлоқ хўжалиги тиклана бошлади, қишлоқ хўжалик кооперацияларини тузиш ишлари бошланди.

Республикада қишлоқ хўжалик кооперациялари ўсди ва ривожланди, яъни 1925 йилнинг 1 январиди 646 та ширкат бўлиб, уларда кооперацияга биркирилган 161 минг деҳқон хўжалиги бор эди²⁰⁶.

Партиянинг янги иқтисодий сиёсатини амалга оширишга оид сиёсати қишлоқларда ҳам ўзини оқлади. Қишлоқ хўжалигининг маҳсулдорлиги ва кенг деҳқонлар оммасининг фаровонлиги аста-секин ва тўхтовсиз юксала бошлади. Бу тадбирлар натижасида экин майдонлари кенгайди, камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларнинг меҳнат ва сиёсий активлиги ошди, ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги иттифоқ мустаҳкамланди.

Республика партия ташкилотлари олдида қишлоқлардаги меҳнаткаш омманинг моддий фаровонлигини тубдан яхшилаш ва сиёсий ҳамда маданий савиясини ўстиришга оид муҳим вазифалар турар эди.

1920/1921 йилдаги ер ислоҳоти ва кейинчалик Туркистон АССРда ер тузиш ишлари меҳнаткаш деҳқонларни ер билан таъминлаш масаласини тўлиқ ҳал қила олмас эди. Босмачиларга қарши кураш ва халқ хўжалиги вайронлиги ер муносабатларини тартибга солишда катта рол бўлиб қолган эди.

Ўзбек қишлоқларида тугатилмаган помешчик хўжаликларининг бир қисми ҳали яшамоқда эди. Кўпчилик бой-кулак хўжаликлари қўлида белгиланган нормадан ортиқ ер бор эди.

Ўзбекистоннинг баъзи жойларида, қонуннинг ман қилишига қарамай, ерни сотиб олиш ва сотиш ишлари давом қилар эди. Бухорода эса, бу иш БХСРнинг ер қонунига мос келар эди. Ерларнинг бир қисми деҳқончилик билан алоқаси бўлмаган шаҳар савдогарлари, судхўрлар қўлига ўтиб қолган эди. Улар ўзлари қўлга киритган ерларни катта даромад бадалига ери кам деҳқонларга ижара берар эдилар. Ўзбекистон ССР ҳукуматининг ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети Президиуми мажлисидаги (1926 йил 15 октябрь) докладда қайд қилинишича, эски бой-судхўрлик муносабатлари қолдиқларининг сақланиши қишлоқ хўжа-

лигида тўпланган моддий бойликларни талон-тарож қилишга олиб келди²⁰⁶.

Ўзбекистон қишлоқларида сақланиб қолган эски тузум қолдиқлари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига тўсқинлик қилар ва қишлоқларни социалистик қайта қуриш ишида зўр ров эди. Бу тўсқинликларни йўқотмай ва деҳқонлар аҳволини яхшиламай туриб республика халқ хўжалигини юксалтириб бўлмас эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон коммунистлари олдига кечиктириб бўлмайдиган жанговар вазифалар: майда ижарачиларни бойлар асоратидан қутқариш ва меҳнаткаш деҳқонлар оммасининг аҳволини яхшилаш вазифалари қўйилган эди.

Коммунистик партия ва унинг доҳиси В. И. Ленин деҳқонларни асрий қолоқликдан, қашшоқликдан ва хонавайронликдан қутқариш йўли — қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йўлини ишлаб чиқдилар ва асосладилар. Совет давлатининг ёрдамида қишлоқларни социалистик асосда ривожлантириш керак эди ва бу ишни бутунлай амалга ошириш мумкин эди.


Партия ленинча кооперативлаштириш планини оғишмай амалга оширди. Бу план меҳнаткаш деҳқонларнинг социализмга томон боришида ягона восита эди.

Коммунистик партиянинг кўрсатмаларига мувофиқ деҳқонлар масаласини ҳал қилиш, меҳнаткашлар оммасини кооперацияларга бирлаштириш ва уларни мамлакатнинг ижтимоий ҳаётига актив жалб қилиш Ўзбекистонни ривожланишнинг капиталистик босқичини ўтмай, социализмга томон боришида муҳим шартлардан бири ҳисобланар эди.

М. И. Калинин деҳқонлар масаласининг айниқса муҳимлигини қайд қилиб шундай деган эди: «Компартиянинг I съезди Марказий Комитетни сайлаши лозим, ва мен бу Марказий Комитет ўзбек деҳқонларига муносабатда тўғри йўл тутишини ва Ўзбекистонни... жуда ривожлантиришини чин қалбимдан истайман...»²⁰⁷

Съезд делегати Йўлдош Охунбобоев Фарғона меҳнаткашлари номидан сўзлаган ўз нутқида Фарғона области 5—6 йил давомида босмачилар томонидан вайрон қилингани, эндиликда Совет давлати ёрдамида ўз хўжалигини аста-секин тиклаётгани ҳақида гапирди. У хўжаликни тиклашга, шу жумладан Фарғона водиси хўжалигини тиклашга, ва Коммунистик партия томонидан белгиланган ер ислоҳотини тезда ўтказилишига аҳамият берилишини съездан сўради.

Фарғона деҳқонларининг Қизил Байроғини съездга топширар экан, Й. Охунбобоев шундай деган эди: «Ўз байроғини топшираётган Фарғона батраклари ва деҳқонлари шаҳарларнинг ишчилари билан қишлоқларнинг деҳқонларини яқинлаштириш тўғрисидаги Ильич васиятини бажаришни съездан кутади»²⁰⁸.



7- расм. М. И. Калинин деҳқонлар уйида Тошкенг шаҳари меҳнат кашларига қарата нутқ сўзламоқда.

Ўзбекистон Компартияси I съезди республиканинг ҳамма партия ташкилотларидан партия XIII съездининг қишлоқлардаги ишлар тўғрисидаги қарорини оғишмай амалга оширишни талаб қилди. Съезд ишчилар синфининг иттифоқчиси бўлган деҳқонлар масаласининг муҳимлигини эътироф этишни таклиф қилди. Бунда у «бутун бир тарихий давр учун асосий масала — ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги иттифоқни амалга оширишни» асос қилиб олди²⁰⁹.

Ўзбекистон Компартияси I съезди қарорларида республика партия ва совет ташкилотларининг деҳқонлар ўртасида олиб бориладиган ишларга оид кечиктириб бўлмайдиган асосий вазифалар қилиб қуйидагилар белгиланди:

а) ер масалаларини ҳал қилиш бўйича камбағал деҳқонлар манфаатини кўзлаган ҳолда тайёрлик ишларини олиб бориш; ер ислоҳоти ўтказилишини тезлаштириш;

б) кооперацияларнинг ҳамма турларини — қишлоқ хўжалик, матлубот ва ҳунармандчилик кооперацияларини ривожлантириш; қишлоқ хўжалик кооперациялари, Қишлоқ хўжалик банкasi ва Пахта комитетининг фаолиятини камбағал ва ўрта ҳол деҳқонлар манфаатига янада яқинлаштириш; қишлоқларда давлат ва кооператив савдосини ривожлантириш;

в) соф, ишга қобилиятли, камбағаллар ва ўрта ҳол кишиларга яқин бўлган қуйи совет аппаратини тузиш;

г) камбағал ва ўрта ҳол деҳқонлар ҳамда батракларнинг ташкилотлари, яъни «Қўшчи» ва Ер-ўрмон ишлари союзларини партиянинг қишлоқдаги таянчи сифатида мустаҳкамлаш;

д) қишлоқларнинг партия ва комсомол ячейкалари ишларини жонлантириш, уларни янги кучлар билан тўлатиш ва қишлоқлардаги ячейкалар ишларига раҳбарликни кучайтириш;

е) нодонлик ва жаҳолатга қарши мурасасиз кураш олиб бориш ва деҳқонлар оммасининг маданий савиясини ҳартомондама кўтариш²¹⁰.

Съезд муҳим оммавий ташкилотлардан бири бўлган, камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларни партия билан боғлаган «Қўшчи» союзи ишларини яхшилаш бўйича бир қанча амалий тадбирлар белгиледи.

Партиянинг қишлоқлардаги таянчи бўлган «Қўшчи» союзи қишлоқ ва овуллар меҳнаткашларини уюштириш ва тарбиялашда муҳим роль ўйнади. 1925 йил июль ойида Ўзбекистонда «Қўшчи» союзининг 200 минг кишига яқин аъзоси бор эди.

«Қўшчи» союзининг икки асосий вазифасини: биринчидан, қишлоқ ва овуллардаги кулак-бой гуруҳларнинг зўравонлигига қарши камбағаллар ва ўрта ҳол хўжаликларни уюштиришда унинг олиб борган ижтимоий-сиёсий ишларини, иккинчидан, деҳқонлар аҳволини яхшилаш, ер тузиш ишларини ўтказиш, кооперацияларни ривожлантириш ва ўзаро ёрдамни уюштириш ишларида партия ва совет органларига ёрдам бериш бўйича ташкилий ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин²¹¹.

Аммо баъзи жойлардаги «Қўшчи» союзига ҳам бой-кулак туруҳлар кириб қолган эди; улар камбағалларга қарши курашиш мақсадида союз ташкилотидан фойдаланган эдилар. Иккинчи томондан, «Қўшчи» союзининг раҳбар комитетларида «Қўшчи» союзи ишларини Советлар ишлари билан алмаштириш керак деган зарарли тенденция ҳукм сурар эди. Ўзбекистон КП(б) I съезди «Қўшчи» союзининг бир қанча ташкилотлари ишларида бўлган бундай ормачиликни қаттиқ қоралади. Съезд «Қўшчи» союзини душман гуруҳлардан тозалаб, уни меҳнаткаш деҳқонларнинг ҳақиқий ташкилотига айлантириш, бунинг учун унинг составини қайта кўриб чиқиш, қишлоқда ҳам шаҳарда ҳам меҳнаткашларни «Қўшчи» союзи аъзолигига тортишни, уларни совет ва хўжалик ишларига жалб қилиш ишини кучайтириш, союзнинг кооперациялаш ҳамда қишлоқнинг маданий савиясини оширишдаги ишини жонлантириш йўлида туришни таклиф этди²¹².

Ўзбекистонда 1930 йилгача яшаб келган «Қўшчи» союзи қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштиришга ўтиш даврида қишлоқларни социалистик қайта қуришда партиянинг асосий таянчи бўлди.

Ўзбекистон Компартияси I съезди хўжалик қурилиши масаласида қишлоқ хўжалигини, дастлаб Совет Иттифоқини пахтага бўлган қарамлигини тугатиш учун пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришни асосий вазифа қилиб қўйди. Съезд саноатни тиклаш ва уни ўстириш, шунингдек давлат ва кооператив савдосини ривожлантириш ҳамда хусусий савдогарларни бутунлай тугатишга оид қатъий тадбирлар қўллашни таклиф этди²¹³.

Съездда ташвиқот-тарғибот ишларига оид масалалар ҳам муҳокама қилинди. Съезд бу даврда республика партия ташкилотлари ташвиқот ишларининг асосий мазмуни Совет Иттифоқининг ташқи ва ички аҳволини меҳнаткашлар оmmasига мунтазам равишда аниқ тушунтириш, Урта Осиёда Октябрь революциясининг кейинги босқичи бўлган Урта Осиё миллий-давлат чегаралашининг аҳамияти ва вазифаларини тушунтириш; ёш Ўзбекистон ССРнинг ривожланиш йўллари ва унинг меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни оmmалаштириш; меҳнаткашлар оmmasининг доҳиси сифатида Коммунистик партиянинг ролини оmmaга тушунтиришдан иборат бўлишини қайд қилди.

Съезд Ўзбекистон коммунистларини совет ҳокимиятини янада мустаҳкамлаш йўлида агитация ишларини олиб боришга, мамлакатни социалистик ривожлантириш йўлида партия ва Совет ҳокимиятининг муҳим тадбирларини оmmaга тушунтиришга чақирди.

Ўзбекистон КП(б) I съезди хотин-қизлар ўртасида имолиб бориш масаласини алоҳида муҳокама қилди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси хотин-қизларни асоратга солган занжирни парчалаб ташлади, хотин-қизларни эрлар билан тенг ҳуқуқлигини таъминлади ва совет хотин-қизларига ижодий юксалишнинг кенг йўлини очиб берди. Аммо партия ва совет ташкилотлари олдида хотин-қизлар ўртасида ишлаш, хотин қизларга нисбатан эски, бой-феодалларча муносабатда бўлиш қолдиқларини тугатишга оид муҳим вазифалар турар эди.

Маҳаллий миллатларнинг хотин-қизлари ижтимоий ҳаётга ҳали кенг тортилмаган, партия ва совет қурилишига етарли жалб қилинмаган эди. Руҳонийлар ва бойлар хотин-қизлар ҳуқуқини поймол қилиш ва актив хотин-қизларга қарши террор уюштириш учун ҳаракат қилдилар.

Ўзбек хотин-қизларининг аҳволини қунт билан ўрганган М. И. Калинин съездда сўзлаган нутқида бу соҳадаги катта хатоларни кўрсатиб ўтди ва Ўзбекистон коммунистларини хотин-қизларни партиясга, советга, ижтимоий ишга жалб қилиб, улар ўртасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтиришга чақирди.

«Мен ўйлайманки, ўртоқлар, — деган эди у, — биз ўзбек хотин-қизларига етарли аҳамият бермагунимизча, хотин-қизлар бизнинг партиямизда актив қатнаштирилмагунча, улар қишлоқларга бермагунча, деҳқонларнинг маданияти қолақ бўлади... Инсониятнинг фақат эркак қисмининггина маданиятини юксалтириш ярамайди. Маданиятни айниқса хотин-қизлар ўртасида кўтариш керак»²¹⁴.

Съезд шаҳар ва қишлоқларда хотин-қиз активларини тузишга, уларни партиясга, давлат қурилишига ва делегатлар йиғилишларига жалб қилишга оид амалий тадбирлар қабул қилиш зарурлигини қайд этди. Съезд амалий вазифа сифатида «Хотин-қизлар қатнаштирилмаган битта ҳам Совет, Ижроия Комитет, кооператив правлениеси, ўзаро ёрдам комитети. «Қўшчи» союзи бўлмасин» деган шиор ташлади²¹⁵. Бу шиор Ўзбекистоннинг партия ташкилотлари томонидан амалга оширилиши керак эди.

Съезд хотин-қизлар ўртасида маданий-тарбиявий ишларни ҳартомонлама яхшилашни: хотин-қизлар учун мактаб ва клубларни кўпайтириш, уларни профессионал ўқув юртларига кўплаб жалб қилишни ҳам таклиф этди²¹⁶.

Шунингдек, Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партияси I съезди республика комсомол ташкилотлари ишларига ва ёшлар тарбиясига алоҳида аҳамият берди.

1924 йил декабрь ойига келиб Ўзбекистон комсомолининг 30211 аъзоси бор эди. Уларнинг 22,5 проценти ишчи, 39,7 проценти деҳқон, 17,2 проценти батрак, 5,3 проценти хизматчи ва бошқа касб эгалари эди²¹⁷. Республикада жами 510 та комсомол ячейкаси тузилган эди²¹⁸.

1919 йилда Коммунистик партия раҳбарлиги остида тузилган Ўзбекистон комсомоли коммунистик тарбиянинг бой мактабини ўтди ва шаҳар ҳамда қишлоқларда партиянинг кучли таянчи ҳисобланди.

Миллий-давлат чегаралаш итказилиши ва Ўзбекистон ССР барпо этилиши даврида комсомол ташкилотлари юзлаб агитатор ва суҳбат ўтказувчиларни юборди. Улар партия ва ҳукумат қарорларини меҳнаткашларга тушунтирдилар. Тошкент ва Самарқанд комсомол ташкилотларининг ўзига 21 та агитация бригадасини тузди²¹⁹.

Аммо бу даврда Ўзбекистон комсомол ташкилотлари ишларида ҳали катта хатолар бор эди. Комсомол ячейкаларининг асосан шаҳарларда тузилиши асосий хатолардан бири эди; қишлоқ ёшлари комсомол сафига етарли жалб этилмаган эди.

Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партияси I съезди комсомолларга раҳбарликни кучайтириш, коммунистлар таъсирини ошириш ва комсомоллар ичида партиячилар сонини кўпайтиришни партия ташкилотлари олдига вазифа қилиб қўйди. Съезд, асосан ишчилар, батраklar, камбағаллар ва ўрта ҳол деҳқонлар ҳамда меҳнаткаш ёш интеллигенциянинг энг илғор қисмидан иборат бўлган янги аъзолар ҳисобига комсомоллар составини кўнт билан тартибга солишни зарур деб топди²²⁰.

Ленинча Коммунистик Ёшлар Союзининг 1925 йил апрель ойида бўлиб ўтган I съезди Ўзбекистон ЦК(б) I съезди қарорини амалга оширишга оид конкрет тадбирларни ишлаб чиқди.

ВЛКСМнинг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон комсомоли Коммунистик партия раҳбарлиги остида республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида янада активроқ қатнаша бошлади.

Ўзбекистон Коммунистик (большевиклар) партияси I съезди Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетини сайлади. Марказқум советига 67 киши аъзо бўлиб сайланди. Булар орасида Охунбоев, Балашев, Болтаев, Глазков, Зеленский, Знаменский, Иванов, Икромов, Раҳимбоев, Ризоев ва бошқа ўртоқлар бор эди. Ўзбекистон Марказий Комитети аъзолигига 26 киши Султонхўжа Қосимхўжаев, Ғойибжонова, Али Исамухамедов ва бошқа ўртоқлар сайландилар.

Съезд Ўзбекистон компартияси Ревизия комиссиясини ва марказий контроль комиссиясини сайлади.

Съезд қизил аскарларга, ишчиларга, деҳқонларга ва батрақларга қарата мурожаат қабул қилди²²¹. Съезд, граждандар урушини тугаллаш ва республикада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда қўлга киритилган ютуқларни қайд қилиб, мамлакатнинг хўжалигини, маданиятини ва мудофаа қувватини юксалтириш ва мустаҳкамлашга чақирди.

Мурожаатда ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини ҳар-томонлама мустаҳкамлаш, шаҳарни қишлоқ ва овул билан яқинлаштириш зарурлиги алоҳида қайд қилиб ўтилган эди.

Съезд ишонч билдириб айтадики, коммунистик партия байроғи остига жиқлашган республиканинг меҳнаткаш оммаси коммунизм қурилиши йўлидан оғишмай боради.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг I съезди Ўзбекистон большевистик ташкилотларини барпо этиш ва ривожлантиришда муҳим босқич сифатида тарихга кирди. Бу таъсис съезди эди. У Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ажралмас таркибий қисми бўлган Ўзбекистон Коммунистик партиясини ташкилий томондан тузди.


Шунинг билан бирга съезд, партия Марказий Комитети кўрсатмаларига амал қилиб, Ўзбекистон ССРни ривожлантиришнинг асосий масалалари, партия қурилиши, халқ хўжалигини тиклаш, республика комсомол ташкилотлари ишини яхшилаш ва Совет ҳокимиятининг органларини янада мустаҳкамлашга оид муҳим қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси ҳақиқатан ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жанговар отрядларидан бири эди ва шундай бўлиб қолади.

4. ЎЗБЕКИСТОН ССР СОВЕТЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ТАЪСИС СЪЕЗДИ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКА СИФАТИДА ССР ИТТИФОҚИ СОСТАВИГА КИРИШИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси I съезидан кейин республика Советларининг I Таъсис съезди бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССРни ССР Иттифоқининг таркибий қисми сифатида қонуний равишда расмийлаштириш, ҳокимиятнинг раҳбар давлат органларини тузиш, хўжалик ва совет қурилишининг муҳим масалаларини муҳокама қилишдек муҳим масалалар съезд олдида турар эди.

1925 йил 13 февралда Бухорода Ўзбекистон ССР Советларининг I съезди очилди. Съездга 598 та делегат қатнашди, уларнинг 517 таси ҳал қилувчи овозга ва 81 таси маслаҳат овозига эга эди. Делегатларнинг 25 таси аёллардан



8-расм. Қўқон шаҳри меҳнатқашларининг Ўзбекистон ССР барпо этилишига бағишланган намоёйиши.
1925 йил, февраль

иборат эди. Делегатларнинг 193 таси ишчи, 246 таси деҳқон, 83 таси хизматчи ва фан ходими, 76 таси ўқувчилар эди.

Съездга республикадаги ҳамма миллатларнинг вакиллари қатнашди, уларнинг 404 таси ўзбек, 66 таси тожик, 65 таси рус, 5 таси қирғиз ва 48 таси бошқа миллатлардан иборат эди²²².

Советлар I съездини ишчилар, деҳқонлар, хунармандлар, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг кўпсонли делегациялари табриклади.

Ўзбекистонни оталиққа олган Москва ишчилари ҳамда ишчи, деҳқон ва қизил аскар депутатларининг Москва Совети делегацияси Советлар съездига етиб келди. Делегация Ўзбекистон ССР барпо этилганини қизғин табриклади. У қишлоқ хўжалигини, айниқса унинг асосий ва муҳим тармоғи — пахтачиликни юксалтириш ишида пойтахт ишчилари ҳартомонлама ёрдам берадилар, деб маълум қилди.

Делегация Совет мамлакатининг тўқимачилик саноатини юксалтиришда Ўзбекистон пахтаси муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд қилиб ўтди.

Советлар съезди, Ўзбекистон халқлари истаklarини ифодалаб, муҳим тарихий ҳужжат — «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини барпо этиш тўғрисидаги Декларация»ни балад рух билан қабул қилди²²³. Декларация Ўзбекистон ССР тузилганини қонуний равишда расмийлаштирди ва Ўзбекистоннинг Иттифоқчи республика сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи составига ихтиёрий равишда киришини бутун дунёга маълум қилди.

Декларацияда, фақат Октябрь революциясигина меҳнаткашларнинг капиталистлар ва помещиклар зулмидан озод қилди ва уларга давлат бўлиб ажралиб чиқишгача ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берди, фақат Советлар оиласида, пролетарлар диктатураси шароитида миллий зулмни таг-томири билан тугатиш, ўзаро ишонч ўрнатиш ва халқларнинг қардошларча ҳамкорлиги асосини яратиш имконияти тувилди, деб қайд этилди. Совет ҳокимиятининг ғалабаси ва Коммунистик партия миллий сиёсатининг оғишмай амалга оширилиши туфайли, ўзбек халқи тарихда биринчи марта ўз давлат тузуми — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини барпо этди.

Ишчи, деҳқон, қизил аскар депутатлари Советлари I Бутун Ўзбекистон съезди Ўзбекистоннинг ҳамма халқлари номидан қўйидагиларни маълум қилди: «ишчи ва деҳқонларнинг бутун социалистик ватани ташқи ва ички хавфдан ҳимоя қилишга қаратилган дунё бирдамлиги учун, хўжаликни тезда йўлга қўйиш ва юксалтириш йўлида СССРда яшовчи халқлар-

нинг бутун кучларини бирлаштириш мақсадида, ва халқларнинг қардошларча ҳамкорлиги асосида мамлакатнинг ишлаб чиқариш кучларини юксалтириш учун ўзбек халқи меҳнаткашлар оммаси ўзининг ССР Иттифоқига тўла ҳуқуқли аъзо ҳуқуқида ва СССР I съездининг хавфсизликни ва халқларнинг миллий ривожланиш эркинлигини таъминловчи декларацияси асосларида ихтиёрий равишда кириши тўғрисидаги қатъий қарорини бутун дунё олдида маълум қилади»²²⁴.

Ўзбекистон Советлари I съезди муҳим масалаларни муҳокама қилди ва республикада хўжалик қурилиши, қўйи совет аппарати, халқ маорифига оид қарорлар қабул қилди.

Советлар съезди республикада давлат ҳокимиятининг раҳбар органи — 160 аъзо ва 44 кандидатдан иборат Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетини сайлади. Йўлдош Охунбобоев Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Раиси қилиб сайланди. У ўз ҳаётининг сўнгги дамларигача шу постда турди, ўзининг бутун куч ва ғайратини Коммунистик партия ва халққа хизмат қилишга бағишлади.

Совет давлат арбоби Йўлдош Охунбобоев (1885-1943 йиллар) Фарғона область, Марғилон уездининг Жойибозор қишлоғида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. У, Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдин батрак бўлиб ишлади. И. Охунбобоев Урта Осиёда граждандар уруши даврида қўлида қурол ушлаб босмачиларга қарши курашди. У 1921—1924 йилларда Фарғона Область Ижроия Комитети Президиумининг аъзоси ва бу областдаги «Қўшчи» союзининг ташкилотчиси эди. И. Охунбобоев 1921 йилда РКП(б) га аъзо бўлиб кирди. У 1924 йилдан бошлаб, 18 йил давомида Ўзбекистон ҳокимиятининг олий органида узлуксиз раҳбарлик қилиб келди: 1925-1937 йиллар ичида, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Раиси ва ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети раисининг ўринбосари 1938 йилдан 1943 йилгача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси ва ўринбосари бўлиб ишлади²²⁵.

Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Комитети Президиуми раисининг ўринбосари қилиб Султонхўжа Қосимхўжаев сайланган эди. У Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун фидокорона курашган кишилардан биридир. Султонхўжа Қосимхўжаев революцион ҳаракатларда актив қатнашгани учун СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан 1954 йилда Ленин ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистоннинг ҳамма халқлари Ўзбекистон республикаси Советлари I съездининг қарорини зўр мамнуният ва шодлик билан табрикладилар. Ишчилар ва деҳқонлар Ўзбекистон-

нинг ССР Иттифоқи составига киришига юқори баҳо бериб, бу ҳол марказ пролетарлари билан Ўзбекистон меҳнаткашлари ўртасидаги иттифоқни мустаҳкамлайди, Октябрь социалистик Революцияси ютуқларини мустаҳкамлайди, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий томондан кучли ривожланишини таъминлайди, деб қайд қилдилар.

Ўзбекистоннинг СССРга кириши тўғрисида ишчилар ва деҳқонлар томонидан айтилган фикрлардан бирнечтасини келтирамиз. Бу фикрлар ўша вақтларда матбуотда эълон қилинган эди.²²⁶

Қизил Шарқ мастерскойи паровоз цехининг слесари М. Обуюнчиков шундай деган эди: «Бир тўп бўлиб ҳаракат қилишнинг ҳосияти кўп: хўжалик мустаҳкамланади, савдо яхши йўлга қўйилади, кўп тажриба тўпланади. Мана шунинг учун ҳам биз Иттифоқ билан бирга бўлишимиз керак».

Кайнар волости, Азизтепа қишлоғининг деҳқон аёли Рўзибиби Қосимова СССР составига кирган Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришдаги қийинчиликларни осонлик билан енгишига ишонч билдирди. «Иттифоққа кирар экансиз,— деган эди у,— бизнинг россияли опсингилларимиз Совет Ўзбекистони қурилиши учун уюштишимизда бизга ёрдам беришларига ишонамиз».

Чувама қишлоғининг деҳқони Азиз Охуновнинг фикрича, Ўзбекистон ССРнинг Иттифоқ составига кириши қишлоқларнинг мустаҳкамланишига катта ёрдам беради. «Яқин келажакда бизнинг қишлоғимиз ҳам мустаҳкамланади. Ўзбекистоннинг озод қилинган ҳамма халқлари билан бирга қардошларча иттифоққа кириши бунинг гаравидир»,— деган эди у.²²⁷

Қизил Шарқ мастерскойи депосининг ёрдамчи қозончиси Абдулла Эшмуродов Россиянинг ишчилар синфи билан Совет Шарқи деҳқонлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашда Ўзбекистоннинг Совет Иттифоқига киришининг аҳамиятини қайд қилиб ўтган эди.²²⁸

«Биз рус ишчилари билан биргаликда Октябрь революцияси ютуқларини мустаҳкамлаш учун Иттифоққа киришни ис-таймиз Иқтисодий қудратимизни оширишимиз учун СССРга киришимиз зарур...» деган эди Тошкент трамвайининг кекса ишчиси электромонтёр Саидали Саидмуродов.²²⁹

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу нутқларнинг ҳаммасида республика оддий кишиларининг туйғу ва орзулари ифода қилинган эди.

1925 йил 20 февралда Туркменистон ССР Советлари I Таъсис съезди ҳам Туркменистон Совет Социалистик Республикасини барпо этиш тўғрисида Декларация ва унинг ССР Итти-

фоқи составига ихтиёрий кириши тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Урта Осиё халқларининг истак ва орзуларини амалга оширди.

1925 йил 13 майда Советлар III Бутуниттифоқ съезди Ўзбекистон ва Туркменистон Совет Социалистик Республикаларининг ССР Иттифоқи составига кириши тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Ўзбекистон ССР Советлари I съезди томонидан сайланган 60 кишидан иборат Ўзбекистон делегацияси съездга етиб борди. Делегация составига: Йўлдош Охунбоев (делегация бошлиғи), деҳқон Ҳайитбой Тошмухамедов — ҳозир Тошкент қишлоқ районидаги Ленин номи колхознинг звено бошлиғи, кўзга кўринган жамоат арбоби Иброҳимова ва бошқалар бор эди. Делегация Ўзбекистон ССР Советлари I съездида қабул қилинган Декларацияни Советлар III Бутуниттифоқ съездида топширди.

Советлар III Бутуниттифоқ съездида борган Ўзбекистон делегациясининг аъзоси Ҳайитбой Тошмухамедов, тарихий воқеани эслаб, шуларни ҳикоя қилган эди: «Биз, ўзбек делегациясининг аъзолари, Ўзбекистон халқларининг СССР составига кириши тўғрисидаги истагини билдириш учун ватанимизнинг пойтахти Москвага Совет Иттифоқи Советлари III съездида бордик. Москва меҳнаткашлари бизни самимий кутиб олдилар. Ўзбекистон ССР делегациясини Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калинин қабул қилди. У биз билан узоқ суҳбатлашди. Биз Михаил Иванович билан бирга расмга тушдик.

Бутуниттифоқ III съездида Ўзбекистон ва Туркменистон республикаларини СССР составига қабул қилиш масаласи муҳокама қилинган кун ҳечқачон эсимдан чиқмайди. Съезд қатнашчилари бизни — Ўзбекистон ва Туркменистон вакиллари қизғин табрикладилар»²³⁰.

Советлар III Бутунроссия съезди мажлисида Ўзбекистон ва Туркменистон Совет Социалистик Республикаларининг ССР Иттифоқи составига кириши тўғрисидаги масалани муҳокама қилишда СССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг аъзоси ва Украина Марказий Ижроия Комитетининг раиси Г. И. Петровский биринчи бўлиб сўзга чиқди. У шундай деган эди: «Янги республикаларнинг барпо этилиши ва уларнинг Иттифоқимизга кириши бу республикалар Советларининг ташаббуси билан ўтаётир». Г. И. Петровский Ўзбекистон ССР ва Туркменистон ССР барпо этилишининг тарихий аҳамиятини қайд этиб, Ўзбекистон ва Туркменистон халқларининг СССРга кириш тўғрисидаги қарорини съезд Президиуми томонидан тасдиқлашни таклиф этди»²³¹.

Сўнгра Ўзбекистон ССР делегациясининг бошлиғи Й. Охунбобоев сўзга чиқди, съезд қатнашчилари уни самимий табрикладилар. У, Ўзбекистон ССРни Совет Социалистик Республикалар Иттифоқига ихтиёрий кириши тўғрисида ўзбек халқининг истаklarини билдирди ва съезддан халқнинг бу хоҳишини қаноатлантиришни сўради²³².

Съезд қардош Туркменистон ССР делегатларининг нутқларини ҳам тинглади.

III Бутунроссия съезди зўр шодлик ва яқдиллик билан олқишлар остида тарихий қарор қабул қилди, қарорда қуйидагилар баён қилинган эди:

«ССР Иттифоқи Советлари III съезди Туркменистон ва Ўзбекистон социалистик совет республикалари халқларининг Туркменистон ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаларининг ССР Иттифоқи составига кириши ҳақидаги эркин хоҳишларини мамнуният билан табриклайди.

ССР Иттифоқи Советлари III съезди қайд қиладики, «ССР Иттифоқи барпо этиш тўғрисидаги Декларация»га мувофиқ ҳозирда мавжуд, шунингдек келгусида барпо этиладиган ҳамма социалистик совет республикалари бу Иттифоққа кира олади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган республикаларнинг ССР Иттифоқига кириши ССР Иттифоқи ҳақиқатан ҳам тенг ҳуқуқли халқларнинг ихтиёрий бирлашмаси ва собиқ мазлум халқларнинг содиқ таянчи эканини яна бир марта кўрсатди.

ССР Иттифоқи Советлари III съезди қарор қилади:

1. ССР Иттифоқи Конституцияси I моддасининг «в» пунктига мувофиқ ССР Иттифоқи тузилгани тўғрисидаги шартнома Туркменистон ва Ўзбекистон Социалистик Совет Республикаларига ҳам татбиқ қилинсин.

2. ССР Иттифоқи составига иккита янги иттифоқи республика киргани туфайли, ССР Иттифоқи Конституцияси ўзгаришлари лойиҳасини ишлаб чиқишни ва бу лойиҳани Советларнинг ҳозирги съездига тасдиқлаш учун топширишни ССР Иттифоқи Советлари III съезди президиумига топширилсин»²³³.

«ССР Иттифоқи составига Туркменистон ва Ўзбекистон Иттифоқи Социалистик Совет Республикаларининг кириши туфайли ССР Иттифоқи Конституциясига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қарор лойиҳаси ССР Иттифоқи Советлари III съезди томонидан маъқулланди²³⁴.

Маълумки, ҳозирги Ўзбекистоннинг кўп қисми кирган Туркменистон Автоном Совет Республикаси миллий чегаралаш ўтказилишидан олдин Совет Иттифоқининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланар эди ва РСФСР орқали СССР билан бирлаштирил-

ган эди. Миллий чегаралашда бир қисми Ўзбекистон ССРга кирган Бухоро ва Хоразмга келганда, улар ҳали Совет Иттифоқига бирлаштирилмаган эди .



9-расм. Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Комитети Раиси Йўлдош Охунбозоев.

Бухоро ва Хоразм республикалари халқ республикаларидан социалистик республикаларга айлантирилгандан кейин уларнинг СССР составига кириш истакларини амалга ошириш имконияти туғилди¹²³⁵. Лекин бу сафар улар эски давлат тузуми рамкасида — Бухоро ва Хоразм республикаси рамкасида эмас, балки, Урта Осиёнинг миллий совет социалистик республикалари сифатида киритилди.

Миллий чегаралаш ўтказилгандан кейин қайта бирлаштирилган бир бутун Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси СССР Советлари III съезди қарори асосида Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи составига иттифоқчи республика бўлиб кирди.

Туркменистон ССР да ҳам худди шундай аҳвол рўй берди. Миллий чегаралашдан кейин туркман ерлари ССР Иттифоқи га республика бўлиб кирган ягона Туркменистон ССР га бирлаштирилди.

Ўрта Осиё халқларининг муқаддас орзу ва истаклари ма-на шундай амалга оширилган эди.

ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети раиси М. И. Калинин ўз тақдирини Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи тақдири билан қатъий ва мустақкам боғлаган Ўзбекистон ва Туркменистон республикаларига қизғин ўртоқлик саломини юборди²³⁶. У икки янги Ўрта Осиё Республикасининг Совет Иттифоқи га ихтиёрий кириши муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд қилди.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг иттифоқчи республика сифатида ССР Иттифоқи га кириши туфайли М. В. Фрунзе, Г. И. Петровский ва В. Коларовлар табриклар юбордилар.

Шарқнинг янги совет миллий республикаларининг СССР га ихтиёрий кириши Ўрта Осиё меҳнаткашларининг улуг рус халқ билан ва мамлакатимизнинг бошқа халқлари билан дўстлигини янада мустақкамлади. Лениннинг «буржуазиянинг зулмидан қутилаётган меҳнаткашлар оммаси, ана шу «маданий ёрдам» туфайли, бор кучлари билан йирик ва илгор социалистик миллат билан иттифоқлашувга ва уларга қўшилувга и н т и л а ж а к л а р»²³⁷ деган таълимотининг тўғрилигини яна бир марта тасдиқлади.

5. СОВЕТ ҚУРИЛИШИНING МУВАФФАҚИЯТЛАРИ. ЎЗБЕКИСТОН ССР БИРИНЧИ КОНСТИТУЦИЯСИНING ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ

Республика барпо этилишининг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистон ССР раҳбар партия ва совет органлари олдида, жойларда совет аппаратларини мустақкамлашдек муҳим вазифалар турар эди. Ўзбекистон Компартияси I съездида ҳам, Республика Советлари I съездида ҳам маҳаллий советларни янада мустақкамлаш ва уларнинг ишларини жонлантириш масаласига алоҳида аҳамият берилган эди.

Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистон меҳнаткашлар оммаси совет қурилишига янада кўпроқ жалб қилинди.

Республиканинг ишчи ва меҳнаткаш деҳқонлари Совет ҳокимияти улар учун ҳақиқатан ҳам яқин ва жонажон ҳокимият эканини тушиндилар.

Гарчи, Ўзбекистон ССР барпо этилган дастлабки даврда (1924 йил ноябрь-декабрь) маҳаллий Советларга ўтказилган сайловлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмасак ҳам, айрим фактлар меҳнаткашлар оммасининг давлат аппаратида борган сари кўпроқ иштирок этаётганидан гувоҳлик беради. Масалан, Ўзбекистон ССР ишчи-деҳқон инспекцияси Халқ Комиссарлигининг маълумотига қараганда, Советларнинг Фарғона область ижроия комитетига сайланган кишиларнинг 42,8 проценти ишчилар, 28,6 проценти деҳқонлар ва 28,6 проценти хизматчилар эди. Самарқанд область ижроия комитетига 27 процент ишчи, 42 процент деҳқон ва 31 процент хизматчи бор эди²³⁸.

Ўзбекистон ССР ишчи-деҳқон инспекцияси Халқ Комиссарлигининг еттига уезд (Фарғона областининг Наманган ва Андижон уездлари, Самарқанд областининг Самарқанд ва Хўжанд уездлари, Зарафшон областининг Қармана ва Ғиждувон уездлари, Тошкент областининг Мирзачўл уезди) Советлар Ижроия Комитетларини оралатиб текширишда аниқланишича, уларда ишчилар 29 процентни, деҳқонлар 54 процентни ва хизматчилар 17 процентни ташкил этган. Уездлар Ижроия Комитетлари умумий сонининг 87 проценти маҳаллий миллатлар меҳнаткашлари вакилларида иборат бўлган. Коммунистлар 92 процент, комсомоллар 1 процент ва партиясизлар 7 процент эди²³⁹.

Фарғона, Самарқанд ва Тошкент областларининг оралатиб текширилган 73 та қишлоқ Советида деҳқонлар, камбағаллар ва ўрта ҳол деҳқонлар 86,5 процентни, батрақлар 12 процентни ҳамда хизматчилар 1,5 процентни ташкил этган; қишлоқ советлари аъзоларининг 12 проценти коммунистлар эди²⁴⁰. Аммо Ўзбекистонда Совет қурилиши соҳасида бундай ютуқлар билан бирга, муҳим камчиликлар ҳам мавжуд эди.

Ўзбекистоннинг Туркистон республикасида ажралиб чиққан илғор областларининг, яъни етти йилдан ортиқ совет қурилиши тажрибасига эга бўлган Тошкент, Самарқанд, Фарғона областларининг қуйи совет аппаратлари ўз фаолиятлари ва меҳнаткашлар оммасига яқинлиги бўйича бошқа областлардан — собиқ Бухоро ва Хоразм республикаларидан ажратилиб, Ўзбекистон ССР составига киритилган Зарафшон ва Хоразм областларидан анча юқори турар эди.

Миллий чегаралаш ўтказиш ва Ўзбекистон ССР барпо қилиш даврида қолоқ областларда совет қурилишининг хусусиятлари нималардан иборат эди?

Сурхондарё ва Қашқадарё областларининг бир қанча районларида босмачиларга қарши кураш узоқ давом этганлиги туфайли маҳаллий ҳокимият 1925 йилгача революцион комитетлар қўлида эди. Хоразмда 1924 йил бошларида Жунаид-

хоннинг босмачи бандаларининг кучайиши сабабли маҳаллий совет ижроия комитетлари ҳам революцион комитетлар билан алмаштирилган эди.

Собиқ Бухоро республикаси, яъни Зарафшон, Сурхондарё ва Қашқадарё областларининг қишлоқ жамоаларида оқсоқоллар ва аминларни сайлаш режими давом этар эди. 1920 йил Бухоро революциясидан кейин яратилган оқсоқоллик революциядан бурунги амирлик оқсоқоллигидан тубдан фарқ қилар эди. Илгарилари оқсоқоллар амирлар, беклар томонидан тайинланар эди ва улар эксплуататор синфларнинг қуроли бўлиб хизмат қилар эдилар. Революциядан кейин оқсоқоллар ва аминлар қишлоқлар аҳолисининг умумий мажлиси томонидан сайланадиган бўлди. Оқсоқоллар сайловчиларга ҳисобот бериши керак эди.

Шунинг билан бирга оқсоқоллик системаси Ўзбекистоннинг Марказий областларида иш кўраётган қишлоқ советларига нисбатан шакл жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам анча қолақ эди. Бундан ташқари, оқсоқолликда советларга қарши, синфий ёт гуруҳлар анча кўпчиликини ташкил этар эди.

1925 йилнинг бошларида ЎзССР ишчи-деҳқон инспекцияси Халқ Комиссарлиги томонидан Зарафшон областининг бирқанча районларини текшириш натижасида маълум бўлдики, оқсоқоллар ва аминларнинг кўпчилик қисми амирнинг собиқ амалдори ёки босмачиларнинг малайлари бўлиб чиқди²⁴¹.

Шунинг учун партия ва совет ходимлари олдида оқсоқолликларни ёт гуруҳлардан тозалаш билан бир қаторда, уларни сайланадиган қишлоқ Советлари билан тўлиқ алмаштириш ва шу йўл билан Совет ҳокимиятининг қуйи органларини демократлаштириш вазифаси турар эди.

Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети ва ишчи-деҳқон инспекцияси Халқ Комиссарлигининг материаллари ўша даврларда фақат қишлоқлардагина эмас, шунингдек волостларда, уездларда, областларда ва марказда ҳам ҳокимият органларига ёт унсурлар кириб қолгани ҳақида гувоҳлик беради. Унча тўлиқ бўлмаган расмий маълумотга қараганда, Зарафшон областининг иккита волость ижроия комитети составининг ўзига иккита мулла ва битта савдогар «сайланган» экан²⁴². Бойлар ва руҳонийлар совет аппаратларини ўз қўлларига олишга уруниб кўрдилар. Ўзбекистон коммунистлари душман ҳужумларига қарши шиддатли ва аёвсиз кураш олиб бордилар, ҳамда Совет ҳокимияти органларини демократлаштириб, уларнинг ишларини жонлантирдилар.

РКП(б)нинг 1925 йил апрель ойида бўлиб ўтган XIV конференцияси қайд қилиб ўтдики, «Советлар ишларини жон-

лантириш ва ҳокимиятнинг Совет органлари орқали революцион қонунчилик йўлига дадил ва қатъий ўтиб ва маъмурий-сиёсий ишлардаги ҳарбий коммунизм қолдиқларини таг-туби билан тугатиб, деҳқонларга пролетарча раҳбарликни кучайтириш партиянинг сиёсат соҳасидаги асосий директиваси бўлиши керак».

Ҳозирги шароитда фақат шундай йўл билангина пролетарлар диктатурасини мустаҳкамлаш мумкин»²⁴³.

Советлар ишини яхшилаш масаласи республика Совет ва партия ташкилотларининг диққат марказида турди. Совет қурилишига оид республика ва областлар кенгаши ўтказилди, унда Советлар III Бутуниттифоқ съезди қарорларини республикада амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди. Босмачилардан озод қилинган узоқ районларда Советлар барпо этиш бўйича катта ишлар бошлаб юборилди.

Давлат аппаратларини антисовет элементларидан тозалаш ўтказилди. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг махсус комиссияси тузилиб, ҳокимият маҳаллий органларининг ишлари чуқур текшириб чиқилди. Унга коммунистлар, комсомоллар, жасаба союзларнинг ва «Қўшчи» союзининг аъзолари, ишчи ва деҳқонлардан иборат партиясиз активлар иштирок этдилар.

Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм областларини ва бошқа бир қанча районларни текшириш орқали совет аппаратларининг ҳақиқий аҳволи аниқланди. Текшириш Советлар ишларидаги асосий хатоларни тугатишга ёрдам берди. Текширишда 1924 йил охирилари ва 1925 йил бошларидаги сайловлар даврида баъзи районларда совет демократиясининг бузилишига йўл қўйилгани, бунинг оқибатида сайловчиларнинг сайловларга тўлиқ қатнашмагани маълум бўлди. Мирзачўл, Жиззаҳ, Тошкент уездларидаги ва Сурхондарё ҳамда бошқа областларнинг бирқанча уездларидаги советларда ёт гуруҳлар борлиги аниқланди. Бундай ҳолларда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети, Ўзбекистон ССР К(б)П Марказий Комитети пленуми кўрсатмасига мувофиқ маҳаллий Советларнинг муддатидан олдин қисман қайта сайловини ўтказди.

1925 йил ёзида (май-июль ойларида) Самарқанд ва Тошкент областларининг бирқанча уездларида шундай муддатидан олдин қайта сайловлар ўтказилди. Қайта сайловлар ижобий натижа берди, у ҳокимиятнинг қўйи органлари составини меҳнаткаш аҳолининг содиқ вакиллари ҳисобига мустаҳкамлади. Мирзачўл уездида 39 та қишлоқ Совети ва

волость ижроия комитетларининг 54 та аъзоси қайта сайланди²⁴⁴. Жиззаҳ уездида қайта сайловлар ўтказилиши туфайли уезд қўйи совет аппаратларининг деярли бутун состави янгиланди²⁴⁵.

Бошқариш органларига суқулиб кириб олган душман гуруҳлар суд жавобгарлигига тортилди. Республика Олий ва область судлари сайёр сессиялари бир қанча областларда 38 та жиноий ишни кўрди. Жиноятчилар революцион қонунчилик бўйича қаттиқ жазоландилар²⁴⁶.

Қишлоқларда коммунистлар ишларини авж олдириш, партиясиз меҳнаткашлар конференцияларини чақариш, ижроия комитетларининг халқ олдида ҳисобот беришини жорий этиш, республика раҳбар совет органлари билан қўйи аппаратлар ўртасидаги алоқани кучайтириш йўли билан маҳаллий совет органларининг ишлари анча жонлантирилди. Бухоро области қишлоқларида оқсоқолликлар ўрнига қишлоқ Советлари тузилди.

Ўзбекистон Компартиясининг 1925 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган II съезди «Совет қурилиши вазифалари ҳақида»ги масала бўйича чиқарган ўз қарорида партия ва юқори совет органлари томонидан алоқа ва раҳбарликни кучайтириш йўли билан 1925 йил охирига келиб Ўзбекистонда халол, ишга қобилиятли ва меҳнаткашлар оммаси манфаатларига жавоб берувчи Советлар аппаратларини тузиш ҳақида партия директиваларини бажаришда баъзи бир югуқлар қўлга киритилгани қайд қилинган эди. Совет органларининг ишлари янада мазмунлироқ ва амалийроқ бўлиб қолди. Советларнинг суқулиб кирган гуруҳлардан мунтазам равишда тозаланиши ва омма билан алоқасининг кучайиши туфайли, улар мустаҳкамланди²⁴⁷.

Аммо бу ютуқлар билан бир қаторда, совет қурилиши соҳасида муҳим камчиликлар ҳам бор эди. Бу камчиликлар Ўзбекистон К(б)П II съездида, республика кенгашида ва ЎзССР Марказий Ижроия Комитетининг махсус сессияларида очиб ташланган эди.

Босмачи бандаларидан озод қилинган Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм областларида ва Тожикистон АССРда ревкомларни сайланадиган совет органлари билан алмаштириш ишлари ҳали тугалланмаган эди.

Ўзбекистоннинг бир қанча районларида, айниқса узоқ ва қолоқ областларида меҳнаткашлар, айниқса хотин-қизлар Советларда тўлиқ қатнашмас эдилар. Совет Иттифоқининг илғор областларига нисбатан Ўзбекистон ССР нинг баъзи-бир районлари ва областлари демократиянинг кенг ривожланишида орқада қолган эди. Шунга кўра, М. И. Калинин

ССР Иттифоқи Советлари III съездида худди Ўзбекистон ССР каби республикаларни кўзда тутиб, «бир қанча сабабларга кўра советларда анча кўнгилсиз, зарарли томонлар, яъни дастлаб бизнинг автоном республикаларимизда, областларимизда ва Иттифоқимизнинг чекка ўлкаларида меҳнаткашларни, айниқса хотин-қизларни советларга етарли даражада жалб этмаслик ҳолларни кўриш мумкин деб жуда тўғри кўрсатиб ўтган эди²⁴⁸.

Чекка ўлкаларнинг эски режимдан мерос бўлиб қолган асрий сиёсий қолоқлиги меҳнаткашлар оммасини совет қурилишига жалб этишда янада қунт билан ва систематик равишда ишлашни талаб қилар эди.

Ўзбекистонда совет қурилиши соҳасидаги асосий камчиликлардан бири ўрта ҳол деҳқонларни Советларга етарли жалб этилмаганлиги эди. Масалан, Фарғона области бўйича фақат 8 процент ўрта ҳол деҳқон қишлоқ Советларига сайланган эди²⁴⁹.

Бундай практика ўрта ҳол деҳқонларнинг ишчилар, батраклар, камбағаллар қатламлари билан иттифоқини бўшаштириш хавфини, ўрта ҳол деҳқонларнинг бойлар томонига ўтиб кетиш хавфини туғдирар эди.

Партия маҳаллий ташкилотларнинг хатоларини тузатди. Уларнинг олдида: Советларни жонлантириш, деҳқонларнинг энг яхши гуруҳларини Советларга, мамлакатни бошқариш ишига жалб қилиш, партия ва Советлар теварагида деҳқон активларидан иборат партиясизларнинг кенг қатламини тўплаш, ишчилар билан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш, кулаклар ва чайқовчиларни яккалаб қўйиш, меҳнаткаш деҳқонларни бу душман гуруҳлар таъсиридан қутқариш ва уларни совет қурилишига жалб этиш, шундай қилиб, омманинг ўсиб бораётган активлигини социалистик қурилишга йўналтириш вазифаларни турар эди.

Советларнинг бир қанча маҳаллий ижроия комитетлари ишларида масалаларни фақат раиснинг ўзи хал қилиш тажрибаси чуқур илдиз отган бўлиб, масалаларни коллегиал равишда хал этишга эътибор берилмас эди. Раҳбар совет ходимлари кенг меҳнаткашлар оммаси олдида вақти-вақти билан ҳисоб бериб турмас, баъзи Советлар маҳаллий ижроия комитетларининг раҳбар ходимлари уезд ва қишлоқларга камданкам борар эдилар. Ўзбекистон ССР ишчи-деҳқон Инспекцияси Халқ Комиссарлиги қайд қилиб ўтган эдики, «Зарафшон волость ижроия комитетларини текшириш орқали аниқланишича, раислар қишлоқ советларига беришлари жераклигини билмайдилар ҳам ва шунинг учун ҳам бормайдилар»²⁵⁰.

Совет аппаратлари ҳали душман, жиноятчи гуруҳлардан

бутунлай тозаланган эмас эди. Баъзи жойларда, айниқса қо-
лоқ районларда бойлар совет аппаратларига ўз таъсирларини
ўтказишда давом этдилар. Масалан, Ўзбекистон Марказий
Ижроия Комитетининг республиканинг бир йиллиги муносабати
билан тузган ҳисоботида қайд қилинишича, Зарафшон области
Советларига сайловлар ўтказиш даврида баъзи жойларда
«бойлар ва оқсоқолларнинг ўзлари сайланиб олганлар ёки
советларга таъсирларини ўтказадиган ўз кишиларини сай-
лаганлар»²⁵¹.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг II съезди республика
партия ва совет ташкилотларидан совет қурилиши соҳасидаги
хатолар ва камчиликларни бартараф қилишни, меҳнаткаш
деҳқонларни давлат органларига кўпроқ жалб этишни, ишчи-
лар синфи раҳбарлиги остида ишчилар, батрақлар ва камба-
ғаллар билан ўрта ҳол деҳқонлар ўртасидаги иттифоқни Совет-
лар орқали охиригача мустаҳкамлашни талаб қилди.

Съезд Советларни бойлардан, собиқ амир, хон амалдорлари-
дан, руҳонийлардан ва бошқа душман гуруҳлардан янада тоза-
лаш учун мунтазам кураш олиб боришни талаб қилди. У бу
ишни амалга оширишда шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг
кенг қатламини жалб этишни кўрсатди. Съезд қолоқ областлар-
да Советларни тузиш ва мустаҳкамлашга оид ишларни тезда
туғаллаш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Совет Ўзбекистони экономикаси ва маданиятининг янада
ўсиши меҳнаткашларнинг сиёсий активлигини оширди ва рес-
публикада совет қурилишини жонлантириб юборди.

1924/1925 йилда саноатни тиклаш суръатида бурилиш юз
берди. 1923/1924 йилда республика ценз саноати бўйича бир
кишининг бир кунлик ишлаган ялпи маҳсулоти — 29,3 сўмни,
1924/1925 йилда — 53,1 сўмни 1925/1926 йилда эса, 67,5 сўм-
ни ташкил этди²⁵². Фабрика ва заводларда меҳнат унуми ошди.
Меҳнаткаш омманинг моддий аҳволи яхшиланди.

1926 йил 5 ноябрда СССР Советлари Марказий Ижроия
Комитети Президиуми Ўзбекистон ҳукуматининг икки йил ичи-
да қилган ишлари ҳақидаги докладини тинглади. СССР Мар-
казий Ижроия Комитети Ўзбекистон ССР хўжалик соҳасидаги
«1924/1925 ва 1925/1926 йилларда зўр ютуқларни қўлга ки-
ритган»ини ва «Ўзбекистон ССР хўжалигининг ҳамма соҳаси
тез ўсаётган»ини қайд қилди²⁵³.

1927/1928 йилда Ўзбекистон йирик саноатининг ялпи маҳ-
сулоти 1913 йилдаги даражадан ошиб кетди. Бу даврга келиб
республикада эски саноат тўлиқ тикланишдан ташқари унинг
янги тармоқлари ҳам пайдо бўлди. Қишлоқ хўжалиги учун ми-
нерал ўғитлар ишлаб чиқариладиган химия саноати, тикувчи-
лик саноати, пиллакашлик ва бошқалар шулар жумласига ки-

ради. Электростанциялар қурилишида, металл ишловчи саноатда, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда, нефть чиқаришда ва енгил ҳамда озиқ-овқат саноатининг бир қанча тармоғида катта ютуқлар қўлга киритилди. Шунинг билан бирга Ўзбекистон саноатининг асосий тармоқлари—пахта тозалаш ва ип-газлама тайёрлаш тармоқлари бирмунча орқада қолган эди.

Саноатнинг ривожланиши туфайли рус ва маҳаллий миллатлардан иборат ишчи кадрларининг сони ҳам ўсди. 1927/1928 йилда йирик саноат ишчиларининг умумий сони 19.099 кишига етди (1913 йилда уларнинг сони 17.959 та эди)²⁵⁴. Рус ишчилари саноат учун миллий кадрлар етиштириб чиқаришда республикага қардошларча ёрдам бердилар.

1925 йил охирига келиб Ўзбекистонда ер-сув ислоҳатини кенг масштабда ўтказишни амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароит яратилган эди. Совет ҳукумати деҳқонларни кредит ва зарур қишлоқ хўжалик қуроллари билан етарли таъминлади. Ер-сув ислоҳати ўтказиш учун зарур бўлган иқтисодий ва сиёсий шарт-шароит яратилган эди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткаш деҳқонлар оммаси манфаатларини кўзлаб ислоҳат ўтказди. Шунинг учун ҳам у умумхалқ шодлигига, меҳнаткаш деҳқонларнинг сиёсий активлигига ва ташаббусига сабабчи бўлди. «Правда Востока» газетаси қишлоқ камбағаллари ва чорикорларнинг руҳлари баландлигини «Ўрта ҳол деҳқонлар эса, ер ислоҳати ўтказилишига тўлиқ ҳайрихоҳ»лигини ёзган эди²⁵⁵.

Ер ислоҳати қишлоқларда кескин синфий кураш бораётган шароитда ўтказилди. Кулаклар, судхўрлар ва руҳонийлар баъзи жойларда (Андижонда) бандитларча қурол кўтариб чиқдилар, активларни ўлдирдилар²⁵⁶. Бой ва кулаклар провакациянинг турли усулларидан фойдаландилар, ёлғон-яшиқ гаплар тарқатдилар, ўз қўлларида бўлган ерларни, инвентарларни ва иш ҳайвонларини яширдилар. Жиззах уездининг Чимбой волостидаги 25 та бой 3,5 минг танобга яқин ерни ва бир неча минг бош чорва молларни рўйхатдан ўтказмасликка уриниб кўрди. Улар камбағаллар ўртасида Совет ҳокимияти ўзбеклар қўлида бўлган ерларни олиб қўяр эмиш²⁵⁷ ва уларни русларга бўлиб берар эмиш, ёки, ўзбеклар қирғизларнинг ерларини босиб олишга ҳаракат қилаётган эмишлар деган иғво гапларни тарқатдилар.²⁵⁸ Коммунистик партия ва Совет ҳокимиятининг оммавий тушунтириш ишлари олиб бориши туфайли, меҳнаткаш деҳқонлар ислоҳатнинг моҳиятини яхши тушиниб олдилар ва уни ўтказишда зўр ғайрат кўрсатиб қатнашдилар.

Партия ва совет ташкилотлари, «Қўшчи» союзи ва комсомолларнинг актив иштирокида, деҳқонлар ўртасида ер ислоҳати тўғрисида мажлис ва митинглар ўтказдилар. деҳқонлардан иборат ер ислоҳоти ўтказилишига ёрдам берувчи кунгилли қишлоқ комиссиялари туздилар. Зарафшон областининг ўзидагина 1197 та мажлис ўтказилди, у мажлисларга 193867 та деҳқон қатнашди; ер ислоҳотиغا ёрдам берувчи 684 та қишлоқ комиссияси тузилди, бу комиссияларнинг ишларида 11875 чорикор ва батрак қатнашди.²⁵⁹

1925—1926 йиллар давомида Тошкент, Фарғона ва Самарқанд областларида ер ислоҳоти ўтказилди, натижада помешчилик типидagi 594 та хўжалик бутунлай тугатилди, кулаклар ортиқча ерлардан маҳрум қилинди. 63 мингдан ортиқ ерсиз ва ери кам хўжалик ер олди.²⁶⁰ Ўзбекистоннинг бошқа областларида ер-сув ислоҳоти 1927—1929 йиллар ичида ўтказилди.

ВКП (б) Марказий Қомитетининг 1929 йил 25 майда чиқарган қароридa «Ўзбекистонда ўтказилган ер ислоҳоти ердан фойдаланувчи помешчиликни тугатиб ва кулакларни ортиқча ердан маҳрум этиб, ерни национализация қилишни мустаҳкамлайди ва қишлоқларни советлаштириш ҳамда қишлоқ камбағалларини бойлар таъсиридан қутқариш ишларида муҳим қадам бўлиб ҳисобланади», деб кўрсатиб ўтдилар.²⁶¹

Лекин фақат ер ислоҳотининг ўзи билан, қишлоқлардаги капиталистик гуруҳларни бутунлай тугатиш мумкин эмас эди, чунки В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек, майда деҳқон ишлаб чиқариши, капитализмни ва буржуазияни мунтазам, ҳар кун, ҳар соат стихияли ва оммавий равишда тугдириб туради».²⁶²

Шунинг учун ҳам колхоз тузumi ғалаба қилганидагина деҳқонларни бойлар эксплуатациясидан бутунлай қутқариш мумкин эди. Ер ислоҳоти деҳқонларни қишлоқ хўжалигини коллективлашга тайёлашда асосий муҳим омилардан бири бўлди.

1926/1927 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида янги ютуқлар қўлга киритилган эди. Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, айниқса пахтачиликни юксалтиришга ҳам томонлама ёрдам берди.

1926/1927 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун давлат харажатлари 83,8 миллион сўмга етди.²⁶³ Бу маблағ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсишга бевосита таъсир этишидан ташқари, судхўрлик капиталини қишлоқлардан сиқиб чиқариш ишида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Деҳқонларни давлат маблағи билан кўпроқ таъминлаш судхўрларга қарши асосий кураш талбири эди. Пахта комитетининг ўзигина деҳқонларга 1925/1926 йилда —68,2 миллион сўм, 1926/1927 йилда 101,6 миллион сўм қарз берган эди; қишлоқ хўжалик кредити системаси орқали 1924/1925 йилда 3,9 миллион сўм, 1925/1926 йилда 4,3 миллион сўм, 1926/1927 йилда 14,6 миллион сўм берилган эди²⁶⁴.

Давлат кредити хусусий судхўрлик кредитини қишлоқлардан сиқиб чиқарди. Агар 1925/1926 йилда умумий кредитнинг 26,2 процентини хусусий кредит ташкил этган бўлса, 1926/1927 йилда умумий кредитнинг 13 процентини ташкил этди.²⁶⁵

Кооперациянинг турлари ўса борди, 1925 йил 1 январга келиб, 143 минг деҳқон хўжалиги ёки 24,6 проценти²⁶⁶ қишлоқ хўжалик кооперацияларига жалб қилинган эди, 1927 йилга келиб эса, 401 минг деҳқон хўжалиги (151,2 проценти) кооперативлаштирилган эди.²⁶⁷

Деҳқонлар асосий оммасининг қишлоқ хўжалик кооперацияларига (мол сотадиган, таъминлайдиган, қарз берадиган) борган сари кўпроқ жалб этилиши майда деҳқон хўжаликларини бирлаштиришда, уларни социализм йўлига ўтказишда, колхозлар қурилишига олиб келишда муҳим қадам бўлди.

Деҳқонлар кенг оммасини, шунингдек ҳунармандларни кооперативларга уюштиришда қўлга киритилган ютуқлар ленинча кооперативлаштириш планининг муваффақиятли амалга оширилганини кўрсатар эди. Буларнинг ҳаммаси Шарқнинг ҳамма совет республикалари каби, Ўзбекистоннинг ҳам совет хўжалигининг умумий системасига ўтиши учун кенг йўл очди.

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда сувдан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, мелиорация ширкатлари кенг тарқалди. Бу ширкатлар сувдан фойдаланишни яхшилашда муҳим роль ўйнайди. 1924 йилда 18 та мелиорация ширкатининг 42718 аъзоси (деҳқонлар умумий сонининг 5 проценти) бўлса, 1927 йилда 196 та ширкатнинг 305 минг деҳқон аъзоси (38,9 проценти) бор эди²⁶⁸.

Деҳқонларни қишлоқ хўжалик асбоблари ва тракторлари билан таъминлашга алоҳида аҳамият берилди. Совет Россияси Ўзбекистонга 1924 йилда 15 та, 1925/1926 йилда 494 та, 1926/1927 йилда 720 та трактор юборди. 1926/1927 йилда Ўзбекистон қишлоқларига 4651 плуг, 2253 мола ва 2398 та бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари юборган эди²⁶⁹. Шундай қилиб, қишлоқлар ҳозирги замон қишлоқ хўжалик

асбоблари билан мунтазам таъминланиб турилди ва доқиқонусдан қолган омондан қутқарила бошланди.

Деҳқонларга агрономия ёрдами кучайтирилди. 1925 йилда агрономия муассасаларининг сони 51 та бўлса, 1926 йилда уларнинг сони 70 га етди²⁷⁰.

Совет ҳукуматининг кўрган тадбирлари туфайли республика қишлоқ хўжалиги йил сайин мустаҳкамланди ва меҳнаткаш деҳқонларнинг аҳволи яхшиланди. 1924/1925 йилда Ўзбекистоннинг умумий экин майдони 1443,6 минг десятина бўлса, 1926/1927 йилда у 1643,5 минг десятинадан ошди²⁷¹.

Республика пахтачилиги юксалишда давом этди. 1924/1925 йилда пахта майдони 338,2 минг десятина бўлса, 1926/1927 йилда у 455,2 минг десятинадан ошди²⁷².

Ўзбекистон республикаси маданият соҳасида ҳам муҳим ютуқларини қўлган киритди.

Ўзбекистон ССР барпо этилган кундан бошлаб, икки йил ичида бошланғич ва ўрта мактаблар сони деярли икки марта (907 дан 1633 гача), ўқувчилар сони эса 69 процентга ўсди. 1926/1927 ўқув йилида республикада 30 та техникум, 9 та совет партия мактаби, 39 та турли касбдаги мактаб ва курс, 14 та ФЗУ мактаби бор эди.²⁷³

Ўзбек хотин-қизлари ўқув юртига аста-секин жалб қилинди. Ўзбекистон ССР Маориф Халқ Комиссарлигининг маълумотиغا қараганда, 1924—1925 йилда 3674 ўқувчиси бўлган 100 та хотин-қизлар махсус билим юрти бўлса, 1926/1927 йилда эса, 13374 ўқувчиси бўлган 216 та билим юрти бор эди²⁷⁴.

1927 йилда Ўзбекистонда педагогика институти очилди. 1926/1927 йилда республиканинг учта олий ўқув юртида 3405 та студент билим олар эди²⁷⁵. Бундан ташқари, Ўзбекистондан юборилган кишилардан 329 таси Москва ва Ленинград олий ўқув юртида ўқир эди.

Ўзбекистонда 1927 йилда саводсизликни тугатиш бўйича 1122 та мактаб очилди, уларда 34739 киши ўқиди. Турли сиёсий оқартув муассасалари барпо этилди. 1927 йилда, 203 та кутубхона, 163 та клуб, 233 та ўқиш хонаси, 7 та деҳқонлар уйи, 2 та халқ уйи, 9 та музей бор эди.²⁷⁶

Ўзбек совет адабиёти ва санъати янада ривожланди. Гафур Ғуллом, Абдулла Қодирий каби атоқли ёзувчилар билан бир қаторда, ёш талантли ёзувчилар: Ҳ. Олимжон, Зулфия, А. Қаҳҳор, Яшин, Уйғун, Ғайратий ва бошқалар етишиб чиқди. Музыка ва драма театрлари яратилди. Ўзбек кинематографияси дастлабки тўла метражли фильмлар: «Иккинчи хотин», «Ровот қашкирлари»ни чиқарди.

Халқ хўжалигини муваффақиятли тиклаш, шаклан мил-

лий, мазмунан социалистик маданиятни ривожлантириш, ишчилар ва деҳқонлар кенг оммасининг сиёсий активлигини ошириш, уларнинг синфий тушунчаларини ўстириш шароитида Совет демократияси асосида кенг меҳнаткашлар оммаси активлигини ошириш бўйича, партия томонидан қўйилган вазибаларни амалга ошириш учун қулай шароит яратилди.

XIV партия конференцияси қарори асосида, 1925—1927 йилларда Советларга қайта сайловлар ўтказишда Советларга ўтказилган олдинги сайловларга нисбатан кўп омма сайлов компаниясида қатнашди.

Ўзбекистон ССР Советларига ўтказилган қайта сайлов Советлар ишини яна жонлантирди ва мустақамлади, уларни демократлаштирди, бойлар ва кулакларга қарши биргаликда курашиш учун, Советларни ҳамма душман гуруҳлардан тозалаш учун ишчилар синфи раҳбарлиги остида ўрта ҳол деҳқонлар билан бўлган иттифоқни мустақамлади.

Сайловолди ҳисобот кампанияси аҳолининг актив иштирокида ўтказилди. Самарқанд областининг тўртта уездининг ўзида 200 дан ортиқ мажлис бўлиб ўтди. Тошкент областидаги ҳисобот сайлов мажлисларига меҳнаткашларнинг 80 проценти қатнашди²⁷. Фарғона областининг тўртта уездиди 252 мажлис бўлиб ўтди, уларга 97164 киши, шу жумладан 5526 хотин-қиз қатнашди. Бу мажлисларда 1059 та доклад муҳокама қилинди²⁸. Сайловчилар Советлар ижроия комитетлари докладларини зўр қизиқиш билан тингладилар, бошқариш органлари ишидаги камчиликларни қаттиқ танқид қилдилар ва Советларнинг ишини яхшилашга оид ўз таклифларини киритдилар.

Сайловолди агитацияси ишлари олдинги йилларга нисбатан анча яхши йўлга қўйилди. Сайловчилар билан сайловларга оид масалалар бўйича якка-якка ва группавий суҳбатлар ўтказилишидан ташқари, мажлислар ва меҳнаткашларнинг конференциялари ўтказилди. Фарғона областининг ўзида партиясизлар волость конференциясига 4762 киши қатнашди. Самарқанд областининг тўртта уездиди ўтказилган 151 мажлисга 106750 киши қатнашди.

Коммунистлар мажлисларда ва конференцияларда Совет Иттифоқининг халқаро ва ички аҳволи, СССР да социалистик қурилишнинг ютуқлари, СССР Конституцияси, мамлакатимизда сайловлар системаси, пахтачиликни ривожлантириш йўллари, ер-сув, халқ маорифини юксалтириш тўғрисида доклад қилдилар. Кўпчилик жойларда хотин-қизларнинг алоҳида мажлислари чақирилди.

Сайловолди кампаниялари, номзодлар кўрсатиш ва Советларга депутатлар сайлаш зўр синфий кураш шароитида ўтди.

Бойлар, кулаклар ва руҳонийлар сайловларни бузишга ёки ўз кандидатларини ҳокимият органларига ўтказишга турли йўллар билан уриниб кўрдилар.

Сурхондарё областининг босмачилардан яқиндагина озод қилинган баъзи уездларида антисовет гуруҳлар сайловлардан олдин сайловчилар рўйхатга олинишига қарши чиққанлар, улар бу рўйхат Советлар томонидан бошқа мақсадлар учун тузилмоқда деган гап тарқатганлар. Бой гуруҳлар сайловлар пайтида Советларга суқилиб киришга қайта-қайта уриниб кўрдилар (Юрчи уезди). Шу областнинг Бойсун уезида сайловчилар ревкомнинг меҳнаткашлар ишончини оқламаган собиқ раисини Советга сайланишини истамадилар ва ижроия комитетга бошқа кишининг номзодини кўрсатдилар. Шунда ревкомнинг собиқ раиси руҳонийлардан ёрдам сўради, руҳонийлар уни Советга сайлаш керак деб, деҳқонларга тарғибот қила бошладилар. Тошкент уезди Зангиота волостининг баъзи жойларида бой-кулак гуруҳлар Советларга ўз кандидатларини ўтказишга мувофиқ бўлдилар²⁷⁹.

Одатда синфий душманларнинг бундай найранглари сайловлар даврида меҳнаткашлар томонидан фош қилинар эди. Сайловларга оид кўп сонли маълумотлар аҳолининг активлиги ошганидан ва сиёсий онги ўганидан далолат беради²⁸⁰.

1925/1926 йилда Ўзбекистон ССР бўйича Советларга қайта сайловлар қўйидаги натижаларни берди: бу сайловларда сайловчилар 1924/1925 йилдаги сайловларга нисбатан 8 процент кўпроқ қатнашди²⁸¹.

Ўзбекистон ССР бўйича сайловларда 50566 хотин-қиз қатнашди. Улар умумий сайловчиларнинг 7,1 процентини, шаҳарларда эса, 12,4 процентини ташкил этди²⁸². Ўзбекистон қишлоқ Советлари составига 1433 хотин-қиз (аъзолари умумий сонининг 6,5 проценти), волость ижроия комитетларига 161 хотин-қиз (8,3 процент) сайланди. Тошкент области бўйича ўтган йилда 27 хотин-қиз (аъзолари умумий сонининг 3,7 проценти) сайланган бўлса, шу сайловда 420 хотин-қиз (15,2 процент) қишлоқ Советлари аъзолари қилиб сайланди²⁸³.

Гарчи сайловларда қатнашган хотин-қизларнинг сони унчалик кўп бўлмаса ҳам, эски одат ҳали кучли бўлган ўша даврларда 1924/1925 йилдаги сайловга нисбатан 1925/1926 йилдаги сайловлар натижаси олға қўйилган қадам бўлди.

Хоразм, Сурхондарё ва Кашқадарё областларида ревкомлар бутунлай тугатилди, улар сайланган область ижроия комитетлари билан алмаштирилди. Масалан, Сурхондарё областида 50 та қишлоқ Совети ва 17 та волость ижроия комитети, Кашқадарё областида 45 та қишлоқ Совети ва 13 та волость ижроия комитети тузилди²⁸⁴. Ревкомлар фақат Тожикистон

АССРда 1926 йил декабрь ойигача, яъни босмачилик бутунлай тугатилгунга қадар сақланиб қолди.

Республиканинг 15 та шаҳар Советларига 3724 аъзо сайланди²⁸⁵, уларнинг 36 проценти ишчилар, 31,9 проценти хизматчилар, 1,2 проценти қизил аскарлар, 30,7 проценти бошқалар (деҳқонлар, ўқувчилар, ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар, ҳунармандлар) эди.²⁸⁶

Бутун Совет Иттифоқидаги каби, Ўзбекистонда ҳам Советларга қайта сайловларда ишчилар синфи ўз активлиги бўйича биринчи ўринда турди²⁸⁷. Ишчилар фақат шаҳар Советларига эмас, шунингдек бошқа маҳаллий Советларга ҳам кўпроқ қатнашдилар. Ишчилар Советлар волость съездларида 26,5 процентни ташкил этди. 25,8 процент ишчи Волость ижроия комитетларининг аъзослигига сайланди²⁸⁸.

Ўзбекистон Советлари съездлари делегатлари орасида саноат ва қишлоқ хўжалик ишчилари 35,1 процентни ташкил қилди²⁸⁹.

Қишлоқ Советлари составига 22106 киши сайланди, улардан:

Ишчилар — 322 кишини, ёки 1,5 процентни
Батрақлар 5290 кишини, ёки 23,9 процентни
Намбағаллар 7756 кишини, 35,07 процентни
Чорикорлар 165 кишини, 0,8 процентни
Ўрта ҳол деҳқонлар 8184 кишини, 37,0 процентни
Ҳунармандлар 234 кишини, 0,7 процентни
Хизматчилар 234 кишини, 0,8 процентни ташкил қилди.

Бу рақамлар батрақлар, камбағалларни Советларга жалб қилиш билан бир қаторда, ўрта ҳол деҳқонларни ҳам Советларга жалб қилишда кучли бурилиш юз берганини кўрсатади, чунки аввалги сайловларда қишлоқ Советлари составининг 8 процентини ўрта ҳол деҳқонлар ташкил этган бўлса, бу гал улар 37 процентни ташкил этди.

Волость ижроия комитетлари аъзоларининг ижтимоий состави ҳам юқоридагига ўхшаш бўлган. Унда ишчилар 1,03 процентни, батрақлар 24,5 процентни, камбағаллар, 33,65 процентни, ўрта ҳол деҳқонлар 29,44 процентни, хизматчилар 9,74 процентни ва ҳунармандлар 1,6 процентни ташкил қилган эди.²⁹⁰

Уша даврларда Ўзбекистонда саноат корхоналари ҳали кам бўлгани учун маҳаллий Советларда саноат ишчилари вакиллари озчиликни ташкил қилар эди.

Партияга мансублиги бўйича қишлоқ Советларида коммунистлар 11,2 процентни, комсомоллар 3,4 процентни, партиясизлар 85 процентни ташкил этар эди²⁹¹; волость ижроия комитетларида: коммунистлар 38 процент, комсомоллар 6,5 процент, партиясизлар 55,5 процент; шаҳар советларида: комму-

нистлар 38 процент, комсомоллар 6,4 процент, партиясизлар 46,6 процент эди²⁹².

Шундай қилиб, бутун Совет Иттифоқидаги каби, Ўзбекистонда, хусусан қишлоқларда, деҳқонлар асосий оммасининг, айниқса ўрта ҳол деҳқонлар активлигининг ошиши ва уларнинг партиёга ишончининг мустаҳкамланиши асосида кулақларга қарши камбағал ўрта ҳол деҳқонлар блокани тузишда жуда қулай шароит яратилди ва шу тўғрисида партиё ҳамда Советлар теварагида партиёсиз активлар тўплаш ишида ютуқлар қўлга киритилди²⁹³.

Қайта сайловлар маҳаллий Советлар составини анча янгиледи. Янги активлар қўшилди, меҳнаткашлар орасидан ишга қобилиятли кишилар сайланди. Ўзбекистон қишлоқ Советларининг 22106 аъзосидан 79,4 проценти биринчи марта сайланди. Тошкент областида қишлоқ Советларининг 2645 аъзосидан 2154 киши (81,4 проценти), Зарафшон областида 3229 аъзодан 3006 киши (90,3 проценти), республика волость ижроия комитетларининг 2242 аъзосидан 1477 (75,7 процент) киши ва область ижроия комитетларининг 382 аъзосидан 218 (57 процент) киши биринчи марта сайланди.²⁹⁴

Советларга қайта сайловлар республикада яшаб турган ҳамма миллатлар ўртасидаги дўстликнинг борган сайин мустаҳкамланиши шароитида ўтди. Ўзбекистоннинг ҳамма миллатлари меҳнаткашлари сайловларда актив қатнашдилар. Қишлоқ Советлари составига кўпчиликни ташкил этган ўзбеклардан ташқари, тожиклар, қирғизлар, руслар, туркманлар ва бошқа миллатларнинг 3557 кишидан иборат вакиллари сайландилар, волость ижроия комитетига эса, бошқа миллатларнинг 349 вакили сайланди²⁹⁵.

1925—1926 йилда Советларга ўтказилган қайта сайлов якунлари ана шулардан иборат. Ўзбекистон ССР ҳукуматининг фаолиятига оид масалалар бўйича ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети Президиумининг 1926 йил 5 ноябрда чиқарган қарорида қайд қилинишича, «ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети Президиуми Совет қурилиши соҳасида Советлар ишининг жонланганини эътироф этади. Бу Ўзбекистон ССРнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий томондан ривожланиши натижаси бўлиб, меҳнаткаш омманинг бу йилги қайта сайлов кампаниясида анча кўп (45,9 процентга етди) қатнашишида ўзини яққол кўрсатди, бунда ўрта ҳол деҳқонлар ва камбағал гуруҳлар жуда ҳам активлик кўрсатдилар».

Шу жумладан, ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети Президиуми ЎзССРнинг илгари асоратга солинган хотин-қизлари ҳам 1925—1926 йил қайта сайлов кампаниясида

қатнашганини қайд қилди ва ҳамма миллат вакилларини совет қурилишига жалб қилиш ишида ютуқлар қўлга киритилганини кўрсатиб ўтди.²⁹⁶

Ўзбекистон ССР барпо этилишининг дастлабки йилларида республика Советларига ўтказилган умумий қайта сайлов миллий чегаралаш ўтказиш ва янги совет миллий республикаларини, шу жумладан Ўзбекистон ССРни барпо қилишдан ҳам далолат берди ва Советларни республика меҳнаткашлари оммасига янада яқинлаштирди.

РКП(б) Марказий Комитети ва Марказий Контрол Комиссиясининг 1926 йил 14—23 июнда бўлиб ўтган қўшма Пленумининг аниқлашчи, бутун Совет Иттифоқида, шу жумладан Ўзбекистонда 1926 йилда ўтказилган қайта сайловлар «гражданлар уруши ва пролетар диктатурасининг мустақамланишидан кейинги биринчи кенг ва очиқ сайлов кампаниясидир. Шаҳар ва қишлоқларнинг асосий социал группалари гражданлар урушидан кейин Советларни қайта сайлашда биринчи марта очиқ қатнашдилар. Бунда Советларнинг бу қайта сайловлари меҳнаткашлар оммасининг активлиги кун сайин ошиб бораётган шароитда ўтди²⁹⁷.

Қўлга киритилган ютуқларни мустақамлаш ва Советларни янада жонлантириш ҳамда бутун совет аппаратларини яхшилаш учун курашни кучайтириш галдаги вазифалар эди. Бу вазифаларни бажариш галдаги «Советларга сайловнинг иккинчи кенг ва очиқ кампанияси»да бажарилиши керак эди²⁹⁸. Бунда партия кўрсатмаларига мувофиқ Советларни жонлантириш шиори «илгаридегига нисбатан ҳам зўр изчиллик билан» амалга оширилиши керак эди.²⁹⁹

Республика янги районларга ва маъмурий бўлақларга бўлингандан кейин 1926—1927 йилда ўтказилган қайта сайловлар, халқ оммасининг сиёсий активлиги ўсиб бораётган бир даврда Советлар ишини жонлантиришда катта ютуқларни қўлга киритди. Бу сайловларда 1925—1926 йилдаги сайловларга нисбатан 99206 сайловчининг кўп қатнашганини айтиб ўтиш кифоя³⁰⁰. Олдинги сайловларда 7,1 процент хотин-қиз қатнашган бўлса, бу сайловда 16,4 процент хотин-қизлар қатнашди.³⁰¹

1926 йилда Тожикистон АССРда ҳам Совет қурилиши соҳасида катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу ерда йил ўрталарида босмачиларга қарши кураш муваффақиятли туғалланди. Бу ҳол республикада тинч ҳўжалик қурилишини янада кенг авж олдириш имконини берди.

1926 йил 1 декабрда Тожикистон АССР I Таъсис съезди Тожикистон Автоном Совет Социалистик Республикаси барпо

этиш ҳақидаги Декларацияни тантанали вазиятда қабул қилди.

Декларацияда қуйдагилар ёзилган эди: «...Советларнинг Бутунтожикистон I Таъсис съезди Ўзбекистон ССР га ва у орқали Истарафшон, Панжикент, Гарм, Кўлоб, Қўрғонтепа, Помир вилоятлари ва Тоғли Бадахшон Автоном областидан иборат Автоном Республика сифатида СССР га ихтиёрий кириш ҳақидаги ўз қатъий қарорини Тожикистон деҳқонлари номидан бутун дунё олдида таъкидлайди.

Советлар Таъсис съезди Тожикистон доирасида ҳам, марказида ҳам, жойларда ҳам ҳокимият шаҳар ва қишлоқ Советлари орқали мамлакатнинг бутун ишчилари ва меҳнаткаш деҳқонлариникидир деб мустаҳкам низом ўрнатди»³⁰²

Тожикистон АССР Советлари I съезди бутун ҳокимиятнинг республиканинг янги сайланган Марказий Ижроия Комитетига бериш ҳақида қарор қабул қилди.

Тожикистон АССР нинг айрим жойларида яшаб келган ревкомлар бутунлай тугатилди ва уларнинг ўрнида Совет ҳокимиятнинг сайланувчи органлари тузилди.

1927 йил апрель ойида, Ўзбекистон ССР Советлари II съезди очилишида, Й. Охунбобоев ўзининг кириш нутқида ёш республиканинг ютуқларини қайд этиб, шундай деган эди: «Таъсис қурултойидан кейин ўтган икки ярим йил ичида биз Коммунистик партия раҳбарлиги остида қуйдаги ютуқларни қўлга киритдик: биз Совет ҳокимиятининг ҳамма аппаратини ташкилий уюштирдик, бутун республикада ҳокимият органларининг бир хил системасини қурдик, ҳатто энг узоқ районларни ҳам советлаштирдик ва Ўзбекистон ССРнинг экономик қувватини оширдик.»³⁰³

Маълумки, собиқ Ўрта Осиё республикаларининг ҳар бири миллий чегаралаш ўтказилишидан олдин ўз конституциясига ва ўз қонун чиқарувчи органига эга эди. Яна шуниси ҳам маълумки, собиқ Бухоро ва Хоразм совет республикаларининг конституциялари ва қонунлари СССР нинг умумий конституцион-ҳуқуқий нормалари асосида тузилган Туркистон АССР Конституцияси ва қонунларидан фарқ қилувчи айрим белги ва хусусиятларга эга эди.

Ўзбекистон ССР барпо қилингандан кейин ҳокимият органларини ва бутун республика қонунларини бир хил қилиш, уларни ягона, изчил системага келтириш зарур эди.

Миллий чегаралаш ўтказилиши ва СССР составига ихтиёрий кирган Ўзбекистон ССР барпо этилиши туфайли республиканинг давлат-конституцион мавқеи бутунлай ўзгарди. Б. Л. Манелис ва А. А. Аъзамхўжаевлар ўз мақолаларида

тўғри қайд қилиб ўтганларидек, эндиликда, Ўзбекистон ССРнинг бундан кейинги ривожланиши ҳамма совет республикалари учун ягона бўлган СССР Конституцияси асосида борди.³⁰⁴

СССР Конституцияси Ўзбекистон ССР Конституциясини тузишликда намуна ва асос қилиб олинди.

Республиканинг социал-экономика ва сиёсий томондан ривожланиши ўзбек халқининг совет миллий давлат тузумининг янада мустақамланишига олиб келди, у Ўзбекистон ССР Конституциясида ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон ССР нинг махсус комиссия томонидан тузиб чиқилган биринчи Конституцияси (Асосий қонунининг) лойиҳаси 1927 йил март ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Советларининг II съездида кўриб чиқилган эди.

Ўзбекистон ССР Советлар Марказий Ижроия Комитети раиси Йўлдош Охунбобоев съезд мажлисида Конституция лойиҳаси ҳақида доклад қилди. У, Ўзбекистон ССР Конституцияси «пролетарлар доҳиси Владимир Ильичнинг ўз қўли билан ёзилган ва 1918 йилда Советлар III Бутунроссия съезди томонидан қабул қилинган «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқлар ҳуқуқлари Декларацияси»га, шунингдек Ўзбекистон ССР барпо қилиш ҳақида Ўзбекистон Советлари I Таъсис съезди томонидан қабул қилинган Декларациясига асосланади» деб кўрсатди.³⁰⁵

Ўзбекистон ССР Конституцияси республиканинг қўлга киритган ютуқларини мустақамлади ва қонунлаштирди. Унинг биринчи моддасида қуйидагилар ёзилган:

«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг бу Конституцияси (Асосий қонуни) Советлар III Бутунроссия съезди томонидан қабул қилинган «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқлар ҳуқуқлари Декларацияси», Советлар I БутунЎзбекистон съездида қабул қилинган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини барпо қилиш ҳақидаги Декларация ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини Совет Социалистик Республикалар Иттифоқига аъзо қилиб қабул этиш ҳақида Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Советлари III съезди қарорининг асосий қондаларига асосланади ва буржуазияни бутунлай енгишда, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишини тугатиш ҳамда коммунизмни амалга ошириш мақсадида пролетарлар диктатурасини таъминлашни ўз вазифаси деб билади».³⁰⁶

Ўзбекистон ССР Конституцияси бутун ҳокимият республиканинг сиёсий асоси бўлган Советлар воситаси орқали ишчи ва деҳқонларникидир деган фактга амал қилди. Тарих

тажрибалари Советлар давлатининг олий, энг демократик шакли эканини бутунлай тасдиқлади. Халқ ичидан чиққан Совет ҳокимияти халққа жонажон ва унга яқиндир. Унинг зўр кучи ва мустаҳкамлигининг сабаби ҳам шудир. Ўзбекистонда пастдан юқоригача Советларнинг барпо қилиниши ва уларнинг мустаҳкамланиши туфайли меҳнаткашлар оммасининг сиёсий активлиги мисли кўрилмаган даражада ошди.

Ўзбекистон ССР Конституцияси Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ишчи ва деҳқонларнинг социалистик давлати эканини ва «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси доирасидаги марказларда ва жойларда бугун ҳокимият ишчи, деҳқон ва қизил аскарлар депутатлари Советларига қарашли» эканини тасдиқлади³⁰⁷.

Ўзбекистон ССР Конституцияси Ўзбекистон ССРнинг ССР Иттифоқи составига киришини мустаҳкамлади. Қўнимиллатли Совет давлати составига кирган Ўзбекистон халқлари социалистик қурилишга актив қатнашиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Конституцияси Ўзбекистон ССР Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи составига кирар экан, иттифоқчи республикалар шартномаси билан Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи органларига ўтказилган ва СССР Конституциясининг I моддасида кўрсатилган ваколатларни Иттифоқ ихтиёрига топширади.³⁰⁸

Ўзбекистон ССР нинг Асосий Қонунда «Бутун ер, ўрмон, ер ости бойликлари, сув, шунингдек фабрика ва заводлар, йўллар, сув ва ҳаво транспорти ҳамда алоқа воситалари Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Олий органлари томонидан белгиланадиган махсус қонунларга мувофиқ Республиканинг ўзиникидир» деб эълон қилинди.³⁰⁹

Йўлдош Охунбобоев Ўзбекистон ССР Конституциясининг буржуа конституцияларидан тубдан фарқ қилишини қайд қилиб шундай деган эди: «Буржуазия мамлакатларида конституциялар хусусий мулкчиликни ҳимоя қилади, жамиятнинг бир синфнинг (эксплуататорларнинг) иккинчи синф (эксплуатация қилинувчилар) меҳнати ҳисобига яшаш имконини берувчи синфларга бўлишнинг асоси сифатида унинг ривожланишини таъминлайди». Ўзбекистон ССР Конституциясида хусусий мулкчиликнинг бекор қилингани ва синфсиз жамият — коммунизмга тезда ўтиш учун иқтисодий база яратиш мақсадида ер, ер ости бойликлари, сув, фабрикалар ва заводлар, темир йўл, сув ва ҳаво транспорти ҳамда алоқа воситаларининг давлат (умумхалқ) мулкига айлантирилгани қонулаштирилди.³¹⁰

СССР Конституциясига асосланган Ўзбекистон ССР Асосий Қонуни меҳнаткашлар оммасининг динидан, миллатидан, ўтроқлигидан ва бошқалардан қатъий назар, Советларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини тасдиқлади.

Ўзбекистон ССРнинг биринчи Конституцияси Тожикистон АССРнинг Ўзбекистон ССРга киришини қонунлаштирди ва бу автоном республиканинг давлат функцияларини ва ҳуқуқларини белгилади.³¹

Ўзбекистон ССР Конституцияси ҳамма миллатларнинг тенг ҳуқуқлигини эълон қилди ва айрим миллатлар учун имтиёз ёки устунлик берилишини, айниқса озчиликни ташкил қилган миллатларни қандай бўлмасин эзишликни ёки уларнинг тенг ҳуқуқлигини чегаралашни Республиканинг асосий қонунига хилоф деб ҳисоблади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки кундаёқ қардош совет республикаларидан бирига айланди ва ҳозир ҳам шундай. У Коммунистик партия миллий сиёсатининг мустаҳкам принципларини очиқмай амалга ошириб келмоқда.

Ўзбекистон ССР биринчи Конституциясини қабул қилиш вақтида эксплуататор синфлар ҳали яшашда давом қилар эди. Буни ҳисобга олиб, Конституцияга факат ташқи душманларгагина эмас, шунингдек, мамлакатнинг ичидаги душман синфларга қарши қаратилган моддалар киритилган эди. Конституция эксплуататор гуруҳларнинг ҳамма вакиллари сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганини тасдиқлади.

Ўзбекистон ССР Конституцияси муҳим тарихий ҳужжат бўлди. У Ўзбекистон халқларининг Октябрь революциясидан кейин Коммунистик партия раҳбарлиги остида қўлга киритган катта ютуқларини қонунлаштирди. Конституция, Иттифоқчи Совет Социалистик Республика сифатида ССР Иттифоқи составига ихтиёрий кирган Ўзбекистоннинг ижтимоий ва давлат тузумини қонунлаштирди.

ХУЛОСА

Миллий чегаралаш ўтказилиши ва Ўрта Осиёда ССР Иттифоқининг таркибий ва ажралмас қисми сифатида янги совет миллий республикаларини, шу жумладан Ўзбекистон ССРни барпо қилиш совет давлат қурилиши тарихида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўрта Осиё халқларининг совет миллий давлат тузуми Октябрь революциясининг дастлабки кунларидаёқ барпо этилган эди.

Кўпмиллатли Россия федерациясининг Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси, шунингдек кўпмиллатли Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари составига кирган Ўрта Осиё халқ оммаси совет давлат қурилишига кун сайин кўпроқ қатнаша бошлади, ўз экономикасини ва маданиятини ривожлантирди, собиқ иқтисодий ва маданий қолокликни аста-секин тугата борди. Миллий давлат чегаралаш ўтказилиши ва янги совет миллий республикаларининг ҳамла автоном областларнинг, шу жумладан Ўзбекистон ССРнинг барпо қилиниши Ўрта Осиё халқларининг Совет миллий давлат тузумини ривожлантиришда янада муҳим воқеа бўлди.

Тарих тажрибалари Коммунистик партия раҳбарлиги остида Улуғ Октябрь социалистик революцияси давридан бошланган миллий совет социалистик давлат тузумини яратиш иши Ўзбекистон ССРни барпо қилишга олиб келганини кўрсатди.

Фақат Совет ҳокимияти даврида Коммунистик партиянинг миллий сиёсатининг оғишмай амалга оширилиши ва унинг раҳбарлиги туфайли, ўзбеклар, Совет Иттифоқидаги бошқа қардош социалистик миллатлар билан бир қаторда, ўз миллий совет давлат тузумини ярата олди.

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралаш ўтказилиши революциядан бурун парчалаб юборилган ўзбек ерларини ягона совет социалистик давлатга бирлаштирди.

Миллий-давлат чегаралаш ўтказилиши ва Ўрта Осиёда янги совет миллий республикалар ҳамда автоном областлар барпо этилиши Советларни меҳнаткаш оммага яқинлаштириш йўлида қўйилган катта қадам бўлди.

Ўрта Осиёда янги ташкил этилган миллий совет республикалар совет социалистик қурилишга кенг жалб этилдики, бу миллий чегаралаш ўтказишнинг муҳим натижаси бўлди. Ўзбекистон ССР ҳукуматининг фаолияти тўғрисидаги доклади юзасидан ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети Президиумининг 1926 йил ноябрь ойида қабул қилган қарориди қайд қилинишича, «Ўрта Осиёда миллий чегаралаш ўтказилиши ва мустақил давлат бирлиги сифатида Совет Ўзбекистонининг ташкил топиши Ўзбекистон ССРда яшаётган халқ оммасининг, шу жумладан Тожикистон Автоном Республикаси халқ оммасининг сиёсий активлигига ва кенг ташаббусига зўр туртки бўлиб хизмат қилди.³¹²

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралаш ўтказилиши ва Ўзбекистон ССР барпо қилиниши республикада социалистик қурилишни сўзсиз тезлаштирди ва Ўзбекистон халқларининг ўтмишдаги иқтисодий ва маданий қолоқлигини тугатишга олиб келди.

Ўрта Осиёда янги совет миллий республикаларнинг барпо қилиниши бирдан-бир мақсад эмас эди, балки асосий мақсадга — коммунизмга эришишимизда муҳим босқич ва зарурий шарт-шароит эди. Буни М. И. Калинин Ўзбекистон Компартияси I съездида қилган докладида алоҳида таъкидлаб ўтган эди.³¹³ «Кимки, давлатни, шу жумладан автоном давлатни ҳам, бирдан-бир мақсад деб тушунса, — деган эди М. И. Калинин, — у катта хато қилган бўладики, ундай кишини коммунист деб бўлмади. Бизда, СССРда барча давлат тузилишлари (республика, автоном республика, автоном область ва миллий округлар. — Ҳ. Т.) ва ССР Иттифоқининг ўзи коммунизм ғалабасининг воситасидир. Шунинг учун коммунист миллий масалаларни амалга оширишда бу асосий мақсадни ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги керак».³¹⁴

Ўзбекистон Компартиясининг 1925 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган II съезди миллий чегаралаш ўтказилишининг тарихий аҳамиятига баҳо берар экан, шуларни қайд қилган эди: «Миллий чегаралаш ўтказилгандан кейин ўтган бир йил ичида Ўзбекистон республикасида ишлаб чиқариш кучлари кучли даражада ўсди ва ривожланди, унинг маданияти юксалди ва синфларни тугатиш йўлидан бораётган кенг меҳнаткашлар оммасининг миллий онги ривожланди.³¹⁵

Урта Осиё миллий совет республикаларининг барпо этилиши ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги иттифоқнинг янада мустаҳкамланишига ёрдам берди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Коммунистик партияси I съезди қарорида Урта Осиёда «миллий республикалар барпо этиш асосида ишчилар билан деҳқонлар ўртасида янада мустаҳкам иттифоқ яратиш воситаси бўлган» миллий-давлат чегаралаш иттифоқига ўтказилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.³¹⁶

Миллий чегаралашнинг муваффақиятли ўтказилиши ва янги Урта Осиё республикаларининг барпо қилиниши ва уларнинг ССР Иттифоқи составига ихтиёрий кириши Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати тантанасидан далолат берди. Буржуа миллатчиларига, улуғ давлатчи шовинистларга ва бошқа душман гуруҳларига худди шу йўл билан қатъий зарба берилган эди. Халқаро тинчлик ва Урта Осиё совет республикалари халқларининг қардошларча ҳамкорлиги мустаҳкамланди.

Халқаро тинчликнинг янада мустаҳкамланишида миллий чегаралашнинг аҳамиятига баҳо бериб, Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг Туркистон ва Урта Осиёнинг барча халқларига қилган мурожаатида миллий чегаралаш ўтказилиш бошлаган вақтдан бошлаб «биз чоризмнинг мустамлака-қулдорлик сиёсатидан мерос бўлиб қолган чигал миллий-ҳуқуқий муносабатларнинг озми-кўпми яшамоқда бўлган қолдиқларини ва сарқитларини қатъий тугатамиз»³¹⁷ деб айтилган эди.

II Интернационалнинг ўз вақтида муваффақиятсизликка учраган лидерлари Урта Осиёда миллий чегаралаш ўтказилишини қоралашга уриниб кўрдилар. Улар бунда рус коммунистларини интернационал принципларни унутиб қўйишда, миллий чекланганлик ва айримликни кучайтириш ва мустаҳкамлашда айбладилар³¹⁸. Ҳақиқатда эса, марксизм-ленинизм душманларининг бундай даъволари интернационализмнинг улуғ принципларига доим содиқ бўлган Коммунистик партиянинг миллий сиёсатига ғаразли бўхтондан иборат эди.

Миллий-давлат чегаралаш ўтказилиши ва янги совет миллий республикалари барпо қилиниши ўлка халқларини социалистик миллатларга бириктиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, миллатлар маълум тарихий даврнинг, маълум ишлаб чиқариш муносабатларининг маҳсулотидир. Агар буржуазия миллатлари ўсиб келаётган капитализмнинг маҳсули бўлса, социалистик миллатлар эса, янги социалистик тузумнинг маҳсулидир. Шундай қилиб, миллатлар маълум базиснинг самараси ҳисобланади.

Лекин шунинг билан бирга устқурма, дастлаб давлат каби устқурма ҳам, миллатларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Баъзи давлат тузилиши халқларнинг миллатларга бирлашиш процессини секинлаштириши мумкин. Масалан, революциядан олдин Ўрта Осиёда ҳукм сурган Бухоро ва Хева хонликлари ҳамда Туркистон генерал-губернаторлиги шундай давлат ташкилотлари эди.

Иккинчи хил давлат тузилиши миллатларнинг бирлашиши ва ривожланишининг қонуний процессини тезлаштиради. Дастлаб совет давлат тузуми ва Шарқий Европа ҳамда Осиё мамлакатларидаги халқ-демократик давлат тузуми шундай давлат тузилиши ҳисобланади.

Ягона кўпмиллатли совет социалистик давлат — СССРга бирлашган Совет миллий давлат тузумлари — иттифоқчи ва автоном республикалар, автоном областлар ҳамда миллий округлар пролетарлар диктатурасининг бизнинг мамлакатимизда янги социалистик миллатларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминловчи мақсадга мувофиқ давлат шакли ҳисобланадилар.

Шу туфайли миллий чегаралаш ўтказиш ва совет миллий республикаларини барпо қилиш Ўрта Осиё халқларини тегишли социалистик миллатларга бирлаштиришда муҳим факторлардан ва этаплардан бири бўлиши керак эди ва худди шундай бўлди.

1934 йилдаёқ профессор И. Левин 1924 йилдаги миллий чегаралаш Ўрта Осиё халқларини миллий бирлаштиришнинг ҳал қилувчи ва муҳим босқичларидан бири бўлган эди деб бутунлай тўғри фикрни айтган эди.³¹⁹ Хусусан, ўзбек ерларининг Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасига бирлаштирилиши Ўзбекистон халқларини социализмга томон кучли ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ўзбек социалистик миллатини бирлаштиришда ва уни янада ривожлантиришда муҳим факторлардан бирини яратиб берди.

Миллий-давлат чегаралаш ўтказилиши даврига келиб, Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари каби, ўзбеклар ҳам социалистик миллат бўлиб шаклланишини юқорида айтиб ўтган эдик. Ўзбекларда миллатга хос бўлган ҳамма асосий белгилар ривожланмоқда эди.

Октябрь революцияси ғалаба қилган пайтдан бошлаб, ишчилар синфи ва деҳқонлар жамиятининг асосий синфлари бўлиб қолди. Рус ишчилар синфи билан ўзбек деҳқонлари ўртасидаги, шунингдек Ўрта Осиёнинг бошқа миллатлари деҳқонлари оммаси ўртасидаги иттифоқ борган сайин мустақамланди. Рус ишчилар синфи Ўрта Осиёнинг ҳамма миллатларидан ишчилар синфи етиштириб чиқаришга ёрдам берди.

Бошқа қардош миллатлар каби, ўзбек социалистик миллатининг шаклланишида ҳам Коммунистик партия раҳбар куч бўлди. Миллатларда раҳбарлик ролини даъво қилган буржуа-миллатчи группалар революциянинг ривожланиб боришида, Урта Осиёда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустақамланишида тор-мор этилдилар. Урта Осиё Республикаларининг коммунистик ташкилотлари буржуа миллатчилари, троцкийчилар ва бошқа душман туруҳларга қарши курашда чиниқди.

Биз Урта Осиё халқларининг 1924—1925 йилдаги миллий бирлашиш даражасини ошириб кўрсатмоқчи эмасмиз, албатта. Миллий-давлат чегаралаш ўтказилиши даврида туркманлар, ўзбеклар ва Урта Осиёнинг бошқа халқларини социалистик миллатларга бирлаштириш тугалланмаган эди, бу иш ҳали эндигина бошланган эди. 1924 йилда Урта Осиё халқлари орасида эски патриархал-феодал муносабатлар қолдиқларининг кучли бўлиши бунинг асосий сабаби эди.

Октябрь революциясининг ғалабаси Урта Осиё халқларининг иқтисодий бирлиги таркиб топишининг қонуний процессини тезлаштирди. Аммо баъзи районларнинг эски иқтисодий айримлиги қолдиқлари ҳали бутунлай тугатилмаган эди. Бу тўғрида М. И. Калининнинг Ўзбекистон Компартияси I съездида қилган нутқини эслайлик. «Энди Ўзбекистоннинг ўзи.— деган эди у, — афтидан, уч қисмдан: Тошкент, Бухоро ва собиқ Хева хонлигидан иборат. Албатта, бу ерда ҳам қийинчиликлар содир бўлади. Бу қисмлар парчалаб юборилган бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида ҳаёт кечиришга ўрганиб қолган эди, бу ерда ҳам бу қисмларни жипслаштира оладиган зўр санъат, такт талаб қилинади...»³²⁰ Мана шунинг учун ҳам М. И. Калинин Ўзбекистон коммунистларини бу қийинчиликларни ҳисобга олишга ва «илгари бўлиб юборилган бу қисмларни бир бутун қилиб бирлаштиришда» максимал такт ва билимдонлик кўрсатишга чақирди.³²¹

Шундай қилиб, миллий-давлат чегаралаш ўтказилиши ва совет миллий республикалари барпо қилиниши, ўзбек социалистик миллатининг шаклланишида муҳим этаплардан бири бўлди. Мамлакатимизда социализмнинг ғалабасигина социалистик миллатларнинг, шу жумладан Урта Осиё социалистик миллатларининг қатъий таркиб топиш даври ҳам бўлди.

Миллий чегаралаш ўтказилиши, Урта Осиё миллий республикаларининг барпо этилиши ва ривожлантирилиши муҳим халқаро аҳамиятга эгадир. У мустамлака ва қарам мамлакатларнинг эзилган миллионларча оммаси онгига зўр сиёсий таъсир кўрсатди.

Урта Осиёнинг миллий-давлат чегараланиши халқларнинг миллий давлат тузумини яратишнинг мақсадга мувофиқ процессларидан бири, Коммунистик партия миллий сиёсатини амалга оширишнинг муҳим натижаларидан бири ҳисобланади.

Совет Иттифоқининг оламшумул-тарихий ютуқлари ҳамма мамлакатларнинг миллионларча меҳнаткашларини ўз социал ва миллий озодлиги учун курашга илҳомлантирмоқда.

Халқ демократияси мамлакатлари ўз социалистик ривожланишида Совет Иттифоқи коммунистик қурилишининг бой тажрибаларини, шу жумладан миллий масалани ҳал қилишнинг тажрибаларини чуқур ўрганмоқдалар ва ўзларида қўлламоқдалар.

* * *

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида, рус халқининг ва СССРнинг барча халқларининг қардошларча ёрдамида, ўзбек халқи қисқа тарихий муддат ичида ўзининг собиқ сиёсий, иқтисодий ва маданий қолоқлигидан қутулди, амалий тенгликка эришди ва Ўзбекистон социализм мамлакатига айланди.

Совет мамлакатада индустрлаштиришнинг ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришнинг муваффақиятли амалла оширилиши туфайли, Ўзбекистон ССР мамлакатимизда кучли индустрлашган-колхозлашган республикалардан бирига айланди.

Урушдан олдинги беш йилликларнинг ўзидагина республикада 515 та йирик саноат корхоналари қурилди. Улуғ Ватан уруши йилларида ва урушдан кейинги даврда 500 дан ортиқ янги фабрика ва заводлар қурилди. Ҳозирги пайтда республика саноатининг ялпи маҳсулоти 1913 йилдагига нисбатан деярли 13 марта ўсди³²².

Ўзбекистонда ҳозирги замон оғир саноати барпо қилинди ва у тезлик билан ривожлантирилмоқда. Унинг салмоғи республика саноати маҳсулотлари умумий миқдорининг 1940 йилдаги 13,3 процентига нисбатан ва 1913 йилдаги 2 процентга нисбатан 50 процентга яқинини ташкил этади.

Шунингдек, кўмир, нефть, металлургия, машинасозлик ва оғир индустриянинг бошқа тармоқлари тез ривожланмоқда. Ўнлаб йирик электростанциялар қурилди.

Ўзбекистонда янги социалистик шаҳарлар ва саноат марказлари: Чирчиқ, Оҳангарон, Нукус, Ленинск, Янгийўл, Олмалиқ, Бекобод ва бошқалар қад кўтарди. Қадимий шаҳарлар — Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухоро ва бошқалар

бутунлай қайта қурилди ва йирик социалистик шаҳарларга айланди.

Октябрь революциясидан олдин Ўзбекистонда ишчилар синфи эндигина пайдо бўла бошлаган эди. Социалистик тузум шароитида ишчиларнинг кўпсонли кадрлари етиштирилди. 1939 йил рўйхат маълумотига қараганда, республика халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишчилар сони 438,8 минг кишига, шу жумладан саноат корхоналарида ишчилар сони 122,2 минг кишига етди³²³. Урушдан олдинги 1939/1940 йилларда, уруш йилларида ва урушдан кейинги даврда янги саноат корхоналари бунёдга келтирилиши туфайли индустрия ишчиларининг сони анча кўпайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР саноатининг ўзида 300 мингдан ортиқ киши ишлайди.³²⁴

Маҳаллий миллатлардан ишчилар синфини етиштиришда Совет Иттифоқининг саноат марказлари муҳим роль ўйнади.

Москва, Ленинград, Урал, Кузбасс, Боку ва Донбасс ишчиларининг донмий ёрдам беришлари туфайли, ўзбеклар ичидан малакали кадрлар — металлурглр, кончилар, тўқимачилар, бинокорлар ва бошқа касб эгалари тайёрланди.

Ленинча кооператив планнинг амалга оширилиши қишлоқларга бахтли ва фаровон ҳаёт олиб келди. Қишлоқларда эски ишлаб чиқариш муносабатларнинг янги коллективчилик муносабатлари билан алмаштирилиши туфайли, бутун Совет Иттифоқи каби Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда ҳам катта ютуқларни қўлга киритиши мумкин бўлди.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва техника жиҳатидан қайта қуриш асосида Совет Ўзбекистони СССРнинг асосий пахта базасига айланди.

